

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Ш.Х.АБДУЛЛАЕВА

ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯ

(дарслик)

*Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
буйруғига асосан барча таълим йўналиши талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2021

Ушбу дарслик олий ўқув юртларининг талабалари, стажёр изланувчи-тадқиқотчилари ҳамда ижтимоий-психология муаммолари билан қизиқадиган барча мутахассисларга мўлжалланган бўлиб, унда ижтимоий психология фанининг мақсади ва вазифалари, ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиш тарихи, ижтимоий психологиянинг назарий, илмий манбалари, дастлабки ўтказилган илмий тадқиқотлар ва улардан чиқарилган хулосалар асосида унинг ўз предметининг англаш жараёнлари мухтасар баён этилган. Дарсликда ижтимоий психология ўрганадиган алоҳида мавзулар, уларни шакллантирувчи ижтимоий психологик омиллар ижтимоий гуруҳлар ўртасида тадқиқот олиб боришда қўлланиладиган асосий ва ёрдамчи методлар ва уларга қўйиладиган талаблар ҳам тавсифланган. Жумладан, ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммолари, ижтимоийлашувда шахс ва фаолият, ижтимоий ҳуққ мотивлари, шахс тараққиётининг ёшга ва ижтимоий омилларга боғлиқ хусусиятлари, муомала техникаси ва стратегияси, гуруҳларнинг ижтимоий характери, бошқарув, ижтимоий низолар муммоси ва ижтимоий психологиянинг тадбиқий соҳаларига оид илмий асосланган таърифлар, мисоллар билан мустаҳкамланган тарзда келтирилган.

Учебник предназначен для студентов вузов, стажеров-исследователей и всех специалистов, интересующихся проблемами социальной психологии. На основе сделанных из них выводов кратко описаны процессы понимания своего предмета. В учебнике также описаны конкретные темы, изучаемые в социальной психологии, социально-психологические факторы, которые их формируют, основные и вспомогательные методы, используемые в исследованиях между социальными группами, и требования к ним. К ним относятся методологические проблемы социально-психологических исследований, личности и активности в социализации, социальные мотивы поведения, возрастные и социальные факторы развития личности, поведенческие приемы и стратегии, социальная природа групп, менеджмент, проблема социального конфликта и прикладные области социальной психологии. ...крепил примерами.

This textbook is intended for university students, trainee researchers and all professionals interested in the problems of social psychology. on the basis of the conclusions drawn from them the processes of perception of its own subject are briefly described. The textbook also describes the specific topics studied in social psychology, the social psychological factors that shape them, the main and auxiliary methods used in research between social groups and the requirements for them. In particular, scientifically based definitions of methodological problems of social psychological research, personality and activity in socialization, motives of social behavior, age-related features of personal development, treatment techniques and strategies, social nature of groups, management, social conflict and applied areas of social psychology, reinforced with examples.

Такризчилар:

Ш.Р.Баратов – БухДУ, “Психология” кафедраси мудири, психол.ф.д, профессор

Ф.Н.Халилов – ТДШУ, “Педагогика ва психология” кафедраси профессори, п.ф.д.

Х.Х.Жабборов - ТДШУ, “Педагогика ва психология” кафедраси катта ўқитувчиси
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Университет Илмий Кенгашнинг 2021 йил мартдаги - сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Барча замонларда ҳам халқлар, миллатлар ўз ўтмиши, урф-одатлари, қадриятлар тизими, ижтимоий нормаларини ва асрий анъаналарини ижтимоий психологик омилларини ўрганиб бориши маърифий ҳамда тарбиявий аҳамият касб этиб келган. Зеро ҳар бир халқнинг, миллатнинг миллий характери, этнопсихологик хусусиятлари, ўз миллий анъаналари, удумлари, бебаҳо қадриятлари мавжудки, уларни асраб-авайлаш, ҳурмат қилиш, келгуси авлодга етказиш орқали уларда миллий ғурур ва ифтиҳор ҳисларини ривожлантириш, ўз қадриятларини улуғлаш билан боғлиқ фазилатларни шакллантириш ҳар бир даврда ҳам энг долзарб ижтимоий психологик муаммолардан бўлиб келган.

Ўзбекистон худуди қадимдан турли халқлар ва элатлар яшаб келган минтақа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз чиқишларида “Энг аввало ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихи, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш устувор вазифалардан ҳисобланади”, деб таъкидлаб ўтадилар. Қолаверса мазкур йўналишдаги ишлар 2020 йилнинг “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номланиши билан Ўзбекистонни ривожланиш тарихидаги илк инқилобий даврни бошланиши деб ҳисобласак айни муддао бўлади.

Бу борадаги ишларни жадаллашуви Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларни саломатлигини сақлаш, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълимни сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутди.

Президентимизнинг зиёлилар ва миллатимиз фидойилари олидига қўйган бу вазифалари юртимизда психологияни бир амалий тармоғи ҳисобланган ижтимоий психологиянинг ривожланиши ва янгидан-янги тадқиқотларни олиб борилиши учун амалий дастур бўлди. Таълим-тарбияни сифат босқичига ўтилишида, ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришда ижтимоий психологик билимларнинг ўрни мавжудлиги эътироф этилди. Педагог ва психологлар тайёрловчи барча олий ўқув юртлари ўқув режасига “Ижтимоий психология” фанини киритилганлиги бу соҳанинг амалий аҳамияти ва нуфузини янада мустаҳкамроқ кўрсатди.

Ушбу дасрликда ижтимоий психология ўрганадиган алоҳида мавзулар, уларни шакллантирувчи ижтимоий психологик омиллар ижтимоий гуруҳлар ўртасида тадқиқот олиб боришда қўлланиладиган асосий ва ёрдамчи методлар ва уларга қўйиладиган талаблар ҳам тавсифланган. Жумладан, ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммолари, ижтимоийлашувда шахс ва фаолият, ижтимоий ҳуққ мотивлари, шахс тараққиётининг ёшга ва ижтимоий омилларга боғлиқ хусусиятлари, муомала техникаси ва стратегияси, гуруҳларнинг ижтимоий характери, бошқарув, ижтимоий низолар муммоси ва ижтимоий психологиянинг тадбиқий соҳаларига оид илмий асосланган таърифлар, мисоллар билан мустаҳкамланган тарзда келтирилган.

Дарслик психология фанлари доктори, доцент Ш.Х.Абдуллаева томонидан ёзилди. Дарслик олий ўқув юртларининг барча йўналишдаги талабалари, стажёр-изланувчи-тадқиқотчилари ҳамда ижтимоий психология муаммолари билан қизиқадиган барча мутахассисларга мўлжалланган

Муаллиф

I-БОБ. ИЛМИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ

Режа:

- 1.1.Ижтимоий психология фанининг предмети
- 1.2.Ижтимоий психология фанининг вазифалари
- 1.3.Илмий фанлар тизимида ижтимоий психологиянинг ўрни
- 1.4.Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши

Таянч тушунчалар: Ижтимоий психология фанининг мақсади, предмети ва вазифалари, ижтимоий психологик назария, ижтимоий ғоя, ижтимоий воқелик, ижтимоий онг, ижтимоий психологик тадқиқотлар, ижтимоий фаолият, жамоа, гуруҳ.

1.1.Ижтимоий психология фанининг предмети

Барча фанларни ўз ўрганиш предмети бўлгани каби ижтимоий психология фанининг ҳам предмети мавжуд. Ҳозирги кунда ижтимоий психология фанининг предмети куйидагича таърифлаш мумкин: ижтимоий психология - одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллари тушунтириб берувчи фандир. Чунки кўп вақт давомида ижтимоий психология фанининг предмети борасида тортишувлар кечгандир. Сабаби - ижтимоий психология фани икки турдаги қонуниятлар - ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятлари билан иш олиб боради. Шунинг учун бўлса керак ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ва у ўрганадиган соҳалар борасида турлича қарашлар ва тортишувлар мавжудлигини кузатамиз. Масалан, таниқли немис олимлари Г.Гибш ва М.Форверглар бу фаннинг предмети куйидагича таъриф берадилар: "Одамлар уюшмаси кооперациялар - ижтимоий психологик тадқиқотларнинг асосидир, унинг объекти эса ижтимоий ўзаро таъсирдир". Демак ҳар қандай одамлар уюшмасида содир бўладиган ўзаро таъсир жараёнлари, уларни уюшишга мажбур қиладиган шарт-шароитлар ҳамда мотивлар ижтимоий психология ўрганиши керак бўлган соҳалардир.

Рус социологлари Г.П.Предвечный ва Ю.А.Шерковинларнинг "Социал психология" китобида эса унинг предмети "объектив борлиқнинг ва унда бўй берадиган ҳодисаларнинг психика томонидан ўзига хос тарзда инъикос этилишидир", - деб ҳисобланилади. Бу муаллифлар ижтимоий психологиянинг барча ўрганиш объектларини шарҳлар эканлар, кўпроқ социологик ёндашиш

билан муаммоларни ечишга ҳаракат қилганлар. Ижтимоий психологиянинг мавзу баҳсини таърифлашга айнан психологик ёндашув А.В.Петровский ва В.В.Шпалинскийларнинг «Жамоанинг ижтимоий психологияси» китобларида баён этилган.

Бу муаллифларнинг фикрича, «Ижтимоий психология - психология фанининг шундай тармоғи, у турли уюшган ва уюлмаган гуруҳлардаги одамларнинг мулоқоти, ўзаро таъсир ва муносабатларидан келиб чиқадиган психик ҳодисаларни ўрганади." Шунинг учун ҳам Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил ёндашиш борлигини эътироф этади. Биринчиси, социологик ёндашиш бўлиб, унинг тарафдорларининг фикрича, ижтимоий психология асосан оммавий психологик жараёнларни халқлар психологияси, оммавий маросимлар, удумлар, расм-русмларнинг инсон онгига сингиши, ижтимоий хулқ-атворда намоён бўлишини ўрганиши керак.

Иккинчи-психологик ёндашув тарафдорлари асосан психологлар бўлиб, улар асосий диққатни шахснинг ижтимоий психологик хислатларига, унинг турли гуруҳларда тутган ўрни, мавқеи, ижтимоий установкалар ва ҳоказоларга қаратмоқ лозим, деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда, ҳозирда ҳам социологик ҳам психологик қарашларни биргаликда мужассамлаштираётган олимлар ҳам борки, улар ҳам оммавий жараёнларни, ҳам шахснинг шу жараёнлардаги хулқ-атворлари мотивларини ўрганишни ёқлаб тадқиқотлар ўтказмоқдалар.

Америка ижтимоий психологиясида ҳам ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси борасида узоқ тортишувлар мавжуд бўлган. Чунки, шу пайтгача шахс ва жамият муаммолари соҳасида икки хил ёндашув бўлиб келган эди: психология инсон табиатини, унинг психикасини, социология эса, жамият табиати, психикасини ўрганиб келди. Ижтимоий психология пайдо бўлдики, у инсоннинг жамиятга муносабатининг психологик томонини ўрганмоқда. Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларга риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш - ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Ижтимоий психология фанининг предмети (1.1-расм)

1.1-расм

**Ижтимоий психология фанининг
предметини қуйидагилар ташкил этади**





1.2. Ижтимоий психология фанининг вазифалари

Ижтимоий психология фанининг асосий вазифалари - баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, руҳий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усуллари ҳаётга тадбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишининг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир. Таниқли француз олими Серж Московиси: “Ижтимоий психологиянинг вазифаларини бевосита жамият белгилайди”, деб ёзган эди. Демак, фан сифатида ижтимоий психологиянинг олдида турган вазифалари, муаммолари бевосита жамиятдан келиб чиқади. Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс мавзусини ўз предметини қайси объектларга қаратмоқда ва бундан келиб чиқиб бу фан олдида қандай вазифалар мавжуд?

Кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси. Биринчидан, унинг асосий йўналиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. Ҳар бир шахс ҳамиша маълум ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-куйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси ва ҳоказолардир. Шахснинг якка ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий таъйиққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, ўзаро муносабатлар шароитини яратиш - бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир.

Гуруҳлардаги кишилар ўртасида ўзаро мулоқот, ўзаро бир-бирига таъсир усуллари, одамларни самарали мулоқотга ўргатиш ҳам гуруҳлар ижтимоий психологиясининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш. Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Шахсни ижтимоий психологик ўрганиш тадқиқотларининг объекти сифатида қаралганда, аввало унинг хулқатвори, ижтимоий мотивлари, унинг йўналишлари, хулқ-атвор нормалари, шахснинг жамиятда турли ижтимоий роллари, мавқеи, ижтимоий қўшилиш омиллари-ижтимоийлашуви; шахснинг ўз-ўзига баҳоси, муносабати, ҳурмати ҳамда ижтимоий, тарихий ва маданий шартшароитларнинг шахс онгига таъсири, шахс типлари ўрганилади.

Оммавий ижтимоий-психологик ҳодисалар Учинчидан, жамият миқёсида рўй берадиган оммавий ҳодисалар ижтимоий психология учун

тадбикий аҳамиятга эга. Ижтимоий психологияда оммавий ҳодисалар деганда турли кишилар гуруҳида шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсир жараёнлари; миллий этнопсихология ҳамда синфлар психологияси муаммолари; миллий маданият, урф-одатлар, анъаналар, удумлар, ақидаларнинг шахс шаклланишидаги роли; оломон психологиясига оид психологик қонуниятлар; турли гуруҳларда одамларнинг бир-бирини идрок қилишлари ва тушунишлари, ўзаро таъсир масалалари тушунилади. Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш - масалага бир ёқлама ёндашиш билан баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келаётган анъаналар, расм-русумлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига эга.

Оила-ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида Тўртинчидан, оила-ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида. Бу ерда оилага хос психологик жараёнлар, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий можароларнинг психологик омиллари, оилада бола тарбиясининг ижтимоий психологик методлари ўрганилади. Ажратилган вазифалардан яна бири шуки, ҳозирги даврда ижтимоий психология ўзи билан бевосита алоқадор бўлган бошқа психология тармоқлари билан ҳамкорликда кескин ўзгаришлар даврида ҳар бир инсон онгида нима содир бўлади, у бу ўзгаришларни қандай идрок қилмоқда, унинг ҳаётий мавқеини қандай қилиб мақсадга мувофиқ тарзда фаоллаштириш мумкин, деган саволларга илмий асосланган жавоб топиб беришдир. Бошқарув психологияси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ҳам шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан тадбикий соҳалардир.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ўз ичига олган масалалардан бири - бу муомаладир. Психолог олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим тадбикий йўналишларидандир. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ҳозирги ижтимоий психологиядаги муҳим муаммолардандир.



1.3. Илмий фанлар тизимида ижтимоий психологиянинг ўрни

Илмий фанлар тизимида ижтимоий психологиянинг алоҳида ўрни мавжуд бўлиб, у асосан ижтимоий воқелик, ижтимоий ходиса ва қонуниятларни ўрганади.

Ижтимоий психологиянинг назарий манбалари:

- ❖ Ҳалқлар психологияси назарияси
- ❖ Ижтимоий ҳуқ-атвор инстинктлари назарияси
- ❖ Омма психологияси назарияси

Ижтимоий психологиянинг амалий йўналишлари:

- ❖ Кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси
- ❖ Шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш
- ❖ Мулоқот психологияси
- ❖ Оммавий ижтимоий-психологик ҳодисалар
- ❖ Оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар
- ❖ Бошқарув психологияси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси

Психология фанини муайян соҳаларга бўлишда аниқ, яққол фаолиятининг психологик томони, инсоннинг жамиятга нисбатан психологик муносабати, тараққиётининг психологик жабҳаси асос қилиб олинган. Қуйида психология соҳаларининг тавсифига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Умумий психология - умумий психологик қонуниятлар, механизмлар, мураккаб ички боғланишлар, назарий ва методологик принциплар, илмий тадқиқот методлар, психиканинг фило ва онтогенетик ўзгаришларини, илмий тушунчалар ва категориялар, билиш жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқот қиладиган соҳа. Умумий психология фани асосий категориялар, тушунчалар, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, индивидуалти-психологик хусусиятларни ўз ичига олади.

Экспериментал психология - экспериментал методлар ёрдамида психик ҳодисаларни тадқиқ қилишнинг умумий соҳаси. Психология фан сифатида фалсафадан ажралиб чиқишида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш асосий роль ўйнаган.

Меҳнат психологияси - инсоннинг меҳнатга муносабати, меҳнат фаолиятининг қонуниятлари ва ривожланишини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Меҳнат психологиясининг объекти ишлаб чиқаришда ва меҳнатда шахснинг фаолияти, уни ишдан бўш вақтининг, дам олишининг ишлаб чиқаришга таъсирини ҳам текширган. Меҳнат унумдорлигига ишчини боқиш учун кетган сарфлар миқдори кўп бўлса, унга қанча қулай шарт-шароит яратилса, шучалик ижобий таъсир юзага келади. Шу асосда юқоридаги фанлар меҳнаткашга психологик илиқ муҳит яратиш учун меҳнат психологиясига ёрдам беради.

Авиация психологияси - авиасаноат ва авиахизматчиларнинг меҳнат фаолиятида кечувчи психологик қонуниятларни ўрганади. Авиация психологиясининг предмети мураккаб авиация тизимини бошқаришдаги инсон психикасининг ролини текширишдан иборат. Авиация психологияси

объекти шахс фаолияти, жамоа тузилишини ташкил қилишнинг шарт-шароитлари ҳисобланади.

Муҳандислик психологияси - инсон ва машина ўртасидаги муносабатни, инсонга машинанинг психологик таъсирини ва инсоннинг машина билан муносабати жараёнининг психологик қонуниятларини тадқиқот методлари ёрдами билан ўрганувчи психология соҳаси. Муҳандислик психологияси фан-техника революцияси таъсирида вужудга келган бўлиб, қуйидаги муаммоларни текширади:

- 1) инсон ва ЭХМ каби автоматика тизими юкламасида инсон вазифасини таҳлил қилиш;
- 2) ЭХМ операторларининг ҳамкорлик фаолиятида мулоқот жараёни ва уларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ қилиш;
- 3) оператор фаолиятининг психологик тузилишини таҳдил этиш;
- 4) оператор ишининг сифатига, тезлигига, самарадорлигига таъсир килувчи омил-ларни текшириш;
- 5) инсон томонидан ахборот қабул қилишни тадқиқ этиш;
- 6) оператор фаолиятини бошқариш механизмини ўрганиш;
- 7) ЭХМни бошқаришдаги буйруқларни инсон томонидан қабул қилиш хусусиятини аниқлаш;
- 8) операторлар учун психодиагностика ва профорентация методларини ишлаб чиқиш;
- 9) операторларни ўрганишни оптималлаштириш.

Космик психология - вазнсизлик ва бўшлиқда аниқ мўлжал ола билмаслик шароитида, организмда жуда кўп ортиқча таассуротлар юкланган пайтда рўй берадиган нерв-психологик зўриқиш билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолатлар туғилганда киши фаолиятининг психологик хусусиятларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси.

Экстремал психология - инсоннинг ўзгарган муҳит шарт-шароитларида психик фаолиятининг кечиши қонуниятларини ўрганадиган психология соҳаси. Экстремал шароитда инсонга бир қанча факторлар таъсир қиладди: монотония, макон ўзгариши, хавф омили, вақт, шахсий аҳамиятга молик ахборотнинг ўзгариши, ёлғизлик, гуруҳий изоляция ва ҳаётий хавф. Экстремал шароитга инсон мослашишининг биологик вазифаси экстремал шароитда ишловчиларни танлаб олиш (космос, арктика, ёнғин ва ҳоказо), машклантириш, тренинг ўтказишдан иборат.

Педагогик психология - тарбия ва таълим муаммоларини тадқиқ қиладиган психология соҳаси. Педагогик психология шахснинг мақсадга мувофиқ ривожланиши, билиш фаолиятининг ва шахсда ижтимоий ижобий сифатларни тарбиялашнинг психологик муаммоларини ўрганади.

Тиббиёт психологияси - касалларнинг даволаниши, гигиена, профилактика, диагностика жабҳаларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Тиббиёт психологиясида тадқиқотлар тизимига касалликларнинг кечиши, уларнинг шахс психологиясига таъсири қонуниятлари, инсоннинг касалликдан соғайишига микросоциал гуруҳ таъсири ўрганилади. Тиббиёт психологияси ўз ичига клиник психология, патопсихология, нейропсихология, соматопсихология каби бўлимларни қамраб олади. Тиббиёт психологияси таркибига психотерапия соҳасини ҳам киритадилар. Тиббиёт психологиясининг асосий муаммоси касалликни даволашнинг инсон психологиясига таъсирини тадқиқ қилишдир.

Юридик психология - ҳуқуқ доирасидаги муносабатлар одамларнинг психик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш механизмлари ва қонуниятларини ўрганувчи психология соҳаси. Юридик психология умумий психологиянинг методлари ва ўзига хос уларнинг шакллари қўллабди. Ҳозирги замонда унинг бир қанча билимлари мавжуддир: криминал психология, суд психологияси, жиноятчиларни қайта тарбиялаш психологияси, яъни пенитенциар психологияси ёки ахлоқтузатиш меҳнат психологияси кабилар.

Ҳарбий психология - ҳарбий фаолиятнинг инсон психикасига таъсири, ҳарбий фаолиятнинг хусусиятларини психологик қонуниятларини ўрганувчи, тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Жангчи шахсининг психологик факторларини текшириш ҳарбий психологиясининг асосий муаммоларидан биридир. Ҳарбий жамоаларда шахслараро муносабатлар, командирлар билан жангчилар мулоқотининг психологик хусусиятлари, фавқулоддаги ҳолатларда ҳарбий хизматдаги кишилар психикасининг ўзгариши, бўлинмаларда психологик муҳит масаласи, ҳарбий-ватанпарварлик туйғусини шакллантириш бирламчи муаммо эканлиги ва ҳоказо.

Спорт психологияси - спорт мусобақалари ва машқланиш фаолиятида инсон психикасининг ривожланиши, гуруҳий муносабатларнинг психологик қонуниятларини тадқиқ қилувчи психология соҳаси. Мазкур соҳа XX асрнинг 60-70-йилларида жадал суръатлар билан ривожлана бошлади ва унинг илк тадқиқотлари спортчиларнинг индивидуал-психологик фарқларини ўрганишга қаратилган эди. Ҳозирги даврга келиб эса спорт психологияси ўрганаётган муаммолар кўлами кенгайди, шу боисдан унинг асосий вазифаси спортчиларнинг психик ва жисмоний камолотига таъсир ўтказувчи муҳим шарт-шароитларни яратиб беришдир. Бундан ташқари, спорт психологияси спортчиларнинг шахс сифатида ривожланишига, эришган ютуқларига психологик ёрдам кўрсатиш жабҳалари билан ҳам шуғулланади.

Савдо психологияси - жаҳон мамлакатларида кенг ривожланган бўлиб, тижорат таъсирининг психологик негизлари, объектив ва субъектив шарт-

шароитларини, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга, жинсга оид ва бошқа хусусиятларини, харидорларга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайдиган соҳа.

Ижодиёт психологияси - бадий қадриятларни ўзлаштиришда, уларнинг янги кўринишларини ижод қилишда ва шу қадриятларни инсон томонидан идрок қилишда кечадиган психологик ҳолатларни ҳамда бу ҳолатларнинг шахс ҳаёти, фаолиятига таъсирини ўрганувчи психология соҳаси. Ижод психологияси бир томондан психологизм таъсири остида, иккинчи томондан эса аксилпсихологизм исканжасида ривожланади. Психологизм тарафдорлари бадий асарлар яратилиши индивидуал онг таъсирида вужудга келади, деб талқин қилишади. Аксилпсихологизм бу асарларга субъектнинг психик фаоллигининг таъсирини инкор қилди.

Ёш психологияси - шахснинг психик ривожланиш қонуниятларини инсон туғилишидан то умрининг охиригача бўлган даврни, яъни онтогенезни ўрганадиган психология соҳаси.

Махсус психология - нормал психик ривожланмаган туғма ёки кейинчалик орттирилган нуқсонлар, дефектлар таъсири остидаги инсонларнинг психологиясини тадқиқот қилиш соҳаси. Унинг бир неча бўлимлари мавжуд: патопсихология - ривожланиш жараёнида психиканинг айнаши, миёдаги касалликнинг турлича кечиши, психиканинг тамоман издан чиқиши ҳолларини ўрганувчи соҳа; олигофренопсихология - психик ривожланишнинг миёдаги туғма асоратлар билан боғлиқ патологияси тўғрисида тадқиқот ишларини олиб борувчи соҳа; сурдопсихология – кулоқ эшитишнинг бутунлай қар бўлиб қолгунга қадар жиддий камчиликлари, нуқсонлари билан шуғулланувчи, болани вояга етказишнинг омилкор йўл-йўриқларини топувчи, коррекцион-тузатиш ишларини олиб борувчи соҳа; тифлопсихология - чала кўрувчи ва мутлақо кўзи ожиз одамларнинг психологик ривожланишини тадқиқ қилувчи соҳа. Махсус психологиянинг яна ўзига хос тор бўлимлари ҳам мавжуд бўлиб, инсонларнинг касаллиги, нуқсони, ақл-идрок даражаси, нутқ фаолияти патологиясига биноан тадқиқот ишлари олиб борилади.

Қиёсий психология - психологиянинг мураккаб бўлимларидан бири бўлиб, психиканинг филогенетик ҳолатлари ва уларнинг шаклларини тадқиқ қиладиган соҳа. Қиёсий психологияда ҳайвонлар психологияси одамларники билан қиёсланади, уларнинг хулқ-атворидаги ўхшашликлар ва тафовутлар сабаблари текширилади, ҳаракатлантирувчи кучлар, таъсир ўтказувчи воситалар, омиллар аниқланади.

Дифференциал психология - шахслар ўртасидаги тафовут ва фарқларни ҳамда гуруҳ аъзолари орасидаги номутаносибликларнинг психологик томонларини, яъни психологик фарқларини ўрганувчи психология соҳаси.

Психофизиология - одамларнинг индивидуал психологик ва психофизиологик фарқларини тадқиқ қилувчи, психиканинг генетикасини ўрганувчи психология соҳаси.

Дин психологияси - психологик ва ижтимоий-психологик омилларнинг диний онг билан шартланганлигини, диннинг инсонга таъсирини ўрганувчи психология соҳаси.

Сиёсий психология - жамиятнинг сиёсий ҳаётидаги психологик хусусиятлар, ҳолатлар, қонуниятлар, таъсирчанлик ва таъсир ўтказиш жараёнлари каби жабҳаларни текширувчи психология соҳаси.

Оила психологияси - оиланинг психологиясини ўрганувчи фанлараро тадқиқот қилишга йўналган психология соҳаси. Оила психологияси оиланинг психологик муаммоларини ўрганади, у оилага таъсир қилувчи омилларни, оиладаги роллар тақсимланиши, эр-хотин муносабати, шахслараро муносабат, ёш хусусиятлари, жинсий тафовутларга асосланиб мулоқотга киришиш кабиларни ўрганади.

Бошқарув психологияси - жамиятда фаолият кўрсатаётган шахслар, гуруҳлар ва жамоалар ўртасидаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган назорат, баҳолаш, муносабат қонуниятларини, раҳбар фаолияти ва характери, қобилияти хусусиятларини тадқиқ қиладиган ижтимоий психологиянинг соҳаси.

Фан психологияси - илмий тадқиқот ўтказишнинг самарадорлигини ошириш учун психологик таъсир омилларини ўрганувчи психология соҳаси. Фан психологияси фанга оид бошқа соҳалар билан узвий боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқаришда, илмий марказларда ижтимоий ва индивидуал хусусиятларга эга бўлган психологик қонуниятларни тадқиқ қилади, инсоннинг ижтимоий қобилиятлари, ақлий имкониятлари ҳамда улардан унумли фойдаланиш омиларини текширади. Кашфиётлар амалга оширилиши негизлари, механизмлари, шарт-шароитлари ва унда инсон омилнинг роли каби ҳолатларни ўрганади.

Парапсихология - ҳозирги замон фанининг чегарасидан ташқаридаги, тушунтириш қийин бўлган психик ҳодисаларни ўрганади. Экстрасенсорика - ўта сезувчанлик, телепатия - фикрни масофага узатиш, келажакка башорат қилиш ва ҳоказо. Парапсихологияга нисбатан қизиқиш қадимдан мавжуд бўлиб, унга нисбатан ихлос то ҳозирги кунгача камайгани йўқ, гоҳо уни психотроника деб ҳам аташади. Хиромантия - қўл кафтига қараб фол очиш,

инсон келажига ва унинг тақдири ҳақида олдиндан башорат қилишдан иборат ноилмий соҳа.

Ижтимоий психология психологиянинг юқорида келтирилган назарий ва амалий соҳаларининг барчаси билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади.

1.4. Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида ривожланиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг жамиятнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланганлигининг, илмий жиҳатдан эса, фалсафий қарашлар таъсирида бўлиб, соф ижтимоий психологик назарияларнинг жуда оз сонли бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Инсоният тарихини ўрганар эканмиз мутафаккирлар, олимлар, алломалар ижтимоий психологик ҳодисалар билан жуда қизиққанликларини кузатамиз. Лекин улар бу ҳодисаларни ўз даври руҳида, ўз назарий ва ижтимоий қарашлари, ҳаттоки, турли оқимлар доирасида тушунтиришга уринганлар.

Шунинг учун ҳам ижтимоий психологиянинг фан сифатидаги тараққиётини ўрганиш учун ижтимоий психологик муаммолар ёритилган асар ёки кашфиётчининг яшаган даври, унинг сиёсий қарашлари, жамиятнинг тараққиёт хусусиятларини ҳам ўрганиш лозим. Илмий манбалар ижтимоий психологиянинг давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий иқтисод, этика, фалсафа фанларининг ривожланиши билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Айниқса, фан тараққиётига фалсафа фани ўзининг сезиларли улушини қўшган.

Шунинг учун ҳам америкалик олим Г.Олпорт ижтимоий психологик ғояларнинг яратилиши ва ривожланиши фалсафа билан, унинг кўзга кўринган арбобларидан ҳисобланган Платон номи билан боғлиқ деб ёзган эди. Платон ўзининг "Давлат" ва "Қонунлар" деб аталган диалогларида шахснинг жамият билан алоқалари масаласига тўхталиб, жамият индивидга нисбатан ўзгармас бир бирликти, унинг тараққиёти жамият ривожланиши қонунларига бўйсунди, деган фикрни ҳимоя қилган. Унга қарама-қарши фикрни Аристотель баён этиб, индивидни барча ижтимоий ўзгаришларнинг сабабчиси, чунки унда бунга имкон берувчи психологик тизимлар бор, деб ёзади.

Яъни, шахс ва жамият ўртасидаги муносабат масаласи Платонда жамият фойдасига ҳал бўлган бўлса, Аристотелда бу нарса шахс фойдасига ечилган. Улардан кейинги - янги давр файласуфлари - Гоббс, Гельвеций, Локк, Руссо, Гегель, Макиавелли, шарқ файласуфларидан Беруний, Форобийлар ҳам барча асарларида шахс ва жамият қарама-қаршиликларини илмий асосда шарҳлашга уриндилар, лекин ҳеч қайсиси бу муаммони ижтимоий психологик муаммо

даражасига кўтара олмади. XIX асрнинг ўрталарига келиб, капиталистик муносабатларнинг кескинлашуви, турли давлатлар билан иқтисодий алоқаларнинг тобора ўсиб бориши, турли халқларнинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиши - миграция муносабати билан қатор ижтимоий фанлар ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Шу ўринда ижтимоий психологиянинг илмий манбаларидан бири бўлган социология фанининг хизматини кўрсатмай бўлмайди. Социологиянинг асосчилари ҳисобланган Огюст Конт, Герберт Спенсер ва бошқалар, масалан, жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш учун албатта, ўзига хос, айрим психологик ҳолатларни ўрганмоқ лозим, деган фикрни қатъий туриб исбот қилдилар. Улар ҳар бир ижтимоий воқеада руҳий ҳодисалар борлигини исбот қилишга уриндилар. Масалан, француз социологи Г.Тард ҳар бир индивидда "ижтимоий факт" борлигини, бу нарса унинг мия доирасидагина эмас, балки бир қанча миялар алоқаси туфайли мавжуддир, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий хулқ-атвор модели, унинг фикрича, доимо индивидлараро муносабатни ўз ичига олиб, бунда бир индивид бошқа индивидга доимо тақлид қилади, шунинг учун ҳам шахсни ўрганиш бошқа шахсларни инкор қилмаслигини талаб қилади. Шундай қилиб, социологияда психологик йўналиш пайдо бўлди. Тарддан кейин Л.Уорд, Ф.Гиддингс ва бошқалар ижтимоийлик қонунларини жамоа руҳий ҳолати билан узвий равишда ўргана бошладилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий факт - бу ижтимоий ақл, тафаккур бўлиб, у "жамият психологияси" ёки социологиянинг баҳс мавзусидир.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган илмий-фалсафий, ижтимоий манбалар, шарт-шароитлар туфайли ижтимоий-психологик ғоялар шаклланиб борди. Бу қарашлар соф психологияга ҳам ўхшамаган, социология доирасидан чиқиб кетадиган алоҳида фаннинг-ижтимоий психологиянинг пайдо бўлиши учун замин ролини ўтади.

XX аср шу билан характерли эдики, у турли фанлар олдига конкрет топшириқлар қўя бошлади. Шунинг учун психология фани олдида тадқиқотлар асосида психологик қонуниятларни асослаш вазифаси турар эди. Иккинчидан эса, Америкада кўпгина психологлар ўз тадқиқот объектларини лабораторияларда айрим психик жараёнларни ўрганишдан кичик гуруҳларга кўчира бошладилар.

Бу даврда психологияда шаклланиб бўлган уч асосий оқим (психоанализ, бихевиоризм ва гештальт психология) ичида ҳам ижтимоий хулқ-атворни кичик гуруҳлар доирасида ўрганиш тенденцияси пайдо бўлди. Бунда асосий диққат кичик гуруҳларга ва уларда турлича экспериментлар ўтказишга қаратилган эди. Бундай ҳолатнинг пайдо бўлганлиги ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишида ниҳоятда катта роль ўйнади.

Гештальд психология йўналиши негизида махсус ижтимоий психологик йўналишларнинг - интеракционизм ва когнитивизмнинг пайдо бўлганлиги эса бу фаннинг экспериментал эканлигини яна бир бор исбот қилди. Бихевиоризм йўналишлари доирасида ўтказилган ижтимоий психологик тадқиқотлар аввало америкалик олимлар К.Халл ва В.Скиннерлар номи билан боғлиқ. Улар ва уларнинг издошлари ҳисобланган К.Миллер, Д.Доллард, Дж.Тибо, Г.Келли ва бошқалар диада - икки киши ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хил экспериментал кўринишларини тадқиқ қилиб, уларда математик ўйин назарияси элементларини кузатдилар.

Диада шароитида тажрибада ўтказилган тадқиқотларда асосан мустаҳкамлаш ғоясини исбот қилишга уринилди. Классик бихевиоризмдан фарқли ўлароқ ижтимоий психологик бихевиористлар ҳайвонлар ўрнига лабораторияга нақд пулга одамларни таклиф эта бошладилар, шунинг учун ҳам уларнинг ғоясида биологизм ва механизм тарзда илгариги ҳайвонларда тўпланган далиллар моделини инсонларда қўллаш ҳоллари кузатилди.

Психоанализ доирасида эса ижтимоий психологик тадқиқотлар Э. Фромм ва Дж. Салливен ишлари билан боғлиқ бихевиористлардан фарқли ўлароқ бу ерда экспериментлар икки киши эмас, балки кўпчилик иштирокида ўтказила бошлади. Уларнинг издошлари (В.Байон, В.Беннис, Г.Шепарде, В.Шутк) ўтказган тадқиқотлар туфайли ҳозирги кунда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётган кичик Т-гуруҳлар психологияси яратилди. Унда гуруҳ шароитида бир одамнинг бошқаларга таъсири, гуруҳнинг айрим индивидлар фикрларига таъсири каби масалалар ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологик тренинглар ўтказишга асос солинди.

Когнитивизм К.Левин назарияси асосида пайдо бўлган психологик йўналиш бўлиб, ундаги ўрганиш объекти муносабатлар тизимидаги кишилар, уларнинг билиш жараёнлари, онг тизимига тааллуқли бўлган когнитив ҳолатлар бўлди. Когнитизм доирасида шундай мукаммал, бошқаларга ўхшамас назариялар яратилдики, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан, Ф.Хайдернинг баланслаштирилган тизимлар назарияси, Т.Ньюкомнинг коммуникатив актлар назарияси, Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси ва бошқалар шулар жумласига киради. Улардаги асосий ғоя шундан иборатки, шахс ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришар экан, доимо муносабатларда руҳий мутаносиблик тенглик бўлишига, шу туфайли зиддиятлардан чиқишга ҳаракат қилади.

Мақсад - турли ижтимоий шароитларда шахс хулқ-атворининг психологик сабабларини тушунтириш ва зиддиятларнинг олдини олиш учун йўл-йўриқлар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги даврда ҳам таниқли

ижтимоий психологлар Олпорт, Маслоу, К.Роджерс ва уларнинг сафдошлари гуманистик психология доирасида бу ишларни фаол давом эттирмакдалар.

Навбатдаги назария интеракционизм бўлиб, бу аслида социологик назария бўлиб ҳисобланади. Унинг асосчиси Гербарт Мид бўлиб, унинг қарашлари таъсирида Т.Сарбиннинг роллар назарияси, Г.Хаймен ва Р.Мертонларнинг референт гуруҳлар назарияси, Ф.Гофманнинг ижтимоий драматургия назариялари шаклланди. Улар турли ижтимоий шароитлардаги хулқ-атворларни тушунтириш орқали шахс ижтимоий психологик сифатларининг сабабларини топишга ҳаракат қилдилар. Ҳар бир шахс доимо ижтимоий ўзаро таъсир тизимида мавжуд бўладики, унда у тўғри ҳаракат қилиш учун ўзгаларни тушунишга ҳаракат қилиши, ўзгалар ролини қабул қилишга тайёр бўлиши лозим. Лекин ўзгалар ролини тўғри қабул қилиш учун унда “умумлаштирилган ўзга” образи бўлиши лозимки, бу образ шахслараро мулоқот жараёнида, ҳар бир шахс учун ибратли бўлган кишилар гуруҳи билан мулоқотда бўлиш жараёнида шаклланади. Яъни шахс фаоллиги тан олинади, бу эса фан тарихида ўта прогрессив ҳол эди.

Мавзу юзасидан қисқача хулоса:

Ҳозирги замон ижтимоий психология фанининг предмети ва унинг ижтимоий табиати. Ижтимоий психология фанининг тарихи. Унинг расман тан олинishi. Ижтимоий психология фанининг мавзу баҳси. Ижтимоий психология фанининг уч назарий манбалари. Халқлар психологияси назарияси ва унинг асосий ғояси. Бу борадаги М.Лацарус, Г.Штейталл, В.Вундт, А.Потебни ва бошқаларнинг назарий қарашлари моҳияти. Омма психологияси назарияси ва ундаги Г.Тард, С.Сигели, Г.Лебон ёндашувлари. Лебоннинг шахснинг омма ҳолатидаги белгилари таснифи. Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси ва У.Макдугалл, Э.Росс, Ж.Болдуин қарашлари. Ижтимоий психология фани предмети. Предметни тушунтиришда Г.Гибш, М.Форверг, Ю.Шерковин, А.Петровский, В.Шпалинский, Г.Андреева таърифлари. Ижтимоий психология фанининг вазифалари: кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси; шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси, оммавий ходисалар, оила психологияси масалалари, бошқарув ва муомала психологияси.

Ижтимоий психология мустақил фан сифатида ўз тарихи, вужудга келишидаги уч назарий манба: халқлар психологияси, омма психологияси ва ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияларига таянади. Унинг пайдо бўлишида социологик ва психологик ёндашув мавжуд бўлиб, ижтимоий шарт-шароит шу фанни юзага келишига асос бўлгандир. Бу фан психологиянинг алоҳида фан тармоғи бўлиб, унда социология, шахс ижтимоийлашуви,

ижтимоий тасаввурлар, муомала, бошқарув, оила, катта ва кичик гуруҳлар психологияси тўғрисида умумий билимлар ўрганилади, шу билан бирга инсон ва жамият муносабатларидаги ўзига хос илмий ёндашувларни тушуниб олиш имконияти яратилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш саволлар:

1. Ижтимоий психология фанининг тарихи қачондан шаклланди?
2. Ижтимоий психологиянинг уч назарий манбаларини айтиб беринг?
3. Ижтимоий психология фани предмети нималардан иборат?
4. Ижтимоий психология фанининг қандай вазифалари бор?
5. Ижтимоий психологиянинг қандай амалий соҳаларини биласиз?

Тестлар:

1. Ижтимоий психология

- А) тасаввурла ва фикрларни тушунтириб берадиган фандир
- Б) эътиқодлар ва ғояларни тушунтириб берадиган фандир
- С) ҳис-туйғулар, кечинмалар ва хулқ-атворни тушунтириб берадиган фандир

*Д) барча жавоблар тўғри

2. ижтимоий психологиянинг предметиدير.

- А) ижтимоий воқелик, ижтимоий муносабатлар, груҳлар, роллар, мавқе, ижтимоий мотивлар
- Б) ижтимоий норма, ижтимоий санкция, ижтимоий онг, ижтимоийлашув, ижтимоий установкалар

С) А жавоб тўғри

*Д) А ва Б тўғри

3. ижтимоий психологиянинг вазифаларидир.

А) Баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, руҳий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш. Ижтимоий гуруҳлар ва жамаоларни самарали бошқариш усуллари тадқиқ қилиш.

Б) Ижтимоий хулқ-атвор, ижтимоий нормалар ва ижтимоий муносабатларни ўрганиш. Ижтимоий установка ва ижтимоий ролларни тадқиқи қилиш.

С) Миллий қадриятлари, урф-одатлари, миллий характери, этник хусусиятларини ўрганиш. Шахснинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-куйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси кабиларни ўрганиш

*Д) барча жавоблар тўғри

4. Ижтимоий психологиянинг назарий манбаларини кўрсатинг?

- А) Халқлар психологияси назарияси
- Б) Омма психологияси назарияси
- С) Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси
- *Д) барча жавоблар тўғри

5. Ижтимоий психологиянинг амалий йўналишларини кўрсатинг?

- А) Оммавий ижтимоий-психологик ҳодисалар. Шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш
- Б) Кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси. Оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар
- С) Бошқарув психологияси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси. Мулоқот психологияси
- *Д) барча жавоблар тўғри

Мавзу юзасидан ўқув топшириқ ва ижтимоий тренинглар:

Ўқув топшириқ

Савол	Ижтимоий психология фанини ўрганишнинг ҳозирги давр учун аҳамияти.
Ф -фикрингизни баён этинг	
С -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
М -кўрсатилган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
У - фикрингизни умумлаштиринг	

II-БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТНИ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ҒОЯЛАРНИ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.

Режа:

- 2.1. Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари
- 2.2. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган асосий ва ёрдамчи методлар
- 2.3. Ижтимоий психологик ғояларни шаклланиш тарихи.

Таянч тушунчалар: метод, методология, тадқиқот, ғоя, валидлик, сифат, кузатиш, сўров, анализ, тажриба, проекция.

2.1. Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари

Ҳар бир фаннинг ҳам назарий ҳам амалий методологик асослари бўлгани каби ижтимоий психологиянинг ҳам методологияси бор. Ижтимоий психология тўғрисида гапириладиган бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввало жамиятнинг бу фан олдида қўяётган талаблари ўзига хос бўлиб, бу талаблар жавоб бериш учун унинг текшириш назарий методологияси ва амалий услубларига мурожаат қиламиз. Шу давргача ижтимоий психологияда кузатилган ходиса шу бўлдики, бу фандаги назарий ишлар тадбиқий ишлардан анча кўпдир. Шунинг учун ҳам, Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг методологияси муаммоларига тўхталар экан, унинг бу борадаги интилишлари, вазифалари кўплигини таъкидлайди.

Методологик муаммоларга қизиқиш, - деб ёзади у, - ижтимоий психологиянинг кучсизлиги эмас, балки унинг етилиш даврига кирганлигининг белгисидир. “Методология” тушунчасининг илмий моҳияти нимада? Бу тушунчани турли назарий қарашлардаги олимлар турлича шарҳлайдилар ва тушунадилар. Масалан, америкалик психологлар методология деганда, тадқиқот жараёнида ишлатиладиган барча тадқиқот услублари ва техник жараёнларни тушунадилар. Лекин “методология” тушунчаси аслида услублар йиғиндисидан ҳам кенгроқ тушунчадир. Яъни, “методология” тушунчаси “конкрет методлар” ёки техник усуллар тушунчаларидан кенгрокдир.

Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммоларига қуйидагилар киради: Биринчидан, эмпирик маълумотлар муаммоси, яъни қай турдаги маълумотларни ижтимоий психологик маълумотлар сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки бихевиористлар бундай маълумотлар сифатида кўз

билан кўриб қайд қилинадиган хулқ-атвор шакллари қабул қилишса, когнитив психология вакиллари фақат онгга тааллуқли бўлган белгиларни тушунадилар.

Демак, ҳар қандай тадқиқотчи иш бошламай туриб, аввало нимани эмпирик бирлик қилиб олишини аниқ тасаввур қилиши ва унинг назарий жиҳатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, тадқиқот бирлиги аниқланган тақдирда, қандай ҳажмдаги бирликлар тадқиқотчини қаноатлантириши масаласи ҳам муҳимдир.

Шунинг учун экспериментал ва корреляцион тадқиқотлар бор. Иккинчи методологик муаммо - бу у ёки бу ижтимоий психологик назария асосида қонуниятлар яратиш ва илмий тахминлар қилиш муаммоси. Илмий тадқиқот бошлашдан олдин тадқиқотчи маълум тахминлар юритади, лекин шу тахминларнинг аниқ чиқиши ўша муаммо бўйича пишиқ - пухта назариянинг бор-йўқлигига бевосита боғлиқ.

Шунинг учун ижтимоий психологияда гипотезалар тузиш ва улар асосида керакли умумий хулоса чиқариш ишини билиш керакдир. Учинчи муаммо - бу ижтимоий психологик маълумотларнинг сифати масаласи, яъни қандай маълумотни сифатли, ишонарли деб аташ мумкинлиги масаласидир. Ўрганиш объектининг ҳажми ёки сони хусусида шуни айтиш мумкинки, кўпинча текширилувчи қанчалик кўп бўлса, маълумот шунчалик ишончли бўлади, деган нотўғри фикр мавжуд. Агар гипотезалар тўғри илгари сурилган бўлса, у кичикроқ гуруҳда ўтказган экспериментларининг маълумотига ҳам ишониши мумкин.

Лекин тадқиқот услубини - методларини тўғри танлашда пилотаж - синов тадқиқоти ўтказишнинг аҳамияти каттадир. Бунда ўша гипотезаларнинг қанчалик асослилигини ҳам, методиканинг айнан мақсадга мувофиқлигини ҳам, текширилувчилар объектининг тўғри танланганлигини ҳам, маълумотларнинг турғунлиги, ишончлилигини ҳам текшириб олиш мумкин. Бундан ташқари, шу босқичда тадқиқотчи эксперимент ёки анкета ўтказиш учун қулай вазият ва вақтни белгилаш, ўз ёрдамчиларининг ишга қанчалик яроқлиқларини ҳам синаб олиш имкониятига эга бўлади.

Методологик ишларга қарашли тадбирларнинг сифати ва савияси тадқиқотчининг қанчалик илмий саводхон эканлигини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади ва у ўтказган илмий тадқиқот ишининг баҳосини белгилайди.

Ижтимоий психологиянинг назарий методологик манбалари (2.1-расм).


Ижтимоий психологиянинг назарий методологик манбалари

1. Психодинамик назария: З.Фрейд
2. Гештальт назария: Ф.Перлз
3. Установкалар назария: Д.Б.Узнадзева
4. Муносабатлар назария: В.Н.Мясишев
5. Хулқ технологиси: Б.Скиннер, К.Роджерс, А.Бандура
6. Биогенетик, Социогенетик, Психогенетик И.Штерн, К.Левин
7. Когнитив Ж.Пиаже, Дж.Келли

Аниқ изланиш предметиға эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг методлари деб юритилади.

Ижтимоий психологияда тадқиқотлар ўтказилишига маълум бир психологик талаблар қўйилади улар қуйидагилар (2.1-жадвал).

2.1-жадвал



**Ижтимоий психологияда ўтказиладиган тадқиқотларни қуйидагича
белгилаш мумкин(2.2-жадвал).**

2.2-жадвал

№	Босқичлар
I	Тайёрлов босқичи – илгари сурилган вазифаларни ўрганиш, фарқларини аниқлаш. Тадқиқот вазифалари ва илмий фаразини белгилаш, тадқиқот методикаларини саралаш
II	Бирламчи эмпирик маълумотлар базасини яратиш
III	Тадқиқот натижаларини миқдорий ва статистик жиҳатдан таҳлили қилиш. Интерпретацион таҳлил.
IV	Илмий фаразлар исботи. Умумий хулосаларни шакллантириш. Амалий тавсияларни таҳлили қилиш.

**2.2. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган асосий ва ёрдамчи
методлар**

Ижтимоий психологиянинг асосий методлари (2.3-жадвал).

2.3-жадвал

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	АСОСИЙ МЕТОДЛАРНИНГ ВАРИАНТЛАРИ
КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Гуруҳ ичида кузатиш Гуруҳ ташқарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ Эркин сўроқ (суҳбат) Стандартлаштирилган сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест – сўров Тест - топшириқ Проектив тест Социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти

МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Мантикий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш
ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИ	Ижтимоий ўрганиш Психологик ўрганиш Мотивацион ўрганиш Классификацион ўрганиш
КОНТЕНТ-АНАЛИЗ МЕТОДИ	Матнни анализ қилиш Абзацларни анализ қилиш Иборалар, тушунчаларни анализ қилиш

Ижтимоий психология фанида қўлланиладиган методлар ўз мазмун моҳиятига кўра умумий психологиядаги методларга айнан ўхшаш бўлиши билан бирга, шахс ва жамият муносабатларини ифодалаб беришда, ижтимоий ҳодисаларни атрофлича ўрганишда ўзига хос методларни қўллаш зарур эканлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра, биз ушбу жадвалда ижтимоий психологияда қўлланиладиган методларни келтирамиз.

Кузатиш методи ва унга қўйилган шартлар. Кузатиш методи ижтимоий психологияда ўзига хос ижтимоий шароитларда, ўзига хос вазиятларда ва маълум гуруҳларда ишлатилади. Бунда тадқиқотчи энг аввало нимани кузатаман, қандай йўл билан кузатаман, кузатув бирлиги қилиб нимани оламан, кузатувни қанча вақт мобайнида давом эттираман деган қатор саволларга жавоб топгандан кейингина илмий тадқиқотини бошлайди.

Демак, кузатиш методи ёрдамида аниқ ишлаб чиқилган режа асосида кузатувчини қизиқтирган у ёки бу ижтимоий ҳуқ-атвор шакллари қайд этилади. Бу услуб қўлланилганда тадқиқотчи бир қанча қоидаларга риоя қилиши лозим. Чунончи, кузатиш мақсадининг аниқ бўлиши ва унинг илмий мақсадларга мос келиши; кузатиш шаклини танлаш ва кузатиш натижаларини қайд этиш усуллари ишлаб чиқиш; маълум режа - схема асосида муттасил кузатув олиб бориш; олинган натижаларнинг асослилиги ва ишончилигини бошқа усуллар ёрдамида текшириб кўриш. Кузатиш кузатувчи томонидан кузатиш объекти бўлмиш одамлар гуруҳи билан бирга яшаб, уларга қўшилиб иш тутиб, табиий шароитларда маълумот тўпланса, бундай кузатиш турини "биргаликдаги кузатув" деб аталади.

Бундай кузатишнинг классик мисолига америкалик ижтимоий психолог У. Уайтнинг ўсмирлар психологияси, улар гуруҳидаги ижтимоий психологик ҳодисаларни ўрганишга қаратилган машхур тадқиқотини киритиш мумкин. Бошқа ҳолларда эса кузатувчи ўз объектини четдан кузатади, шунинг учун ҳам

бундай кузатув тури "четдан кузатув" ёки "объектив кузатиш" деб аталади. Бу усул худди умумий психологияда бўлгани каби ташқи хулқатворни қайд қилиш натижасида маълумот тўплашга асосланади. Бундай йўл билан илмий фактларни исбот қилиш қийин, лекин барибир, у ҳам ижтимоий психологияда ёрдамчи усул сифатида ишлатилади.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий психологик тренинглар шароитида ҳар бир шахснинг хулқ-атворини кузатиш муҳим маълумотлар тўплашга ёрдам беради, чунки бунда кузатиш методига хос бўлган энг қимматли нарса - шароитларнинг табиийлиги сақлаб қолинади. Демак, ижтимоий ходисаларни ўрганишда кузатиш методининг ташқи (объектив кузатиш), ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш), эркин кузатув, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида кузатиш, гуруҳ ташқарисида кузатиш каби турларидан фойдаланилади.

Ижтимоий психологияда хужжатларни ўрганиш методининг моҳияти. Хужжатларни ўрганиш методи социология фанидан кириб келган. Бу методнинг қатор афзалликлари бор. Улардан муҳимлари шундан иборатки, у фаолиятнинг маҳсулини текширишга имкон беради ҳамда тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, математик қайта ишлаш имкониятининг борлиги билан ажралиб туради.

Ижтимоий ҳодисаларни контент-анализ усули орқали текшириш. Материалларни маънавий жиҳатдан ҳам сифат, ҳам миқдорий анализ қилиниш усули ижтимоий психологияда контент-анализ деб аталади. Контент-анализнинг илмий моҳияти шуки, унинг ёрдамида бирор матнда маълум фикр, ғоя ёки тушунчаларнинг неча марта қайтарилиши қайд этилади, яъни маълум мазмун миқдор кўринишига келтирилади. Бу методнинг асосчилари америкалик социологлар Х.Лассуэлл ва Б.Берельсонлар бўлиб, улар бу усулни биринчи марта иккинчи жаҳон уруши йилларида бир сиёсий газетанинг мазмуни, унинг ғоявий йўналишини аниқлаш мақсадида қўллаган эдилар. Улар «Ҳақиқий америкалик» номли газетанинг кундалик чиқишларини контент-анализ қилиб, уларни фашистик йўналишидаги газета эканлигини исбот қилишган ва унинг чиқишини таъқиқлашга эришган эдилар.

Контент-анализни қўллашда тадқиқотчи олдида турган асосий муаммо бу текширув бирликлари - категорияларни аниқлашдир. Чунки бундай бирликлар тадқиқотнинг мақсади ва тадқиқотчининг эътиқоди ва дунёқарашига кўра ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, контент-анализнинг асосчилари Х.Лассуэлл ва Б.Берельсонлар бундай бирлик - рамзий бирлик ёки символлар бўлиши мумкин, деб ҳисоблашган бўлсалар, бошқа америкалик тадқиқотчи Л. Ловенталь бундай бирлик яхлит мавзу бўлиши керак деб ҳисоблайди. Аслида, бундай бирликлар контент-анализда илмий тахмин ва тадқиқотчининг методологик асослари билан белгиланиши керак. Шунинг учун ҳам кўпгина

тадқиқотчиларни умумлаштириб, анализ учун бирликлар қуйидагилар бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз:

а) алоҳида иборалар ёки сўзларда билдирилган тушунчалар (масалан, демократия, фаоллик ташаббус, ҳамкорлик ва ҳоказо);

б) яхлит абзацлар, матнлар, мақолалар ва шунга ўхшашларда кўтарилган мавзулар (масалан, миллатлараро муносабатлар мавзуси, инсонлардаги миллий қадриятлар мавзуси ва ҳоказо);

в) тарихий алломалар, сиёсатшунослар, таниқли шахсларнинг номлари;

г) ижтимоий ҳодиса, расмий ҳужжат, бирор аниқ факт, асар (масалан, оилавий можаролар, Ўзбекистон Конституцияси муҳокамаси, янги ёзилган асарга ўқувчиларнинг муносабати ва шунга ўхшаш).

Яхши ўтказилган контент-анализ аслида ижтимоий психологик тадқиқотларда жуда катта аҳамиятга эга. Контент-анализ тадқиқотчидан каттагина ўқувни талаб қилади, чунки бир томондан, у ёки бу матнни тушуниш маҳорати бўлиши керак, иккинчи томондан, тадқиқот сўнгида қўлга киритилган миқдорий бирликларни яна қайта сифат формасига келтириш лозим, яъни тушунтириб бериш керак.

Сўров методи. Сўроқ методлари. Сўроқ методлари ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью методлари. Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпиқ анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очиқ анкета) сўровномалар аниқ ва равион тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисидан олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, хаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади. Бу методларни қўллашни қатор методологик қийинчиликлари мавжуд, чунки, бу ерда доим шахслараро ўзаро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд бўлиб, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок ва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда сўроқ методлари энг қулай усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда. Шундай қилиб, сўроқ методлари тадқиқотчи билан текширилувчининг бевосита (суҳбат, интервью) ёки билвосита (анкета) мулоқоти туфайли бирламчи маълумотлар тўплаш усулидир. Одамлар тилидан ёзма ёки оғзаки тарзда олинган фикрлар

маълумотларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Энг яхши суҳбат ёки интервью бу бевосита, эркин фикр алмашинуви шароитида ўзаро фикр алмашинувига қаратилган мулоқотдир. Чунки суҳбатдан фарқли, интервью аниқ муаммо доирасида, қатъий бир йўналишда олиб борилади. Интервью олувчи суҳбатдошга нисбатан нейтрал мавқеда бўлиб, унинг фикрлашига ҳалақит бермаслиги, айниқса, унга тазйиқ ўтказмаслиги лозим. Интервью жараёнининг самарали кечиши учун суҳбатдошда ўзига нисбатан ижобий муносабат шакллантириб, биринчи сўзларни аниқ, раво, ифодали баён қилиш муҳимдир. Интервью ўтказишга одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у одамдан қатор муҳим сифатларнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда "ролли ўйинлар" методи ёрдамида психолог ёки социологлар махсус тайёргарлик курсидан ўтадилар.

Анкета усули. Анкета методи ҳаммага таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини ёки олинган маълумотларни қайта ишлаб, шархлаш қийинлигини тасаввур қилмайди. Юқорида қайд этилганидек, анкетага киритилган саволларга кўра анкета очиқ ва ёпиқ турларга бўлинади. Очиқ анкета респондентдан ўз фикрини билганича баён этишни талаб қилади, ёпиқ шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, қарашлари, фикрлари билан мос бўлган жавобни беради. Очиқ саволларнинг камчилиги респондентларнинг ҳар доим ҳам қўйилган вазифага етарли даражада масъулият билан қарамаганлиги ҳамда ёзилган жавобларни статистик ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширилувчи томонидан ўз фикрига эргаштиришга ўхшаш ҳолат ёки ҳар доим ҳам ҳамма саволнинг барча жавоб вариантларини топиб бўлмаслиқдир. Шундай ҳолатларда респондент ё умуман жавоб бермаслиги ёки таваккал бир вариантни белгилаб бериши мумкин. Шунинг учун ҳам охирги пайтда ярим ёпиқ саволлардан иборат анкеталар тузилмоқдаки, уларда жавоб вариантларидан ташқари, яна қўшимча фикр билдириш учун қўшимча қаторлар қолдирилади.

Одатдаги анкета тузилиши жиҳатдан уч қисмга бўлинади:

1. Кириш қисми ёки “респондентга мурожаат” деб аталади. Бу қисмда одатда тадқиқот ўтказаётган ташкилот номи, оддий тилда тадқиқот мақсадлари ва уларнинг қандай фойдаси борлиги, текширилувчининг шахсий иштироки нима бериши, олинган маълумотларнинг умумлаштирилган ҳолда ишлатилиши (анонимлилик), анкетани тўлдириш йўллари ва бошқалар ёзилади. Йўриқнома - мурожаатнинг қанчалик яхши ёзилганлиги бевосита текширилувчининг ишга бўлган муносабатига боғлиқдир.

2. Асосий қисм. Бунга саволлар киритилади, лекин саволлар тартибига ҳам эътибор бериш керак, чунки бошидан бошлаб қийин саволлар берилса, бу нарсa репондентни чўчитиb қўйиши, хаттоки, тўлдирмасдан, анкетани қайтариб беришига мажбур қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун бошида енгил, холис саволлар бериб, текширилувчини қизиқтириб олиб, кейин қийинроқ, психологик саволларга ўтиш, охирида яна “нейтралроқ” саволлар бериш мақсадга мувофиқ.

3. Якуний қисм ёки “паспортичка” респондентнинг шахсий сифатидаги объектив маълумотларни олишга қаратилган бўлиб, унда шахснинг жинси, ёши, oilавий аҳволи, касб-кори ва бошқалар сўралади. Анкеталар тарқатилиш услубига кўра, қўл билан тарқатиладиган, почта орқали юбориладиган, газета ёки журналлар орқали тўлдириладиган формаларга бўлинади. Тўпланган маълумотларга, одатда, статистик қайта ишлов берилади ёки улар компьютерлар ёрдамида анализ қилинади.

Ижтимоий-психологик тестлар. Тестлар психологиядан кириб келган усулдир, бу қиска синов усули бўлиб, улар ёрдамида у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қиска муддат ичида бир техник усул - тестда текширилади. Тестларни қўллашнинг қулайлик томони-бир тест ёрдамида бир объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта, такрор-такрор синаб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди, чунки у ёки бу тестни фақат қандай турдаги объектда синалган бўлса, шунга ўхшаш объектлардагина қўллаш мумкин, қолаверса, бунда олинган маълумотлар нисбий характерга эга бўлади. Лекин шундай бўлишига қарамай, тестлар, айниқса ҳозирги кунларда ҳаётимизга кенг кириб келди. Шахс хусусиятларини текширувчи тестлардан ташқари, шахснинг мулоқот системасидаги ўрнини, ундаги мулоқот малакаларининг бор-йўқлигини синовчи, шахс ақлий сифатларини текширувчи тестлар кенг қўлланилмоқда. Лекин шуни эсдан чиқармаслик керакки, тестни тузиш, уни объектларда синовдан ўтказиш, хаттоки, тайёр тестни мослаштириш юксак билимларни, малакани, олимлик одобини талаб қиладиган ишдир.

Тестлар хусусида яна шуни айтиш мумкинки, ҳар бир тестнинг ўз “калити” бўлади ва бу калитнинг эгасида махсус лицензиялар, яъни келишувга кўра ишончли шахсларгагина сотиш, бериш ҳукуқи бўлади. “Калитсиз” эса махсус тестларни ҳеч ким ишлата олмайди.

Тест - сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия - экстроверсияни ўлчайди, саволларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш сўралади.

Тест - топшириқ одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутеди. Масалан, шахс тафаккуридаги ижодийлиликни аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креативлигига баҳо берилиб, миқдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги - баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки калитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни сохталаштириши мумкинлигидир.

Проектив тестлар. Бу усуллар тест усулларининг бир кўриниши бўлиб, унда текширилувчига аниқ тизим ёки кўринишга эга бўлмаган, ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шархлаш топшириғи берилади. Яъни, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугатилмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўринишга эга бўлмаган буюмлар, ёғочлар берилиши мумкин, уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий дунёси, қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳо бериши мумкин.

Проектив усулларга машҳур "Роршахнинг сиёҳ доғлари" тестини киритиш мумкин (1921 й.). Бу доғлар икки томонлама симметрик шаклда берилган 10 хил доғлардан иборат бўлиб, ҳар бир доғ ҳар хил буёқли фонда кўрсатилади. Текширилувчидан ҳар бир "доғ" нинг нимани эслатаётганлигини айтиш сўралади. Унинг фикридан ва сўзларидан, ассоциацияларга қараб (уларни контент-анализ қилиб) шахс хусусиятлари ҳақида хулоса қилинади.

Яна бир проектив усул-бу С. Розенцвейгнинг расмли ассоциациялар усулидир. Бунда ҳаётда тез-тез учраб турадиган зиддиятли вазиятларни акс эттирган расмлар текширилувчига тавсия қилинади. Бу расмларда бир томонда турган персонажлар нималарнидир гапираётган ҳолда гавдалантирилади, унга қарши томондаги шахс эса ҳали жавоб қайтариб улгурмаган, текширувчи текширилувчидан тез, қисқа муддат ичида бўш катакларга берилиши мумкин бўлган жавобни ёзишни сўрайди. Берилган жавобларга қараб шахснинг йўналишн, унинг зиддиятларга муносабати, агрессия-жаҳолат ҳиссининг хусусиятлари, бу ҳиснинг кимларга қаратилганлиги ва шунга ўхшаш муҳим фактлар тўпланади.

Ижтимоий-психологик эксперимент. Ижтимоий психологик эксперимент-бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи

билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга қаратилган мулоқотдир. Бундай мулоқотнинг бўлиши учун экспериментатор, яъни текширувчи махсус шароит яратади ва ана шу шароитда аниқ режа асосида фактлар тўплайди. Умумий психологияда бўлгани каби, ижтимоий психологияда ҳам табиий ва лаборатория эксперименти турлари фарқланади. Табиий экспериментга мисол қилиб, рус педагоги А.Макаренконинг жамоанинг шаклланиши ва уни уюштириш борасида олиб борган тадқиқотларини олиш мумкин.


Америкалик психолог М.Шериф эса гуруҳлараро муносабатларга тааллуқли феноменларни табиий шароитларда махсус режа асосида текшириб ўрганган. Унинг асосий мақсади вақтинчалик тузилган жамоа - ёзги таътил лагерларида кооперация ҳамда турли зиддиятларнинг пайдо бўлишидаги психологик сабабларни ўрганишдан иборат эди. Лаборатория эксперименти одатда махсус шароитларда, махсус хоналарда, керакли асбоб-ускуналар ёрдамида ўтказилади. Биринчи марта лаборатория шароитида ижтимоий психологик тадқиқотни рус олими Бехтерев ўтказган эди.

У махсус асбоблар ёрдамида идрокнинг аниқлигини, хотиранинг сифатини, кузатувчанлик хусусиятларини якка ҳолда ва гуруҳ шароитида солиштириб ўрганди ва гуруҳнинг борлиги ҳар бир гуруҳ аъзоси психик жараёнларига бевосита таъсир этишини исбот қилди. Бундан ташқари, махсус асбоб-ускуналар ёрдамида гуруҳ аъзоларидаги ишонувчанлик-конформизм ҳодисаларини ҳам экспериментал тарзда ўрганиш мумкин. Гуруҳдаги бундай ҳодисаларни ўрганиш учун махсус мосламалардан фойдаланилади. Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади.

Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади. Шундай қилиб, ижтимоий психология ҳозирги кунда жуда кўп методларга эга, биз танишиб чиққан методлар уларнинг асосийлари, бир қисми, холос. Ҳар бир ҳолатда ўз тадқиқот объектининг хусусиятлари, тадқиқот мақсади ва мавзуйига қараб керакли услубни танлаш мумкин. Шунинг учун ҳам методлар тўплами билан тўлиғича танишиш учун махсус адабиётларни кўриб чиқиш керак бўлади.

Ижтимоий психология фанидаги методлар таснифи (2.2-расм).

2.2-расм



**Кузатиш
методининг
мақсади**

1. Нимани кузатаман?
2. Қандай йўл билан кузатаман?
3. Кузатув бирлиги қилиб нимани оламан?
4. Кузатувни қанча вақтга олиб бораман?
5. Кузатувдан мақсад нима?
6. Кузатиш шакли қандай?
7. Кузатиш натижаларини қайд қилиш;
8. Олинган натижаларнинг ишончлилигини бошқа усуллар билан текшириб кўриш.

Кузатиш методи

1. Ташқи (Объектив кузатиш);
2. Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш);
3. Эркин кузатув;
4. Стандартлаштирилган кузатув;
5. Гуруҳ ичида кузатиш;
6. Гуруҳ ташқарисида кузатиш

Сўроқ методи


1. Оғзаки сўроқ (сухбат);
2. Ёзма сўроқ (анкета);
3. Очик анкета (респондентнинг ўз фикрини билдириши);
4. Ёпиқ анкета (кутиладиган жавобларни танланиши).
5. Эркин сўроқ;
6. Стандартлаштирилган сўроқ.

Тест методи

1. Табиий эксперимент тури (қадимги хитойликлар усуллари, ёлғончилик ёки ҳаяжонни аниқлаш йўллари);
2. Лаборатория эксперименти (диққатни ўрганиш учун тахистоскоп мосламаси, лже детекторлар, махсус асбоблар).

**Тажриба
методи**

1. Тест – сўров (Г.Айзенк тести);
2. Тест топшириқ (Торенс айланалари);
3. Проектив тест (Тугалланмаган хикоялар,
4. Роршахнинг сиёҳ доғлари тести, расм чизиш, имзо қўйиш);
5. Социометрик тест (Ж.Морено методи).



2.3. Ижтимоий психологик ғояларни шаклланиш тарихи.

Жамият - бу инсонлар мажмуидир. Унинг тараққиёти ва маънавий салоҳияти кўп жihatдан ана шу инсонлар ўртасида юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг табиатига, улар амалга оширадиган мураккаб ижтимоий ҳамкорлик фаолиятининг мазмунига боғлиқ. Ҳар бир инсон жамиятда яшар экан, у унда ўзига хос ўрин ва мустақил мавқе эгаллашга интилади, шунинг учун у ўзига хос интилиш, лаёқат ва фаоллик намуналарини намойиш этади.

Инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳамда ҳар бир шахснинг жамиятдаги ўрни ва унинг турлича ижтимоий муносабатлари табиатини ўрганувчи қатор ижтимоий фанлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида ижтимоий психология алоҳида ўрин эгаллайди. Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги билан эътироф этилса, у - ўз услубиёти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига тўртки берганлиги билан тавсифланади.

Дарҳақиқат, ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олиниши хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими В. Макдугалл ўзининг "Ижтимоий психологияга кириш" китобини, америкалик социолог Э.Росс эса "Ижтимоий психология", деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан - ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предмети таъриф берилди. Иккала муаллиф ҳам - бири психолог, иккинчиси социолог бўлишига қарамай, бу фаннинг асосий предмети

ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий хулосага келишган.

Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги - психологми, файласуфми ёки социологми - унинг ушбу фан предметига ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришга интилса, психолог - конкрет олинган шахе психологиясининг қонуниятларини умумжамият қонун-қоидаларига тадбиқ этишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Г.Андреева ижтимоий психологиянинг мавзу баҳси ҳақидаги ҳозирги замон қарашларини умумлаштириб, бу ўринда уч хил ёндашиш: социологик, психологик, ҳам социологик ва психологик мавжуд эканлигини асослайди. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига сабаб бўлган илмий манбалар икки фан - психология ва социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш туфайли юзага келди.

Шунинг учун ҳам узок йиллар мобайнида ижтимоий психология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган шахснинг кимлигига қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув - психологик ёки социологик ёндашувнинг устуворлиги яққол кўзга ташланди. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанларидир ва бу фанлар аслида унинг "ота-оналаридир".

Ижтимоий психологиянинг уч назарий манбаи. 19-асрнинг охири ва 20-аср бошларида фанда уч назария пайдо бўлдики, улар ҳақли равишда ижтимоий психологиянинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Бу уч назарияни бирлаштириб турган нарса шу бўлдики, уларнинг ҳар бири мустақил тарзда шахс билан жамият муносабатини илмий асосда тушунтиришни изланишларнинг асосий мавзуси деб ҳисобладилар. Бу уч манба - халқлар психологияси, омма психологияси ва ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияларидир.

Халқлар психологияси назарияси. Халқлар психологияси назарияси ижтимоий психологик назария сифатида 19-асрнинг ўрталарида Германияда шаклланди. Ундаги асосий ғоя шу эдики, айрим индивидлардан юқори турадиган руҳ мавжуд бўлиб, бу руҳ ўзидан ҳам юқори турадиган илоҳий яхлитликка бўйсунди. Бу илоҳий яхлитлик эса халқ ёки миллатдир. Айрим индивидлар ана шу яхлитликнинг бўлаклари бўлиб, улар бу руҳга бўйсундилар. Яъни, шахс билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик

муаммоси жамият фойдасига ҳал қилинади. Бу назариянинг тарихий-мафкуравий асоси бўлиб Гегель фалсафаси ва немис романтизми хизмат қилган. «Халқлар психологияси» ибораси биринчи марта файласуф М.Лацарус ҳамда тилшунос Г.Штейнталларнинг «Халқлар психологияси тўғрисида кириш сўзи» китобида ифодалаб берилган: «Тарихни юргизувчи асосий куч бу халқ ёки шу яхлитликнинг руҳи бўлиб, бу руҳ санъатда, динда, тилда, афсоналарда, анъаналарда ўз аксини топади.

Индивиднинг онги шу яхлитликнинг маҳсули бўлиб, уларнинг йиғиндиси ўз навбатида халқ онгини ташкил этади. Халқлар психологиясининг вазифаси халқ руҳи моҳиятини ўрганиш, халқ руҳияти Конунларини очиш, халқ психологиясига оид бўлган ўзига хос хусусиятларнинг пайдо бўлиши ва йўналишини тушунтириб беришдир». Ушбу китобда муаллифлар шахс билан жамият муносабати хусусида қуйидаги мулоҳазаларини баён этадилар: «Одам ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоий мавжудот бўлиб, у жамият ҳаёти билан узвий боғлиқ, чунки у ўзига ўхшашларга қараб ривожланади, бошқаларга тақлид қилиб ҳаракат қилади ва улар таъқибидан қочади...».

Халқлар психологиясининг асосчилари фақат назарий мулоҳазалар юритиш билан чекланадилар, чунки уларда ўз фикрларини исбот қилиш учун тадқиқот ишлари йўқ эди. "Психологиянинг отаси" ҳисобланган Вильгелм Вундт эса худди ана шу тадқиқотга асосланган маълумотлар тўплашга ўз диққатини қаратди. У ўзининг "Инсон ва ҳайвон руҳи ҳақида лекциялар"и (1863 й) ва 1900 йилда босмадан чиққан ўн томли "Халқлар психологияси" асарларида асосан ўзи тўплаган эмпирик маълумотлар асосида халқлар психологиясига бағишланган фикрлари тизимини баён этди. Унинг фан олдидаги хизмати шундан иборат эдики, эмпирик маълумотлар тўплаш усуллари, тўпланган манбаларни шарҳлаш борасида бебаҳо билимлар тўплади. Унинг фикрича, психология фани икки қисмдан иборат: физиологик психология ва халқлар психологияси. Физиологик психология инсон руҳиятини ўрганувчи экспериментал фан бўлиб, олий психик жараёнлар - тафаккур ва нутқдан ташқари барча нарсани тажриба усулида тадқиқ этиш мумкин.

Тажриба усулида ўрганиб бўлмайдиган барча олий руҳ ҳолатларини халқлар психологияси ўрганади, чунки ундаги ўрганиш усуллари ўзига хосдир - у маданий маҳсуллар ҳисобланган тил, афсоналар, одатлар, санъат асарлари, инсон тафаккурининг мураккаб томонларини очиб беради. Шунга қарамай В.Вундтнинг қарашлари идеалистик асосда бўлган, яъни у индивид билан жамият ўртасидаги мураккаб диалектик муносабатни идеалистик асосда туриб ҳал қилган ва жамиятнинг ролини абсолют тушуниб, шахснинг тарихини

яратишдаги, ижтимоий жараёнлардаги фаол ўрнини кўра билмаган. Унинг издошлари - Русиялик А. Потебни, немис олими Т. Гейгер ва бошқалар ҳам у йўл қўйган мафкуравий камчиликни олдини ола олмадилар, лекин улар бир фикрда якдил эдиларки, халқлар психологияси индивидуал психологиядан фарқ қилади, шунинг учун ҳам махсус фан керакки, у ўзига хос усуллар ёрдамида шахс ва жамият муносабатлари қонунларини очиб бериши лозим. Худди ана шу хулосалар ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишига илмий асос бўлди.

Омма психологияси назарияси. Омма психологияси назарияси пайдо бўлишига тарихий асос ишчилар синфининг пайдо бўлиши ва Европада ишчилар ҳаракатининг оммавий тус олиши бўлди. Яъни, XIX асрнинг иккинчи ярмида ишчилар ҳаракати шундай кенг тус олдики, тартибсиз ҳаракатлар уюшган ҳаракат даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам шу ҳаракатларнинг қонунларини билиш, уларни бошқариш усуллари йўлаб топиш зарур эди. Оммавий ҳодисаларни ўрганиш натижасида 1890-йилда Габриэл Тарднинг «Тақлид қилиш қонунлари» деб аталган биринчи китоби чиқди. Г.Тард Францияда рўй бераётган оммавий ҳодисаларни, шу ҳодисаларда иштирок этаётганларнинг хулқ-атворларини тақлид қилиш орқали тушунтиради.

Бу ҳаракатлар иррационал (яъни ақлнинг иштирокисиз) табиатга эга бўлиб, ҳар бир индивид оммага қўшилган заҳоти унга тақлид қилишга тайёрлик инстинкти устун бўлиб қолади. Италиялик ҳуқуқшунос С.Сигели ва француз олими Г. Лебон ҳам Г.Тард ишларини маъқуллаб, унинг назариясини фактик материаллар билан, яъни 1895-йилда босилиб чиққан С.Сигелининг «Омманинг жинойтлари» ва Г.Лебоннинг «Омма психологияси» китоблари орқали бойитдилар. Бу муаллифларнинг асарларидаги асосий ғоя шундан иборат эдики, оммавий ҳаракатларда шахснинг ўз хулқ-атворларини онгли ва ақл билан бошқариш қобиляти йўқолади. Бундай ҳолатларда ҳиссиётлар устун келади, айниқса, аффект ҳолатлар, шунинг учун ҳам аффект ҳолатида рўй берган жинойтга айбни юмшатувчи ҳолат сабаб бўлган, деб қараш адолатли бўлади.

Бу қарашлари туфайли С.Сигели Италиянинг қонунига махсус модда киритишга ҳам эришди. Социолог Г.Лебон эса асосан диққатини оммани элитага - жамиятдан юқори турувчи танланган гуруҳларга қарши қўйишга қаратди. У омманинг айрим ҳолларида, айниқса бирор ҳодиса рўй берганда «қизиққонлик» хусусияти устун туриши ҳақида ёзади. Унинг фикрича, бир қанча одамларнинг бир ерда тўпланиши оммани ҳосил қилади ва бу, одамлар ким бўлишидан қатъи назар - олимми ёки оддий инсонми, шу заҳотиёқ кузатувчанлик ва зийракликни йўқотади. Чунки бу ҳолатда улар ҳолатини инстинктлар ва ҳиссиётлар бошқаради. Г.Лебон шахснинг омма ҳолатидаги

белгиларига тўхталиб қуйидагиларни ажратади: 1. Шахсий сифатларнинг йўқолиши. Бошқа одамлар таъсирида индивид ўзига хос сифатларни йўқотиши, бунинг ўрнига импульсив инстинктив ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги. 2. Ҳиссиётларга ўта берилувчанлик. Оммада ақл, тафаккур, ҳиссиёт, инстинктларга ўз ўрнини бўшатади. Шунинг учун ҳам омманинг таъсирчанлиги ўта ошиб кетади. 3. Ақлий сифатларнинг йўқолиши. Омманинг «ақли» уни ташкил этувчилар ақлидан анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам омманинг тазъийқига учрамаслик учун ҳар бир киши ақлан мулоҳаза юритишдан бош тортиши, мунозарадан қочиши лозим. 4. Шахсий масъулиятнинг йўқолиши. Оммага қўшилиб қолган шахс шунчалик ҳиссиётларга берилиб кетиши мумкинки, у ўз ҳаракатларини назорат қилиш, ўз ишига масъулиятни эсидан чиқаради. Якка ҳолда содир қила олмайдиган ишини, у оммага қўшилиб қилиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатнинг, яъни шахснинг омма орасидаги психологияси тўғрисидаги фикрларни айтиш шундай тарзда Ортеги Гассет ва Эрнесто Грассилар ҳам кўрсатиб бергандирлар. Шундай қилиб, омма тартибсиз, у мустақил равишда тартиб ўрнатиш қобилиятига эга эмас.

Шунинг учун ҳам унга доимо “доҳий” керак, доҳийлар - элита ташқаридан келиб омма ўтасида тартиб ўрнатиши мумкин. Бу фикрларнинг мафкуравий маъноси тушунарли, чунки омма деганда, улар ишчилар синфини, доҳийлар деганда эса, буржуазияни назарда тутишган. Демак, шахс ва жамият зиддиятлари масаласи омма психологияси тарафдорлари назариясида айрим шахслар - доҳийлар фойдасига ҳал қилинди. Лекин бу назария, нима учун оммавий ҳодисаларда омманинг ўзидан чиқиб қоладиган лидерлар, омманинг баъзан ташқаридан ҳеч кимни тан олмай қолиши масалаларига умуман жавоб топа олмади, чунки уларнинг ҳам фикрларида кўпроқ идеализмга мойиллик сезилиб турарди.

Ижтимоий ҳуққ-атвор инстинктлари назарияси. Ижтимоий ҳуққ-атвор инстинктлари назарияси XX асрнинг бошида Англияда шаклланди. Унинг асосчиси инглиз психологи Уильям Макдугалл бўлиб, у ўзининг "Ижтимоий психологияга кириш" китобидаги инсон ҳуққ-атворларининг мотиви ёки уни ҳаракатга келтирувчи куч инстинктлардир, - деб ёзган. Кейинчалик у инстинкт тушунчаси билан бирга лаёқат, интилиш ибораларини ҳам ишлатабошлади. Унинг фикрича, ҳуққ-атворни таъминловчи нарсаси туғма, психофизиологик тайёрлик ҳолати бўлиб, у наслдан-наслга узатилади.

Макдугалл барча ҳаракатларни рефлексив ҳолда тушунтиришга интилиб, рефлексив ёйга хос бўлган барча қисмлар - яъни эфферент қабул қилувчи, рецептив бўлим, эфферент (ҳаракат) ва марказий бўлимдан иборат тизим сифатида тасаввур қилади. Барча ижтимоий ҳаракатлар ҳам ана шундай

рефлексив табиатга эгадир, деб уқтиради у. Шунга ўхшаш фикрлар Э.Росс ("Ижтимоий психология ") ва Дж.Болдуин ("Ижтимоий психология бўйича тадқиқотлар") қарашларида ҳам ривожлантирилган. Масалан, Болдуин икки турли ирсият ҳақида - табиий ва ижтимоий ирсият ҳақида ёзиб, ижтимоий одамлардаги тақлид қилиш қобилияти билан боғлиқ, деб ёзади. Жамиятда яшаётган одамлар бир-бирларига таъсирларини ўтказишга мойилдирларки, бу нарса улар ўртасидаги муносабатларни бошқариб туради.

Шундай қилиб, бу йўналиш тарафдорларининг фикрича, барча онгли ҳаракатларнинг боши - онгсизликдир, яъни инстинктлар бўлиб, улар асосан ҳиссиётларда намоён бўлади. Ҳиссиёт билан инстинктлар боғлиқлигини Макдугалл жуфтликларда кўрсатишга ҳаракат қилган: масалан, кураш инстинкти - қўрқув, ғазаб ҳисси; насл қолдириш инстинкти - рашк аёллардаги тобелик ҳисси; ўзлаштириш инстинкти - хусусийликка интилиш ҳисси ва ҳоказо. Ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда туғма инстинктлар ролининг юқори қўйганлиги учун бу назария илмий тараққиёт босқичида салбий ўрин тутди, деб айтишимиз мумкин. Лекин унинг айрим ҳодисалар сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилиши фан олдига улкан вазифаларни қўйди. Ижтимоий психология фан сифатида ана шу муаммоларни тадқиқ қилиши лозим эди. Демак, юқорида тўхтаб ўтилган учала назариянинг аҳамияти шундан иборат эдики, улар янги туғилиши лозим бўлган фан - ижтимоий психологиянинг тадқиқот мавзуини очиб берди. Қолаверса, бу уччала йўналиш ҳам назарий қарашларни исбот қилишда объектив текширув усули ҳисобланган экспериментдан фойдаланиш заруриятини кўрсатди. Бу нарса яна бир бор махсус фаннинг келажак режаларини аниқлашга ёрдам берди.

Мавзу бўйича хулосалар:

Инсоният тарихи мобайнида шахс ва жамият муносабатларининг Платон, Аристотель, Гоббс, Гельвеций, Локк, Гегель, Макиавелли, шарқ файласуфларидан Беруний, Форобий қарашларида талқин этилиши. Социология фани намоёндаларининг ижтимоийлик қонунларининг жамоа руҳий ҳолатига боғлиқ равишда ўрганишлари. 20 асрга келиб психоанализ, бихевиоризм, гештальд психология ичида ижтимоий ҳуқ-атворни кичик гуруҳлар доирасига олиб чиқилиши. Когнитивизм (К.Левин, Ф.Хайдер), интеракционизм (Г.Мид, Г.Хаймен, Ф.Гофман) назарияларидаги ижтимоий ўзаро таъсир масалалари.

Ижтимоий психологиянинг Русия ва собиқ иттифокда ривожланиши. Ижтимоий муҳитнинг шахсга таъсири муаммосининг кўтарилиши, тадбиқий илмий тадқиқот ишларининг олиб борилиши. Ўзбекистонда ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболлари. Оила ва оилавий

муносабатлар (Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Н.Соғинов), зиддиятли ҳолатлар (М.Давлетшин, Т.Адизова), муомала психологияси муаммолари (Э.Ғозиев, Р.Тошимов) илмий тадқиқот йўналишлари мазмуни. Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари: эмпирик маълумотлар муаммоси, илмий тахминлар яратиш муаммоси, психологик маълумотларнинг сифати масаласи, тадқиқот услуби ва тадқиқот усуллари.

Ижтимоий психологиядаги асосий методлар: кузатиш (ташқи, ички, эркин, стандартлаштирилган, гуруҳ ичида, гуруҳ ташқарисида), сўроқ (оғзаки, ёзма, эркин, стандартлаштирилган), тест (топшириқ, сўров, проектив, социометрик), эксперимент (табиий, лаборатория), моделлаштириш (математик, мантикий, техник, кибернетик). Кузатиш методи ва унинг ижтимоий ҳодисаларни талқин этишдаги ўзига хос моҳияти. Хужжатларни ўрганиш методи, унинг афзалликлари. Контентанализ усулининг илмий моҳияти (Х.Лассуэлл, Б.Берельсон). Матнни анализ қилишда амалга ошириш лозим бўлган қоидалар. Сўроқ методи ва уни олиб боришдаги интервью, анкета шакллари. Анкета тузилишидаги уч қисм, унинг ёпиқ ва очик шакллари. Ижтимоий психологик тестларнинг турлари ва уларни қўллаш шартлари. Ижтимоий-психологик экспериментларнинг гуруҳ шароитида ўтказиш йўллари.

Ижтимоий психологияда шундай методлар мавжудки, улар орқали шахс ва жамият муносабатларидан юзага келадиган турли жараёнларни ўрганиш, кузатиш, тадқиқ этиш имконияти юзага келади. Шундай методлар сирасига: кузатиш, сўров, анкета, контент-анализ, хужжатларни ўрганиш, ижтимоий-психологик эксперимент, ижтимоий-психологик тестлар киради. Мазкур мавзуда шу методлар, уларнинг афзалликлари, қўллаш шартлари баён этиб берилган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

- 1.Ижтимоий психологиянинг методологик асосини кўрсатинг?
- 2.Ижтимоий психологиядаги асосий методлар ва уларнинг қўлланиш шартлари ҳақида гапиринг?
- 3.Ижтимоий психология учун хужжатларни ўрганиш методининг моҳияти нимада?
- 4.“Ижтимоий ҳуқ-атвор инстинктлари”, “Омма психологияси” ва “Халқлар психологияси” каби назарияларни биласизми?
- 5.Ижтимоий психологик ғояларни шаклланиш тарихи қачондан бошланган?

Тестлар:

1. Ижтимоий психологиянинг асосий методларини кўрсатинг?

А) Кузатиш, социометрия, люшер, лири, томас, зунга, сухбат, тест

*Б) Кузатиш, сўроқ, тест, эксперемент, моделлаштириш, контент-анализ

С) Кузатиш, сўроқ, тест, эксперемент, тажриба зунга, тоамас, социометрия

Д) Сухбат, кузатиш, сўроқ, тест, эксперемент, лири, векслер, равен

2. Кузатиш методининг турларини кўрсатинг?

А) Ташқи (объектив кузатиш), ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш)

Б) Эркин кузатув, стандартлаштирилган кузатиш

С) Гуруҳ ичида кузатиш, гуруҳ ташқарисида кузатиш

*Д) барча жавоблар тўғри

3. Сўроқ методининг турларини кўрсатинг?

*А) Оғзаки сўроқ, ёзма сўроқ, эркин сўроқ (сухбат), стандартлаштирилган сўроқ

Б) Эркин кузатув, стандартлаштирилган кузатиш

С) Гуруҳ ичида кузатиш, гуруҳ ташқарисида кузатиш

Д) барча жавоблар тўғри

4. Табиий ва лаборатория тажрибалари қайси методнинг тури ҳисобланади?

А) Кузатиш

Б) Сўроқ

*С) Эксперемент

Д) Моделлаштириш

5. Ижтимоий психологиянинг расман фан сифатида тан олиниши нечинчи йилда кимнинг асаридан сўнг.....?

А) Кузатиш

Б) Сўроқ

*С) Эксперемент

Д) Моделлаштириш

Мавзу юзасидан ўқув топшириқ ва ижтимоий тренинглар:

Ижтимоий психология фанидаги ўрганиладиган муаммолар

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Ижобийлари	Салбийлари
1.	
2.	
3.	

КЕЙС ВАЗИЯТ.

Виждон фазилати ҳақида

(ижтимоий муносабатлардаги ҳолатлар юзасидан хулқ-атвордаги сифатларни шаклланишига қаратилган. Ш.Адуллаева)

Бир куни ўқишдан хурсанд келдим ва:

Ойижон, мен бугун икки баҳодан сақланиб колдим,-дедим.

Нимадан?-сўради онам.

Ижтимоий психология фанидан икки баҳо олишдан,-бўлган ҳодисани ойимга тушунтира бошладим. Биласизми? Бугун назорат иши ўтказилди. Мен берилган саволларга жавоб бера олмадим ва варақни ўқитувчига топширмадим. Кейинги дарсда барча саволларни охиригача ечиб бўлдим. Танаффусда эса лаборантдан варағимни синфимиз назорат ишига қўшиб қўйишни илтимос қилдим. Ҳайрият, мўлжалим амалга ошди. Ниҳоятда хурсандман, ойижон!

-Сен хурсандмисан?-такрор сўради онам.

-Албаттада. Беш олсам керак, ахир мен ҳаммасини тўғри ишладимку,-дедим. Виждонингчи. У қийналмаяптими?-хўрсиниб сўради онам.

Мен нима дейишга ҳайрон бўлиб сукут сақлардим. -Агар мен сенинг ўрнингда бўлганимда ўша иккини олиб виждонимнинг поклигича қолган бўлардим.

-Ахир...,-мен ўзимни оқламоқчи бўлган эдим, онамнинг тикилиб қарашидан нафасим ичимга тушиб кетди. Бироз ўйланиб: -Энди нима қилсам бўларкин?-дедим. Виждонинг нимани буюрса ўшани қил. Баъзан унинг мавжудлигини эслаб туриш ҳам фойдадан ҳоли эмас,-деб бошқа хонага чиқиб кетди.

Мен ўзим танҳо қолиб, биринчи марта ўйлай бошладим: виждон дегани нима ўзи? Лекин аниқ таъриф топа олмадим. Мен уни ич-ичимдан ҳис этиб турардим, лекин сўз билан ифодалашга ожизлик қилардим. Китоб жавонига бориб, энциклопедик луғатни олдим, керакли бетини очдим ва ўқий бошладим: «Виждон-бу ўз ҳатти-ҳаракатлари, ҳулқи учун жамият олдида жавобгарликни ҳис этишдир».

Шу онда онам кириб:

-Вой-бўй, қизгинам?! Сен ҳали виждонни луғатдан қидириб юрибсанми? Аҳволинг бундан ҳам хароб бўлиши мумкин эмас. Китобни жойига қўйиб овқатлангани ўтир.

Бир неча вақт ўтган бўлса ҳам, овқатга қўл урмай ўтирар эдим. Мени нимадир қийнади.

-Сени бу қилиғингдан бирор ўртоғингни хабари борми?-сўради онам.

- Ҳеч кимни...

-Хайрият, ўртоқларинг ҳам сенга ўхшаганми, деб ўйлагандим...

-Энди нима қилсам экан?

Айтдимку,-виждонинг амри билан иш тут. Ўқитувчини алдадинг, лаборантни эса нотўғри йўлга бошладинг. Булар ҳақида ўзинг яхшилаб ўйлаб кўр. Мен сени тўғри йўл танлашингга ишонаман. Сиз шу ҳолатда қандай йўл тутган бўлардингиз?

КЕЙСНИ ЖАВОБИ:

Эртасига мен университетга дарс бошланишидан анча олдин келдим. Ижтимоий психология фани ўқитувчисини сабрсизлик билан кута бошладим. Келиши билан унга бўлган воқеани айтиб бердим.

У мени тинглаб бўлиб: -Мен эса назорат ишларини текшираётим, бу варақ қандай пайдо бўлганига ҳайрон бўлдим. Ахир мен варақни топширмаганлигингни билардим. Ўзимни ишимдан ўзим қаттиқ уялиб кетдим.

Саволлар:

- 1. Талаба ўз ҳулқини дастлаб қандай баҳолади?*
- 2. Сиз талаба қизни қарашларида ўзгариш содир этган шарт-шароитларни таҳлил қилинг.*
- 3. Бу мисол намунасида қайси методларни ўзига хос белгилари кўрсатилган.*

III-БОБ. СОЦИАЛИЗАЦИЯ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ВА ФАОЛИЯТ.

Режа:

- 3.1. Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги
- 3.2. Шахснинг ижтимоий установкалари
- 3.3. Шахсга қўйиладиган ижтимоий талаблар
- 3.4. Шахс ижтимоийлашуви
- 3.5. Шахс ва фаолият

Таян тушунчалар: шахс, установка, ижтимоий талаб, ижтимоий норма, ижтимоий санкция, ижтимоий роль, социализация, шахс ва фаолият

3.1.Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги

Мулоқот жараёнининг ҳам, гуруҳий жараёнларнинг ҳам эгаси, субъекти ҳам объекти ҳам аслида алоҳида шахс, конкрет одамдир. Шунинг учун ҳам ижтимоий психология алоҳида шахс муаммосини ҳам ўрганадики, уни ўша турли ижтимоий жараёнларнинг иштирокчиси ва фаол амалга оширувчиси деган нуқтаи назардан текширади.

Маълумки, шахс муаммоси умумий психологияда ҳам, ёш психологияси ва педагогик психологияда ҳам, дифференциал, ҳуқуқий психология ва психологиянинг қатор махсус бўлимларида ҳам ўрганилади. Ҳар бир бўлим ёки тармоқ уни ўз мавзуи ва вазифалари нуқтаи назаридан шахсга тааллуқли бўлган муаммоларни ёритади. Масалан, умумий психология шахсни психологик фаолиятнинг маҳсули, алоҳида психик жараёнларнинг эгаси деб ҳисобласа, социология уни ижтимоий муносабатларнинг объекти деб қарайди.

Шахс муаммосига ижтимоий-психологик ёндашишнинг ўзига хослиги шундаки, у турли гуруҳлар билан бўладиган турли шаклдаги ўзаро муносабатларнинг оқибати сифатида қаралади. Яъни, ижтимоий психология аввало бирор гуруҳнинг аъзоси ҳисобланган шахс хулқатвори қандай қонуниятларга бўйсунганини, шахснинг мулоқотлар системасида олган таъсирлари унинг онгида қандай акс топишини ўрганади. Гуруҳнинг шахс психологиясига таъсири қай йўсинда содир бўлиши ижтимоий психологияда социализация, яъни ижтимоийлашув муаммоси билан узвий боғлиқ бўлса, бу таъсирларнинг шахс ҳаттиҳаракатлари, хулқида бевосита қандай намоён бўлиши ижтимоий йўл-йўриқлар муаммоси билан боғлиқдир.

Ана шулар асосида шахсда шаклланадиган фазилатлар ва уларнинг турли типдаги шахсларда намоён бўлишини аниқлаган ҳолда, шахс хулқ-атворини

бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш ижтимоий психологиянинг асосий вазифаларидан биридир.

Психология фанида инсон зотига хослик масаласи индивид (лотинча - ажралмас, алоҳида зот деган маъно англатади), шахс, индивидуаллик (яккаҳоллик) тушунчалари орқали акс эттирилади. Катта ёшдаги руҳий соғлом (эси-хуши жойида) одамлар ҳам, чақалоқ ҳам, нутқи йўқ, оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган акли заифлар ҳам индивидлар деб аталади. Бироқ булардан биринчисинигина шахс деб аташ аъъана тусига кириб қолган, чунки ўша зотгина ижтимоий мавжудод, ижтимоий муносабатлар маҳсули, ижтимоий тараққиётнинг фаол қатнашчиси бўла олади. Индивид сифатида ёруғ дунёга келган одам ижтимоий муҳит таъсирида кейинчалик шахсга айланади, шунинг учун бу жараён ижтимоий-тарихий хусусиятга эгадир. Илк болалик чоғиданоқ индивид муайян ижтимоий муносабатлар тизими доирасига тортилади, бундай шахслараро муносабатлар тарзи тарихий шаклланган бўлиб, у ёшлигиданоқ шу тайёр (аждодлар яратган) ижтимоий муносабат, муомала, мулоқот тизими билан таниша боради. Ижтимоий қуршов (оила аъзолари, маҳалла аҳли, жа-моатчилик, ишлаб чиқариш жамоаси), ижтимоий гуруҳ ичида (кишиларнинг оғушида, уларнинг қалб тўрисида) одамнинг бундан кейинги ривожланиши уни шахс сифатида шакллантирувчи, унинг онги ва иродасининг хусусиятларига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳар хил хусусиятли муносабатлар мажмуасини вужудга келтиради.

Жаҳон психологияси фанида онда-сонда учраб турадиган шахсни ижтимоий муҳитнинг суст маҳсули деб тушунтириш ва унда фаолликни инкор этиш ўта баҳсли фикрдир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, шахснинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш жараёни одамнинг ўзича амалга ошираётган фаолциятига ва унинг билан қандай мақсад кўзлаётганига нисбатан муносабатини акс эттирувчи руҳий дунёси орқали намоён бўлади. Одатда, фаоллик шахсга хос хулқ-атвор, фаолият, муомала мотивларида, установкаларида, амалий кўникмаларида кўзга ташланади. Бошқача сўз билан айтганда, фаоллик шахснинг атроф-муҳитдаги воқеликни эгаллашга интилган сабъ-ҳаракатларда вужудга келади. Шахснинг фаоллиги унинг ўз истиқболи учун йўл-йўриқтанлашда, уни ўзлаштиришда, ҳаётда ўз мавқеи ва ўрнини топишда гавдаланади.

Бир хил турмуш шароитлари шахс фаоллигининг турли шакллари яратиш ҳамда ҳар хил ҳаётий вазиятни вужудга келтириш имкониятига эга. Ҳаётда бирон бир танбеҳ беришнинг ўзи кимдадир руҳий ҳисни уйғотса, бошқа бирининг сиртига ҳам юқмаслиги учрайди. Шундай қилиб, одамга таъсир қилувчи барча ташқи кўзгатувчилар ижтимоий шарт-шароитларга, фаолиятнинг ички тарбиявий қисмлари (томонлари, жиҳатлари, жабҳалари,

таркиблари) тузилиши йиғиндиси билан бойитилиши эвазига шахс деган тушунча ҳосил бўлади.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири - бу унинг индивидуаллигидир, яъни яккахоллигидир. Индивидуаллик деганда, инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, думёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғу-алам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг кадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

Одам жамиятда турли гуруҳлар фаолиятида қатнашар экан, кўпинча, уларда ҳар хил вазифаларни (функцияларни) бажаради, ўзаро ҳеч бир ўхшамаган ролларни ижро этади. Масалан, ота-онанинг, оиланинг «эгови», инжиқ, «зўравон» бола ўз тенгқурлари даврасида эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, ўзини тамоман бошқача тутати. Шунингдек, жиддий, талабчан ва хизмат вақтида бошқаларга қўшилмайдиган саёҳат даврида, меҳнат фаолиятида, ҳашар ва ҳамкорликда, улфатчи-ликда ҳазилкаш ва қизиқчига айланиши мумкин. Юқорида келтирилган масалалардан битта одамнинг ўзи турли вазиятларда мазмун жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши ролларни бажаради. Аксарият ҳолларда одам турли-туман вазиятларга, шароитларга мос, уларга мутаносиб бўлган жиҳатларни (жабҳаларни) намоён қилади, унинг оилада, хизмат вазифасида, жамоатчилик орасида, спорт мусобақасида ва шу сингариларида ўз зиммасига олган ролларни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ўзаро ҳамоханг тарзда ўйнайди. Ана шу инсон фазилатларининг, хислатларининг, сифатларининг бир-бирига мослиги шахснинг яхлитлигини кўрсатувчи аломатлардан бири бўлиб, ундаги қарама-қаршилик, зиддият ва шаклланиб улгирмаган хусусиятларнинг кўрсаткичи унинг турли вазиятларда бажариладиган ролларнинг ўзаро бир-бирига зидлиги ёки номутаносиблиги ҳисобланади.

Инсон жамиятнинг турли гуруҳларида одамларнинг ўз зиммасига олган вазифалари ва роллари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, турмушдаги мавқеи кўп маъно, кўп қиррали хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, инсон шахсига тўла мос келадиган ҳақиқий тавсиф бериш имконияти сақланиб қолади. Унга

бериладиган тавсиф фақат унинг ўйнайдиган асосий ролларини, эгаллаган мавқеининг индивидуаллигини намоён қилувчи мотивларини аниқлаш билан эмас, балки унинг ишлаб чиқаришга, моддий бойликларни ўзлаштиришга нисбатан муносабатини ўрганиш орқали берилади. Ўзбекистонда инсон шахсига бериладиган асосий тавсиф унинг асосида гуманистик, мустақил, ҳуқуқий жамият қуриш жараёнига нисбатан ва бу ижтимоий жараёнда фаол қатнашиши каби муҳим мезонларга асосланади.

Жаҳон психология фанининг илғор тараққийпарвар, гуманистик тадқиқотчиларининг тажрибасида кўрсатилишича, шахснинг психологик тузилиши, психологик хусусиятлари, характер хислати, темперамент хусусиятлари, иродавий сифатлари, аклий қобилиятлари, истеъдоддаражалари, барқарор қизиқишлари, ҳукмрон мотивлари, ҳис-сиёти ва шу кабиларнинг бирикмаси (мажмуаси) ҳар бир яққол, алоҳида одамда бетакрор, барқарор, турғун бирликни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида психологик тузилишининг нисбийлиги, қатъийлиги, стереотиплиги тўғрисидаги фикрни қатъий тасдиқлашга имкон яратади.

Психик ҳолатлар, ҳодисалар (ҳиссиёт, хоҳиш, орзу, тафаккур ва шу кабилар) узлуксиз равишда ўзгариб туриши, ижтимоий гуруҳларда, ҳаётий вазиятларда одам ўз зиммасига олган ролларига алоқадор хулқ-атворнинг ўзгариши, ёшни улғайиб бориши ҳам шахснинг психологик қиёфаси (миллийлик, этник таъсир асосида) муайян даражада барқарорликни сақлайди. Мазкур нисбий барқарорлик одам қатнашадиган унинг яшаш шароитлари, жисмоний хусусиятларининг қиёфаси билан уйғунликда шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар йиғиндисининг доимийлиги билан узвий боғлиқдир. Бироқ биз қайд қилиб ўтган доимийлик нисбий хусусиятга эгадир. Чунки шахсни психик тузилишининг ўзгариши жаҳон психологларининг бир қатор тадқиқотларида ўрганилган. Бу ўзгаришлар одамнинг яшаш муҳити, амалга оширадиган фаолиятида намоён бўлувчи ҳисобланиб, улар ижтимоий таъсир, тарбия шароитига бевосита алоқадордир.

Демак, шахснинг нисбатан барқарор ва нисбатан ўзгарувчан хусусиятлари инсон хислатларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигидан, аҳамиятига эга. Ҳаётда бирон бир танбеҳ беришнинг ўзи кимдадир руҳий ҳисни уйғотса, бошқа бирининг сиртига ҳам юқмаслиги учрайди. Шундай қилиб, одамга таъсир қилувчи барча ташқи кўзгатувчилар ижтимоий шарт-шароитларга, фаолиятнинг ички тарбиявий қисмлари (томонлари, жиҳатлари, жабҳалари, таркиблари) тузилиши йиғиндиси билан бойитилиши эвазига шахс деган тушунча ҳосил бўлади.

Шахснинг энг муҳим хусусиятли жиҳатларидан бири - бу унинг индивидуаллигидир, яъни яққаҳоллигидир. Индивидуаллик деганда,

инсоннинг шахсий психологик хусусиятларининг бетакрор бирикмаси тушунилади. Индивидуаллик таркибига характер, темперамент, психик жараёнлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ҳукмрон хусусиятлар йиғиндиси, ирода, фаолиятлар мотивлари, инсон маслаги, дунёқараши, иқтидори, ҳар хил шаклдаги реакциялар, қобилиятлари ва шу кабилар киради. Психик хусусиятларнинг бирикмасини айнан ўхшаш тарзда акс эттирувчи инсон мавжуд эмас. Масалан, яқин одамдан айрилганлиги қайғуалам, унинг билан бирга эса ҳаётда тиклаб бўлмовчи ва бошқаларда такрорланувчи фазилатлар мураккаб воқеликнинг мангуликка йўналиши билан изоҳлаш мумкин. Шахс ўзининг кадр-қиммати ва нуқсонлари билан ижтимоий турмушда фаол иштирок қилиши, таълим ва тарбия ёрдамида юзага келган ўзининг кучли ва кучсиз жиҳатлари билан яққол, бетакрор олий зотдир.

Одам жамиятда турли гуруҳлар фаолиятида қатнашар экан, кўпинча, уларда ҳар хил вазифаларни (функцияларни) бажаради, ўзаро ҳеч бир ўхшамаган ролларни ижро этади. Масалан, ота-онанинг, оиланинг «эгови», инжиқ, «зўравон» бола ўз тенгқурлари даврасида эҳтиёткорона ҳаракат қилиб, ўзини тамоман бошқача тутати. Шунингдек, жиддий, талабчан ва хизмат вақтида бошқаларга қўшилмайдиган саёҳат даврида, меҳнат фаолиятида, ҳашар ва ҳамкорликда, улфатчиликда ҳазилкаш ва қизиқчига айланиши мумкин. Юқорида келтирилган масалалардан битта одамнинг ўзи турли вазиятларда мазмун жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши ролларни бажаради. Аксарият ҳолларда одам турли-туман вазиятларга, шароитларга мос, уларга мутаносиб бўлган жиҳатларни (жабҳаларни) намоён қилади, унинг оилада, хизмат вазифасида, жамоатчилик орасида, спорт мусобақасида ва шу сингариларида ўз зиммасига олган ролларни бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ўзаро ҳамоханг тарзда ўйнайди. Ана шу инсон фазилатларининг, хислатларининг, сифатларининг бир-бирига мослиги шахснинг яхлитлигини кўрсатувчи аломатлардан бири бўлиб, ундаги қарама-қаршилик, зиддият ва шаклланиб улгирмаган хусусиятларнинг кўрсаткичи унинг турли вазиятларда бажариладиган ролларнинг ўзаро бир-бирига зидлиги ёки номутаносиблиги ҳисобланади.

Инсон жамиятнинг турли гуруҳларида одамларнинг ўз зиммасига олган вазифалари ва роллари қанчалик ранг-баранг бўлмасин, турмушдаги мавқеи кўп маъно, кўп қиррали хусусиятга эга бўлишидан қатъи назар, инсон шахсига тўла мос келадиган ҳақиқий тавсиф бериш имконияти сақланиб қолади. Унга бериладиган тавсиф фақат унинг ўйнайдиган асосий ролларини, эгаллаган мавқеининг индивидуаллигини намоён қилувчи мотивларини аниқлаш билан эмас, балки унинг ишлаб чиқаришга, моддий бойликларни ўзлаштиришга нисбатан муносабатини ўрганиш орқали берилади. Ўзбекистонда инсон

шахсига бериладиган асосий тавсиф унинг асосида гуманистик, мустақил, ҳуқуқий жамият қуриш жараёнига нисбатан ва бу ижтимоий жараёнда фаол қатнашиши каби муҳим мезонларга асосланади.

Жаҳон психология фанининг илғор тараққийпарвар, гуманистик тадқиқотчиларининг тажрибасида кўрсатилишича, шахснинг психологик тузилиши, психологик хусусиятлари, характер хислати, темперамент хусусиятлари, иродавий сифатлари, ақлий қобилиятлари, истеъдод даражалари, барқарор қизиқишлари, ҳукмрон мотивлари, ҳиссиёти ва шу қабиларнинг бирикмаси (мажмуаси) ҳар бир яққол, алоҳида одамда бетакрор, барқарор, турғун бирликни ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида психологик тузилишининг нисбийлиги, қатъийлиги, стереотиплиги тўғрисидаги фикрни қатъий тасдиқлашга имкон яратади.

Психик ҳолатлар, ҳодисалар (ҳиссиёт, хоҳиш, орзу, тафаккур ва шу қабилар) узлуксиз равишда ўзгариб туриши, ижтимоий гуруҳларда, ҳаётӣй вазиятларда одам ўз зиммасига олган ролларига алоқадор ҳуқ-атворнинг ўзгариши, ёшни улғайиб бориши ҳам шахснинг психологик қиёфаси (миллийлик, этник таъсир асосида) муайян даражада барқарорликни сақлайди. Мазкур нисбий барқарорлик одам қатнашадиган унинг яшаш шароитлари, жисмоний хусусиятларининг қиёфаси билан уйғунликда шакллантирувчи ижтимоий муносабатлар йиғиндисининг доимийлиги билан узвий боғлиқдир. Бироқбиз қайд қилиб ўтган доимийлик нисбий хусусиятга эгадир. Чунки шахсни психик тузилишининг ўзгариши жаҳон психологларининг бир қатор тадқиқотларида ўрганилган. Бу ўзгаришлар одамнинг яшаш муҳити, амалга оширадиган фаолиятида намоён бўлувчи ҳисобланиб, улар ижтимоий таъсир, тарбия шароитига бевосита алоқадордир.

Демак, шахснинг нисбатан барқарор ва нисбатан ўзгарувчан хусусиятлари инсон хислатларининг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигидан, таркиб топувчи мураккаб бирликдан иборатдир. Одатда, шахсни психологик жиҳатдан ўрганиш ўз таркибига икки асосий илмий муаммони қамраб олади.

«Эндопсихика» ва «Экзопсихика» психология. Юқорида таъкидлаб ўтилган илмий муаммолардан биринчиси бир шахсни бошқа одамлардан ажратиб турадиган индивидуал тузилишига эга эканлигидир. Ушбу яққол психологик муаммони ҳал қилиш шахснинг мазкур тузилишининг ички шароитларида ифодаланувчи ҳуқ-атвори олдидан башорат қилиш имкониятини яратади. Мазкур масаланинг қўйилиши даставвал таълим ва тарбия эҳтиёжларидан, ташкилотчиликка оид фаолият соҳалари ва бошқа эҳтиёжлар замиридан келиб чиқади. Лекин бу масалани илмий асосда ҳал қилиш бошқа муаммони, яъни шахсни тоифаларга ажратиш (типология), унинг энг муҳим, мукамал тузилишини аниқлаш билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, шахс типологияси, шахсни типологик таҳлил қилишнинг энг нозик, ибратли жиҳатларини чеклаб ўтиш, у ҳақида етарли даражада тўла тасаввурга эга бўлишни хоҳласак, унинг энг умумий тасвирини умумлашган тарзда таъкидлаб ўтиш лозим.

Шахс тузилиши билан боғлиқ бўлган иккинчи масала эса бундай тузилишнинг бир қанча таркибий қисмларга ажратишни тақозо этади, бинобарин, ушбу бўлакларнинг йиғиндиси яхлит инсон шахсини вужудга келтиради. Жаҳон психологияси фанида психологлар шахсни психологик тузилишининг таркибий қисмларини турли моҳиятига асосланиб туркумларга ажратишни (классификациялашни) тавсия этмоқдалар.

Ҳозирги замон жаҳон психологиясида биологик (табiiй) ва ижтимоий (социал) омил (фактор)нинг, воқеликнинг таъсири остида шаклланган инсон шахсида иккита муҳим қисм бўлганлигини тасдиқловчи назария юксак мавқени эгаллаб турибди. Мазкур назарияга биноан «ички психик» («эндопсихик» - юнонча «эндо» ички деган маънони билдиради) қисмларга ажратилади, деган ғояни илгари сурилади. Ушбу талқинга кўра «эндопсихика» шахснинг психик тузилишининг ички қисмлари сифатида психик элементлар ва функцияларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилади. Унинг негизида инсоннинг нерв-психологик тузилиши билан «эндопсихик» айнан бир нарса деган тушунчани тасдиқлаш ётади, гўёки у одам шахсининг ички механизмини юзага келтиради. Психик тузилишнинг «экзопсихик» қисми бўлса шахснинг ташқи муҳитига нисбатан муносабатини, шахсга қарама-қарши бўлган барча жиҳатларини, шахслараро ва объектив муносабатини белгилайди. «Эндопсихика» ўз навбатида шахснинг таъсирланиши, хотира, тафаккур, хаёл каби билиш жараёнларининг хусусиятларини, иродавий зўр бериш хислатларини, ихтиёрсиз ҳаракатларни ва шу каби фазилатларни акс эттиради. «Экзопсихика» эса ўз таркибида шахс муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, маслаги, устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгаллаган билимларни, тажрибаларни ва шу сингариларни қамраб олади. Табiiй омилга (асосга) эга бўлган «эндопсихика» биологик шарт-шароитларга боғлиқдир, аксинча, «экзопсихика» ижтимоий воқеликлар таъсири остида юзага келади, таркиб топади ва такомиллашиб боради.

Шахснинг таркиб топиши бир қатор омилларга боғлиқ деган назариянинг намояндалари бўлмиш ҳозирги замон узоқ чет эл (АҚШ, Англия, Франция, Германия, Швецария ва бошқалар) психологлари оқибат натижасида шахснинг тузилишини ўша иккита асосий омилларга, яъни биологик ва ижтимоий (социал) воқеликларнинг таъсирига боғлиқ бўлган тузилишининг мавжудлигидан манфаатдордирлар. Объект-субъект муносабатини

белгилайди. «Эндопсихика» ўз навбатида шахснинг таъсирланиши, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл жараёнларининг хусусиятларини, иродавий зўр бериш хислатларини, ихтиёрсиз (идеомотор) ҳаракатларини ва шу каби фазилатларини акс эттиради. «Экзопсихика» эса ўз таркибига хос муносабатларининг тизимини ва унинг қизиқишлари, майллари, идеаллари, установкалари, маслагги, устунлик қилувчи, ҳукмрон ҳиссиётларини, эгалланган билимларни қамрайди.

Психология фанида кескин қайта қуриш жадал суръатлар билан давом этаётган бир даврда юқоридатахлил қилинган қўш (икки) омиллик концепциясига қандай муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқ?

Жумладан, диалектик материализм дарғаларининг ибораси билан айтганда, инсон шахсининг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборат, бу ифодага ўта кескин эътироз билдиришга ҳожат йўқ. Чунки шахс ижтимоий мавжудод бўлганлиги (микромухит маҳсули эканлиги тан олинмасида) учун унда табиий-биологикт узилиш аломатлари сакланиб қолиши табиий ҳолдир. Масалан, шахс тузилишида биологик ва ижтимоий (социал) омилларни бирламчи деб эътироф қилиш муаммонинг бир томони (уларни ҳисобга олиш, албатта зарур), лекин иккинчи томони уларнинг ўзаро муносабатларини қай тарзда тушунишда ўз ифодасини топади. Кўпгина психологларнинг фикрича, бизнинг нуқтаи назаримизча, қўш омиллик назариянинг баҳсли жабҳаси шундан иборатки, бу назария ижтимоий омил билан биологик воқеликни, муҳит билан биологик тузилишни, «экзопсихика» билан «эндопсихика»ни механик равишда бир-бирига қарама-қарши қўяди, ўзаро таъсир этиш муаммосига лоқайдлик билан муносабатда бўлади. Мазкур концепция вакиллари шахснинг шаклланиши ва унинг тузилишига таъсир қилувчи табиий ва ижтимоий омиллар ички имкониятлари мавжуд эканлигини ҳисобга олмайдилар.

Таъкидлаб ўтилган фикрларни тасдиқлаш мақсадида улар ўтказган тажрибаларига мурожаат қиламиз. Қўш омиллик назария тадқиқотчилари тажрибаларида 80-130 см баландликдаги одамларнинг шахс хислатларини таркиб топтириш ўрганилган. Бунинг натижасида улар шахснинг тузилишида кўп хислатлари ўхшашлиги топилган. Бундай одамларнинг бўйи паст (пакана) бўлишларидан ташқари, уларнинг тузилишида ҳеч қандай нуқсон ва камчилик йўқ эканлиги аниқланган. Бундай тоифага кирувчи кишиларда болаларга хос кулгини, ҳеч бир танқидсиз оптимизмни, ўта соддаликни, муайян даражада ҳиссий (эмоционал) зўриқишни талаб қиладиган вазиятга нисбатан чидамлиликини, уят ҳиссининг камроқ эканлигини учратиш мумкиндир. Шахснинг хислатларига на «эндопсихика», на «экзопсихика» қисмларини киритиш мумкин эмас. Чунки шахснинг сифатлари митти одамларнинг психик

хусусиятларининг маҳсули бўлиб, улар бўйига нисбатан ўз тенгқурлари ўртасидаги фарқ аниқланган даврдан эътиборан шундай бир ижтимоий вазиятда пайдо бўлиши, таркиб топишининг такомиллашиши табиийдир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, теварак-атрофдагиларнинг митти одамларга бўйдор кишиларга қараганда бошқа муносабати, уларнинг писанд қилмаслиги, камситилиши, улар ҳам барча каби нарсаларни ҳис қилиш, орзу қилиш, ажабланиш, ҳайрон қолиш сабабли уларда шахснинг ўзига хос тузилиши вужудга келади. Бундай яққол воқелик уларнинг руҳий эзилишини, баъзан бошқаларга, ҳатто ўзларига нисбатан тажовузкорона йўл тутишларини ниқоблайди, холос. Мабодро биз митти одамлар (липутлар) ўзлари билан бап-баровар бўйли кишилар муҳитида яшайди деб тасаввур қилсак, у ҳолда уларда ҳам теварак-атрофдаги бошқа одамлардаги каби мутлақо бошқача шахсий фазилатлар, хусусиятлар, хислатлар, сифатлар мужассамлашиши мумкин бўлар эди.

Тараққийпарвар (гуманистик) психология фанида таъкидланганидек, шахс тузилишидаги табиий, органик жиҳатлар ва ҳолатлар унинг ижтимоий шарт-шароитларига боғлиқ таркибий қисмларидир. Шахс тузилишидаги табиий (анатомик-физиологик ва бошқа сифатлар) ва ижтимоий омиллар яхлит бирликни ташкил қилади ва улар ҳеч маҳалий ихтиёрсиз равишда бири-бирига қарама-қарши қўйилишига йўл қўймаслик керак.

Шундай қилиб, илмий психология (материалистик деб аташдан сақланиш мақсадида) фанида барча категорияларга умумбашарий, умуминсоний тамойил нуқтаи назардан ёндашиш шахс тузилишида табиий (биологик) ва ижтимоий (социал) омиллар ролини тан олади, инсон шахсидаги биологик ва ижтимоий воқеликларни атиги шуларнинг негизида қарама-қарши қўйишга танқидий муносабатда бўлади.

Шахс муаммосини диалектик материализм позициясида туриб ҳимоя қилувчи собиқ совет психологияси ва бошқа тараққийпарвар йўналиш вакиллари шахснинг фаоллиги теварак-атрофдаги олам билан бўладиган ўзаро муносабат жараёнида фаолият вужудга келиши мумкин деган таълимотга асосланади. Шахсни фаоллигининг манбаи унинг эҳтиёжлари ҳисобланиб, худди шу эҳтиёжлар одамни муайян тарзда ва маълум йўналишда ҳаракат қилишга ундайди. Худди шу боисдан эҳтиёж шахс фаоллигининг манбаи сифатида юзага келади ва унинг яққол турмуш шароитига боғлиқлигини акс эттирувчи ҳолатдир.

Эҳтиёжларда шахснинг яққол ижтимоий турмуш шароитларига боғлиқлиги мотивлар тизими (мотивация) сифатида ўзининг фаол жабҳалари билан ифодаланади. Мотивлар маълум эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолиятга нисбатан моликликдир, деган таърифланишга мутлақо мосдир.

Психология фанида қизиқишлар деганда, одамларнинг билиш жараёнига йўналтирилган эҳтиёжларнинг ҳиссий акс этишидир. Билиш эҳтиёжларини шахс томонидан қондирилиши унинг билимларидаги узилишларини тўлдиришга, таълим вазиятларига тўғри мослашишга ҳамда уларни тушунишга зарур имкониятлар яратади ва ёрдам беради.

Этикод одамнинг шахсий қарашлари, ҳуқ-атвор тамойиллари, илмий дунёқарашларига асосланиб ҳаракат қилишга ундовчи англашилган эҳтиёжлар мажмуидир. Этикод шаклида юзага келадиган эҳтиёжларнинг мазмунини одамни қуршаб турган табиат ва у яшайдиган жамият ҳақидаги билимлар ҳамда уларни муайян даражада шахс томонидан англаш ҳосил қилади ва аста-секин турли ташқи таъсирлар ёрдамида такомиллашиб боради.

Инсонда вужудга келадиган тилаклар саъй-ҳаракатлар мотивлари ҳисобланиб, бу мотивларда айнан шу вазиятда бевосита яққол намоён бўлмаган турмуш ва ривожланиш шароитларида эҳтиёжлар ифодаланади.

Шахснинг психик тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучлари инсоннинг ҳаёти-фаолияти давомида ўзгариб турувчи эҳтиёжлари билан уларни қондиришнинг ҳақиқий имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқлар бўлиб ҳисобланади. Булар тўғрисида жаҳондаги илмий психологик адабиётларда бир қатор қимматли ва бой материаллар мавжуддир.

Одатда, шахсни ривожлантириш, шакллантириш, таркиб топтириш, камолотга етказиш мавжуд қарама-қаршилиқларни, зиддиятли вазиятларни енгиш, иродавий зўр бериш, зўриқиш, танглик, жиддийлик ҳолатларини бошқариш, ўзини қўлга олиш орқали ушбу фаолиятни амалга оширишнинг оқилона, омилкор воситаларини (йўллари, усуллари, операциялари, кўникмалари, ўқувлари, малакалари, одатлари, ҳаракатлари, саъй-ҳаракатлари кабиларни) ўзлаштириш, эгаллаш натижасида вужудга келади. Буларнинг барчаси имитация (таклид), идентификация, рефлексия, стереотипизация, таълим, ўқитиш, ўқиш, ўрганиш, ўргатиш, сабоқ олиш, ўзлаштириш, мустақил билим олиш жараёнида юзага келтирилади. Мазкур ҳолатда аниқ фаолият орқали эҳтиёжни қондириш қонуний равишда янада юксакроқ, юқори босқичдаги янги хусусиятга эга бўлган эҳтиёжни туғдиради.

Шундай қилиб, эҳтиёжларнинг туғилиши, тараққиёти, уларни саралаш ва шакллантириш ҳамда мустақил, демократик, ҳуқуқий жамият кишисига хос бўлган миллий, ҳудудий маънавият, руҳият ва қадриятларнинг қонуниятларига, хоссаларига, механизмларига асосланган шарқона, ўзбекона юксак ахлоқий ҳисларга эга инсонларни вояга етказиш республикаимиз психолог олимларининг олдида турган асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун психологлар кўп тажрибаларда синалган (ишончли, валидли, репрезентатив) тестлар, методлар (инновацион хусусиятли), методикалар

(уларнинг инвариантлари, вариациялари, модификациялари), муайян касбий малакалар, услубий қуроллар (қўрсатмалар, тавсиялар, ишламалар, модуль ва рейтинг тизимлари), замонавий техник воситалар билан тўла-тўқис қуролланишлари, назарий ва амалий билимларни эгаллашлари, олинган натижаларни қўп қиррали (сифат, миқдор, корреляцион, дисперсион, фактор ва ҳоказо) таҳлил қила билишлари, чуқур талқин қила олишлари мутлақо зарурдир. Чунки буларсиз шахсни комил инсон сифатида шакллантириш, камол топтириш мумкин эмас, бинобарин, иккиёклама ўзаро таъсир бундай имконият яратишга қодир.

Чет эл психологиясида шахс назариялари: Жаҳон психологияси фанида шахснинг камолоти, унинг ривожла ниши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганишда турлича позицияда турадилар ва муаммо моҳиятини ёритишда ўзига хос ёндашишга эгадирлар. Мазкур назариялар қаторига биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналистик, бихевиористик кабиларни киритиш мумкин. Қуйида санаб ўтилган назариялар ва уларнинг айрим намояндалари томонидан шахсни ривожлантиришнинг принциплари тўғрисидаги қарашларига тўхталиб ўтамиз.

Биогенетик назариянинг негизида инсоннинг биологик етилиши бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг тараққиёти ихтиёрий хусусият касб этиб, улар билан ўзаро шунчаки алоқа тан олинади, холос. Мазкур назарияга биноан, тараққиётнинг бош мақсади - биологик детерминантларига (аниқловчиларига) қаратилади ва уларнинг моҳиятидан социал-психологик хусусиятлар келтирилиб чиқарилади.

Тараққиёт жараёнининг ўзи, даставвал биологик етилишнинг универсал босқичи сифатида шархданади ва талқин қилинади.

Биогенетик қонунни Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар кашф қилишган. Биогенетик қонуният органнинг тараққиёти назариясини ташвиқот қилганда ҳамда антидарвинчиларга қарши курашда муайян даражада тарихий роль ўйнаган. Бироқ мазкур ўрганишлар индивидуал ва тарихий тараққиёти муносабатларини тушунтиришда қўпол хатоларга йўл қўйган. Жумладан, биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал тараққиёти (онтогенез) бутун инсоният тарихий тараққиётининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган ғоя ётади.

Немис психологи В.Штерннинг фикрича, чақалоқ (янги туғилган бола) ҳали у одам эмас, балки фақат сут эмизувчи ҳайвондир, у олти ойликдан ошгач, психик тараққиёти жиҳатидан фақат маймунлар даражасига тенглашади, икки ёшида эса оддий одам ҳолига келади, беш ёшларда ибтидоий пода ҳолатидаги одамлар даражасига етади, мактаб давридан бошлаб

ибтидоий даврни бошидан кечиради, кичик мактаб ёшида ўрта аср кишилар онгига ва ниҳоят етукли даврдагина (16-18 ёшларда) у ҳозирги замон кишиларининг маданий даражасига эришади.

Биогенетик назариянинг йирик намояндаларидан бири бўлмиш америкалик психолог С.Холл психологик тараққиётнинг бош қонуни деб «рекапитуляция қонуни»ни (филогенезни қисқача такрорлашни) ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенездаги индивидуал тараққиёт филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Олимнинг талқинига биноан, гўдаклик ҳайвонларга хос тараққиёт палласини қайтаришдан бошқа нарса эмас. Болалик даври эса қадимги одамларнинг асосий машғулоти бўлган овчилик ва балиқчилик даврига айнан мос келади. 8-12 ёш оралиғида ўсиш даври ўсмирларда ёшидан иборат бўлиб, ёввойиликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишидаги камолот чўққисига ҳамоҳангдир. Ўспиринлик эса жинсий етилишдан (12-13) бошланиб, то етуқлик даври кириб келгунга қадар (22-25 ёшгача) давом этиб, у романтизмга эквивалентдир. С.Холлнинг талқинига қараганда, бу даврлар «бўрон ва тазйиқлар», ички ва ташқи низолар (конфликт)дан иборат бўлиб, уларнинг кечиши давомида одамда «индивидуаллик туйғу»си вужудга келади. Шахсни ривожланишининг ушбу назарияси ўз даврида бир талай танқидий мулоҳазалар манбаи вазифасини ўтади, чунки инсон зотидаги ривожланиш босқичлари филогенезни айнан такрорламайди ва такрорлаши ҳам мумкин эмас.

Биогенетик концепциянинг бошқа бир тури немис «конституцион психологияси» (инсоннинг тана тузилишига асослаган назария) намояндалари томонидан ишлаб чиқилган. Э.Кречмер шахс (психологияси) типологияси негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, деб тахмин қилади. Э.Кречмер одамларни иккита катта гуруҳга ажратади ва унинг бир бошқа циклоид тоифасига хос (тез кўзгалувчи, ҳис-туйғуси ўта барқарор), иккинчи учида эса шизоид тоифасига (одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган) хос одамлар турини айтади. Бу тахминини у шахс ривожланиши даврига кўчиришга ҳаракат қилади, натижада ўсмирларда циклоид хусусиятлари (ўта кўзгалувчанлик, тажовузкорлик, аффектив табиатлилик), илк ўспиринларда эса шизоидлик хусусиятлари бўлади, дея хулоса чиқаради. Лекин инсонда биологик шартланган сифатлар ҳамиша етакчи ва ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди, чунки шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Биогенетик назариянинг намояндалари америкалик психологлар А.Гезелл ва С.Холл тараққиётнинг биологик моделига чамалаб иш кўрадилар,

бу жараёнда мувозанат, интеграция ва янгилашиш цикллари ўзаро ўрин алмашилиб туради, деган хулосага келадилар.

Психология тарихида биологизмнинг энг яққол кўриниши Зигмунд Фрейднинг шахс талқинида ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига биноан, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулқи) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан шартланган, айниқса, биринчи навбатда, у жинсий (сексуал) майлига (либидога) боғлиқдир. Бунга ўхшаш биологизаторлик омиллари инсон хулқини белгиловчи бирдан-бир мезон ёки бетакрор туртки ролини бажара олмайди.

Биогенетик назариянинг қарама-қарши кўриниши - бу аксил қутбга жойлашган социогенетик назария ҳисобланади. Социогенетик ёндашишга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Ижтимоийлашув назариясига кўра, инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Ғарбий Европанинг энг муҳим нуфузли назарияларидан бири - бу роллар назариясидир. Ушбу назариянинг моҳиятига биноан жамият ўзининг ҳар бир аъзосига статус (ҳақ-ҳуқуқ) деб номланган хатти-ҳаракат (хулқ)нинг барқарор усуллари мажмуасини таклиф қилади. Инсон ижтимоий муҳитда бажариши шарт бўлган махсус роллари шахснинг хулқ-атвор хусусиятида, ўзгалар билан муносабат, мулоқот ўрнатишида сезиларли из қолдиради.

АҚШда кенг тарқалган назариялардан яна биттаси - бу индивидуал тажриба ва билимларни эгаллаш (мустақил ўзлаштириш) назариясидир. Мазкур назарияга биноан шахснинг ҳаёти ва унинг воқеликка нисбатан муносабати кўпинча кўникмаларни эгаллаш ва билимларни ўзлаштиришнинг самараси қўзғатувчини узлуксиз равишда мустаҳкамланиб боришнинг маҳсулидир. (Э.Торндайк, Б.Скиннер ва ҳоказо).

К.Левин томонидан тавсия қилинган «фазовий зарурат майдони» назарияси психология фани учун (ўз даврида) муҳим аҳамият касб этади. К.Левиннинг назариясига кўра индивиднинг хулқи (хатти-ҳаракати) психологик куч вазифасини ўтовчи иштиёқ (интилиш), мақсад (ният)лар билан бошқарилиб турилади ва улар фазовий зарурат майдонининг кўлами ва таянч нуқтасига йўналтирилган бўлади.

Юқорида таҳлил қилинган (шархланган) ҳар бир назария шахснинг ижтимоий хулқи (хатти-ҳаракати)ни ўзгалар учун ёпиқ ёки махсус муҳит хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тушунтиради, бу ўринда одам

хохлайдими ёки йўқми бундан қатъи назар мазкур шароитга мослашмоғи (кўникмоғи) зарур, деган ақидага амал қилинади.

Бизнингча, барча назарияларда инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий вазиятлари ва объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмаганга ўхшайди. Психологияда психогенетик ёндашиш ҳам мавжуд бўлиб, у биогенетик, социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, балки психик жараёнлар тараққиётининг биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Ушбу ёндашишнинг учта мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, маҳсули ва жараён сифатида кечиши билан ўзаро тафовутланади.

Психиканинг иррационал (ақлий билиш жараёнларидан ташқари) таркибий қисмлари бўлмиш эмоция, майл ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика дейилади. Мазкур назариянинг йирик намояндаларидан бири - бу америкалик психолог Э.Эриксондир. У шахс ривожини 8 та даврга ажратади ва уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бетакрор хусусиятга эгадир.

Биринчи давр - гўдаклик. Ушбу даврда гўдакда онгсизликка асосланган ташқи дунёга нисбатан «ишонч» туйғуси вужудга келади. Бунинг бош сабабчиси ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигининг нишонасидир. Агарда гўдакда ишонч негизи пайдо бўлмаса, балки борлиққа нисбатан ишончсизлик ҳисси туғилса, у тақдирда вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик шаклида акс этувчи хавф вужудга келиши, эҳтимол.

Иккинчи даврда, яъни илк болаликда жонзодда ярим мустақиллик ва шахсий кадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки аксинча, уларнинг қарама-қаршиси бўлмиш уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши, ўз танасини бошқаришга кенг имконият яратиб, бўлғусида шахс хусусиятларига айланувчи тартиб ва интизом, масъулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғуларини таркиб топтиришга пухта замин ҳозирлайди.

Учинчи давр - ўйин ёши деб аталиб, 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни ўзига қамраб олади. Мазкур даврда ташаббус туйғуси, қайсидир ишни амалга ошириш ва бажариш майлини таркиб топтиради. Мабодо унда хоҳиш-истакни рўёбга чиқаришнинг йўли тўсиб қўйилса, ушбу ҳолатда бола ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур ёш даврида давра, яъни гуруҳий ўйин, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш жараёнлари муҳим аҳамият касб этади, натижада боланинг турли роллар синаб кўришига, ҳаёлотини ўсишига имкон яратилади. Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила бошлайди.

Тўртинчи давр - мактаб ёши деб номланиб, ундаги асосий ўзгаришлар кўзлаган мақсадга эришиш қобилияти, уддабуронлик ва маҳсулдорликка

интилиш туйғуси билан ажралиб туради. Унинг энг муҳим кадрияти - омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Ушбу ёш даврининг салбий жиҳатлари (иллатлари) ҳам кўзга ташланади ва уларнинг қаторига ижобий хислатлари етарли даражада бўлмаганлиги, онги ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмаслиги, муаммоларни ечишда ақл-заковатнинг етишмаслиги, билимларни ўзлаштиришда қолоқлиги (сустлиги) ва ҳоказо. Худди шу даврда шахсда меҳнатга нисбатан индивидуал муносабати шакллана бошлайди.

Бешинчи давр - ўспиринлик - ўзининг бетакрор хислати, индивидуаллиги ва бошқа одамлар билан кескин тафовутланиши билан тавсифланади. Шунингдек, ўсмирлик шахс сифатида ноаниклик, муайян ролнинг уддаламаслиги, қатъиятсизлик сингари нуқсонларга (иллатларга) эгадир. Мазкур даврнинг энг муҳим хусусияти «ролни кечиктириш»нинг ўзгариши ҳисобланиб, бирмунча тараққиёт босқичига кўтарилишининг дақиқасидир. Унда ижтимоий ҳаётда бажараётган ролларининг кўлами кенгаяди, лекин уларнинг барчасини жиддий эгаллаш имконияти мавжуд бўлмайди, ваҳоланки бу кезде ўспирин ролларда ўзини синаб кўриш билан чекланади, холос. Эриксон ўспиринларда ўз-ўзини англашнинг психологик механизмларини батафсил таҳлил қилади, унда вақтни янгича ҳис қилиш, психосексуал қизиқиш, патоген (касаллик қўзғатувчи) жараёнлар ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини шарҳлайди.

Олтинчи давр ёшлик бошқа одамга (жинсга) нисбатан психологик интим яқинлашув қобилияти (уқуви) ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Айниқса, жинсий майл бу соҳада алоҳида ўрин тутди. Бундан ташқари, ёшлик танҳолик ва одамовилик каби беҳосият хусусиятлари билан тафовутланади.

Етинчи давр етуклик даври деб аталиб, ҳаёт ва фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатга, ижодиётга, ғамхўрликда, пушт қолдиришда, тажриба узатишда ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси унга узлуксиз равишда ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси нуқсон (иллат) сифатида ҳукм суриши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Саккизинчи давр, яъни қарилик инсон тариқасида ўз бурчини уддалай олганлиги, турмушнинг кенг қамровлиги, ундан қаноатланганлиги (қониққанлиги) туйғулари билан тавсифланади. Салбий хусусият сифатида ушбу ёшда ҳаётдан, фаолиятдан ноумидлилиги, улардан кўнгил совиш ҳис-туйғуларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлишлик бу ёшдаги одамларнинг энг муҳим жиҳати, саховати ҳисобланади, бинобарин, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатга нисбатан шахсият ва умумият нуқтаи назаридан қараш уларнинг олий ҳиммати саналади.

Э.Шпрангер «Ўспиринлик даври психологияси» деган асарида қизларнинг 13 ёшдан 19 ёшгача, йигитларнинг эса 14 ёшдан 22 ёшгача киритишни тавсия қилади. Ушбу ёш даврида юз берадиган асосий ўзгаришлар Э.Шпрангер бўйича:

- а) шахсий «Мен»ни кашф қилиш;
 - б) рефлексиянинг ўсиши;
 - в) ўзининг индивидуаллигини англаш (тушуниш) ва шахсий хусусиятларини эътироф қилиш;
 - г) ҳаётий эзгу режаларининг пайдо бўлиши;
 - д) ўз шахсий турмушини англаган ҳолда қуриш установаки ва ҳоказо.
- Унинг фикрича, 14-17 ёшларда вужудга келадиган инқирознинг моҳияти уларга катталарнинг болаларча муносабатидан қутулиш туйғусини туғилишидан иборатдир. 17-21 ёшларнинг яна бир хусусияти - ўзининг тенгқурлари ва жамоатчилик қуршовидан «узилиш инқироzi» ва танҳолик туйғусининг пайдо бўлишидир. Бу ҳолатни тарихий шартланганлик шарт-шароитлар ва омиллар вужудга келтиради.

Э.Шпрангер, К.Бюлер, А.Маслоу ва бошқалар персонологик назариянинг йирик намояндалари бўлиб ҳисобланадилар.

Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж.Пиаже, Дж. Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж.Пиаже интеллект назарияси иккита муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, у интеллект функциялари ва интеллектнинг давлари таълимотини ўз ичига қамраб олади. Интеллектнинг асосий функциялари қаторига уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш, кўникиш)дан иборат бўлиб, интеллектнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.

Муаллиф шахсда интеллект ривожланишининг қуйидаги босқичларга ажратади:

- сенсомотор интеллекти (туғилишдан то 2 ёшгача);
- операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан то 7 ёшга-ча);
- конкрет операциялар даври (7-8 ёшдан 11 - 12 ёшгача);
- формал (расмий) операциялар даври.

Ж.Пиаженинг ғояларини давом эттирган психологларнинг бир гуруҳини когнитив-генетик назарияга бириктириш мумкин. Бу йўналишнинг намояндалари қаторига Л.Колберг, Д.Бромлей, Дж.Биррер, А.Валлон, Г.Гримм ва бошқалар киради.

Француз психологи А.Валлон нуқтаи назарича, шахснинг ривожланиши қуйидаги босқичларга ажратилади:

- хомиланинг она қорнидаги даври;
- импульсив ҳаракат даври - туғилгандан то 6 ойликгача;

эмоционал (ҳис-туйғу) даври - 6 ойликдан то 1 ёшгача;
сенсомотор (идрок билан ҳаракатнинг уйғунлашуви) даври - 1 ёшдан то 3 ёшгача;

персонализм (шахсга айланиш) даври - 3 ёшдан то 5 ёшгача;
фарқлаш даври - 6 ёшдан то 11 ёшгача;

7) жинсий етилиш ва ўспиринлик даври - 12 ёшдан то 18 ёшгача. Яна бир франциялик йирик психолог Заззо ўз ватанидаги таълим ва тарбия тизимининг тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мазкур муаммога бошқачароқ ёндашиб ва уни ўзига хос талқин қилиб, инсоннинг улғайиб боришини қуйидаги босқичларга ажратишни тавсия қилади:

Биринчи босқич - боланинг туғилганидан 3 ёшигача.

Иккинчи босқич - 3 ёшидан 6 ёшигача.

Учинчи босқич - 6 ёшидан 9 ёшигача.

Тўртинчи босқич - 9 ёшидан 12 ёшигача.

Бешинчи босқич - 12 ёшидан то 15 ёшигача.

Олтинчи босқич - 15 ёшидан 18 ёшигача.

Схемадан кўриниб турибдики, Р.Заззо шахс ривожланишининг босқичларига индивидуаллик сифатида таркиб топиш, такомиллашиш назариясидан келиб чиқиб ёндашгани шахс шаклланиши палласининг юқори нуқтаси, яъни ижтимоийлашуви билан чекланишга олиб келган. Шунинг учун унинг таълимоти инсоннинг онтогенезда такомиллашуви, ўзгариши, ривожланиши хусусиятлари ва қонуниятлари тўғрисида мулоҳаза юритиш имконини бермайди.

Г.Гримм шахс ривожланиши қуйидаги босқичлардан иборат эканлигини тавсия қилади:

чақалоқлик - туғилганидан то 10 кунгача;

ғўдақлик - 10 кунликдан то 1 ёшигача;

илк болалик - 1 ёшдан то 2 ёшигача;

биринчи болалик даври - 3 ёшдан то 7 ёшигача;

иккинчи болалик даври - 8 ёшдан то 12 ёшигача;

ўсмирлик даври 13 ёшдан то 16 ёшигача ўғил болалар, 12 ёшдан 15 ёшигача қизлар;

ўспиринлик даври - 17 ёшдан то 21 ёшгача йигитлар, 16 ёшдан 20 ёшгача қизлар (бокиралар);

етуклик даври: биринчи босқич - 22 ёшдан 35 ёшгача эркаклар, 21 ёшдан 35 ёшгача аёллар, иккинчи босқич - 36 ёшдан 60 ёшгача эркаклар, 36 ёшдан 55 ёшгача аёллар;

кексайиш (ёши қайтган давр) - 61 ёшдан то 75 ёшгача эркаклар, 55 ёшдан то 75 ёшгача аёллар;

қарилик даври - 76 ёшдан то 90 ёшигача (жинсий тафовутйўқ);
узоқ умр кўрувчилар 91 ёшдан бошлаб то чексизликкача.
Дж.Биррон шахс ривожланишини қуйидагича тасаввур этади:

гўдаклик - туғилгандан то 2 ёшгача;
мактаболди давр - 2 ёшдан то 5 ёшгача;
болалик даври - 5 ёшдан то 12 ёшгача;
ўспиринлик даври - 12 ёшдан то 17 ёшгача;
илк етуклик даври - 17 ёшдан то 20 ёшгача;
етуклик даври - 20 ёшдан то 50 ёшгача;
етуклик даврининг охири - 50 ёшдан то 75 ёшгача;
қарилик даври 76 ёшдан бошлаб.

Д.Бромлейнинг таснифи бошқаларникига мутлақо ўхшамайди, чунки унда шахснинг ривожланиши муайян даврларга ва босқичларга ажратилган: биринчи давр - она қорнидаги муддатни ўз ичига қамраб олади (зигота-эмбрион-хомила-туғилиш), иккинчи давр (болалик):

а) гўдаклик - туғилгандан то 18 ойликкача,
б) мактабгача босқичдан олдинги - 19 ойликдан то 5 ёшгача,
в) мактаб болалик - 5 ёшдан 11 - 13 ёшгача, учинчи давр (ўспиринлик) - илк ўспирин-лик - 11 ёшдан то 15 ёшгача, ўспиринлик - 15 ёшдан то 21 ёшгача, тўртинчи давр (етуклик) - илк етуклик даври - 21 ёшдан то 25 ёшгача, 2) ўрта етуклик даври - 25 ёшдан то 40 ёшгача, 3) етуклик-нинг сўнгги босқичи - 40 ёшдан то 55 ёшгача, бешинчи давр (қарилик) истефо босқичи - 55 ёшдан то 65 ёшгача, қарилик босқичи - 65 ёшдан то 75 ёшгача, энг кексалик даври - 76 ёшдан то чексизликкача.

Шундай қилиб, биз чет эл психологиясида шахс ривожланишининг йўналишлари ва назарияларини қисқача шархлаб ўтдик. Қилинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, Европа мамлакатлари ва АҚШ психологлари орасида бу соҳада битта умумий назария ҳали ишлаб чиқилмаган. Бунинг бош сабаби шахснинг тузилиши, уни шаклланиш қонуниятлари, унинг камолотида объектив ва субъектив таъсирларнинг роли, микро ва макро муҳитнинг таъсири, ривожланишнинг таянч манбалари бўйича умумийликнинг йўқлиги, аниқ методологияга ва илмий платформага асосланмаганлиқдир.

Собиқ шўро психологиясида шахс ривожланиши назариялари шарҳлари: Собиқ шўро психологиясида шахснинг ривожланиши муаммоси Л.С.Виготский, П.П.Блонский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, Л.И.Божович сингари йирик психологларнинг асарларида ўз аксини топа бошлаган. Кейинчалик ушбу масала билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб борди. Худди шу боисдан шахснинг тузилиши, илмий манбаи,

ривожланишнинг ўзига хослиги бўйича ёндашувда, муайян даражада тафовутга эга. Ҳозирги даврда шахснинг ривожланиши юзасидан мулоҳаза юритилганда олимларнинг илмий қарашларини муайян гуруҳга ажратиш ва ундан сўнг уларнинг моҳиятини очиш мақсадга мувофиқ. Бизнингча, онтогенезда шахс тараққиётини бир неча босқичларга ажратиш ва уларнинг ҳар бирига алоҳида илмий психологик таъриф бериш нуқтаи назаридан ёндашиш қуйидаги назария ва йўналишларни ташкил қилади. Жумладан, ривожланишдаги инқирозга биноан (Л.С.Виготский), мотивацион ёндашиш (Л.И.Божович), фаолиятга кўра муносабат (Д.Б.Эльконин), шахснинг ижтимоийлашуви хусусиятига эътиборан (А.В.Петровский), шахсни тутган позициясини ҳисобга олиб (Д.И.Фельдштейн) ва ҳоказо.

Л.С.Виготский жаҳон психологлари шахснинг тузилиши ва ривожланишига оид назарияларни танқидий таҳлил қилиб, камолотни вужудга келтирувчи руҳий янгилинишлардан келиб чиққан ҳолда жараёни қуйидаги босқичларга ажратади.

Чақалоқлик даври инқироzi (кризиси).

Гўдақлик даври - 2 ойдан 1 ёшгача. Бир яшарлик инқироз.

Илк болалик даври - 1 ёшдан 3 ёшгача. 3 яшарлик инқироз.

Мактабгача ёшдаги давр - 3 ёшдан 7 ёшгача. 7 яшарлик инқироз.

Мактаб ёши даври - 8 ёшдан 12 ёшгача. 13 яшарлик инқироз.

Пубертат (жинсий етилиш) даври - 14 ёшдан 18 ёшгача. 17 яшарлик инқироз.

Л.С.Виготский ўз асарларида ривожланишнинг ҳар бир даврининг ўзига хос хусусиятларига чуқур илмий таъриф бера олган. Тадқиқотчи шахснинг ривожланишида энг муҳим руҳий янгилинишлар юзасидан ҳам илмий, ҳам амалий аҳамият касб этувчи мулоҳазалар билдирган. Бироқ унинг фикрлари ичида ўта мунозарали, баҳсбоб ўринлар талайгина. Ҳозирги замон психология фанида Л.С.Виготскийнинг шахснинг ривожланиши назарияси илмий, тарихий, ижтимоий аҳамият касб этади, тараққиётни келтириб чиқарувчи инқирозларнинг роли тўғрисидаги мулоҳазалари ва олға сурган ғоялари шу куннинг талаби билан ҳамоҳангдир.

Собиқ шўро психологиясининг йирик намояндаси, Л.С.Виготскийнинг шогирди Л.И.Божович шахс шаклланишини муайян даврларга бўлишда мотивларга асосланади, шунинг учун бу ёндашувни мотивацион деб юритиш мумкин. Л.И.Божович мулоҳазасига биноан, шахснинг шаклланиши ушбу даражалардан иборат: биринчи босқич - чақалоқлик - туғилгандан то 1 ёшгача, иккинчи босқич - мотивацион тасаввур - 1 ёшдан 3 ёшгача, учинчи босқич - «Мен»ни англаш даври - 3 ёшдан 7 ёшгача, тўртинчи босқич - ижтимоий жонзод эканлигини англаш даври - 7 ёшдан 11 ёшгача, бешинчи босқич: а) ўз-

ўзини англаш даври - 12 ёшдан 14 ёшгача, б) ўз ўрнини белгилаб олиш (топиш) даври - 15 ёшдан 17 ёшгача.

Л.И.Божович шахс шаклланишининг ҳар бир босқичини психологик тавсифини бериб, уларни келтириб чиқарувчи омиллар, манбалар, турткилар, механизмлар негизини очиб беришга ҳаракат қилган. Олима фикрининг йўналиши шахс психологияси билан узвий боғлиқ бўлиб, мотивацион ёндашувга бевосита таҳлил ва шарҳ бўйсундирилган.

Д.Б.Элькониннинг шахс шаклланиши классификацияси етакчи фаолият назариясига (А.Н.Леонтьев таълимотига) асосланиб, ҳар бир тараққиёт палласида у ёки бу кўринишдаги фаолият устунлик қилиш эҳтимолига суянади. Инсоннинг шахс сифатида камол топиши жараёнидаги етакчи фаолият роли ушбу назариянинг асосини ташкил қилади.

Д.Б.Эльконин шахс шаклланишини қуйидаги босқичларга ажратади:

ғўдаклик даври - туғилгандан то 1 ёшгача; асосий фаолият - бевосита эмоционал мулоқот;

илк болалик даври - 1 ёшдан то 3 ёшгача; асосий фаолият - предмет билан манипуляция (нозик ҳаракат) қилиш;

мактабгача даври - 3 ёшдан то 7 ёшгача; асосий фаолият - ролли ўйинлар, асосий фаолият - ўқиш;

кичик ўсмирлик даври - 10 ёшдан то 15 ёшгача; асосий фаолияти - шахсий ички (интим) мулоқот;

катта ўсмирлик ёки илк ўспиринлик ёш даври - 16 ёшдан то 17 ёшгача; асосий фаолият - ўқиш-касб танлаш.

Д.Б.Элькониннинг шахс шаклланиши босқичлари муайян кўламдаги психологлар томонидан илиқ қарши олинисига қарамасдан, маълум даражада мунозарабоб ўринлар йўқэмаслиги эътироф қилинди. Бизнингча, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари фақат алоҳида олинган фаолият доираси таъсири билан чегараланиб қолмаслиги, балки оралиқ босқичлари ҳам мавжудлиги ва ундан келиб чиққан ҳолда руҳий янгилинишларда ҳам ўзгариш бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга қарамасдан, Д.Б.Элькониннинг мазкур назарияси психология фанида, айниқса, ёш давлари психологиясида энг оммабоплардан бири бўлиб қолмоқда.

Болаларда «Мен жамият ичида» позицияси илк болалик, кичик мактаб ёшидаги, юқори синф ўқувчилиқ давларида фаоллик кенг кўламда қулоқ ёяди, чунки мазкур тараққиёт босқичида фаолиятнинг амалий предметли жиҳатлари жадал ўсишда бўлади. Уларда «Мен ва жамият» позицияси вужудга келиши мактабгача тарбия ёши, ўсмирлик давларига тўғри келиб, улар томонидан ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг нормалари ва қоидаларини ўзлаштириш, шахслараро муносабат ўрнатиш, ўзаро мулоқотга киришиш

хусусияти билан тавсифланади. Ана шу мураккаб социал-психологик ҳолатларга асосланган ҳолда Д.И.Фельдштейн боланинг ижтимоий тараққиётида унинг жамиятга нисбатан муносабатининг асосий (бош) ва оралиқ тоифаларга ажратади. Болада жамиятга нисбатан оралиқ муносабатнинг шаклланиши ижтимоийлашув, индивидуаллашувнинг таркибий қисмларини эгаллаш ва бир даврдан иккинчисига ўтиши натижасида юзага келади. Асосий (бош) муносабат - шахснинг ривожланишида кескин силжиш нуқталарининг пайдо бўлиши, ички сифат ўзгаришларининг вужудга келиши ва унда янги хислатларни таркиб топишининг маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Д.И.Фельдштейннинг шахс ривожланиши назарияси онтогенезда юз берадиган барча психологик ҳолат ва фазилатни изоҳлаб бериш имкониятига эга эмас. Лекин у таълим-тарбия сифатини оширишга ва такомиллаштириш жараёни (фаолияти)га ижобий таъсир ўтказиш хусусияти билан амалий аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари психологлари томонидан бир қатор пухта илмий-методологик негизга эга бўлган шахснинг ривожланиши назариялари ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти онтогенезда шахснинг шаклланиши қонуниятларини очишга муайян ҳисса бўлиб хизмат қилади, амалий ва назарий муаммоларни ечишда кенг қўламда қўлланилади. Аммо онтогенезда шахснинг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятларини акс эттирувчи назария яратиш мавруди етиб келди.

Собиқ шўро психологиясида шахс таърифи: Умумий психология фанида шахснинг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятлари ҳамда уларнинг механизмлари тадқиқ этилади.

Бу борада психологлар томонидан шахсга нисбатан турлича таъриф берилган ва унинг тузилишини ўзига хос тарзда тасаввур қилишган. Қуйида муаллифларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

А.Г.Ковалевнинг фикрича, шахс - бу ижтимоий муносабатларнинг ҳам объекти, ҳам субъектидир. А.Н.Леонтьев ушбу масалага бошқачароқ ёндашиб, унга шундай таъриф беради: шахс - бу фаолият субъектидир. К.К.Платоновнинг талқинига биноан: жамиятда ўз ролини англовчи, ишга лаёқатли, яроқли аъзоси шахс дейилади. Бу муаммо моҳиятини чуқурроқ очишга ҳаракат қилган С.Л.Рубинштейн таърифича, шахс - бу ташқи таъсирлар йўналишини ўзгартирувчи ички шарт-шароитлар мажмуасидир.

Психология фанида бир-бирига яқин, лекин айният бўлмаган тушунчалар қўлланилиб келинади, чунончи: одам, шахс, индивидуалик. Уларнинг моҳиятини аниқроқ изоҳлаб бериш учун ҳар бирининг психологик табиатини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Одам: сут эмизувчилар синфига дахлдорлик, биологик жонзод эканлиги одамнинг ўзига хос хусусиятидир. Тик юришлик, қўлларнинг меҳнат фаолиятига мослашганлиги, юксак тараққий этган мияга эгалиги, сут эмизувчилар таснифига кириши унинг ўзига хос томонларини акс эттиради. Ижтимоий жонзод сифатида одам онг билан қуролланганлиги туфайли борлиқни онгли акс эттириш қобилиятидан ташқари ўз қизиқишлари ва эҳтиёжларига мутаносиб тарзда уни ўзгартириш имкониятига ҳам эгадир.

Шахс. Меҳнат туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан ва жамиятда ривожланувчи, тил ёрдами билан, бошқа кишилар билан мулоқот (муомала)га киришувчи одам шахсга айланади. Ижтимоий моҳияти шахснинг асосий тавсифи ҳисобланади.

Индивидуаллик. Ҳар қайси инсон бетакрор ўзига хос хусусиятларга эга. Шахснинг ўзига хос қирраларининг мужассамлашуви индивидуалликни вужудга келтиради. Индивидуал шахснинг интеллектуал, эмоционал ва иродавий соҳаларида намоён бўлади.

Собиқ совет психологиясида энг кўп тарқалган шахснинг тузилишига оид материаллар билан қисқача танишиб ўтамиз. С.Л.Рубинштейн бўйича шахс қуйидаги тузилишга эга:

Йўналганлик эҳтиёжлар, қизиқишлар, идеаллар, эътиқодлар, фаолият ва ҳулқнинг устувор мотивлари ҳамда дунёқарашларда ифодаланади.

Билимлар, кўникмалар, малакалар ҳаёт ва фаолият жараёнида эгалланади.

Индивидуал типологик хусусиятлар - темперамент, характер, қобилиятларда акс этади.

К.К.Платонов таълимотига кўра, шахс тузилиши қуйидаги шаклга эга:

I. Йўналганлик осттузилиши - шахснинг ахлоқий қиёфаси ва муносабатларини бирлаштиради. Ундан ҳаракатчанлик, барқарорлик, жадаллик, кўлам (ҳажм) даражаларини фарқлаш лозим.

II. Ижтимоий тажриба осттузилиши - таълим воситасида, шахсий тажрибада эгалланган билимлар, кўникмалар ва одатларни қамраб олади.

Психологик акс эттириш шакллари осттузилиши - ижтимоий турмуш жараёнида шаклланувчи билиш жараёнларининг индивидуал хусусиятлари.

Биологик шартланган осттузилиш - мия морфологик ва физиологик хусусиятларига муайян даражада боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларни, шахснинг ёш, жинс хусусиятларини ва унинг типологик хосиятларини бирлаштиради.

А.Г.Ковалев талқинига биноан, шахс мана бундай тузилишга эга:

1. Йўналганлик - воқеликка нисбатан инсон муносабатини аниқлайди, унга ўзаро таъсир этувчи ҳар хил хусусиятли ғоявий ва амалий установакалар, қизиқишлар, эҳтиёжлар киради.

Устувор йўналганлик шахснинг барча психик фаолиятини белгилайди.

Имкониятлар - фаолиятнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи тизим. Ўзаро таъсир этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган турлича қобилиятлар.

Характер. Ижтимоий муҳитда шахснинг хулқ-атвор услубини аниқлайди. Одамнинг руҳий ҳаёти шакли ва мазмуни унда намоён бўлади. Характер тизимидан иродавий ва маънавий сифатлар ажратилади.

Машқлар тизими. Ҳаёт ва фаолият, ҳаракат ва хулқ-атворни тузатиш (коррекциялаш), ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқаришни таъминлайди.

Шахснинг психологик тузилиши моделлари таҳлили: Психология фанида системали ёндашувга оид тадқиқотларнинг кўрсатишига қараганда, ҳар қайси тизимнинг тавсифи сифатида унинг тузилиши қабул қилинади. Одатда, яъни структура - бу объектнинг бир қатор таркиблари ўртасидаги унинг яхлитлиги, ўзига ўзининг айниятлашувини таъминловчи барқарор ички алоқалар мажмуасидир.

Биз шахс структураси, яъни тузилиши муаммосини баён, талқин қилишда таянч ва жабҳа, компонент тушунча тариқасида яхлит тузилишнинг нисбий мустақил қисмидан, таҳлилнинг бирлиги сифатида элемент тушунчасидан (атамасидан), ҳар қандай контекстлардан яхлитлик хусусиятини акс эттирмаса ҳам улардан фойдаланамиз. Бундай тафовут (фарқ) шахс хусусиятларини яхлит ҳолда мукамал очиш учун таркибий тизимли ва элементли-тизимли даражаларини намоён этиш учун мутлақо зарур.

Шахснинг тузилиши тўғрисидаги муаммо ўзининг долзарблиги билан фаннингтадқиқот доирасидан, предметида ташқари чиқади. Шахс тузилишига оид илмий тасаввурларнинг яратилиши, ишлаб чиқилиши яхлит назариянинг зарурий шарти ҳисобланиб, инсоннинг ижтимоий моҳияти қирраларини очиш имкониятига эгадир. Худди шу боисдан психологияга фалсафа, педагогика, тиббиёт сингари фанларнинг намоёндалари томонидан уни муҳокама қилиш намоён бўлаётганлиги туфайли унга қизиқишнинг юксаклигидан далолат бермоқда.

Психология фани шахс структурасининг моделини яратишга бошқа фанлардан изчилроқ киришади, унинг табиатини акс эттириш имкониятига эришади, натижада у психология муаммолари мажмуасида марказий ўрин эгаллади. Психология олимлари томонидан тадқиқот қилинаётган долзарб муаммолар билан шахс тузилишига оид масала у ёки бу жабҳаси орқали узвий

боғлиқликка эга. Бу контекстда хулқ мотивацияси, шахснинг типологиясини ишлаб чиқиш, шахсга таъсир ўтказишнинг самарали йўл-йўриқларини кидиришни эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Психология фанида шахсга структуравий ёндашиш бўйича энг салмокли илмий изланишлар амалга оширилганлиги қонуний ҳолат бўлиб, хилма-хил шахс структурасининг модели яратилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу борада Б.Г.Ананьевнинг фикрича, психологик ҳодисаларни ақл (интеллект), ҳиссиёт (эмоция) ва иродага ажратилиши инсон психологиясида структуравий ёндашиш тажрибасининг дастлабки кўриниши бўлиб, унинг ҳақчилиги кўпгина психологлар томонидан тан олинди. Б.Г.Ананьев структуравий ёндашишнинг бошқа вариантлари тариқасида турлича психик ҳодисалар билан қарама-қарши алоқаларнинг эътироф этилиши - психик актларнинг психик функциялар, онгнинг онгсизлик, тенденцияларнинг потенциялар билан уйғунлигини таъкидлайди. Л.С.Виготскийнинг мулоҳазасига кўра, инсоннинг психик функцияларини юксак, маданий, қуйи, табиий турларга ажратишни киритиш мумкин, чунки уларнинг негизида таълим билан инсоннинг олий нерв фаолиятида биринчи ва иккинчи сигналлар системаси ўзаро таъсирининг ифодаланиши ётади.

Ҳозирги даврда психология фанида психологик ҳодисаларни психик жараёнларга, ҳолатларга, шахснинг хусусиятларига ажратиш қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашувнинг мавжудлиги Б.Г.Ананьев томонидан структуравий концепциянинг бир тажрибаси сифатида қаралади. Бу воқелик «ҳодисаларни бир қатор жабҳалари билан тўлдиришга интилиш психофизиологик хусусият касб этиб, психик жараёнлар учун дастлабки материалларни тўплаш имкониятини (идрок, тафаккур, эмоция, ирода) беради». Унинг фикрича, дастлабки материаллар, бир томондан, психик функциялар (сенсор, мнемик), хулқнинг, иккинчи томондан, элементар мотивлари (эҳтиёж, установка) ҳисобланади.

Олимнинг мулоҳазасича, бу қўшимчалар «генетик маъно касб этиб, физиологиядан мия механизмларини умумпсихологик ва нейрогуморал регуляторларини қамраб олиш психологияга ўтишга имкон беради». Лекин ушбу структуравий ёндашувнинг махсус психологик деб қарашдан қатъи назар, ҳозирги замон синтетик инсоншунослиги учун умумий аҳамиятли жиҳатни юксакликка кўтаришга қодир эмас.

Юқорида таъкидлаб ўтилган психик ҳодисаларнинг турли кўринишларини феноменларга ажратишнинг қонунийлиги бўйича баҳс юритмасдан туриб, жумладан жараёнларга, ҳолатларга, хусусиятларга бўлинишдан кўз юмиб, ушбу категориялар, уларнинг турлича талқини шахс структурасининг таркибий қисмларига тенглаштириш мумкин эмаслигини

кайд этиш зарур. Чунки улар соф психологик аснода вақт ва фазо ўлчами бўйича аниқликка эга эмасдирлар. Шунинг учун Б.Г.Ананьев томонидан киритилган илмий қўшимчалар умумпсихологик вазиятни кескин ўзгартириш имкониятига эга бўлмасада, унинг айрим томонларини тўлдиришга эга.

Шахс тузилишининг моделини ишлаб чиқишдаги муҳим қийинчиликларнинг энг асосий сабаби ҳар хил нуқтаи назарлар мавжудлигида ёрқин намоён бўлади, улар «шахснинг тузилишига кўра, субстанционал ва идеал, ирсий ва эгаллаганлик, ижтимоий ва психологик, соматик ва психологик томонларига эга» (В.М.Баншиков). Мулоҳазадан кўриниб турибдики, бунда шахснинг «субстанционал томони»ни ирсий, турмушда эгаллаганлик, соматик жабҳалар билан таққослаганда мустақил структуравий таркиб сифатида алоҳида реалликка эга эмас. Бундай талқин бирон-бир психологик ҳодисани турлича нуқтаи назардан изоҳлаш билан боғлиқ бўлиб, яккаҳол, яъни индивидуал воқелик (реаллик) устида гап бораётганлигини билдиради.

Психология фанида қўлланилиб келинаётган ва нисбатан барқарорлашган шахсни йўналганликка, темпераментга, характер ва қобилиятларга бўлиш етарли даражада кескин эътирозларга сабаб бўлаётгани йўқ. Шунинг учун кўпгина психологлар умумий тизимнинг мажмуасини ташкил қилувчи мураккаб хусусиятларнинг тузилиши сифатида қарайдилар ва шахснинг яхлит тавсифини ифодалайди, деб тушунадилар. А.Г.Ковалевнинг фикрича, темперамент табиий (ирсий) хусусиятларнинг тизимини билдириб келади, йўналганлик - эҳтиёж, қизиқиш, идеаллар тизими, қобилиятлар - интеллектуал, иродавий ва эмоционал хислатлар ансамбли, характер - хулқ-атвор усулларининг ва муносабатларининг синтезидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахснинг мураккаб тузилишга эга бўлган кўп қиррали хусусиятлари, фазилатлари, хислатлари ўзаро бир-бирларининг ичига сингиб кетганлиги натижасида табиий, эмоционал эҳтиёжлар, муносабатлар, хулқ-атвор усуллари тўғрисидаги мулоҳазалар умумлашмалар умумлашмасидир. Чунки қизиқишлар ва идеалларни интеллектуал, эмоционал, иродавий хусусиятларисиз тасаввур қилиш мумкин бўлмаганидай, муносабатлар ва хулқ-атвор усуллари ҳам алоҳида ҳукм суриши ғайритабиий ҳолатдир.

Б.Д.Паригиннинг фикрича, шахснинг статик тузилишга қуйидагилар киради:

умуминсоний психологик хусусиятлар;

миллий, касбий, иқтисодий, сиёсий, синфий бирликка алоқадор ижтимоий ўзига хос хусусиятлар;

шахснинг индивидуал бетакрор хусусиятлари. Бизнингча, олим томонидан таъкидлаб ўтилган хусусиятларнинг ҳар қайсиси шахс психикасида мавжуд бўлиб, улар алоҳида хислатлар гуруҳи кўринишига эга эмасдирлар.

Юқорида таҳлил қилинган моделларнинг ҳеч қайсиси системали ёндашув доирасидаги ҳозирги замон шахс структураси тўғрисидаги моделга мос келмас эди. Ушбу моделларнинг таркиб (жабҳа)ларида нисбий мустақил бирлик хусусияти акс топмаганлиги туфайли бир вазиятда улар ўзаро тобе элементларга, иккинчи ҳодисаларда эса такрорий хислатлар кўринишига ўхшаб кетади. Шунингдек, шахс тузилиши умуман муайян назарий ёки амалий аҳамиятга эга томон (жабҳа)лари билан ажралиб турмайди. Шунинг учун таъкидланган ҳеч бир модель психологик моҳиятини ўзида акс эттирувчи, жамият аъзоси сифатидаги инсоннинг типиклик ва индивидуаллик қиёфаларини таҳлил қилишни таъминлай олмайди.

Узоқ чет эл психологлариининг шахс тузилишининг моҳиятини очиб беришга қаратилган кўпгина ёндашувлари ҳам юксак кўрсаткичларга эришмаганлиги туфайли бу масалани ёритиш учун кескин ўзгариш киритилмади. Г.Оллпорт, Г.Мюррей, Р.Линтон, К.Роджерс, А.Маслоу ва бошқа олимларнинг яққол шахснинг психологик моҳиятини тушунчалар тизими ёрдами билан ҳаспўшлаши ижобий изланиш тарзида ўзига тортади, лекин унда шахс «кундалик турмушимизда биз билган шахснинг айнан тимсолидир», деб таърифланади.

Мазкур ижобий эзгу ниятларни амалиётда қарор топтиришга шахснинг тизими ташкилий томонини баҳолай олмаслик ва ички омиллар ролини бир томонлама орттириш ҳолати тўсқинлик қилади. Жумладан, Р.Линтон шахс тузилишини «индивидуумга алоқадор психик ҳолатлар ва ҳодисалар ташкилий агрегати», деб талқин қилишни таклиф қилади, бунинг натижасида уларнинг шунчаки йиғиндиси юзага келади, холос.

Таникли АҚШ психологи Г.Оллпортнинг фикрича, шахс «ички тизим», «динамик қурилма», «Мен», «қандайдир метапсихологик Мен» ўзида олдиндан мақсад ва диспозицияни акс эттирувчи, инсон тафаккури ва ҳуқ-атворида мутаносиб равишда қарор топтирувчи жонзотдир». Худди шу боисдан шахснинг синфий-тарихий жиҳатдан яққол баҳоланиши очилмай қолади, ижтимоий таҳлил ўрнини психологик талқин эгаллайди чамамда.

Психологлардан Т.Парсонс, Г.Мид ва бошқалар «шахснинг ролли тузилиши» номли концепцияни ишлаб чиқиб, одамнинг яхлит субъектив дунёсини, унинг психологик қиёфасини диққат марказидан, идрок майдонидан четда қолдирадилар.

Шунга қарамасдан, собиқ шўро файласуфлари ва психологлари шахснинг структурасига бирёклама ёндашишга барҳам беришга интилдилар, унинг

жамиятда бажарадиган ролини адолатли баҳолаб, ижтимоий, ижтимоий-психологик, психологик тизимларда ролнинг турли контекстда мақсадга мувофиқ бажарилишини кўрсатиб ўтдилар. Бу контекстдаги асосий ёки бош муаммо ролларни интернализациялашнинг яққол психологик механизмлари, улар билан боғлиқ бўлган нормалари, роллар ўртасидаги психологик фарқлар, шахс тузилишида мустақкам жой олган, унга нисбатан ташқи омиллар; кўзгатувчилар тарзида сақланувчилар ҳисобланади.

Чет эл психологиясида олимлар диққатини кейинги йилларда шахс моделининг психологик омиллари тортмоқда, уларнинг асосий вариантлари Г.Айзенк, Р.Кэттелл концепциялари билан бевосита боғлиқдир. Мазкур концепциялар кўп ёки оз миқдордаги «омиллар» (Айзенкда улар 2-3 та, Кэттеллда эса 20 тадан зиёд)га асосланган бўлиб, Улар муайян даражада умумлашган индивидуалликнинг ёки шахс қиёфасини ифодаловчи, психологик хусусиятларни акс эттирувчи руҳий тизимни қайд қилишга суянади. Аммо туб маънодаги шахснинг психологик концепцияси ҳам индивидуаллик қиёфаларини ҳақиқий ижтимоий-психологик моҳиятини очиш имкониятига эга эмас, чунки хусусиятларнинг қонуний равишдаги ўзаро алоқалари тавсиф қилинмай қолинган.

Таъкидланган парадокс системаси ёндашув позицияси орқали изоҳланиши мумкин, лекин яхлит тизимнинг тавсифсиз айрим компонентларнинг мазмундор таснифини амалга ошириш имконияти йўқ. Дарҳақиқат шунинг учун «инсоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ёки алоҳида психологик тизимдан келиб чиққан ҳолда мажмуа» деб аташга суяниб иш юритиш орқали ҳеч қандай «шахс тузилиши»ни яратиб бўлмайди.

Шахснинг динамик тузилишидаги моделлари собиқ совет психологлари тахмин қилган қийинчиликларнинг олдини олиш мазмунида ифодаланган.

Б.Д.Паригиннинг қатъий асосланиб айтишига кўра, шахснинг динамик структурасининг етакчи (фарқланувчи) аломати яққол вақт оралиғига боғлиқлиги, шахс фаолияти ёки психиканинг муайян ҳолатига алоқадорлигидир. Шахснинг динамик структурасининг икки асосий жабҳага тааллуқлигига, яъни психик ҳолатларга ва хулққа ишора қилган Б.Д.Паригиннинг мулоҳазасича, шахснинг кайфияти ёки психологик жиҳатдан ўзининг тайёргарлик хислати юксак аҳамиятли янгилашидир.

Олимнинг талқинига кўра, психологик тайёргарлик - бу интеграл структуравий тузилмадан иборат бўлиб, муайян вақт оралиғида инсон психикасининг жисмли йўналганлик даражаси ва тоналлигини тавсифлайди. Психологик тайёргарлик ўзининг тузилиши бўйича уч хил жабҳани қамраб олади (константли, долзарбли, вазиятли) ва фаолиятда муҳим функцияларни бажаради: а) муайян вақт бирлигида индивид томонидан қайта ишланувчи ва

идрок қилинувчи барча жорий ахборотларнинг аккумулятори; б) инсон фаоллигининг тонизатори ва регулятор; в) фаолият ва ахборотни қабул қилиш установа; г) шахснинг қадриятга йўналганлик омили ҳисобланади. Инсон ҳаёти ва фаолиятининг у ёки бу лаҳзаларида психикасининг (компонентлари) таркибий қисмлари билан содир бўлишликнинг психик тайёргарлиги синтетик равишда бирлашгандир. Бу муаммо паригинчасича, психик тайёргарлик психик ҳолатларнинг доминантлиги деган тушунчага яқинлашиб қолади. Ваҳоланки, шахснинг динамик ва статик тузилиши муносабатини ҳисобга олмайди, психологик тайёр гарликнинг миқдорий тавсифи йўллари кўрсатиб ўтмайди, натижада унинг кўлами чексизга айланиб қолади.

К.К.Платонов томонидан илгари сурилган шахснинг динамик функционал тузилиши (структураси) катта қизиқиш уйғотади. Олим шахс хусусиятларининг барча бойлигини қамраб олувчи, кўп босқичли моделини яратишга интилади. Шахс тузилишининг элементлари бўлиб, унинг хоссалари, хусусиятлари, қиёфаси ҳисобланади. К.К.Платонов шахс тузилишининг турли томонлари билан ўзаро алоқадор тўрт тузилишга ажратади:

Шахснинг ахлоқий қиёфаси муносабати ва йўналганлик бирлаштирувчи ижтимоий шартланган остизузилиш.

Бу остизузилишга алоқадор шахснинг хислатлари табиий майлларга бевосита боғлиқлиги йўқ ва тарбиявий йўл билан шакллантирилади;

тажрибанинг остизузилиши; унга таълимий йўл билан эгалланган билимлар, малакалар, кўникмалар, одатлар киради, аммо бу нарса шахс қиёфасининг биологик шартланган таъсири остида кечади (К.К.Платонов).

шахснинг индивидуал хусусиятлари билан шартланган баъзи психик жараёнлар (хотира типи, эмоционал ҳаракат барқарорлиги кўрсаткичи, машқланиш йўли) билан шакллантирилади. Биологик шартланган хусусиятларнинг таъсири янада аниқроқ кўзга ташланади;

биологик шартланган остизузилиш биопсихик хусусиятларни, фазилатлар, темперамент (шахснинг типологик хусусиятларини), жинсий ва ёш хусусиятлар, шунингдек, инсоннинг патологик ўзгаришини бирлаштиради. Бу остизузилиш машқлантириш орқали шакллантирилади, миянинг морфологик ва физиологик хусусиятларига боғлиқ. К.К.Платоновнинг фикрича, бу остизузилишга шахс қиёфаси (хусусиятлари)нинг асосий жабҳаларини киритиш мумкин.

Қисқача таҳлил қилинган К.К.Платоновнинг шахстузилишига оид концепцияси (назарияси) кенг кўламдаги таълим ва тарбия амалиёти билан жипс алоқаси туфайли ўзига тортади. Аммо муаллиф бу борада шахс ва инсон

тўғрисидаги мулоҳаза юритганда унинг реал хусусиятлари ва ҳолатларини яққол очиб бермайди. Маълумки, ҳозирги замонда бир-биридан сезиларли, деярли фарқланувчи талқинлар ҳукм сурмоқда, кези келганда баҳс предмети сунъий равишда ўзгариш ҳоллари учраб туради. Унинг асарларини ўрганиш жараёнида, шахс тузилиши тўғрисидаги мулоҳазаларда, шахснинг бу муаммоси функционал психологик педагогик жабҳа эканлиги ойдинлашиб боради, тренировка, машқланиш, таълим олиш йўли билан унда у ёки бу хислатлар шакллантирилади.

К.К.Платонов «шахснинг томонлари ва унинг осттузилиши» тушунчаларини синоним сифатида қўлланилганлигини таъкидлаб, уни куйидагича изохдаб беради: «Шахснинг моддий жабҳалари тўғрисида эмас, балки функционал томонларининг ўзаро таъсири тўғрисида гап боради». Бундан кўриниб турибдики, шахснинг компонентлари, унинг хусусиятлари, тузилиши нимани билдиради, деган муаммога жавоб топиб бўлмайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ҳодисаларни (вақтни фазовий) баҳолаш онтологик аснода ўз ечимини топа олмайди. Чунки структура яхлит тузилма бўлганлиги туфайли у ҳеч қачон жабҳа, томон ва жиҳатларнинг шунчаки мажмуасидан иборат бўлмаслиги равшан. Бинобарин, осттузилиш тушунчасини талқин қилишда умумий қабул қилинган қоидага кўра нисбий жиҳатдан мустақил таркиблардан тузилганидан қатъи назар, у бундан кенгроқ яхлитликнинг қисми бўлиб ҳисобланади. Ана шу фикрдан келиб чиққан ҳолда куйидагиларни кўз ўнгига келтириш мувофиқ: биринчидан, шахснинг ижтимоий сифатлари ўз ҳолича ҳукм сурмайди, балки яққол нерв системасида қайд қилинади, яъни табиий-биологик механизмлар ёрдами билан амалга ошади. Иккинчидан, биологик шартланган шахс сифатларининг аксарияти фило ва онтогенезда бевосита ижтимоий шарт-шароитларнинг таъсири остида шаклланади. Шунинг учун биологик шартланганликнинг ижтимоийликдан ажратишни ўзи ўта мураккаб бўлиб, амалий жиҳатдан генотип билан фенотип ўртасида демаркацион (французча - қатъий чегара) чизик ўтказиш мумкин эмас. Учинчидан, на биологик, на ижтимоий шартланган сифатлар, фазилатлар, хислатлар инсон томонидан эгалланаётган тажрибадан ташқарида намоён бўлиши кузатилмайди. Шунингдек, инсоннинг ўзлаштирадиган билимлари, малакалари, кўникмалари, одатларининг ўзига хослиги унинг шахсидаги нуқсонлар компенсацияси кўпинча ахлоқий йўналганлик ва майлларга боғлиқ. Тўртинчидан, алоҳида олинган билим жараёнларининг типологик хусусиятлари билан шартланган шахс фазилатларини ўзаро бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш ҳам ғайритабиий ҳолатдир. Юқоридаги мулоҳазаларнинг барчаси шахсда намоён бўладиган хислатларида ўз таъсирини, изини қолдиради.

Худди шу боисдан К.К.Платонов томонидан тавсия қилинган осттузилишнинг табиий яққол шахс тузилмаси мажмуаси сифатида қабул қилиш ўта баҳслидир. К.К.Платонов бўйича шахснинг тўрт «осттузилиш» жабҳалари ҳисобланади, чунки турли контекстдаги уларнинг ҳар қайсисига шахс фазилати тариқасида қараш ва шунда унинг интеграл тизимини баҳолаш мумкин.

В.С.Мерлин ҳам шахснинг тузилиши масаласига алоҳида аҳамият берган олимлардан бири саналади. Унингча, шахснинг қисмларига ажратиб талқин қилинмайдиган жабҳа (компонент) - бу унинг хислатларидир. Уларнинг ҳар бири муайян йўналганлик моҳиятини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, шахс муносабатини акс эттиради. Шунга биноан шахснинг тузилиши деганда В.С.Мерлин инсоннинг ўз-ўзига, ўзгаларга, меҳнатга у ёки бу муносабатини ўзида бирлаштирувчи шахс хусусиятларининг ташкилий ва ўзаро алоқадорлигини англатувчи ўзига хос «симптомокомплекс»ни тушунади.

Олимнинг муаммога бундай ёндашуви гўёки жуда ўринли, тўла ашёвий далилий тасаввурни вужудга келтиради. Шахс тузилиши муаммосини узил-кесил ҳал қилиниши, ечимини топиш учун айрим шартларга риоя этилиши лозим. Биринчидан, «шахснинг муносабати» тушунчаси моҳиятини яққол очиш, иккинчидан, шахснинг хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурларни деталлаштирган ҳолда ишлаб чиқиш даркор. В.С.Мерлиннинг фактлар констатациясига биноан «симптомокомплекс» шахс тузилишининг баёний ва статик тавсифини билдиради, холос», ҳолбуки шундай экан «мазкур ижтимоий шароитларда шахс тузилишининг ривожланиши ва юзага келиши қонуниятлари» ўрнатилиши жоиз.

Кўпгина психологларнинг қарашларида шахснинг ижтимоий-психологик тавсифи қиёфасининг тузилишида етакчи роль ўйнаши ва қайд этиши таъкидланади. Шу жумладан, тадқиқотчи Н.И.Рейнвальднинг фикрича, шахснинг тузилиши ва унинг ҳар бир қиёфаси (хислати) уч мезон асосида таҳлил қилиниши жоиз:

ориентировканинг даражаси ва анланганлик хусусиятига;

у ёки бу эҳтиёжий ҳолатларни ҳаракатлантиришнинг хусусияти ҳамда ташкилийлиги;

пайдо бўлишнинг жадаллиги, жиддийлиги ва зўриқишга, яъни инсоннинг эмоционал иродавий, билишга оид сифатлари нуктаи назарига ва бошқалар.

Н.И.Рейнвальднинг изоҳлашича, фаолиятнинг регуляциясида психик функцияларни умумлашган гуруҳлаштириш уларнинг уч ўлчовли (мезонли) таснифининг акд (интеллект), ҳиссиёт (эмоция) ва ирода моҳияти зиммасига тушиши шахс тузилишини темперамент, характер ва қобилиятларга, иккинчи

томондан эса экстраверсия, интроверсия омилларига ажратишга барҳам беради.

Н.И.Рейнвальднинг ушбу ёндашуви А.Р.Луриянинг мия фаолиятининг уч блокли роли таснифига бевосита мос тушади, чунончи, ақл (интеллект) кўп ҳолларда информацион блок орқали амалга ошади, ирода (ташкилийлилик) программалаштириш блоки билан, хилма-хил эмоционал ҳолатлар (ҳиссиёт) юзага келишининг негизида «энергетик» блок ётади. Ақл, ҳиссиёт, ирода ва уларни рўёбга чиқарувчи миянинг блоклари, ҳаракатлантирувчиларни эмас, балки ўзаро узвий боғлиқ бўлган инсоннинг атроф-муҳитга нисбатан муносабатининг уч лаҳзасини англатади.

Хуллас, қарашларнинг ранг-баранглиги муаммо ечимининг ҳар хил вариантлари, инвариантлари, модификациялари, модуллари ва моделлари бир даврнинг ўзида ҳукм суришини таъминлайди ҳамда системали ёндашув мажмуаси юзага келиши учун пухта негиз, механизм ва барқарор манба ҳозирлайди.

3.2.Шахснинг ижтимоий установакалари

Ижтимоий психология фанида ҳуқ-атвор ва фаолиятга қаратилган англанилмаган майллар орасида муайян даражада тадқиқ этилгани установака (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) муаммоси ҳисобланади. Ушбу ижтимоий психологик масала грузин психологи Д.Н.Узнадзе ва унинг шогирдлари томонидан кенг кўламда ўрганилгандир.

Установака ўзбек тилида кўрсатма бериш, англанилмаган майллар, йўл-йўриқ кўрсатиш маъносида кўлланилиб келинади. Лекин кейинги атамалар унинг ҳақиқий моҳиятини, маъносини ўзида мукамал акс эттирмайди, шунинг учун терминни ҳеч ўзгаришсиз қолдирса ҳам бўлади.

Одатда, установака деганда, билиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжни маълум услубда қондиришга руҳий жиҳатдан тайёр туришлик тушунилади. Установака шахснинг ўзи англаб етмаган муайян руҳий ҳолати ёки майлидир. Бундай ҳолатда шахс бирон-бир эҳтиёжни қондириш мумкин бўлган маълум фаолиятга нисбатан руҳан тайёр туради. Установаканинг мавжудлиги ва унинг қонуниятлари экспериментал тарзда таъкидлаб ўтилган илмий мактаб намояндалари томонидан аниқданган. Мазкур тажрибада синалувчига икккта, биттаси катта, иккинчиси эса кичикроқ соққачани узлуксиз равишда бир нечта (10-15) марта кўзи юмук ҳолда пайпаслаб таққослаш таклиф қилинади. Экспериментнинг навбатдаги босқичида соққачалар алмаштирилиб, баравар жисмлар ҳар хил туюлади, яъни синалувчида иллюзия (нотўғри акс эттириш) ҳолати юзага келади. Бундай

психологик воқеанинг вужудга келишига асосий сабаб шуки, объектив жихатдан ўзаро тенг соққачалар таққосланганлигида улар бир-бирига тенг эмас, деган майл билан фавқулудда субъектив шароитда иш тутилганлигидир. Ушбу ҳолат оддийроқ қилиб тушунтирилганда, таққослаш жараёни установка (кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш) асосида амалга оширилганлиги учун шундай оқибатга олиб келгандир.

Д.Н.Узнадзенинг таъкидлашича, инсонда установка билан боғлиқ психофизиологик ҳолат марказий нерв системасигина эмас, балки унинг периферик қисми фаолиятини ҳам маҳсули бўлиб ҳисобланади. Д.Н.Узнадзенинг тажрибаларида синалувчининг ўнг қўлига навбат билан аввал катта, кейин кичик соққачалар бериб турилади ва бу вазият 10-15 марта такрорланади. Тажрибанинг охириги босқичида синалувчининг чап қўлига бир-бирига тенг соққалар берилади. Бунинг натижасида унинг чап қўлида ҳам иллюзия, яъни нотўғри идрок қилиш вужудга келади. Кўз билан идрок қилишда иккита ўзаро тенг объектларни қайд қилишдаги установка ўнг кўзга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Экспериментал тарзда ўрганилган установкали вазиятларни такрорлаш эвазига инсонинг ўзига сезилмаган ҳолда муайян объектларда субъектга тааллуқли «фиксал установкалар» (қайд этилган установкалар) вужудга келганлиги аниқланган. Демак, установкани экспериментал тадқиқот этиш натижасида аниқланмаган майллар аста-секин қайд қилинувчи (фиксацион) даражасига ўсиб ўтиш мумкин.

Ижтимоий турмушда Д.Н.Узнадзенинг натижаларига ўхшаш қатор маълумотлар шахсда мустаҳкамланиб қолганлиги туфайли установка функцияларини бажариб келмоқда: 1) бошланғич синф ўқувчиларининг олдида турган установкалар худди шундай тоифага кирганлиги сабабли ўқитувчининг барча топшириқларини дарҳол бажаришга тайёр турадилар; 2) ҳисобчиларга нисбатан кўрс, расмиятчи дейишлик; 3) олимларга нисбатан паришонхотирлик; 4) савдо ходимларига нисбатан удабуронлик, даромад қилишга устаси фаранглик; 5) боланинг ҳақгўйлиги, сир тутмаслиги; 6) қариянинг сўзи тугагунча ўсалнинг жони узилиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар установкага яққол мисол бўла олади.

Шунингдек, баъзи жамоаларда, гуруҳларда, оилаларда установкага асосланиш, уларга ишонч нохуш оқибатларга олиб келади. Авторитар тафаккур, миллий стереотип, этник расм-русумлар ҳам установкага мисолдир. Даволовчи шифокорнинг установкаларига беморнинг риоя қилиши ирқчилик муносабатлари, илмий унвонли зиёлиларга берилган супер (орттирма) баҳолар ва бошқалар установканинг аниқланмаган шаклини ўзида мужассамлаштиради. Шуни таъкидлаш жоизки, баъзи ҳолларда шахс учун

англанилмаган установка ўз позициясини аниқ намоёниш қилишда эътиқод сифатида гавдаланади, англанилмаган омиллар тариқасида акс этади.

Грузин психологлари томонидан установканинг турлича хислатлари (қўзғалувчанлик, динамиклик, статиклик, пластиклик-дағаллик, лабиллик-стабиллик, иррадиация-генерализация) ва типлари (диффуз, дифферианциаллашган, фиксациялашган) аниқланган. Уларнинг фикрича, установканинг баъзи бир хислатлари мутаносиблиги унинг ҳар хил типларини вужудга келтиради. Психоз ва неврозлар установканинг патологик ўзгаришларида ўз ифодасини топади. Шунингдек, установка инсон ҳукмронлигини ва қудратини ташкиллаштиришнинг юксак даражаси саналади. У ҳуқ-атворининг батартиблиги ва изчиллигининг асоси ҳисобланади. Уларнинг мулоҳазаларича, установка инсоннинг муайян шаклда муносабат билдиришга юксак йўсинда умумлашган тайёргарлик ҳолати, реакциянинг яққол натижасининг одлаштирилган нейродинамик модели, мазкур реакция вақтини олдиндан пайқаш, қолаверса, яхлит фаолият тузилишининг ажралмас жабҳаси ҳисобланади. Шунинг учун установка ўзгарувчанлик ва барқарорлик жипс бирлигини аниқдашга хизмат қилади. У ўзининг ўзгарувчанлик билан муносабат билдириши жавоб қайтаришнинг барқарорлигини таъминлайди.

Установканинг юксакроқ босқичи англаниш кўринишга эга бўлади. Гуруҳий ва жамоавий муносабатларда унинг аъзоларини ишонтириш (уларга таъсир ўтказиш) орқали муайян йўналишга сафарбар қилиш; фикрларда умумийликни вужудга келтириш ҳолатлари бунга ёрқин мисолдир. Ишониш ва ишонтириш одамларнинг характер хислатига, ҳуқ-атворига бевосита боғлиқ. Бу ҳолат психологияда экспериментал тарзда тадқиқ этилган. Масалан, синалувчиларга маълум вақт оралиғида соатига қарамай, секундларини ўз ичида санаш орқали бир дақиқанинг чўзилишини аниқлаш имкониятига эга бўлганлар. Кейинчалик бу санаш сигнал бериш билан текширилиб турилган, баъзан «ёлғон» сигналлар, яъни лампочка ёниш билан тажриба бўлинишга йўл қўйилган. Қатнашчиларда экспериментаторга ишонч бўлганлиги сабабли хатоларга йўл қўйишган.

Ишонувчанликни аниқлашда «конформизм» (келишув, муросаю, мадора)дан фойдаланилган. Ички ва ташқи келишувчанлик (конформизм), ичдан келишмовчилик (ноконформизм) гуруҳий ишонувчанлик моҳиятини ўрганиш учун объект сифатида фойдаланишган. Бир гуруҳ одамларнинг очик овоз бериши конформизмнинг намоён бўлишидир. Лекин конформизм «сохталик»ни ҳам келтириб чиқариш мумкин, унинг акс эттирувчиси эса конформист деб аталади, кўпинча идеаллардан воз кечиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Хулқ-атвор ва фаолиятнинг англанилмаган омиллари қаторига майллар киради. Ҳали дифференциялашмаган, етарли даражада англанилмаган эҳтиёждан ташкил топган хулқ-атвор ва фаолиятини амалга оширишга ундовчи омил майл деб аталади. Мойиллик ҳолатига кириб бораётган шахс учун жалб қилаётган объектида уни нима қизиқтираётгани ва қайси аломат ўзига тортаётгани сабаби ноаниқлиги. Фаолият мақсади субъектига номаълумлиги туфайли майл ҳукм суради. Бундай психик ҳолат инсонларда тез-тез учраб турсада, лекин узининг тезкор ўткинчилиги билан бошқа воқеалардан ажралиб туради. Одатда, ушбу моҳиятли психик ҳолатни ҳаракатлантирувчи эҳтиёж сўниши ёки тилакка айлантириш мумкин. Бинобарин, у хоҳиш, ният, орзу, фантазия каби шаклларга айлантириш туфайли шахс томонидан англанилади. Бундай шаклдаги майлларнинг одамларда мавжуд бўлиши уларнинг яқин ва узоқ келажакка интилишларидан далолат беради.

З.Фрейд майлларга нисбатан ўзига хос назария яратган бўлиб, у аксарият ҳолатда жинсий (инстинктив) майллар тўғрисида мулоҳаза юритади (либидо - жинсий майл), «эдип комплекс» («Шоҳ Эдип» асари бўйича), «психоанализ» атамалари орқали кўрқиш, ҳимоя, бегоналашиш сингари инстинктив мойилликни талқин қилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, ҳар қандай англанилмаган майллар ўзидан ўзи йўқолиб кетмайди, балки улар бир босқичдан, кўринишдан иккинчи турга, шаклларга алмашади, мутлақо бошқача янги сифатга эга бўлади. Улар мақсадга, талабга ўсиб ўтиши билан англанилганлик даражасига эришади. Кўнгил ғашлик, руҳан безовталаниш, номаълум хатти-ҳаракатлар сабаби инсонга номаълум бўлса, улар англанилмаган даражада эканлигини билдиради ва майл функциясини бажаради.

Установка соф психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм - бу ижтимоий установкалардир. Бу - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир. Ижтимоий муҳитнинг таъсири хулқ-атворда бевосита намоён бўлади. У ёки бу хулқ-атворнинг сабаби унинг мотивидир. Ижтимоий психология шахс хулқ-атворининг мотивлари сифатида ижтимоий установкаларни ўрганади.

Рус олими В.А. Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установкаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.

А) элементар установкалар (set) - оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўп инча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установкалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт - шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) ижтимоий устновкалар (attitud) - ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установкалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт - шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий установкалар - улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) қадриятлар тизими - улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда қадр - қиммат топган нарсаларга нисбатан установка. Масалан, саҳиҳ ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илоҳий, ҳам энг буюк инсонлар томондан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир.

Ижтимоий установка шахс хулқ-атворининг ички, англамаган ёки қисман англаган мотивларига киради. Масалан, бир кишига бадиий адабиётдан айнан бир гуруҳ асарлар ёқади. Лекин нима учун худди шу асарлар гуруҳи ёки шу адиб ёкишини тушунмайди. Ўша гуруҳдан янги бир китоб қўлга кирганда у албатта ёкиши керак деган тасаввурда бўлади. Шу маънода олиб қаралганда, ижтимоий установка шахсдаги англамаган муносабатларга ўхшайди. Лекин аслида унинг табиати жуда мураккабдир. Чунки ижтимоий установка тушунчасида муносабатлар ҳам, шахсий маъно ҳам, баҳолар системаси ҳам, билимлар ҳам ўз ифодасини топади. Яъни, ижтимоий установка шахснинг турли ижтимоий объектларга нисбатан муносабат билдиришининг ички механизмидир, шу объектлар билан ишлашга, уларни баҳолашга ҳамда маълум тарзда идрок қилишга тайёргарлик ҳолатидир.

Ижтимоий установка муаммоси Ғарбда, айниқса, Америка Қўшма Штатларида ҳар тарафлама чуқур ўрганилган муаммолардан ҳисобланади. Америкалик олимлар унинг шахснинг аввалги ҳаётий тажрибасига, ундаги ижтимоий тасаввурларга боғлиқлигини ўрганиб, шахс хулқ-атворини турли шароитларда бошқарувчи механизм эканлигини исбот қилдилар. Улар ижтимоий установкани бир сўз билан - "аттитюд" сўзи билан ифодаляйдилар. 1942-йилдаёк М. Смит аттитюднинг уч компонентли структурасини ишлаб чиққан. Бунга кўра аттитюдда уч қисм бўлиб, булар когнитив қисм, аффектив қисм ҳамда конатив қисмларидир.

Когнитив қисм - бу шахсдаги аттитюд объектига нисбатан билимлар, унинг одам томонидан англанишидир. Бунга шахсдаги билимлардан ташқари ғоялар, тасаввурлар, принциплар ва ҳоказолар киради.

Аттитюднинг аффектив қисми - бу ўша объектни ҳиссий-эмоционал баҳолаш бўлиб, ёқтириш ёки ёқтирмаслик тарзидаги ҳиссиётлар киради. Конатив қисм ёки хулқ-атвор билан боғлиқ қисмга эса шу объектга нисбатан амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатлар, айнан хулқатвор киради.

Лекин баъзи олимларда установканинг айнан объектга ёки вазиятга нисбатан бўлиши мумкинлига ҳақида маълумотлар ҳам бор эди. Хусусан, Лапьернинг 1934-йилда ўтказган машҳур эксперименти бунга мисол бўлиши мумкин. Экспериментнинг мазмуни куйидагича эди. Лапьер иккита хитойлик талабалар билан АҚШ буйлаб саёҳатга чиқади. Улар ҳаммаси бўлиб 252 та меҳмонхонада бўлишиб, уларнинг деярли барчасида (биттасидан ташқари) илиқ, самимий муносабатнинг гувоҳи бўлишади.

Маълумки, ўша пайтларда ирқий белги бўйича одамларга танлаб муносабатда бўлишар, хитойликлар ҳам сарик танлилар сифатида камситиларди. Лапьер билан ҳамроҳ бўлган талабаларга муносабат билан олимга бўлган муносабат ўртасида деярли фарқ сезилмади. Саёҳат тугагач, Лапьер ўша барча меҳмонхона эгаларига миннатдорчилик хати ёзиб, яна ўша талабалар билан борса, яна ўшандай илиқ кутиб олишлари мумкинлигини сўради. Жавоб фақат 128 та меҳмонхона эгаларидан келди, уларнинг ҳам биттасида ижобий жавоб, 58% да рад жавоби, қолганларида турлича формаларда ноаниқ жавоблар олинди. Бундан Лапьер шундай хулосага келди: демак хитой миллатига мансуб шахсларга нисбатан ижтимоий установка билан меҳмонхона эгаларининг реал хулқ-атворлари ўртасида фарқ бўлиб, аслида установка салбий эканлиги, вазиятга қараб эса, у бошқача - ижобий намоён бўлганлиги аниқланди.

Ижтимоий установкаларга хос бўлган умумий қонуниятлардан яна бири унинг узоқ муддатли хотира билан боғлиқлигидир. Айни вазиятларда шаклланган образлар узоқ муддатли хотирада сақланиб, у ёки бу вазиятда актуаллашади, яъни "жонланади". Масалан, баъзи бир этник стереотиплар ана шундай хотира образларидандир. Демак, ижтимоий установка объектга ҳамда конкрет вазиятга боғлиқдир.

Шаклланган ижтимоий установканинг ҳаёт мобайнида ўзгариши мумкинлиги муҳим ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир. Америкалик олим Ховланд фикрича, ижтимоий установка ўргатиш йўли билан ўзгариши мумкин. Яъни ўқувчилардаги турли установкаларни ўзгартириш учун рағбатлантириш ёки жазолаш тизимини ўзгартириш лозимдир. Икки шахс ёки шахс билан гуруҳнинг установкалари мос келмай қолган шароитда эса

томонлардан бири онгли равишда ўз установкаларини ўзгартириши шартдир. Акс ҳолда номуаносиблик принципига кўра шахслараро низо ёки келишмовчилик пайдо бўлиши муқаррардир.

Ижтимоий устновкаларни ўзгартиришнинг энг содда ва қулай йўли - бу айни вазиятлар ва улардаги таъсирларни қайтаришдир. Бу қайтариш қайд қилинган образ сифатида инсон онгида узоқ муддатли хотирада сақланади ва вазият пайдо бўлганда, объективлашади, яъни ўз кучини ва мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам агар чет эл тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ерда бирор ғояни онгга сингдириш учун бир одам ёки бирор гуруҳ ўз сиёсий, мафкуравий ёки бошқа қарашларини бир хил сўзлар ва иборалар, ҳаракатлар билан қайтараверади ва шу йўл билан кўп чиликнинг маъқуллашига эришади. Айниқса, сайлов олди тадбирларида ана шу усул кенг қўлланилади. Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий устновкаларни ўзгартиришнинг усуллари ва психологик воситалари орқали ҳам дунёқарашни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шахсга социал-психологик ёндатиш уни маълум гуруҳларнинг аъзоси, конкрет шароитида ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришувчи конкрет одам деб тушунишдир.

3.3. Шахсга қўйиладиган ижтимоий талаблар

Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ - атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ - ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғлиқдир. Одамнинг ўз - ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ - шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ - атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари ва уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

Ижтимоий нормалар. Ижтимоий норма - шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ - атворига нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, «Ассалому алайкум» деб келиши - норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги - норма; хотиннинг эр ҳурматини ўрнига қўйиши, қайнонага гап қайтармаслик - норма; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарга, ногиронларга ўрин

бўшатиши - норма ва ҳакозо. Бу нормаларни айрим - алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётий вазиятларда кўп чилик томонидан эътироф этилганлиги факти билан ҳарактерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда муҳрланади.

Ижтимоий санкция. Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. Ижтимоий санкциялар - нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рақобатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз. Масалан, юқоридаги мисолда, агар жамоат транспортида катта муйсафид кишига ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўп чиликнинг айблов кўзи билан қараши, ёки оғзаки танбеҳ бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг кўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, «кўзини мошдай қилиб очиб қўйиш» ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

Ижтимоий роль. Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида хулқида намоён этади. Роль - шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш - у ёки бу олий ўқув юртида тахсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоий ҳимоясида бўлиш каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда ўша олийгоҳ ички тартиб - интизоми нормаларига сўзсиз бўйсунуш, дарсларга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолав талаблари доирасида кундалик ўзлаштириш нормаларини бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ҳам ўз ичига олади.

Бу роль унинг уйга боргач бажарадиган «фарзандлик» роли (ота ва она, яқин қариндошлар олдида) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади. Яъни, конкрет шахснинг ўзига хослиги ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли - туман ижтимоий ролларнинг ҳарактеридан келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир «тартибли, баъмани, фозил, ахлоқли ва одобли» дейилса, кимдир - беъмани, бебош, ўзгарувчан, иккиюзламачи (яъни, бир шароитда жуда қобил, бошқа ерда - бетартиб) деган ҳаётий мавқега эга бўлиб қолади.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўп лиги сабабли ҳам, турли вазиятлардаги унинг мавқеи - статуси ҳам турлича бўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли), у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги ва оқибатда, ўша вазиятда бошқачарок, ноқулай ва нобопроқ мавқеи эгаллаб қолиши мумкин. қолаверса, ролларнинг кўплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки, оқибатда - шахс ички руҳий кийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин.

Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганлигини билиб, руҳий азобга тушади - бир томондан, талабачилик ва унинг талаблари, иккинчи томондан - касбдошлар олдида уялиб қолмаслик учун ҳар куни ишхонага ҳам бориб келиш.

Шахснинг эътиқоди ва дунёқараши. Жаҳон психологияси маълумотларининг кўрсатишича, ҳулқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири бўлиб эътиқод ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод - шахсни ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишга ундайдиган муҳим мотивлар тизимидир. Бошқа сўз билан айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни - бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарздаги тушунилиш демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуқтаи назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у тақдирга шахснинг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ.

Психология фани дунёқарашнинг шаклланиш жараёнини тадқиқот қилади, ижтимоий-тарихий тараққиёт ҳодисаларининг тўғри баҳоланишини, эволюцион йўсинда таркиб топишини, ахлоқий принциплар, дидлар юз беришини, табиат ҳодисаларига ва жамиятнинг қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланиши қай тариқа юз беришини ва бошқаларни аниқлайди.

3.4. Шахс ижтимоийлашуви

Ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда ижтимоийлашув ёки социализация деб юритилади.

Демак, социализация ёки ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув - ҳар бир шахснинг

жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши ва керак бўлса, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўткази олиши жараёнидир.

Ижтимоийлашув энг аввало одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутди. Ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, у ҳар бир шахснинг ички руҳияти, дунёни ақс эттириш хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил таъсирлар одамлар томонидан турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Масалан, 10 - 15 та ўқувчидан иборат академик лицей ўқувчиларини олайлик. Уларнинг билими, илми идрок қилишлари, улардан ота - оналарининг кутишлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва унда етказилаётган маълумотлар, манбалар ва бошқа қатор омиллар бир хилдай. Лекин барибир ана шу 15 ўқувчининг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул қилади ва бу уларнинг ишдаги ютуқлари, ўқув кўрсаткичлари ва иқтидорида ақс этади. Бу ўша биз юқорида таъкидлаган ижтимоийлашув ва индивидуализация жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарама - қарши жараёнлар эканлигидан дарак беради.

Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт - шароитларини ижтимоий институтлар деб атаимиз. Бундай институтларга оиладан бошлаб, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боқча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари киради. Бу институтлар орасида бизнинг шароитимизда оила ва маҳалланинг роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий ҳуқ элементлари айнан оилада, оилавий муносабатлар тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Яъни, шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оилада олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради.

Бизнинг ўзбекчилик шароитимизда оила билан бир қаторда маҳалла ҳам муҳим тарбияловчи - ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин ҳулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чиқса, айнан шу маҳалладан қиз қидириб қолишади. Яъни, шу маҳалладаги ижтимоий муҳит қизларнинг иболи, ақлли, сариштали бўлиб етишишларига кўмаклашган.

Масалан, айрим маҳаллаларда сахар туриб кўча - эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оилалар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш нормалар тизими ҳар бир кўча-маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, охиригилар эса шу маҳаллага катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувида бевосита таъсирини кўрсатади. Яна бир муҳим ижтимоийлашув ўчоқларига мактаб ва бошқа таълим масканлари киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйқунлаштирилади.

Бизнинг ижтимоий тасаввурларимиз шундайки, мактабни биз таълим оладиган, бола билимлар тизимини ўзлаштирадиган маскан сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида бу ер ижтимоийлашув тарбиявий воситаларда юз берадиган маскандир. Бу ерда биз атайлаб ташкил этилган, охириги йилларда жорий этилган «Тарбия дарслари», «Этика ва психология» каби тарбияловчи фанларни назарда тутмаямиз.

Гап ҳар бир дарснинг, умуман мактабдаги шарт-шароитлар, умумий муҳитнинг тарбияловчи роли ҳақида. Масалан, дарс пайтида ўқитувчи бутун диққати билан янги дарсни тушунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кўзланган мақсад асосийдай. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим - боши, мавзуга субъектив муносабати ва қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир.

Шу нуқтаи назардан ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс ҳолда эса ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гуруҳда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Бу муҳит табиий ўз аъзолари ижтимоий хулқини фақат ижобий томонга йўналтириб туради.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув муҳити - бу меҳнат жамоаларидир. Бу муҳитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда анча ақли пишиб қолган, маълум тажрибага эга бўлган, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. қолаверса, эгалланган мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда муҳим бўлиб, шу муҳитдаги ижтимоий нормалар ҳаракатига таъсир қилади. Лекин барибир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар муҳити таъсирида эканлиги унинг етуклик давридаги ижтимоийлашувининг муҳим мезонларидандир.

Шунинг учун ишга киришдаги асосий мотивлардан бири - ўша жамоанинг қандай эканлиги, бу ердаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг

кимлиги ва унинг жамоага муносабати бўлиб, кўп инча ойлик - маош масаласи ана шулардан кейин ўрганилади. Шунинг учун меҳнат жамоаларида яхши, соқлом маънавий муҳит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта роль ўйнайди.

Шахс социализацияси тўғрисида гап кетаркан, айтиш керакки, социализация соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, у - индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади.

Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради, чунки индивидда шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, ундаги шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин (масалан, чақалоқлардаги бевосита эмоционал мулоқотга эҳтиёжнинг борлиги). Шахс социализацияси ёки шаклланишининг ўз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади:

1) Фаолият соҳаси, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар жабҳаси, соҳаси кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни, малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониқтириш йўлидаги активлиги унда ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) Мулоқот соҳаси, айниқса мактабгача ёш давридаги ва ўсмирлик давларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоийпсихологик хислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади.

3) Ўз-ўзини англаш соҳаси, яъни "Мен" образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқлилигини, ўзича мустақил ҳаракат қилиш, мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз-ўзини баҳолаш, англаш, назорат қилиш хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмидир.

Шахс ижтимоийлашувининг ушбу босқичлари мавжуд. Масалан, биринчи босқич-меҳнат фаолиятигача бўлган босқич бўлиб, унга боланинг мактабгача ёш даври ҳамда ўқиш йиллари киради. Бу даврдаги ижтимоийлашувнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу даврда асосан

ташқи ижтимоий муҳит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онга сингдирилади, мустақил ҳаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади.

Иккинчи босқич - меҳнат фаолияти даври - бу давр одамнинг етуқлик йиллари билан боғлиқ бўлиб, аввалги даврларда сингдирган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга бўлиб, аниқ ҳаёт йўлини танлаган, турмуш қуриб, келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён бўладиган барча ижтимоий фазилятлар шу даврнинг маҳсулидир.

Ниҳоят, учинчи босқич - меҳнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб, бунга асосан актив меҳнат фаолиятидан сўнг қарилик гаштини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс ижтимоийлашуви давом этаверади, чунки энди илгариги даврларда орттирилган тажриба бошқаларга узатилади, шунга кўра шахс структурасида ҳам хусусий ўзгаришлар рўй беради.

Бу жараён рўй берадиган шароитлар - муассасалар хусусида гапириладиган бўлса, турли даврларда оила, болалар муассасалари, мактаб, бошқа даргоҳлари, меҳнат жамоаларининг роли назарда тутилади.

Шахс тоифалари ва уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси. Психологларнинг фикрича, (Г.Асмолов, П.Шихерев, В.А.Ядов, П.Надирашвили ва бошқалар) ижтимоий установкаларни ўзгартириш учун шу установканинг сабаби бўлган вазият ёки фаолиятнинг мақсади ва мотивини ўзгартириш шартдир. Шу нарса шахснинг актив онгли фаолиятида содир бўлади.

Шундай қилиб, шахс социализация жараёнида турли установкаларини рўёбга чиқариш шароитида фаоллик кўрсатади. Шундай фаолликнинг натижаларини биз унинг ижтимоий-психологик сифатларида кўрамиз. Яъни, актив биргаликдаги фаолият, ўзаро мулоқот жараёнида шахснинг ижтимоий-психологик фазилятлари шаклланади. Шунинг учун ҳам барча сифатлар фаолиятда намоён бўладиган ҳамда мулоқотда кўринадиган сифатлар гуруҳига бўлинади. Масалан, ташқи муҳит билан фаол муносабат перцептив ҳимоя сифатлари, яъни ўзига хавф солувчи ёки солиши мумкин бўлган ижтимоий таъсирлардан ҳимоя қилувчи хусусиятлар шаклланади. Бу сифатларни баъзи муаллифлар перцептив қобилиятлар (В.А.Лабунская) деб атасалар, бошқалари "ижтимоий таъсирларга ҳиссий жавоб бериш қобиляти" (А.Бодалев), "кузатувчанлик", "зийраклик" (Ю.Жуков) ва ҳоказо деб аташган. Бошқа сифатлар "мулоқотда намоён бўлувчи сифатлар"дир. Улар турли ижтимоий кутишлар системаси билан боғлиқ бўлиб, шахснинг турли шароитларда тўғри мулоқотга киришиш имкониятини беради. Бундан ташқари, ҳар бир шахсда ўзига хос тарзда дунёни, одамларни идрок қилиш ва тушуниш қобиляти борки, улар мулоқот жараёнида камрок хатоларга йўл

қўйишини таъминлайди. Масалан, босиқлик, мулоҳазалилик ўзгаларнинг ички дунёсини гаплари, ҳатти-ҳаракатларига қараб билиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишига қараб шахс типлари фарқланади.

Экстроверт ва интроверт тоифали шахслар. Бу типлар мулоқотга кириша олиш қобилиятига кўра фарқланади. Масалан, экстроверт - ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёждир, бошқаларнинг уни тушуниш-тушунмасликларидан қатъи назар, у доимо ўз фикр-истакларини ўртоқлашгиси келади. Экстроверт учун конкрет ким биландир мулоқотда бўлиш эмас, умуман ким билан бўлса ҳам мулоқотда бўлиш хоҳиши муҳим. Шунинг учун ҳам у умуман бегона одам билан гаплашиб, киришиб кета олади. Гаплашгиси келмаган бегонанинг психологиясини тушуниши қийин ("Қандай қилиб гаплашишни хоҳламаслик мумкин?", - деб уйлайди у).

Экстровертнинг қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради, дўстлари, ўртоқларини ҳам алмаштириб туришга интилади. Бундан ташқари, у ўта киришувчан бўлганлиги учун ҳам ҳар қандай шароитда вазиятдан чиқиш усуллари тўғрисида тез хулосага келади, ўта қизиқувчан, дунёда бўлаётган ҳодисалар, "миш-мишлар"ни билиш унинг учун зарур. Экстроверт кек сақламайди, бугун урушган одами билан эртага ҳеч нарса бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

Интроверт эса экстровертнинг тескариси. У кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юритиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўхшаганлар унинг учун асосий ишдир. Шунинг учун ҳам унда мулоқотга установка жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлади. Интроверт китоблар олами, фалсафий фикрлашлар қулидир, чунки у одамлар гуруҳида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчийди, ўзини олиб қочади. Агар мулоқотда бўладиган бўлса, 2-3 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳни афзал кўради. Шунда ҳам ҳар куни эмас, баъзан-баъзан учрашиб туриш, гаплашганда ҳам "шахсий" мавзуларда эмас, умумий гаплар ҳақида суҳбатлашишни яхши кўради. Чунки у экстровертдан фарқ қилиб, ўз "Мен"ининг бошқаларга ўхшамаслигини доимо эсда тутаяди. Интроверт доимий стандартлар, белгиланган нормалар оламида яшайди, қизиққан нарсаси билан умрини охиригача бўлса ҳам шуғулланишга тайёр, умр йўлдошига содиқ, вафодор. Дўстларга ҳам худди шундай.

Мобил ва ригид тоифали шахслар. Бу шахс типлари мулоқотга киришиш меъзонига кўра фарқланади. Масалан, мобил тип ҳар қандай иш билан машғул бўлган шароитда жуда тез мулоқотга киришади, лекин бошқа нарсаларга ҳам диққатини кўчириши мумкин. У тез гапиради, доимо шошади, юз ифодалари

ҳам тез ўзгаради. Суҳбат мавзусини ҳам тез-тез ўзгартириб туришга мойил. Гаплашиб кетиши қанчалик осон бўлса, гапни тугатиб, хайрлашиб кетиши ҳам осон. Суҳбат тугагандан кейин қолган ишини давом эттириб кетаверади.

Ригид суҳбатдош эса унинг акси. Бундай шахс қатъиятли, дадил бўлса ҳам, бир фаолият туридан иккинчисига кўчиши жуда қийин, у маълум муддатни талаб қилади. Чунки у ўйламасдан таваккал иш қила олмайди. Масалан, у хат ёзаётган пайтда кириб қолсангиз, то бирор бўлагига нуқта қуймагунча сизга қарамайди. Қарагандан кейин эса, тезгина суҳбатга кириша олмайди. Ригид шахс жуда яхши суҳбатдош. Мобил типдаги суҳбатдош билан гаплашаётганда у тез-тез гапни бўлиб, суҳбатдошга ташаббусни бергиси келмайди, ригид эса жуда диққат билан тинглайди. Лекин ўзи гапирганда, секин, мантиқан тўғри гапиришни яхши кўради, гапини бўлишларни сира истамайди. Агар суҳбатни бўлсангиз, кейинги сафар сиз билан гаплашмай қўя қолишни афзал кўради. Агар у билан уришиб қолсангиз, анча вақтгача унинг жаҳли чиқмайди, сизни охиригача эшитиб, секин жавоб беради, ундаги ранжиш, жаҳл чиқиши одатда сиз кетгандан кейин келади. Агар унинг суҳбатдоши тоқатсиз одам бўлса, иккаласининг чиқиши қийин, чунки у узоқдан келиб тушунтиришни яхши кўради. Демак бу типлар ҳам ҳар хил, ҳар бирида ҳам яхши, ҳам ёмон сифатлар бор.

Доминант ва тобе тоифали шахслар. Доминант тип мулоқот жараёнида сира ҳам бошқалардан паст келишни хоҳламайди, савол берилса, хоҳласа жавоб беради, бўлмаса, индамаслиги ҳам мумкин. У доимо суҳбатдошга таъсир кўрсатиши, унинг бўйсунганини хоҳлайди. Унда эгоизм ҳисси кучли, ўзи хато фикр юритса, хатолигини суҳбатдош сезса ҳам уни бўйнига олмайди. Доминант тип - қатъиятли. Суҳбат давомида у сизнинг фикрингизни ярим йўлда тушунса, сизни охиригача тинглашни истамайди, гапни бўлиб, майинлик билан гапни тугатиб қўйиши мумкин. Агар иккала суҳбатдош ҳам доминант бўлишса, унда улар ўртасида осонгина рақобат ҳисси юзага чиқиши, келишмай қолишлари мумкин. Шунинг учун жанжаллашиб қолмаслик учун доминант шахснинг мустақиллиги, дадиллигига кўниш, унга ўз нуқтаи назарини охиригача баён этиш имкониятини бериш лозим.


Тобе типли шахс эса суҳбатдошнинг қарашларига мослашади, доимо ён беришга тайёр, шунинг учун у кам жанжаллашади, лекин ёмон кўриб қолган одами билан умуман гаплашмайди. Суҳбат шароитидагина у аста-секин ўзининг дадиллигини кўрсатиши, очик гаплашиши, баъзан эътирозлар билдириши мумкин. Тобе шахсли болаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир, шунинг учун ҳам уларни мактаб туриш, гапираётганда кўзлар, юз ифодалари билан уларни руҳан қўллаб туриш керак. Бирор қарорга келиш


керак бўлиб қолса, бу шахс қарорни яхшиси сиз қабул қилишингизни хоҳлайди, чунки жавобгарликни бўйнига олишни истамайди.

Юқорида келтирилган типларни кузатар эканмиз, барчасида яхши ва ёмон, ноқулай сифатлар борлигини кўрамиз. Ҳаётда кўпинча соф у ёки бу тип вакили учрамайди, лекин у ёки бу вазиятларда такрорланадиган фазилатларга қараб одамларни типларга бўламиз. Бундан ташқари, бир марта кўришда одам ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Уни турли шароитларда бир неча марта кузатиш лозим.

Ижтимоий талабалар (3.1-расм).

3.1-расм





3.5. Шахс ва фаолият

Психология фанида ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати (уларнинг қайси тараққиёт босқичидан қатъи назар), ҳулқ-атворининг юзага келиши кўп жиҳатдан уларни қуршаб турган макро, микро ва мизе муҳитга боғлиқ. Уларнинг намоён бўлиши биологик (табiiй) шартланган омиллар, воситалар томонидан белгиланади ва бошқарилиб турилади.

Инсонни ҳайвонот оламининг хусусиятлари билан қиёслашга ҳаракат қилсак, у ҳолда мутлақо бошқача воқеликнинг шохиди бўлишимиз мумкин. Чунончи шахс ўзининг фаоллиги билан ҳайвонот олаmidан фарқди ўлароқ ажралиб туради, мазкур ҳаракатлантирувчи куч илк болалик ёшидан эътиборан ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида тўпланган инсониятнинг тажрибасига ва жамиятнинг қонун-қоидаларини эгаллашга йўналтирилган бўлади.

Узоқ даврлар давом этган махсус жараённинг таъсирида содда тарздаги хатти-ҳаракатда фаоллик устуворлик қилганлиги туфайли ўзининг юқори босқичига ўсиб ўтиб, янгича мазмун, моҳият, шакл ва сифат кашф этган. Фаоллик негизида пайдо бўлувчи ўзгача сифатни, ўзига хосликни эгаллаган хатти-ҳаракатнинг юксак кўриниши, фақат инсонгагина тааллуқлилиги орқали у психология фанида фаолият деб номлана бошланди. Фаолият фаолликнинг шахсга хос тури сифатида вужудга келиб, у ўзининг психологик аломатлари билан хатти-ҳаракатдан тафовутланади. Унинг фарқли аломатлари тавсифи юзасидан мақсадга мувофиқ мулоҳазалар юритиш айна муддаодир.

Биринчидан, фаолиятнинг мазмуни тўла-тўқис уни юзага келтирган табиий, биологик ва маънавий эҳтиёж билан шартланмаганлиги туфайли

унинг психологик механизми ҳам ўзгача негизга қурилиши мумкин. Мабодо эҳтиёж мотив сифатида фаолиятга ички туртки бериб, уни жадаллаштиришга, фаоллаштиришга эришса, у вазиятда фаолиятнинг мазмуни, шакллари ижтимоий: шарт-шароит, талаблар, зарурият, тажриба кабилар билан белгиланади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўтиш жоизки, инсонни меҳнат қилишга ундаган мотив моддий овқатга нисбатан эҳтиёж вужудга келиши туфайли туғилиши ҳодисаси муайян даражада учраб туради. Аксарият ҳолларда ишчи дастгоҳни очликнинг олдини олиш учун эмас, балки жамият томонидан масъул ижтимоий вазифа сифатида белгиланганлиги сабабли бошқа-ришга қарор қилади. Бундан кўриниб турибдики, ишчининг меҳнат фаолияти мазмуни моддий эҳтиёж билан эмас, балки мақсад билан белгиланади, бу ўз навбатида мақсаднинг ижтимоий негизда ётувчи тайёрлаш масъуллиги билан уйғунлашиб кетади. Модомики шундай экан, одам нима учун бундай йўсинда хатти-ҳаракат амалга оширгани, унинг нимани кўзлаб иш қилаётгани мос келмайди, чунки уни фаолликка ундовчи туртки, хоҳиш-истак билан фаолиятни йўналтирувчи аниқ мақсад ўзаро мутаносиб эмас. Бинобарин, фаолият фаоллик манбаи ҳисобланмиш эҳтиёж сифатида юзага келган тарзда фаолликнинг йўналтирувчиси тариқасидаги англанган мақсад билан идора қилинади.

Иккинчидан, фаолият муваффақиятини таъминлаш учун психика нарса ва ҳодисаларнинг хусусий объектив хоссаларини акс эттириши, қўйилган мақсадга эришиш йўл-йўриқларини аниқлаб бериши жоиз.

Учинчидан, фаолият шахснинг хулқ-атворини мақсадга қаратилган ҳаракатларни рўёбга чиқариш, юзага келган эҳтиёжларни ва ёрдамга муҳтожлиги йўқ фаолликнинг имконини берадиган бошқаришни удаллаши лозим. Шунинг учун фаолият билиш жараёнларисиз, иродавий зўр беришсиз амалга ошиши амри маҳол, чунки у ҳар иккала омил билан узвий алоқага киришганидагина яратувчанлик хусусиятини касб этади, холос.

Одатда, фаолиятга таъриф берилганда, биринчи галда англашилган мақсад билан бошқарилиши, сўнгра психик (ички) ва жисмоний (ташқи) фаолликдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилади. Лекин ушбу белгилар фаолият таърифини мукаммал тарзда очиб беришга қурби етади, деган гап эмас, албатта.

Инсон фаоллигида англанган мақсад мавжудлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш учун ҳар хил хусусиятли бир қанча омилларга мурожаат қилишга тўғри келади. Фаолиятнинг мотивлари, рўёбга чиқариш воситалари, ахборот танлаш ва уни қайта ишлаш англанган ёки англанмаган, баъзан англанганлик нотўқис, ҳатто у нотўғри бўлиши мумкин.

Жумладан:

а) мактабгача ёшдаги бола ўйин фаолиятига нисбатан эҳтиёжини гоҳо англайди, холос;

б) бошланғич синф ўқувчиси ўқув мотивларини ҳамиша ҳам англаш қурбига эга бўлмайди;

в) ўсмир ҳам хулқ мотивларини нотўқис ва нотўғри англаши мумкин;

г) ҳатто вояга етган одам баъзан хулқ мотивини ноўрин ҳаспўшлашга интилади. Бундан ташқари, ҳатто фаолиятни амалга оширишни режалаштириш, уни рўёбга чиқариш учун қарор қабул қилиш, маҳсулани тахминлаш, хулоса чиқариш ҳам англанилганлик кафолатига эга эмасдир. Чунки фаолиятни рўёбга чиқарувчи ҳаракатнинг аксарияти онгтомонидан бошқарилмайди, жумладан, велосипед учиш, куй чалиш, китоб ўқиш, телефон қилиш одатий ҳодисадир.

Шуни уқтириб ўтиш лозимки, фаолиятнинг жабҳаларини онгда акс даражаси ва мукаммаллиги унинг англанилганлиги кўрсаткичи мезони ҳисобланади. Лекин фаолиятнинг англанилганлиги даражаси кенг кўламли бўлишига қарамасдан, мақсадни кўзлаш (англаш) унинг устувор белгиси вазифасини ўйнайверади. Фаолиятда мақсадни англаш иштирок этмаса, унда у ихтиёрсиз (импульсив) хатти-ҳаракатга айланиб қолади ва бундай ҳолат кўпинча ҳиссиёт билан бошқарилади. Жаҳл, ғазаб (аффект), кучли эҳтирос ҳолатлари юз берган одам ихтиёрсиз ҳаракат қилади. Бироқ хатти-ҳаракат ихтиёрсизлиги унинг англанилмаганлигини билдирмайди, аксинча бунда инсон мотивининг шахсий жабҳаси англанилган бўлади, унинг ижтимоий мазмуни эса қамраб олинмайди.

Фаолиятнинг тузилиши. Воқеликка нисбатан муносабатнинг муҳим шакли сифатидаги фаолият инсон билан уни қуршаб турган олам (борлиқ) орасида бевосита алоқа ўрнатади. Табиатга, нарсаларга ўзга одамлар таъсир кўрсатиши ҳам фаолиятнинг қудрати билан рўёбга чиқади. Инсон фаолиятда нарсаларга нисбатан субъект сифатида, шахслараро муносабатда эса шахс тариқасида гавдаланади ҳамда имкониятларини юзага чиқаришга мушарраф бўлади. Унинг натижасида иккиёклама боғланиш узлуксиз ҳаракатга киришиши, тўғри ва тескари алоқа ўрнатиши туфайли инсон нарсаларнинг, одамларнинг, табиат ва жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот тўплайди. Ҳар хил хусусиятли ўзаро муносабатлар негизида фаолият субъекти учун нарсалар субъектлар сифатида, одамлар эса шахс тимсолида акс эта бошлайди.

Инсон фаолиятга йўналтирилган мақсадга эришиш учун шу йўлда ҳаракат қилиши туфайли хусусий вазифаларни бажаришга киришади. У ўз олдида турган мақсадни амалга ошириш учун маълум вақт оралиғида у ёки бу амални бажаради. Бирор матнни компьютерда тайёрлаш учун инсон олдин уни

электртокига улайди, экранни ишга созлайди, унинг тугмачаларини босиш орқали ҳарф ва сўзларни тиради, сўнгра маълум маъно англатувчи матн пайдо бўлади.

Психологияда фаолиятнинг алоҳида бир хусусий вазифасини бажаришга мўлжалланган, нисбатан тугалланган қисми (унсури), таркиби ҳаракатдеб номланади. Масалан, компьютер техникасидан фойдаланиш ҳаракатлари амалга ошириладиган ишлардан таркиб топади. Ҳаракатлар натижасида одам борликдаги нарсалар хусусияти, ҳолати, фазовий жойлашувини ўзгартиради. Мазкур жараён нафақат ҳаракат ёрдами билан, балки муайян саъй-ҳаракатлар туфайли юзага келади. Дурадгор эшик ясамоқчи бўлса, аввал муносиб материал танлайди, уларни ўлчайди, унсурларини санайди, рандалайди, қисмларни бир-бирига жойлаштиради, ёпиштиради, унга пардоз беради, ошиқ-мошиқ қоқди, кесаки ўрнатади, очиб ёпилишини текширади ва ҳоказо. Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, дурадгорнинг гавдаси, оёқ-қўллари, бошининг тутиши саъй-ҳаракатлари билан бирга «танлаш», «ишлов бериш», «ўрнатиш» амал қисмлари мажмуаси фаолиятни таркиб топтиради. Саъй-ҳаракатнинг ҳаракатдан фарқли томонлари унинг аниқлиги, мақсадга йўналганлиги, эпчиллиги, уйғунлиги сингари белгиларида ўз ифодасини топади.

Инсон фаолиятида нарсаларни ўзлаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлардан ташқари:

- а) тананинг фазовий ҳолати;
- б) қиёфанинг сақланиши (тик туриш, ўтириш);
- в) жой алмашиш (юриш, югуриш);
- г) алоқа воситалари саъй-ҳаракатлари қатнашади.

Одатда, алоқа воситалари таркибига:

- а) ифодали саъй-ҳаракатлар (имо-ишора, панто-мимика);
- б) маъноли ишоралар;
- в) нутқий саъй-ҳаракатлар киритади.

Саъй-ҳаракатларнинг ушбу турларида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари мушаклар, хиқилдоқ, товуш пайчалари, нафас олиш аъзолари иштирок этади. Демак, нарсаларни ўзлаштиришга қаратилган ҳаракатнинг ишга тушиши муайян саъй-ҳаракатлар тизимининг амалга оширилишини англатади. Бу ҳодиса кўп жиҳатдан ҳаракатнинг мақсадига, таъсир ўтказиладиган нарсаларнинг хусусиятларига ва ҳаракатнинг амалга ошиши шарт-шароитларига боғлиқ.

Жумладан,

- а) китобни олиш қаламни олишдан бошқачароқ тарздаги саъй-ҳаракатни тақозо этади;

б) Самалиётни бошқариш автомобилни ҳайдаша қараганда айрича саъй-ҳаракат талаб қилади;

в) юз кг штангани кўтаришда икк юз кг га қараганда кўпроқ қувват сарфланади;

г) картонга катта шаклни ёпиштиришга қараганда кичик шаклни жойлаштириш қийин кечади.

Фаолиятнинг ўзига хослиги. Фаолият жаҳон психологияси фанининг асосий (фундаментал) тушунчаларидан бири ҳисобланиб, кўпинча психологик категория сифатида олиб қаралади. Шунинг билан бирга ушбу тушунча ҳаддан зиёд кенг маъноли ва кўп аҳамиятли тарзда фойдаланилганлиги туфайли унинг моҳияти ёйиқ бўлиб боради, натижада қиймати асл мазмунини йўқотади. Худди шу боисдан психологияда фаолият учун умумий қабул қилинган дефиниция мавжуд эмас, фойдаланиб келинаётган тузилма, таъриф эса кўп ҳолларда танқидга учрайди. Ҳолбуки шундай экан, семантик таҳлил ўтказиш орқали фаолиятга нисбатан турлича қарашларни умумлаштириш, ўзаро таққослаш зарурияти аниқланган бўлар эди, бу эса ўз навбатида унинг (фаолиятнинг) илмий психологик объектига айлантириши унга алоқадор тушунчалар таркибини мукаммаллаштириш имкониятини вужудга келтиради. Энциклопедия, изоҳли луғат ва лингвистик сўзликлардаги маълумотлар, илмий матнлар таҳпилининг кўрсатишича, фаолият тушунчаси фалсафа, физиология, социология, психология фанлари предметидан келиб чиқиб, ўзаро қоришиш оқибатида меҳнат, иш, активлик, ҳулқ сингари тўрт хил тавсифга эга бўлган.

Фаолиятни интериоризациялаш ва экстериоризациялаш. Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, мияни илгарилаб акс эттириш имконияти ва ҳали амалга оширилмаган ҳаракатнинг натижаси инсон психикасида қай тарзда инъикос этилиши кучли қизиқиш уйғотади. Бу ҳодисани изоҳлашнинг ягона йўли - у ҳам бўлса борлиқнинг муҳим хусусияти ҳисобланмиш қонуниятнинг мавжудлигидир. Борлиқдаги қарийб (неосфера ҳисобга олинмаганда) барча нарсалар, муносабатлар, хусусиятлар, шарт-шароитлар, тузилмалар бир-бири билан доимий боғлиқликка эга бўлиб, муайян қонуният асосида ҳаракатланади, бир ҳолатдан иккинчисига ўтади. Шунинг учун идишдаги сув қайнатилса бугга айланади, ҳарорат пасайса, у музлайди, ҳаво исиганида эса муз эрий бошлайди, баҳор кетидан ёз келади, нарсалар ишқаланса қизийди ва ҳоказо.

Худди шу боис объект билан ҳодиса ўртасидаги ўзгармас, барқарор муносабатлар, объектнинг муҳим хусусиятлари ҳодисанинг қонунияти дейилади. Уларда ўзгармас хусусиятлар ва қонуниятларнинг мавжудлиги ўзгаришларни олдиндан пайқаш, ҳаракатларни мувофиқ йўналтириш

имконини вужудга келтиради. Ташқи, яққол фаолият фавқулоддаги даврда ички тимсолий (психик) фаолият тарзида ҳис этилади. Объектларга йўналтирилган яққол ҳаракатлар уларнинг муҳим хусусиятларига мўлжалланган тимсолий жараён билан алмаштирилади. Худди шу сабабдан ташқи, яққол ҳаракатдан, ички, тимсолий ҳаракатга мана шу тарзда ўтиш жараёни интериоризация (ички тарзга айланиш) деб аталади. Интериоризация муаммоси рус олимлари Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ва уларнинг шогирдлари томонидан турли жабҳаларда тадқиқот қилинган. Интериоризация шарофати билан инсон психикаси муайян вақт оралиғида унинг идрок майдонида йўқ нарсаларнинг тимсоли (образи)дан фойдаланиш қурбига эга бўлди. Шу нарса маълумки, бундай ўзгаришларнинг муҳим қуроли бўлиб сўз, ўзгариш воситаси сифатида нутқий фаолият хизмат қилади. Шунинг учун сўзларни тўғри ишлатишга одатланиш фавқулодда буюмларнинг муҳим хусусиятларини ахборотидан фойдаланишнинг усуллари ўзлаштириш демакдир.

Инсон фаолияти мураккаб ва ўзига хос жараён бўлиб, шунчаки эҳтиёжларни қондиришдан иборат эмас, балки кўпинча жамиятнинг мақсади ва талаблари билан белгиланади. Худди шу боисдан қўйилган мақсаднинг англанилганлиги ва унга эришиш бўйича иш ҳаракатлари тажрибаси билан боғлиқ эканлиги инсон фаолиятининг ўзига хос белгиси бўлишини тасдиқлайди.

Шунинг учун шахс фаолиятининг жисмоний (ташқи) ва психик (ички) тузилмалари бир-бири билан уйғунлашганлиги кўзга ташланади. Инсон фаолиятининг ташқи жабҳаси унинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатишга мўлжалланган саъй-ҳаракатлар ички (психик) жиҳатига боғлиқ бўлиб, уларни мотивлаштиради, билишга ундайди ва бошқаради.

Шунингдек, ташқи жабҳа ўз навбатида:

а) психик фаолият буюмлар ва жараёнлар хусусиятларини ўзида намоён қилади;

б) уларнинг мақсадга мувофиқ тарзда қайта ўзгартирилишини амалга оширади;

в) психик андозалар ўхшашлигини, натижалар ва ҳаракатларнинг кутилмаларига мувофиқлигини кўрсатади;

г) уларни узлуксиз равишда йўналтириб ва назорат қилиб туради. Шунга мувофиқ равишда ташқи, яққол фаолиятни ҳам ички (психик) фаолиятнинг экстериоризациялашуви (ташқи тарзга айланиши) деб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Фаолиятнинг ўзлаштирилиши ва малакаларни эгаллаш. Психология фанида ҳаракат тушунчаси таҳлил қилинганида у мотор (жисмоний) ҳаракат,

сенсор (хиссий) ҳаракат ва марказий қисмга ажратилади. Шунга мувофиқ равишда ажратилган таркиблар ҳаракатни амалга ошириш жараёнида бажарадиган ишларни ижро этиш, назорат қилиш ва бошқариш билан шуғулланади. Фаолият ҳаракатларининг ижро этиш, назорат қилиш ва бошқаришда қўлланиладиган йўлйўриқлар унинг усуллари дейилади.

Одатда, ҳаракатлар англанган ёки англанмаган тарзда амалга оширилиши кузатилади. Ҳаракатни бажаришда онг борган сари камроқ иштирок этиши туфайли ишни амалга ошириш автоматлаша бошлайди, айрим майда-чуйда қисмларга нисбатан эътибор (назорат) камаяди. Шунинг учун инсон фаолиятида мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни ижро этиш ва бошқаришнинг муайян даражада автоматлашуви малака дейилади. Худди шу боисдан ҳаракатларни бошқариш билан саъй-ҳаракатларни бошқариш айнан бир нарса эмас, албатта. Чунки саъй-ҳаракатларнинг юксак даражада автоматлашуви унинг ўз таркибидаги ҳаракатни онгли равишда идора қилиш билан уйғунлашиб кетади. Патологик ҳолатлардан ташқари, барча фаолият турлари онг билан бошқарилиб туради. Ҳаракат таркибларининг автоматлашуви: биринчидан, онгли равишда йўналтирилган объектни алмаштиради. Иккинчидан, ҳаракатнинг умумий мақсадларини, унинг ижро этилиши шарт-шароитларини, натижаларини назорат қилишни, учинчидан, уларни баҳолашни онг унинг тасарруфи доирасига киритади.

Малаканинг тузилиши. Ҳаракатнинг қисман автоматлашуви туфайли унинг тузилишида айрим сифат ўзгаришлари юз беради ва улар қуйидагилардан ташкил топгандир:

Биринчидан, саъй-ҳаракатларнинг ижро этилиши усуллари ўзгаради. Бунда бир қатор содда саъй-ҳаракатлар ягона жараёнга (таркибга) кирувчи баъзи содда саъй-ҳаракатлар ўртасида тўсиқ ва узилиш рўй бермаган битга мураккаб саъй-ҳаракат ўзаро бир-бирига қўшилиб кетади, ортиқчалари эса бартараф этилади.

Масалан, бола велосипедни учиганга ўрганаётган пайтида бир қанча ортиқча ҳаракатларни амалга оширади: ўзини бир текис тута олмайди, педални бирини босиб, иккинчисини босмайди, ролни қаттиқ тутаяди, йўлга диққатини тақсимлай олмайди, ўриндиққа ноқулай ўтиради, бировнинг ёрдамига таянади. Малакали велосипед ҳайдовчиси ҳаракатни силлиқ бажаради, ортиқча уринишларга йўл қўймайди.

Ҳаракатларни ўзлаштириш жараёнида:

- а) саъй-ҳаракатлар таркиби;
- б) саъй-ҳаракатлар изчиллиги;
- в) саъй-ҳаракатлар уйғунлиги;
- г) уларнинг тезлиги режали кечишига шароит юзага келади.

Иккинчидан, ҳаракатни сенсор (ҳиссий) назорат қилиш усуллари ўзгаради. Даставвал, саъй-ҳаракатлар амалга ошишини кўриш органи орқали назорат қилиш кинестетик (мушаклар ёрдамида ҳаракат) назорат билан алмашади. Чунончи, чархчи асбобнинг тезлигига эмас, балки кўпроқ пичоқ тизига эътибор қаратади. Саъй-ҳаракатларнинг хусусиятини аниқловчи ҳар хил ўлчамларининг нисбатини баҳолаш имконини вужудга келтирадиган сенсор синтезлар ҳосил бўлади. Ҳаракат маҳсуллариини назорат қилишга алоҳида аҳамият касб этадиган мўлжалларни фарқлаш ва ажратиш укувчанлиги инсонда ривожланади.

Учинчидан, ҳаракатни марказдан туриб бошқариш усуллари ўзгариб боради. Ҳаракат усуллариини идрок этишдан диққат холи бўлиб, у унинг вазияти ва маҳсуласига қаратилгандир. Топшириқ ечимлари, ақлий фаолият жараёнлари тезкорликда, ҳамкорликда бажарила бошлайди. Жумладан, учувчи самолёт двигателининг ортиқча куч билан ишлаётганини товушидан фаҳмлайди. Нарсаларни аниқлашга сарфланадиган вақт камая боради. Қўлланишга мўлжалланган усулларнинг туркум тарзда онг ёрдамида олдиндан пайқаш (сезиш, фаҳмлаш, билиш) жараёни антиципация (лотинча олдиндан фаҳмлаш, сезиш маъносини англатади) дейилади.

Шунинг учун ҳаракат усулларидаги мазкур ўзгаришнинг сири нимада ва улар қандай психологик механизмига эга, деган саволнинг туғилиши табиийдир. Психологик механизм (таъминлаш) ўз ичига изланиш уринишларини ва танлашни олади. Шахс у ёки бу ҳаракатни бажаришга уриниб кўради, ҳатто ушбу жараёни назорат қилиб ҳам туради. Бу ўз навбатида муваффақиятли уринишлар (саъй-ҳаракатлар), ўзини оклаган чамалашлар, мўлжаллар инсон томонидан танланади ва аста-секин мустаҳкамланади. Қўлланганда фойда (наф) бермаган ҳаракатлар самара берувчилари билан алмаштирилади. Бу ҳолат муайян давр давомида такрорланади ёки машқ қилинади. Ана шундан келиб чиққан ҳолда муайян ҳаракатларини ўзлаштириш мақсадида уларни онгли равишда назорат қилишга ва ўзгартиришга ҳаракат қилинади. Амалий иш ҳаракатларини такрорламасдан туриб, турли хусусиятли малакаларни шакллантириб бўлмайди.

Малакани шакллантиришда бажарилаётган ҳаракатларнинг нутқ фаолиятида сўз билан ифодаланиши ва ҳаракатнинг тимсолини хаёлда мужассамлаштирилиши муҳим аҳамият касб этади. Ана шу йўсинда инсоннинг малакаси англашинилган тарзда автоматлашган хатти-ҳаракат сифатида шаклланади. Малакаларни шакллантириш механизмига, принципига муайян одатий жабҳаларга, усул ва воситалар танлаш хусусиятига алоҳида

эътибор қилиш унинг муваффақиятли ҳосил бўлишини таъминлайди. Бунинг учун қуйидагиларга аҳамият бериш мақсадга мувофиқ:

- а) усулларни танлаш,
- б) ҳаракатда онг назорат функциясини камайтириш,
- в) мақсадни ойдинлаштириш,
- г) шарт-шароитни тасаввур этиш,
- д) малакани шакллантириш моделини ҳаёлда яратиш ва ҳоказо.

Психология фанида малакани шакллантиришнинг асосий босқичлари схемаси ишлаб чиқилган, бунда асосий эътибор малаканинг хусусиятига, малаканинг мақсадига, ҳаракатни бажариш усулларига қаратилади. Шунингдек, малакаларнинг ўзаро таъсири муаммосига алоҳида аҳамият берилади, чунки инсон малакалар тизимига амал қилган ҳолда янги малакани ўзлаштиради. Олдин эгалланган малака, кейингисини таркиб топишига ёрдамлашади, гоҳи унга ҳалақит бериши ҳам мумкин. Ҳаракатнинг автоматлашуви унинг мақсади, объекти, вазияти ва шарт-шароитлари билан белгиланади. Ҳаракатнинг муваффақияти, самарадорлиги кўп жиҳатдан сенсор назоратга ҳамда унинг янги шароитига кўчишига боғлиқ.

Малакаларнинг нотўғри (тескари) кўчирилиши интерференция ҳодисасини вужудга келтиради. Фаолият кўникма, малака, усул, ҳаракат, саъй-ҳаракат, операция каби таркибий қисмлар туфайли муайян маҳсулларга эришади, моддий ва маънавий натижаларни ҳамда билимларни вужудга келтиради.

Психологик маълумотларнинг кўрсатишича, фаолият шахслараро муносабатлар тизими тариқасида, ҳамкорлик тарзида намоён бўлади. Фаолиятда инсон шахси (унинг хусусиятлари) акс этади ва айни бир даврда фаолият одам шаклини таркиб топтиради. Онг билан фаолият бирлиги принципига асосланиш орқали шахс камол топади, шахслараро муносабатга киришади, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиради, ўзаро таъсир ёрдамида ижтимоийлашади. Инсон шахсининг шаклланиши ўйин, таълим, меҳнат, спорт ва бошқа фаолиятнинг турларида амалга ошади. Фаоллик туфайли фаолиятни амалга ошириш жараёни юзага келади, хулқ-атвор, муомала (коммуникация) воситасида эҳтиёж, истак, ижтимоий талаблар қондирилади, турли хусусиятли ахборотлар ўзлаштирилиши натижасида шахс таркиб топа бошлайди.

Инсон шахсининг шаклланиши ўйин, таълим, меҳнат, спорт ва бошқа фаолиятнинг турларида амалга ошади. Фаоллик туфайли фаолиятни амалга ошириш жараёни юзага келади, хулқ-атвор, муомала (коммуникация) воситасида эҳтиёж, истак, ижтимоий талаблар қондирилади, турли хусусиятли ахборотлар ўзлаштирилиши натижасида шахс таркиб топа бошлайди.

1. Ўйин фаолияти. Фаолиятнинг оддий шаклларида бири ўйин ҳисобланади, лекин у тобора такомиллашиб, содда ҳаракатлардан кейинчалик сюжетли, ролли ўйинларга, ҳатто спортгача мураккаблашиб боради, атроф-муҳитни акс эттиришида иштирок эта бошлайди. Инсоннинг борлиқни инъикос этишидаги дастлабки уриниш ҳаракат орқали намоён бўлади. Ҳаракатлар боланинг табиатга, уни қуршаб турган кишилиқ дунёсига нисбатан муносабатини, улар тўғрисидаги илк таассуротлар, содда тасаввурлар, билимларни ўзлаштиришни англатиб келади. Кейинчалик оддий ҳаракатлар муайян маъно касб этиб, сюжетли ва ролли ўйинларга айланади. Ўйинлар миллий (этник) ва умумбашарий туркумлардан таркиб топган бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ўзида акс эттиради. Ўйинлар такомиллашиб бориб спорт турларига, спорт фаолиятига ўсиб ўтади, жумладан, шах-мат, дамино, футбол, шашка ва хоказо.

Ўйин фаолиятида бола ижтимоий воқелиқни таклид, роль орқали ижро этишга ҳаракат қилади ва шу йўсинда атроф-муҳит тўғрисидаги, ижтимоий турмушдаги шахслараро муносабатларни ўзлаштира боради. Ижтимоий турмушдаги у ёки бу ҳодисани роль орқали ижро қилади. Сўз билан ҳаракатнинг бирикуви натижасида ўйин фаолият тусини олади ва муайян маъно, ахборот бериш, узатиш имкониятига эга бўлади. Дастлабки ўйин айнан катталар ҳатти-ҳаракатини такрорлаш, уларга тақлид қилиш билан тавсифланади. Сюжетли ўйинлар борлиқнинг гоҳ англаган, гоҳо англамаган тарзда у ёки бу томонларини эгаллашга хизмат қилади.

2. Ўқув фаолияти (Таълим). Таълим ҳам жараён, ҳам фаолият сифатида инсоннинг ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва муайян давр учун етакчи фаолият сифатида гавдаланиши мумкин. Таълим бошқача сўз билан айтганда, ўқитувчи билан ўқувчининг субъект-субъект муносабатидаги ҳамкорлик фаолияти ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ўқитувчи ахборот узатувчи (коммуникатор), ўқувчи эса уни қабул қилувчи объект сифатида талқин этилади, лекин иккиёқлама ҳаракат туфайли маълумот инсонга англашинилади, ўзаро таъсир, ўзаро англашув, тушунув, ўзаро субъектларнинг бир-бирига зарурийлиги, тақозочанлиги ҳамкорликнинг муваффақияти кафолати саналади. Таълим ўқув фаолияти, ақлий фаолият, билиш фаолияти турткиси вазифасини ўтайди, чунки ҳар қайси фаолиятнинг шакли ақлий меҳнат туфайли амалга ошади. Таълимнинг бошқа фаолият турларидан фарқи унинг маҳсулининг ўзига хослиги, барча босқичларига онгли ёндашувда ва муносабатда бўлишдир. Таълим ўқув фаолияти ёки жараён сифатида мустақил изланишни, ижодий муносабатни, турли вазият (аудитория ва ундан ташқарида)ни, ҳар хил босқични (бошланғич, ўрта, махсус, олий таълим) ўзида мужассамлаштиради. Мустақил билим олиш ва мутолаа қилиш ҳам ўқувфаолиятинингмуайян

кўринишлари бўлиб, шахсий, илмий, ижодий изланишнинг маҳсули ҳисобланади.


3. Меҳнат фаолияти. Инсоният ўзининг меҳнати туфайли онгли мавжудодга айланган, жамиятда мўлкўлчиликни яратган, табиатда эса айрим ўзгартиришларни амалга оширган, борлиқ тўғрисидаги маълумотларни эгаллашга мушарраф бўлган. Меҳнат фаолиятининг таркибида меҳнат, ишҳаракат ётади. Уларнинг ҳар қайсиси муайян улушни амалга ошириш туфайли фаолият маҳсули вужудга келади, у моддий ёки маънавий кўринишда бўлиши мумкин.

Аждодларимиз томонидан яратилган касб-кор кўникмаларини авлодларга ўргатиш меҳнат фаолияти ёрдамида амалга оширилади. Касбий малакаларни шакллантириш, такомиллаштириш, маҳсулот яратиш ва ундан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш меҳнат фаолияти орқали рўёбга чиқарилади. Меҳнат фаолиятида амалий кўникмалар барқарорлашади, назарий фикр, ғоя, мулоҳаза вужудга келади. Фаолият билан онг бирлиги мавжуд бўлганлиги сабабли шахс таркиб топади, ҳам ахлоқан, ҳам ақлан ривожланади. Меҳнат фаолияти индивидуал хусусият касб этсада, лекин унинг моҳияти ижтимоийдир. Инсон шахсий эҳтиёжини қондириш учун меҳнат қилади, у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқарилади, оқибат натижада одам ижтимоий жамият фаровонлиги учун ўз шахсий улушини қўшади.

Меҳнат фаолияти яшаш, эҳтиёжни қондириш, келажак учун мўлкўлчилик вужудга келтириш, яратилган маҳсулларни (меъморчилик, санъат, маданият асарларини) сақлаш, асраш, мерос сифатида қолдириш функцияларини бажаради. Шунингучун меҳнат фаолияти ўн минглаб касб-кор профессиограммасига асосланган ҳолдатурли шаклда ташкил қилинади ва муайян режа, мақсадни рўёбга чиқариш учун ҳар хил вазиятларда амалга оширилади.

А.Н.Леонтьев фаолиятнинг тузилишини қуйидагича келтиради (3.1-жадвал).

3.1-жадвал



Мавзу юзасидан қисқача хулоса:

Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги. Шахс муаммосига ижтимоий-психологик ёндашишнинг моҳияти. Шахс ижтимоийлашуви жараёни. Ижтимоий норма ва унинг турлари. Ижтимоий санкциялар ва уларни амалга ошириш шартлари. Ижтимоий рол тушунчаси ва унинг бажарилишига кўра тартибли ёки тартибсиз сингари фикрларнинг шаклланиши.

Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши. Ундаги «Мен» образи ва унинг адекватлиги масаласи. Ўз-ўзини англаш ва шахсдаги ҳимоя қилиш механизми моҳияти. Шахснинг ўзи ҳақидаги образида ёш ва жинсий ўзига хосликлар.

Шахс ижтимоийлашуви масканлари (оила, боғча, мактаб, махсус таълим муассасалари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари, маҳалла) ҳамда норасмий уюшмалар ва нодавлат ташкилотлар ва бу масканларнинг шахс ижтимоийлашувидаги ўзига хослиги.

Шахс социализацияси соҳалари (фаолият, мулоқот, ўз-ўзини англаш), босқичлари (меҳнат фаолиятигача бўлган, меҳнат фаолияти, меҳнат фаолиятдан кейинги даврлар) ва уларда шахс тажрибаси жиҳатлари. Ижтимоий установкалар ва уларнинг хусусияти. В.Ядов бўйича ижтимоий установкаларнинг тўрт босқич ва тўрт тизимли эканлиги.

Ижтимоий установкаларни ўзгартириш йуллари. Ижтимоий установканинг объект ва вазиятга боғлиқлиги.

Шахс типлари ва уларнинг ижтимоий-психологик характеристикаси. Бу борадаги экстроверт ва интроверт, мобил ва ригид, доминант ва тобе типдаги шахслар, уларнинг хусусиятлари.

Ушбу мавзуда шахснинг ижтимоий муносабатларда мавқеи, роли, установкалари, талаблар тизими, ижтимоийлашуви хусусиятлари, мулоқот давомида намоён бўладиган турли тоифалари тўғрисида маълумот ва тушунчалар берилган.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги.
2. Шахснинг ижтимоий установкалари.
3. Шахсга қўйиладиган талаблар.
4. Шахс ва фаолият
5. Фаолият турлари
6. Ижтимоий нормалар
7. Ижтимоий санкциялар
8. Шахс типлари ва уларнинг ижтимоий психологик характеристикаси

Тестлар:

1.....шахсдир?

А) Маълум бир жамоа ёки ижтимоий тузум фарзанди сифатида ўзида муҳим хусусият, белгилар тизimini мужассамлаштирган индивид-шахсдир

Б) Маълум бир жамоа ёки ижтимоий тузум фарзанди сифатида ўзида муҳим хусусият касб этмайдиган одамдир

С) Ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш шахсдир.

*Д) А ва С жавоблар тўғри.

2.Шахс..... индивиддир?

А) Шахс - ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир.

Б) Шахс ўз ҳаётида юз берадиган ўзгаришларнинг, ижтимоий тарбия жараёнининг натижаси ўлароқ юзага келади.

С) Маълум бир жамоа ёки ижтимоий тузум фарзанди сифатида ўзида муҳим хусусият, белгилар тизimini мужассамлаштирган индивид-шахсдир.

*Д) Барча жавоблар тўғри.

3.“Жамият” сўзининг маъноси?

А) йиғмоқ.

Б) тўпламоқ.

С) уюшмоқ.

*Д) Барча жавоблар тўғри.

4.Ижтимоийлашув.....?

А) Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

Б) Ижтимоийлашув, мослашиши, мувофиқлашувдир.

С) Ижтимоийлашув, ижтимоий нормаларни, ижтимоий талаб ва қоидаларга инсонни мослашишидир.

*Д) Барча жавоблар тўғри.

5.Шахснинг фаолият турларини кўрсатинг?

*А) мулоқот, рақс, ўйин, спорт

Б) мулоқот, ўйин, ўқув, меҳнат

С) спорт, рақс, югуриш, мулоқот.

Д) Барча жавоблар тўғри.

Мавзу юзасидан ижтимоий тренинглар:

Ижтимоий-психологик тренинг дастуринининг асосий вазифалари:

1. Шахслараро жипсликни таъминлаш.
2. Низоли вазиятларда ўзини тутишни ўрганиш.
3. Ўз ўзига бўлган ишончни орттириш.
4. Атрофдагиларни ва ўзини ҳурмат қилишга ўргатиш.
5. Хулқ атвордаги ижобий ва салбий томонлар ҳақида фикр алмашиш.

Кутилаётган натижалар:

1. Иштирокчиларнинг кайфиятини кўтарилиши.
2. Иштирокчилар орасида ўзаро ҳурмат туйғусининг вужудга келиши.
3. Иштирокчиларнинг бир бирлари ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлишлари.
4. Тренинг иштирокчиларини ўзаро аҳиллашуви.
5. Иштирокчиларда ўзаро психологик тўсиқларни бартараф этиш.

Ижтимоий – психологик тренинг машғулотлари 80 дақиқа давом этиб, 7 та машғулотдан иборат.

1- машғулот	“Олма”	5 дақиқа
2- машғулот	“Ботқоқлик ўйини”	10 дақиқа
3- машғулот	“Авлодлар ўртасидаги низо”	15 дақиқа
4- машғулот	“Ғарам, тепалик, сўқмоқ”	10 дақиқа
5- машғулот	Оила муаммолари	15 дақиқа
6- машғулот	“Оила тасвири”	20 дақиқа
7- машғулот	“Автобус”	5 дақиқа

Тренингимиз самарали ўтиши учун машғулотлар жараёнида қуйидаги қоидаларга амал қилишимиз лозим.

1. Интизомга риоя қилиш.
2. Махфийлик.
3. Фаоллик.
4. Самимийлик.
5. “Ягона микрофон”

IV- БОБ. МАВЗУ. ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ. ИЖТИМОЙ ХУЛҚ МОТИВАЦИЯСИ. АНГЛАНГАН ВА АНГЛАНМАГАН МОТИВЛАР

Режа:

4.1.Шахснинг ижтимоий фаоллиги

4.2.Ижтимоий хулқ мотивацияси

4.3.Анланган ва анланмаган мотивлар

Таянч тушунчалар: фаолият, хулқ-атвор, мотив, онг, мотивация, фаолият турлари, ижтимоий муҳит, ижтимоий омил.

4.1. Шахснинг ижтимоий фаоллиги

Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият - бу унинг фаоллигидир. Фаоллик (лотинча «actus» - ҳаракат, «activus» - фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча ҳатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Бу - ўша оддий қўлимизга қалам олиб, бирор чизиқча тортиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб, токи ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалаши алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

А. Ташқи фаоллик - бу ташқаридан ва ўз ички истак-хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

Мисол учун машқ қилаётган спортчи, велосипед ҳайдаётган бола, автомобил бошқаратган инсон, ўзоқда кўринган дўстини кўлини силкаб ўзини олдига чақираётган бола кабилар.

Б. Ички фаоллик - бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда, иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Мисол учун инсонларнинг уй-фикрлари, орзу-истаклари, хурсандчиликлари, хайрати, кўркуви, ҳаёжони, мақсадлари ҳам уларнинг ички фаолигидир.

Инсон фаоллиги «ҳаракат», «фаолият», «хулқ» тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади. Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади ҳам. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни фаолият деб юритилади. Яъни, фаолият - инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган, ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир. Бу - ёш боланинг реал предметлар моҳиятини ўз тасаввурлари доирасида билишга қаратилган ўйин фаолияти, бу - моддий неъматлар яратишга қаратилган меҳнат фаолияти, бу - янги кашфиётлар очишга қаратилган илмий - тадқиқотчилик фаолияти, бу - рекордларни кўпайтиришга қаратилган спортчининг маҳорати ва шунга ўхшаш. Шуниси характерлики, инсон ҳар дақиқада қандайдир фаолият тури билан машғул бўлиб туради.

Фаолият турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар

Ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага - предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали, билимлар захирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан нималарга йуналтирилганига қараб, аввало ташқи ва ички фаолият фарқланади. Ташқи фаолият шахсни ўраб турган ташқи муҳит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, ички фаолият - биринчи навбатда ақлий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади. Келиб чиқиши нуктаи назаридан ички - ақлий, психик фаолият ташқи предметли фаолиятдан келиб чиқади. Дастлаб предметли ташқи фаолият рўй беради, тажриба орттириб борилган сари, секин-аста бу ҳаракатлар ички ақлий жараёнларга айланиб боради. Буни нутқ фаолияти мисолида оладиган бўлсак, бола дастлабки сўзларни қаттиқ товуш билан ташқи нутқида ифода этади, кейинчалик ичида ўзича гапиришга

ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига мақсад ва режалар кўядиган бўлиб боради.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча ҳаракатлар ҳам ички-психологик, ҳам ташқи - мувофиқлик нуқтаи назаридан онг томонидан бошқарилиб боради. Ҳар қандай фаолият таркибида ҳам ақлий, ҳам жисмоний - мотор ҳаракатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганмисиз? Агар ўйланаётган одамни зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият ақлий бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, ҳаттоки, тана ва қўл ҳаракатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан, ёки янги фикрни топиб, ундан мамнуният ҳис қилаётганлигидан дарак беради. Бир қарашда ташқи элементар ишни амалга ошираётган - мисол учун, узум кўчатини ортиқча барглардан ҳалос этаётган боғбон ҳаракатлари ҳам ақлий компонентлардан холи эмас, у қайси баргнинг ва нима учун ортиқча эканлигидан англаб, билиб туриб олиб ташлайди. Ақлий ҳаракатлар - шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганки, бундай ҳаракатлар доимо мотор ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

- ✓ перцептив – яъни, булар шундай ҳаракатларки, уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ҳодисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади;

- ✓ мнемик фаолият, нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури;

- ✓ фикрлаш фаолияти - ақл, фаҳм-фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият;

- ✓ имажитив - («image» - образ сўзидан олинган) фаолияти шундайки, у ижодий жараёнларда ҳаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онгда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва ҳаёлда тиклашни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ҳам ташқи ҳаракатлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараённи психологияда интериоризация деб аталади, аксинча, ақлда шаклланган ғояларни бевосита ташқи ҳаракатларда ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши экстериоризация деб юритилади.

Фаолият турлари яна онгнинг бевосита иштироки даражасига кўра ҳам фарқланади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, айрим ҳаракатлар бошида ҳар бир элементни жиддий равишда, алоҳида-алоҳида бажаришни ва бунга

бутун диққат ва онгнинг йўналишини талаб қилади. Лекин вақт ўтгач, борабора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина қисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўтирилганда, малака ҳосил бўлди дейилади. Масалан, ҳар биримиз шу тарзда хат ёзишга ўрганганмиз. Агар малакаларимиз қатъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни муваффақиятли бажаришни таъминласа, биз буни кўникмалар деб атаймиз. Кўникмалар - доимо биздаги аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам ўқув фаолияти жараёнида шаклланидиган барча кўникмалар ва малакалар шахснинг муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади. Агар, фақат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- ✓ оддий намоёиш этиш йўли билан;
- ✓ тушунтириш йўли билан;
- ✓ кўрсатиш билан тушунтиришни уйғунлаштириш йўли билан.

Ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жисмоний ва ақлий уринишларимизни енгиллаштиради. Ўқишда, меҳнатда, спорт соҳасида ва ижодиётда муваффақиятларга эришишимизни таъминлайди. Фаолиятни классификация қилиш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган усули - бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу - мулоқот, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир.

Мулоқот - шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири - инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вербал) ва нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукаммал эгаллашга замин яратади.

Ўйин - шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг символик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйнамагунча, катталар ҳатти-ҳаракатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди. Ўқиш фаолияти ҳам шахс камолотида катта рол ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаолликки, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

Меҳнат қилиш ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади албатта бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш, жамият тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Ҳар қандай касбни эгаллаш, нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча қонуниятлари ва механизмлари амал қилади. Оддийгина бирор касб малакасини эгаллаш учун ҳам унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириш орқали уни бажариш бўлмай, балки ҳам ички (психик), ҳам ташқи (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак. Лекин ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган психологик омиллар - сабаблар муҳим бўлиб, бу фаолият мотивларидир.

4.2. Ижтимоий хулқ мотивацияси

Юқорида биз танишиб чиққан фаолият турлари ўз-ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, кузатилмайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ - атворини тушунтириш учун психологияда «мотив» ва «мотивация» тушунчалари ишлатилади.

«Мотивация» тушунчаси «мотив» тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга. Мотивация - инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни: «нега?», «нима учун?», «нима мақсадда?», «қандай манфаат йўлида?» деган саволларга жавоб қидириш - мотивацияни қидириш демакдир. Демак, у хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарсга бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади:

а) ички сабаблар, яъни ҳатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва хоказолар);

б) ташқи сабаблар - фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари. Яъни, бўлар айни конкрет ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ-атворини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда шахсий диспозициялар ҳам деб аталади. Улар шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладики, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан

шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, «Нега?» деган саволга «Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман», деб жавоб беради. Бу англамаган диспозициялар ёки установкалар деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни, диспозиция англаган, онгли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан мотив - конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб берувчи сабабни назарда тутади. Машҳур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айникса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг ҳамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўша бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айна пайтдаги реал ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир ҳозирлик - диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан орттирилган тажрибага таянган, онгли таҳлиллар, ҳаттоки, ижтимоий тажриба нормаларининг таъсирида шаклланадиган сабаблар комплексини ўз ичига олади. Масалан, техника олийгоҳларида: «Материалларнинг қаршилиги» номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча рўй бермайди. Ҳали курс бошланмасданок, ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установка шаклланадики, албатта, бу курс кийин, уни олиб борувчи ўқитувчи ўта талабчан, каттиққўл ва ҳоказо деган. Бундай мотивация мана неча авлод талабалар бошдан кечираётган ҳолат. Энди конкрет шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги ҳаракатлари конкрет мотивлар билан изоҳланади ва тиришқоқ талаба учун бу фан ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиш, ўз вақтида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасароқ талаба учун) бу дарсдан кейин дарс йўқ ва у қачон шу семестр тугашини кутиб ҳаракат қилади.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахснинг эҳтиёжлари ётади. Яъни, мақсадли ҳаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабанинг ўқув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билим, илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж

таракқиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб кониктирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт-шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи, бола учун мотив ўрнини босади. Яна бир оддий мисол: қўлингизда китоб бор. Сиз ҳали уни ўқишни бошламадингиз. Лекин ўқиш истаги бор, шу истакнинг ортида эса, ўша мазмунни билиш ва унинг моҳиятини билиб олиш эҳтиёжи туради. Рус олими Р. Немов шахсдаги мотивацион соҳани қуйидагича тасаввур қилади. Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Биологик эҳтиёжлар - бу - физиологик (ташналик, очлик, уйку), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

2. Ижтимоий эҳтиёжлар - бу - меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқиймаънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлганимиз билан шу нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни, улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характериға боғлиқ бўлади. Масалан, энг табиий ва тушунарли ҳисобланган бизнинг емишга - овқатга бўлган эҳтиёжимизни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Яна мисол учун, туй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб юборганини билмай қолади. Агар бу табиат қўйни ёки пахта даласидаги ҳашар бўлсачи, бир бурда иссиқ нон ҳам бутун танаға роҳат бахш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтирмайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўрганган киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан нормадан ортиқ еб ўрганган одам врач олдиға бориб, ўзи учун оздирувчи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу ҳам маданиятға, этикаға, оила муҳитиға бевосита боғлиқ нарса экан.

Умуман шахс ижтимоий ҳулки мотиви ҳақида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: ҳаракат дастури ва мақсад. Ҳаракат дастури мақсадға эришишинг воситалариға аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадға эришишни оқлаши керак, акс холда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан идеалларидаги шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдиға жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирға берилмайдиган бўлиб қолиб, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб

колади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим анланган, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий ҳуқ жамиятга мос бўлади.

Мотивация муаммоси жаҳон психологиясида турли-туман нуқтаи назардан ёндашиш орқали тадқиқ қилиб келинмоқда. Узоқ ва яқин чет элларда ўзига хос психологик мактаблар вужудга келган бўлиб, уларнинг негизида илмий позициялар ва концепциялар моҳияти жиҳатдан фарқданувчи ғоялар ва йўналишлар мужассамлашди. Ҳозир уларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамыз.

Рус ва собиқ шўро психологияси намояндалари К.Д.Ушинский, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, В.М.Бехтерев, А.Ф.Лазурский, В.Н.Мясишев, А.А.Ухтомский, Д.Н.Узнадзе, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, П.М.Якобсон, В.С.Мерлин, Л.И.Божович, В.И.Селиванов, В.Г.Асеев ва бошқалар мазкур муаммо юзасидан тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Юқоридагилардан ташқари Европа ва Америка мамлакатларида мотивацияга оид 30 (ўттиз)дан ортиқ илмий концепциялар мавжуддир. Ана шу психологик мактабларнинг айрим намояндаларининг тадқиқотлари юзасидан мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламыз: интероспектив психология, бихевиоризм, гештальтпсихология, психоанализ, структуравий психология, ассоцианистик психология, эмпирик психология, аналитик психология, гуманистик психология, антропологик психология ва ҳоказолар.

Бихевиоризмнинг асосчиси Дж.Уотсон (1878-1938) психология фанининг бош вазифаси ҳуқни тадқиқ этишдан иборат деб тушунади. У психик ҳодисалардан мутлақо воз кечиб, ҳуқни икки шаклга, яъни ички ва ташқига ажратади, улар ўзаро жавоблар стимули билан узвий боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади. Бихевиоризм учун «ҳуқ» асосий тушунчага айланиб, унинг психикаси билан алоқаси четлаб ўтилгандир. Шунга қарамасдан, баъзи бихевиористлар, жумладан, Э.Торндайк, Э.Толмен, К.Халл, Д.Хебб кабилар ҳуқ мотивациясига муайян даражада эътибор қилганлар. Улар ўзларининг изланишларида ҳуқ мотивациясининг «қуйи даражалари»ни ўрганиб, каламушларда тажриба ишларини олиб бориб, жониворда очлик, ташналик ва уларнинг турлича даражаларини реакция тезлигига нисбатан намоён бўлиш хусусияти, ҳар хил шароитда мотивациянинг кучи тўғрисида муайян қонуниятлар очишга интилганлар. Ҳозирги замон бихевиористлари стимулни ташқи қўзғатувчи сифатида талқин қиладилар ва организмнинг ички энергиясини фаоллаштирувчи деб ҳисоблайдилар. Необихевиористик назариялар янги қўзғатувчилар, доайвалар пайдо бўлишига асосланган бўлиб, улар инсоннинг органик эҳтиёжларини қониқтириш билан стимул натижасининг уйғунлашуви тариқасида таҳлил этилади. Уларнинг

таъкидлашига кўра, иккиламчи кўзғовчилар органик кўзғатувчиларнинг гўёки қобиғига ўхшайди, холос. Вильям Макдугалл (1871 — 1938) мотивациянинг ирсий (табиатдан бериладиган) хусусиятга эга деган ҳолатни асослаш учун туғма инстинктлар масалалари билан мазкур воқеликни боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, туғма инстинктлар ҳам инсонларга, ҳам ҳайвонларга бир текис тааллуқли бўлиб, улар одамларнинг мотивида олдин 14 та, кейинчалик эса 18 тагача «асосий инстинктлар» сифатида ҳукм суриши мумкин. Умуман олиб қараганда, бихевиористлар учун бир қатор ҳолатлар ўзига хосликка эга:

Бихевиоризм мотивация моделини топиш билан шуғулланиб ва ҳуққ принципларини вужудга келтира бориб, ҳайвон ҳуққи ҳамда уларда кашф этилган ҳуққ мотивацияси қонуниятларига асосланиб, инсоннинг ҳуққ мотивацияси юзасидан ҳулоса чиқаришга ҳаракат қилади.

Бихевиоризм инсонни биологик мавжудод сифатида қараб, унга биологик жабҳада ёндашади, оқибат натижада унинг ижтимоий моҳияти тадқиқот предметида четда қолиб кетади.

Бихевиоризм ҳам инсонга, ҳам ҳайвонларга хос бўлган ҳуққининг умумий принципларини топишга интилади.

Бихевиористлар инсонни шахс сифатида тараққий этиш жараёнини ифодаловчи ўзига хослигини ё четлаб ўтадилар ёки ўта содда тарзда изоҳдашга мойилдирлар.

Ҳайвонларнинг ҳуққ мотивацияси шакллари жуда содда тарзда тушунтиришга асосан тадқиқот натижаларини инсоннинг мураккаб ва бошқа бир сифат босқичидаги мотивациясига кўчириш ишончли далилларга эга эмас.

Инсон мотивациясини ўрганишда фойдаланилаётган бихевиоризмнинг тушунчалари, чунончи, бирламчи майллар, организмни қитиқловчи туғма эҳтиёжлар каби одамнинг мотивация доираси тузилиши моҳиятини жуда юзаки оча олади, холос.

Психоаналитик концепциялар негизида мотивация ортганлик равишда инсон майлларига хосдир, деган ғоя ётади. Уларнинг манбаи сифатида майлни акс эттирувчи қайсидир органдаги ёки унинг қисмидаги соматик жараён тушунтирилади.

З.Фрейднинг концепциясида майллар ва инстинктлар тушунчалари ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқдир. Онгсизлик таълимотининг асосчиси З.Фрейд ҳуққ мотивалари ва эҳтиёжлари муаммосини ишлаб чиқаётир, мотивациянинг манбаи инстинкт, у тур ва индивиднинг сакланиш шартидир деб таъкидлайди. Мазкур ҳолатни муаллиф индивиднинг энергетик потенция сифатида талқин ётади. Энг асосий масала шуки, З.Фрейд мотивация регулятори ва мотивация энергиясининг ирсий манбаи сифатида «у»

тушунчасига қандай маъно юкламоқчи? Унингча, «у» тушунчасининг мазмуни туғма ва ўзгармасдир. Худди шу боис мантиқ қонунлари ва ақл даражалари, кўрсаткичлари унга ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. З.Фрейд аффектив, импульсив шаклдаги мутлаклашган кўзғовчиларни назарда тутган бўлса ажаб эмас. Ушбу кўзғатувчилар (турткилар)нинг импульсивлик, тахминийликнинг аффектив моҳияти, нотанқидийлик, онгли ва иродавий назоратга итоат этишда қийинчилик кабиларнинг динамик хусусиятларини мутлаклаштириш бўлиб, уларнинг асосида қуйи генетик ва структуравий даражадаги кўзғатувчилар ётади. З.Фрейд таъкидлаб ўтган динамик хусусиятлар ва хоссалари моҳиятида мотивациянинг чуқур асосий манбасини кўради. Унинг концепциясида инсон хулқи ва ҳаракатининг двигатели жинсий инстинкт ҳамда унинг трансформацияси устувор ўрин эгаллайди.

Ушбу мулоҳазани янада мукаммаллаштириш мақсадида нофрейдистлар ҳисобланмиш А.Адлер, К.Юнг кабиларнинг назарияларини таҳлил қилишга ўтамиз. А.Адлернинг фикрича, инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч, унинг фаолияти мақсадини аниқловчи, уларга эришиш йўллари ҳукуматга ва қудратга эркдир. Хорни, Фромм ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган маълумотлар моҳияти Фрейд томонидан киритилган психика тушунчаси ва унинг ҳаракатлантирувчи назариясини алмаштиришга интилиш яққол кўзга ташланади. Хорнининг нуқтаи назарича, инсон қанчалардир туғма кучларга эга бўлиб, унинг негизи болаларча ёрдамга муҳтожликка қурилгандир, бу ҳолатлар бирламчи безовталаниш туйғусида ва туғма кўрқинч ҳиссида ўз ифодасини топади. Хорнинг таъкидлашича, инсон хулқининг мотивацияси бошқа мотивлар ёрдами билан аниқланиши мумкин, жумладан, бирламчи безовталаниш (болаларча ёрдамга муҳтожлик келтирувчи) атроф-муҳитга нисбатан душманлик ҳиссини туғдиради, хавфсизликка эҳтиёж эса инсонни бошқа одамлар томонидан баҳолаш ва ўз-ўзини баҳолашга нисбатан ички интилишни вужудга келтиради. Фромм ҳам ўз қарашларида либидо масаласига катта эътибор бермайди, чунки уни қизиқтирган муаммо инсон хулқи жабҳаларда ижтимоий ва психологик омилларнинг ўзаро таъсир ўтказиш жараёнидир. Инсонни индивидуализациялаш унда танҳолик ҳиссини вужудга келтиришга олиб келади, шунингдек, ўз қадр-қийматини англаш сари етаклайди. Танҳолик ҳиссиётидан фориғ бўлишга интилиш туйғуси инсон мотивациясини ва унинг хулқ шаклларини аниқпайди. Неофрейдистларнинг илмий асарларида инсон хулқига таъсир қилувчи интим омилларига ва унинг мотивациясига муайян даражада аҳамият берилган бўлсада, лекин оқибат натижада хулқнинг ҳаракатлантирувчиси сифатида англашилмаган туғма кучлар асосий ўринда туради.

Гештальт психология мактаби намояндалари учун мотивация ўзига хос талқинга эга бўлиб, унинг моҳиятини экспериментал тарзда ўрганишга, очиб беришга интилиш кўрсаткичи билан бошқалардан ажралиб туради. К.Левин (1890-1947) мотивларни экспериментал ўрганиш методикасини ишлаб чиқиб, уларни мутлақо мустақил ҳолат сифатида тушунтиришга ҳаракат қилган ва бу борада муайян муваффақиятларга эришган. Гештальт психология мактабининг намояндаларига образ тушунчаси қанчалик ўта аҳамиятли бўлса, К.Левиннинг майдон назарияси учун мотив категорияси худди шундай муҳим хусусият касб этади. Образ ва мотив ўзаро алоқасиз ҳукм суриши таъкидланади, мотивацияни амалга оширувчи вазиятнинг предметли, маъновий мазмуни эса инкор қилинади. К.Левин хулқни мана бундай изохлашга интилади, муайян муваққатли микроинтервалда шахснинг бевосита яққол муҳит билан муносабатларидан келиб чиқувчи воқелиқдир. Унинг мазкур назариясида инсонда ҳар хил маъно англатувчи иккита мотивацион ўзгарувчи ҳукм суриши тан олинади, уларнинг биттаси туғма, ҳайвонлар турткисига ўхшаш ва турмуш давомида эгалланган, фақат инсонгагина хос бўлган. Гештальт психологларнинг асарларида шундай ҳолатлар ҳам мавжудким, уларда хулқ мотивацияси муаммолари шахснинг муҳим (асосий) хусусиятларини таҳлил қилиш негизидан келиб чиқиб қаралади. Ушбу ҳолат Г.Оллпорт концепциясида яққол кўзга ташланади, унингча, энг муҳим жиҳат бу инсон хулқини ўзгариш сабабларини очишдир. Шунинг билан бирга мазкур вазиятга олиб келувчи мотивларнинг омилларини текшириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканлигини англаб олиш қийин эмас. Бу борада индивиднинг жавоблари ўзига хослиги билан ўзаро таъсир ўтказиш ўртасида қандайдир алоқа мавжудлигини ўрнатиш ҳам иккинчи даражали нарса сифатида талқин қилинмайди.

Собиқ совет психологиясида инсон хулқ-атворини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланган мотивлар чуқур ва етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Уларнинг психологик механизмлари, узлуксизлигини таъминловчи омиллар, зарур шарт-шароитлар моҳияти, вужудга келиш имкониятлари тўғрисида жуда юзаки маълумотларгина муайян даражада тартибга келтирилган, туб маънодаги мотивлар табиати изчил равишда, педагогик ва ёш психологияси фанлари қонуниятларига асосланган ҳолда тадқиқ қилинмаган. Бу эса республикамизда уларнинг кенг кўламда ўрганишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мотивларнинг фалсафий-методологик аҳамияти шундан иборатки, улар сабаб оқибат, ички мураккаб боғланишлар тузилишини юксак даражада ривожланган тизим сифатида талқин қилинади. Бундай ёндашув эса ўз навбатида материя ривожланишининг олий маҳсули эканлиги тўғрисидаги хулосага олиб келади. Чунончи, мақсадга йўналтирилган ва мақсадга

мувофиқлаштирилган ҳар хил мазмундаги саволлар, ахборотлар, маълумотлар, хабарлар кишилар фаолиятининг онгли хусусияти таъкидлаб ўтилган мулоҳазалар моҳияти таркибига киради. Мотивлар тузилишини амалий (таъбиқий) йўналишга қаратиш инсон шахсига мотивацион, иродавий, ахлоқий, ҳиссий, когнитив, регулятив таъсир ўтказишнинг омилкор шакллариининг илмий асоси юзага келишига муҳим имкон ва зарур шарт-шароитлар яратади. Инсоннинг меҳнат фаолияти тизимининг мураккаблашуви ишлаб чиқаришда ахлоқий, маънавий, нафосат, руҳий тарбия жабҳалари ҳамда радио, телевидение ва тарғибот-ташвиқот таъсирини самарали олиб бориши, касбий тайёргарликнинг экстремал ва стресс ҳолатларнинг шароитлари барқарорлашуви, такомиллашуви, яхшилануви, мақсадга мувофиқлашуви каби омилларнинг барчаси шахс мотив доирасининг ўзгаришига боғлиқ. Шахснинг мотив доираси унинг эҳтиёжларида, иродавий сифатларида (актларида) ва функционал имкониятларида ўз аксини топади.

Мотивнинг тадқиқот тарихидан келиб унга ёндашсак, бу ҳолда у инсонлар (гоҳо ҳайвонлар хатти-ҳаракати) ҳаёти ва фаолиятини руҳий жиҳатдан бошқарувчиси сифатида талқинидан иборат ўзига хос туридир. Мотив тушунчаси, асосан, сут эмизувчи ҳайвонларга таллуқли эканлиги илмий манбаларда таъкидлаб ўтилади. Инсонларга алоқадор мотивлар тушунчаси кўзгатувчилар ва кўзғовчиларнинг барча турлари (кўринишлари, модалликлари, шакллари)ни ўз ичига олади (чунончи, мотивлар, эҳтиёжлар, қизиқишлар, мақсадлар, интилишлар, мотивлашган установкалар ва бошқалар).

Мотив кенг маънода хулқ-атвор детерминацияси белгиланишига қарамай, кўпгина чет эл тадқиқотчилари шахс мотивларини жуда тор маънода талқин қилиб, уни илмий жиҳатдан текширадилар, ҳаттоки улар шартсиз рефлектор актларининг миқдорини, аффектив, стресс ва экспрессив реакцияларни мотив тизимига киритмайдилар. Бир қатор психологлар мотивни энергетик, маъновий ва маънавий томонларини ўзаро солиштирадилар, улар мотивни соф маънодаги энергетик биоқувват фаоллигининг манбаи сифатида талқин қилиб, унинг маъновий ва маънавий жабҳаларини ҳисобга олмай туриб, ўзига хос равишда тушунтиришга интиладилар. Жумладан, З.Фрейд (856-1939) мотивнинг қонун-қоидаларини фақат динамик энергетик ҳолат тариқасида талқин қилади. Бир гуруҳ чет эл психологларининг фикрига қараганда, мотив - бу тажриба ва реакцияларнинг энергетик жабҳасидан иборатдир (ушбу таърифга нисбатан муносабат ўта баҳсли бўлганлиги сабабли муаллифларга танқидий фикр билдиришни китобнинг бошқа бўлимида билдирамиз).

Собиқ совет психологлари мотивларни тушунтиришда ва унинг таркибий қисмларини белгилашда динамик ва маъновий (маънавий) томонларининг уйғунлигидан келиб чиққан ҳолда талқин қиладилар. Уларнинг айрим намояндалари қарашларини таҳлил қилиш билан чекланамиз, холос.

С.Л.Рубинштейн мотивнинг психологик моҳияти тўғрисида қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: мотивация - бу психика орқали ҳосил бўладиган детерминациядир; мотив - бу шахс хулқ-атворининг когнитивистик жараёнини бевосита ташқи олам билан боғловчи субъектив тарзда акс этиш демакдир. Бизнингча, шахс ўзининг мотивлари ёрдамида борлиқ билан узвий алоқада бўлади. Инсоннинг хулқ-атвори (хулқи)ни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлувчи мотивлар шахснинг тузилишида (таркибида) етакчи ўрин эгаллайди. Мотивнинг тузилиш (структуравий) таркибига шахснинг йўналиши, унинг характери, эмоционал ҳолати (ҳис-туйғуси), қобиляти, ички кечинмалари, фаолияти ва билиш жараёнлари киради. Психология фанида тўпланган назарий маълумотларнинг кўрсатишича, шунингдек, бир қатор психологларнинг фикрича, характер шахс мотивларининг динамик томонлари асосини ташкил қилади, деган таълимот мавжуд. Жумладан, характернинг у ёки бу сифатлари соф динамик хусусиятли тавсифларни ташкил қилса, қолганлари эса фақат динамик табиатинигина эмас, балки унинг маънавий ва маъновий жабҳаларини ҳам юзага келтиради.

Мотив ҳиссиёт билан ҳам боғлиқ бўлиб, улар хулқ-атвор моҳиятидан ташқарида бўлмайди, балки ҳиссий кечинмалар, мотивлашган омиллар тизими билан узвий алоқага эгадир. Ҳиссиётнинг энг муҳим функцияларидан бири шундан иборатки, унда инсон учун муҳим аҳамият касб этувчи дақиқалар унинг учун қанчалик зарурият эканлигини белгилашга хизмат қилади. Ҳиссиётнинг бу соҳадаги бошқа бир функцияси нисбатан умумийроқ бўлиб, одамнинг ташқи оламга, шахслараро муносабатга, ҳис-туйғуларга негизлик муаммоси ҳисобланиб, унинг учун аҳамиятли воқеа ва нарсаларга нисбатан боғловчилик хусусиятига эга бўлган мулоқоти заиф эмоционал ҳолатлар доирасидан ташқарига чиқиб, фаол, барқарор, турғун жараёнларни ўз ичига олади. Юқоридаги мулоҳазалардан ташқари, мотивлар функционал-энергетик томонларини динамик бошқариш вазифасини амалга оширади. Инсоннинг қобиляти бевосита мотивлашган механизмлар билан узвий боғлиқбўлиб, уларнинг муҳитини белгилайди ва динамик, маънавий таъсир этиш муносабатини ўзида акс эттиради. Мотив билан қобилятнинг муносабатлари психик фаолликнинг бевосита бажариш негизи ҳисобланган фаолият орқали намоён бўлади. Мотивлашган тизимнинг таркибларини амалиётда рўёбга чиқарувчи нафақат фаолиятнигина аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, балки

фаолиятнинг кейинги истикбол ривожига ёки унинг бошқа соҳалар билан қоришиб кетиш эҳтимоли даражасини ҳам белгилайди. Лекин муайян инсоннинг функционал имконияти, фаолияти ва худди шу фаолиятнинг объектив томонларининг яққол рўёбга чиқиши мотив барқарорлашуви, ривожланиш (такомиллашув)га йўналганлиги ҳам фаолиятнинг объектив шарт-шароитига мослаша боради. Умуман шаклланиш жараёни, шахснинг ривожланиши мотивнинг фаолиятига, фаолиятнинг эса мотивга ўзаро таъсири билан тавсифланади, бизнингча, мазкур таъсирнинг кўрсаткичи, мезони вазифасини бажаради. Мотивларнинг ривожланиши туфайли тарбиявий талабларни англашда, эҳтиёжларни ичдан қайта қўришда хулқ-атвор қоидалари, мезонлари ёрдами билан фаолият доирасининг кенгайишида, шахснинг борлиқ билан муносабати қабиладарда ўзгаришлар содир бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мотивларнинг ривожланиши, мотивлашган янги маълумотларнинг пайдо бўлиши, фаолият муҳити доирасидаги ўзгаришлар туфайли амалга оширилади. Мотив механизми шахс сифатларини қайта қуриш, уларни ривожлантириш жараёнининг фаоллашуви тарзида юзага чиқади, шу билан бирга инсон камол топиш жараёнига, фаолият муҳити ва шароити аста-секин ёки тез ўзгариши мотивларнинг такомиллашуви, барқарорлашуви қаби омилларга таъсир этади. Инсонни меҳнат фаолиятида қайта тарбиялаш ва муайян фазилатларни шакллантириш юқоридаги мулоҳазалар моҳиятидан иборатдир. Бу ўринда фаолият фаол вазият ҳисобланиб, мавжуд эҳтиёжлар, қизиқишлар доирасидаги психологик ҳолатлардан узоқлашиб боради, сўнгра янги қизиқиш, эҳтиёж ва интилишларни шакллантиради, мотивлар моҳияти ва шакллари ўзгарилади.

Ушбу мулоҳазани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мотивациянинг фаолият даражасидан ташқари чиқиши эҳтимоли ёки фаолиятнинг мотивация доирасидан ташқари чиқиши имконияти тўғрисидаги талқинлар нисбий хусусиятга эга. Бинобарин, мотивация фаолиятдан ташқарида ва фаолият эса мотивациядан алоҳидаликка эга деган хулосага келмаслик мақсадга мувофиқ. Бу ҳолатни яққолроқ намоёни қилиш ниятида қуйидаги ҳаётий ҳақиқатга мурожаат қиламиз. Ҳар бир талаба олий мактабга ўқишга кираётганида унда диплом олиш мотиви пайдо бўлади, ўқишга жойлашганда эса ўқув предметларини ўзлаштириш жараёни ўқишга нисбатан интилиш, эҳтиёж, қизиқиш, сафарбарлик қаби психик омиллар юзага келади.

А.Н.Леонтьевнинг фикрича, фаолиятнинг тузилиши: мақсадга қаратилган хатти-ҳаракатлар ва операциялардан иборатдир. Одатда, фаолият ўзининг предмети ва мотивига эга бўлиб, агарда мотив билан предмет (жисм, нарса) ўртасида мутаносиблик (мослик) вужудга келса, демак шундагина" у туб маънодаги фаолиятга айланади. Масалан, бир талаба имтиҳондан

(рейтингдан) ўтиш учунгина бирламчи манбаларни ўқийди, лекин бошқаси эса ўзини текшириш ва ҳақиқий билимларни эгаллаш учун дарс тайёрлайди. Биринчи ҳолатда талаба ёки ўқувчида мотив имтиҳонга қаратилган бўлиб, ўқув предмети мазмуни бундан мустаснодир, худди шу боисдан унинг фаолияти фақат хатти-ҳаракатлар тизимидан иборатдир, деган хулоса чиқаришга имкон беради. Иккинчи ҳолатда эса мотив ўқув предметини ўзлаштиришга қаратилганлиги сабабли унинг интилиши фаолиятига ўсиб ўтади деган фикрга келишга қафолат беради.

Мотивларнинг турлари. Турли касб эгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характерини билиш ва уларни ўзгартириш муаммоси аҳамиятга эга. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида муваффақиятга эришиш мотиви бўлиб, бундай назариянинг асосчилари америкалик олимлар Д. Макклелланд, Д. Аткинсон ва немис олими Х. Хекхаузенлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажаришини таъминловчи асосан икки турдаги мотив бор: муваффақиятга эришиш мотиви ҳамда муваффақиятсизликлардан қочиш мотиви.

Одамлар ҳам у ёки бу турли фаолиятларни киришишда қайси мотивга мўлжал қилишларига қараб фарқ қиладилар. Масалан, фақат муваффақият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан шундай иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам ютуққа эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютуқни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча ҳаракатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташқи имкониятлар - таниш-билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Бошқача хулқ-атворни муваффиқиятсизликдан қочиш мотивига таянган шахсларда кузатиш мумкин. Масалан, улар биринчилардан фарқли, ишни бошлашдан аввал нима бўлса ҳам муваффиқиятсизликка дучор бўлмасликни ўйлайдилар. Шу туфайли уларда кўпроқ ишончсизлик, ютуққа эришишга ишонмаслик, пессимизмга ўхшаш ҳолат кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, охир-оқибат улар барибир муваффиқиятсизликка учраб, «Ўзи сира омадим юришмайдиган одамманда» деган хулосага келадилар. Агар биринчи тоифали шахслар бир ишни муваффиқиятли тугатгач, кўтаринки руҳ билан иккинчи ишга киришишса, иккинчи тоифа вакиллари, ҳар қандай ишни якунлагандан сўнг, унинг натижасидан қатъий назар, руҳан тушкунликка тушадилар ва оғриниш ҳисси билан бошқа ишга киришадилар. Бу ўринда талабчанлик деган сифатнинг роли катта.

Агар муваффиқиятга йўналган шахсларнинг ўзларига нисбатан қўйган талаблари даражаси ҳам юқори бўлса, иккинчи тоифа вакилларининг

талаблари аксинча, паст бўлади. Бундай ташқари ҳар биримиздаги ўзимиздаги реал қобилиятлар тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ушбу мотивларнинг фаолиятдаги ўрнига таъсир кўрсатади. Масалан, ўзидаги қобилиятларга ишонган шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраса ҳам, унчалик қайғурмайди, кейинги сафар ҳаммаси яхши бўлишига ишонади. Ишончсиз шахс эса кичкина берилган танбеҳ ёки танқидни ҳам жуда катта руҳий азоб билан қайғуриб бошдан кечиради. Унинг учун ҳам шахснинг у ёки бу вазиятларда қайғуриш сифати ҳам маълум маънода мотивлар характери билан белгилайди.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз-ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва ундаги характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдидан ўзимизни тутишимиз ва муваффақиятларга эришишимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, масъулиятли имтихон топшириш жараёнини олайлик.

Баъзи талабалар имтихон олдидан жуда қайғурадилар, ҳаттоки, кўрқадилар ҳам. Улар учун имтихон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараёни босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирмайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман беғам бўлиб, сира қийинчидилар. Табиий, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари ишининг муваффақияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қилади.

Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган-билмаганини исбот қилишга ўринсалар, ана шундай даражаси пастлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам. Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий ҳислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда ҳуққимизни бошқара олишимиз керак.

4.3. Англомаган ва англомаган мотивлар

Юқорида таъкидлаганимиздек, мотивлар, яъни ҳатти-ҳаракатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан англомагани ёки англомаслиги ҳам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисолларда ва ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффақиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий ҳуққимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Англомаган ижтимоий ҳуққ мотивлари психологияда ижтимоий установка (инглизча «attitud») ҳодисаси орқали тушунтирилади.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ҳодисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолатики, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, негрларга раҳмимиз келади, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни албатта пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва ҳақозо. Бу тасаввурлар, баҳо ва ҳиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узоқ муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда руёбга чиқади.

Америкалик олим Г. Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А. Когнитив компонент - установка объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент - установка объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В. Ҳаракат компоненти - субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бу уч хил компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устиворроқ бўлиши мумкин. Шунини айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб - интизом билан жуда яхши таниш бўлсалар ҳам, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайдилар. «Тасодифан дарс қолдириш», «жамоатчилик жойларида тартибни бузиш» каби ҳолатлар когнитив ва ҳаракат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги тамойилининг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта бида туриб, ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса, ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши мумкин.

Шунинг учун ҳам биз ижтимоий нормалар ва санкциялар воситасида бундай қарама-қаршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиз керак. Бу шахснинг истиқболи ва фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Мавзу юзасидан қисқача хулосалар:

Ушбу мавзуда шахс ва унинг фаоллиги, фаолият турлари, жисмоний ва ақлий ҳаракатлар батафсил келтирилган. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси, мотивларнинг турлари талабаларга тушунтирилади.

Инсон фаолиятининг турлари кенг тарзда таҳлил қилинган. Муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивларининг шахс ҳаётидаги ўрни таҳлил қилинган, у эса талабаларнинг келгуси фаолиятларида муваффақиятли ишлашга чорлайди.

Ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган турли вазиятларда шахс мотивациясининг ўзгариши ва уни бошқариш масалалари келтирилган.

Мавзуни мустаҳкамловчи саволлар:

1. Инсон фаолияти ва унинг психологик тузилиши.
2. Фаолият ва ижтимоий хулқ мотивацияси.
3. Малака, кўникма ва одатлар ва уларнинг шаклланиши.
4. Ўз-ўзини баҳолаш ва хулқ мотивлари.
5. Шахс ва унинг мотивлари: муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивлари.
6. Ижтимоий установка ва уни профессионал фаолият мобайнида ўзгартириш муаммоси. Талабчанлик ва установка

Тестлар:

1. Мотив сўзининг маъноси кўрсатинг?

- А) сабаб
- Б) туртки
- С) ундаш
- *Д) барча жавоблар тўғри

2. Фаоллик сўзи қайси тилдан олинган ва нима манони англатади?

- *А) лотинча ҳаракат
- Б) лотинча тормизланиш
- С) грекча фаолият
- Д) юнонча югурмоқ

3. Фаоллик нечи турга бўлинади?

- *А) 2 турга ички ва ташқи
- Б) 3 турга, ақлий, жисмоний, ҳиссий
- С) 4 турга объектив, субъектив, руҳий, маънавий
- Д) барча жавоблар тўғри

4. Мотивация сўзининг маъноси топинг?

- А) Мотивация - инсон хулқ-атворини ўрганувчи ижтимоий ходиса.

*Б) Мотивация - инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради

С) Мотивация – эҳтиёларни ўрганадиган психологиянинг соҳаси

Д) барча жавоблар тўғри

5. Г.Оллпорт ижтимоий ўрнатилганнинг нечта компонентли тизимини ишлаб чиққан ва улар қайсилар?

*А) 3 хил когнитив, ҳаракатли, аффектив

Б) 2 хил эмоционал ва агрессив

С) 3 хил конатив, агрессив когнитив

Д) 3 хил аффектив, хулқ-атвор, эмоциоанл

Мавзу юзасидан ижтимоий тренинглари:

Мавзунинг янада мустақил ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида куйидаги мавзуга оид амалий тренинглари тавсия этилади.

“МЕНИНГ ҲАЁТДАГИ ШИОРИМ” тренинг машғулоти.

Машғулоти тавсия этиладиган ҳолатлар: гуруҳий психокоррекцион фаолиятда ҳамда индивидуал психокоррекцион фаолиятда қўлланилиши мумкин бўлиб *эмоционал-ҳиссий соҳадаги бузилишларни, *қадриятлар тизимида юзага келган бузилишларни, *характер акцентуациясини психокоррекция қилишда, шунингдек мотивацион соҳани ривожлантиришда ва психологик ресурсларни шакллантиришда.

Иштирокчиларга ҳаётда унга доимо олға интилишга, куч ва ғайрат топа олишга, келажакка ишончини кучайтиришга ҳар вақт ёрдам бера оладиган ҳаётий мотивацион (илҳомлантирувчи) шиор ўйлаб топиш топшириғи берилади. Шунга эътибор бериш сўраладики, ўша шиорни сиз доимо кўриниб турадиган жойларга ёзиб қўя оладиган бўлинг ва уни кўрганда сизда беихтиёр ҳаётга нисбатан мотивация (қизиқиш ва интилиш) пайдо бўлсин. Ўйлаб кўриш учун 5-10 дақиқа вақт берилиш мумкин. Ижодий, ўзига хос ёндошиш сўралади. Шундан сўнг ҳамма ўзининг шиорини ўқиб эшиттиради.

Иштирокчилардан ушбу шиорларини ёзиб олишлари, доимо ёдда тутишлари тавсия этилади. Чунки ушбу шиор бевосита мазкур тренинг билан боғлиқ барча билим-кўникмаларни ёдга тутишини ва сақлашини таъминлайди. Тренер иштирокчиларнинг шиорларини диққат билан таҳлил қилиши ҳамда ўрни келса уларни психологик таҳлил қилиб ушбу шиор унинг ўзига ёки бошқаларга қандай ижобий ва салбий таъсир қилиши мумкинлигини айтиб ўтиши лозим. Чунки, гоҳида ўқувчиларда деструктив принциплар ҳаётий шиорга айланиб қолиши кузатилади, психологнинг вазифаси ўқувчилардаги шундай деструктив, шахс шаклланишига салбий таъсир

килувчи омилларни бартараф қилишдан иборат. Бу машғулоти орқали ўқувчининг дунёқараши ва тафаккур тарзини ҳам ўзига хос равишда диагностика ва коррекция қилиш имкони юзага келади.

КЕЙС ВАЗИЯТ

Ўқитувчи дарсга кириш вақтида хонада болалар тўпалони устидан чиқди. Ўқитувчи урушаётган болаларни коридорга олиб чиқиб, нима сабабдан урушаётганларини сўради. Болалар бир-бирларига қараб сабабини айтмадилар.

«Бу сирми?»- деб сўради ўқитувчи. Болалар бошларини қимирлатдилар. Шунда ўқитувчи болаларга «сизлар 5 дақиқа вақт ичида эркакчасига гаплашиб олинглар, фақат бир-бирингларни урмасдан, ҳақорат қилмасдан келишинглар. Синфга сиз олдингидан ҳам иноқроқ дўст бўлиб, шундай ҳаётий муаммоларни ҳам тинч-тотув ечиб кирганингизни бошқалар кўрсин.»

Саволлар.

1. Ўқитувчи ҳақми? У қандай вазиятни бошқарди?
2. Сиз болаларда таълим – тарбия ишларини олиб боришда, «эркакча», «қизларга ҳос» деган фикрларни ишлатилишига қандай қарайсиз?
3. Сиз бу вазиятда қандай йўл тутар эдингиз?

КЕЙС ВАЗИЯТ

Ўзига ишон ва итилиш.

Кунларнинг бирида қурбақалар тўдасидан икки қурбақа чуқурликка тушиб кетибди. Қолган барча қурбақалар чуқурлик тепасида жамланиб олиб - "Бўлди энди, шу ерда ўлиб кетасизлар, ҳадеб сакрайверишдан фойда йўқ" - дер эдилар. Узоққа бормай, икки қурбақанинг бири қўрқув ва қаттиқ тушқунлик оқибатида нобуд бўлди. Иккинчи қурбақа эса тинмай сакрашда давом этарди. Ҳар сафар сакраганда, илгаригидан баландроқ сакрар эди. Аммо, юқоридаги қурбақалар ҳамон: "Бўлди қил энди! Фойдаси йўқ" дер эдилар. Кўп ўтмай, бояги қурбақа чуқурдан чиқишга муваффақ бўлди. Тепадаги қурбақалар қаттиқ таажжубда эдилар. Сўнг ундан сўрашди: "Буни қандай уддалай олдинг?!" У жим турарди. Кейин билсалар, унинг қулоқлари эшитмас экан. Ҳар сафар уни сакрашдан қайтарганларида, мени қўллаб-қувватламоқдалар, деб ўйлаб, бу мушкул ишнинг уддасидан чиққан экан.

1. Мазкур кейснинг ижтимоий-психологик аҳамиятини қандай тушунтириш мумкин?
2. Сиз мазкур кейсдан қандай хулоса чиқардингиз?

V-БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа:

- 5.1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар
- 5.2. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш
- 5.3. Ёсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги.
- 5.4. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал муносабатлар.

Таянч тушунчалар: шахс тараққиёти, генотипик омиллар, ижтимоий омиллар, ёсмирлик, ўспиринлик, аттракция, эмоционал муносабатлар

5.1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар

Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотипик омилларидан бири шахс шаклланишида биогенетик назариянинг аҳамиятидир. Жаҳон психологияси фанида шахснинг камолоти, унинг ривожланиши тўғрисида хилма-хил назариялар яратилган бўлиб, тадқиқотчилар инсон шахсини ўрганишда турлича позицияда турадилар ва муаммо моҳиятини ёритишда ўзига хос ёндашишга эгадирлар. Мазкур назариялар қаторига биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналистик, бихевиористик кабиларни киритиш мумкин. Қуйида санаб ўтилган назариялар ва уларнинг айрим намояндалари томонидан шахсни ривожлантиришнинг принциплари тўғрисидаги қарашларига тўхталиб ўтамиз.

Биогенетик назариянинг негизида инсоннинг биологик етилиши бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг тараққиёти ихтиёрий хусусият касб этиб, улар билан ўзаро шунчаки алоқа тан олинади, холос. Мазкур назарияга биноан, тараққиётнинг бош мақсади - биологик детерминантларига (аниқловчиларига) қаратилади ва уларнинг моҳиятидан социал-психологик хусусиятлар келтирилиб чиқарилади.

Тараққиёт жараёнининг ўзи, даставвал биологик етилишнинг универсал босқичи сифатида шархланади ва талқин қилинади.

Биогенетик қонунни Ф.Мюллер ва Э.Геккеллар кашф қилишган. Биогенетик қонуният органнинг тараққиёти назариясини ташвиқот қилганда ҳамда антидарвинчиларга қарши курашда муайян даражада тарихий роль ўйнаган. Бироқ ўрганишлар индивидуал ва тарихий тараққиёти муносабатларини тушунтиришда кўпол хатоларга йўл қўйган. Жумладан, биогенетик қонунга кўра, шахс психологиясининг индивидуал тараққиёти

(онтогенез) бутун инсоният тарихий тараққиётининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган ғоя ётади.

Немис психологи В.Штерннинг фикрича, чақалоқ (янги туғилган бола) ҳали у одам эмас, балки фақат сут эмизувчи ҳайвондир, у олти ойликдан ошгач, психик тараққиёти жиҳатидан фақат маймунлар даражасига тенглашади, икки ёшида эса оддий одам ҳолига келади, беш ёшларда ибтидоий пода ҳолатидаги одамлар даражасига етади, мактаб давридан бошлаб ибтидоий даврни бошидан кечиради, кичик мактаб ёшида ўрта аср кишилар онгига ва ниҳоят етукли даврдагина (16-18 ёшларда) у ҳозирги замон кишиларининг маданий даражасига эришади.

Биогенетик назариянинг йирик намояндаларидан бири бўлмиш америкалик психолог С.Холл психологик тараққиётнинг бош қонуни деб «рекапитуляция қонуни»ни (филогенезни қисқача такрорлашни) ҳисоблайди. Унинг фикрича, онтогенездаги индивидуал тараққиёт филогенезнинг муҳим босқичларини такрорлайди. Олимнинг талқинига биноан, гўдаклик ҳайвонларга хос тараққиёт палласини қайтаришдан бошқа нарса эмас. Болалик даври эса қадимги одамларнинг асосий машғулоти бўлган овчилик ва балиқчилик даврига айнан мос келади. 8-12 ёш оралиғида ўсиш даври ўсмирларда ёшидан иборат бўлиб, ёввойиликнинг охири ва цивилизациянинг бошланишидаги камолот чўққисига ҳамоҳангдир. Ўспиринлик эса жинсий етилишдан (12-13) бошланиб, то етуклик даври кириб келгунга қадар (22-25 ёшгача) давом этиб, у романтизмга эквивалентдир. С.Холлнинг талқинига қараганда, бу даврлар «бўрон ва тазйиқлар», ички ва ташқи низолар (конфликт)дан иборат бўлиб, уларнинг кечиши давомида одамда «индивидуаллик туйғу»си вужудга келади. Шахсни ривожланишининг ушбу назарияси ўз даврида бир талай танқидий мулоҳазалар манбаи вазифасини ўтади, чунки инсон зотидаги ривожланиш босқичлари филогенезни айнан такрорламайди ва такрорлаши ҳам мумкин эмас.

Биогенетик концепциянинг бошқа бир тури немис «конституцион психологияси» (инсоннинг тана тузилишига асослаган назария) намояндалари томонидан ишлаб чиқилган. Э.Кречмер шахс (психологияси) типологияси негизига бир қанча биологик омилларни (масалан, тана тузилишининг типи ва бошқаларни) киритиб, инсоннинг жисмоний типи билан ўсишининг хусусияти ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, деб тахмин қилади. Э.Кречмер одамларни иккита катта гуруҳга ажратади ва унинг бир бошқа циклоид тоифасига хос (тез қўзғалувчи, ҳис-туйғуси ўта барқарор), иккинчи учида эса шизоид тоифасига (одамови, муносабатга қийин киришувчи, ҳис-туйғуси чекланган) хос одамлар туришини айтади. Бу тахминини у шахс ривожланиши даврига кўчиришга ҳаракат қилади, натижада ўсмирларда циклоид хусусиятлари (ўта

кўзгалувчанлик, тажовузкорлик, аффектив табиатлилик), илк ўспиринларда эса шизоидлик хусусиятлари бўлади, дея хулоса чиқаради. Лекин инсонда биологик шартланган сифатлар ҳамisha етакчи ва ҳал қилувчи роль ўйнай олмайди, чунки шахснинг индивидуал-типологик хусусиятлари бир-бирига айнан мос тушмайди.

Биогенетик назариянинг намояндалари америкалик психологлар А.Гезелл ва С.Холл таракқиётнинг биологик моделига чамалаб иш кўрадилар, бу жараёнда мувозанат, интеграция ва янгилаиш цикллари ўзаро ўрин алмашиниб туради, деган хулосага келадилар. Психология тарихида биологизмнинг энг яққол кўриниши Зигмунд Фрейднинг шахс талқинида ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига биноан, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулқи) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан шартланган, айниқса, биринчи навбатда, у жинсий (сексуал) майлига (либидога) боғлиқдир. Бунга ўхшаш биологизаторлик омиллари инсон хулқини белгиловчи бирдан-бир мезон ёки бетакрор туртки ролини бажара олмайди. Биогенетик назариянинг қарама-қарши кўриниши - бу аксил қутбга жойлашган социогенетик назария ҳисобланади. Социогенетик ёндашишга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Ижтимоийлашув назариясига кўра, инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Бизнингча, барча назарияларда инсон ҳаётининг ижтимоий-тарихий вазиятлари ва объектив шарт-шароитлари мутлақо эътиборга олинмаганга ўхшайди. Психологияда психогенетик ёндашиш ҳам мавжуд бўлиб, у биогенетик, социогенетик омилларнинг қимматини камситмайди, балки психик жараёнлар таракқиётининг биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Ушбу ёндашишнинг учта мустақил йўналишга ажратиб таҳлил қилиш мумкин, чунки уларнинг ҳар бири ўз моҳияти, маҳсули ва жараён сифатида кечиши билан ўзаро тафовутланади.

Психиканинг иррационал (ақлий билиш жараёнларидан ташқари) таркибий қисмлари бўлмиш эмоция, майл ва шу кабилар ёрдамида шахс хулқини таҳлил қилувчи назария психодинамика дейилади. Мазкур назариянинг йирик намояндаларидан бири - бу америкалик психолог Э.Эриксондир. У шахс ривожини 8 та даврга ажратади ва уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос бетакрор хусусиятга эгадир.

Биринчи давр - гўдақлик. Ушбу даврда гўдақда онгсизликка асосланган ташқи дунёга нисбатан «ишонч» туйғуси вужудга келади. Бунинг бош

сабабчиси ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги ва жонкуярлигининг нишонасидир. Агарда ғўдакда ишонч негизи пайдо бўлмаса, балки борликқа нисбатан ишончсизлик ҳисси туғилса, у тақдирда вояга етган одамларда маҳдудлик, умидсизлик шаклида акс этувчи хавф вужудга келиши, эҳтимол.

Иккинчи даврда, яъни илк болаликда жонзодда ярим мустақиллик ва шахсий қадр-қиммат туйғуси шаклланади ёки аксинча, уларнинг қарама-қаршиси бўлмиш уят ва шубҳа ҳисси ҳосил бўлади. Болада мустақилликнинг ўсиши, ўз танасини бошқаришга кенг имконият яратиб, бўлғусида шахс хусусиятларига айланувчи тартиб ва интизом, масъулият, жавобгарлик, ҳурмат туйғуларини таркиб топтиришга пухта замин ҳозирлайди.

Учинчи давр - ўйин ёши деб аталиб, 5 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни ўзига қамраб олади. Мазкур даврда ташаббус туйғуси, қайсидир ишни амалга ошириш ва бажариш майлини таркиб топтиради. Мабодо унда хоҳиш-истакни рўёбга чиқаришнинг йўли тўсиб қўйилса, ушбу ҳолатда бола ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Мазкур ёш даврида давра, яъни гуруҳий ўйин, тенгқурлари билан мулоқотга киришиш жараёнлари муҳим аҳамият касб этади, натижада боланинг турли роллар синаб кўришига, ҳаёлотини ўсишига имкон яратилади. Худди шу даврда болада адолат туйғуси, уни тушуниш майли туғила бошлайди.

Тўртинчи давр - мактаб ёши деб номланиб, ундаги асосий ўзгаришлар кўзлаган мақсадга эришиш қобилияти, уддабуронлик ва маҳсулдорликка интилиш туйғуси билан ажралиб туради. Унинг энг муҳим қадрияти — омилкорлик ва маҳсулдорликдан иборатдир. Ушбу ёш даврнинг салбий жиҳатлари (иллатлари) ҳам кўзга ташланади ва уларнинг қаторига ижобий хислатлари етарли даражада бўлмаганлиги, онги ҳаётнинг барча қирраларини қамраб ололмаслиги, муаммоларни ечишда ақл-заковатнинг етишмаслиги, билимларни ўзлаштиришда қолоқлиги (сустлиги) ва ҳоказо. Худди шу даврда шахсда меҳ-натга нисбатан индивидуал муносабати шакллана бошлайди.

Бешинчи давр - ўспиринлик - ўзининг бетакрор хислати, индивидуаллиги ва бошқа одамлар билан кескин тафовутланиши билан тавсифланади. Шунингдек, ўсмирлик шахс сифатида ноаниқлик, муайян ролнинг уддаламаслик, қатъиятсизлик сингари нуқсонларга (иллатларга) эгадир. Мазкур даврнинг энг муҳим хусусияти «ролни кечиктириш»нинг ўзгариши ҳисобланиб, бирмунча тараққиёт босқичига кўтарилишининг дақиқасидир. Унда ижтимоий ҳаётда бажараётган ролларининг кўлами кенгаяди, лекин уларнинг барчасини жиддий эгаллаш имконияти мавжуд бўлмайди, ваҳоланки бу кезде ўспирин ролларда ўзини синаб кўриш билан чекланади, холос. Эриксон ўспиринларда ўз-ўзини англашнинг психологик механизмларини батафсил таҳлил қилади, унда вақтни янгича ҳис қилиш,

психосексуал қизиқиш, патоген (касаллик қўзғатувчи) жараёнлар ва уларнинг турли кўринишлари намоён бўлишини шарҳлайди.

Олтинчи давр - ёшлик бошқа одамга (жинсга) нисбатан психологик интим яқинлашув қобилияти (уқуви) ва эҳтиёжи вужудга келиши билан ажралиб туради. Айниқса, жинсий майл бу соҳада алоҳида ўрин тутаяди. Бундан ташқари, ёшлик танҳолик ва одамовилик каби беҳосият хусусиятлари билан тафовутланади.

Етинчи давр - етуклик даври деб аталиб, ҳаёт ва фаолиятнинг барча соҳаларида (меҳнатга, ижодиётга, ғамхўрликда, пушт қолдиришда, тажриба узатишда ва бошқаларда) маҳсулдорлик туйғуси унга узлуксиз равишда ҳамроҳ бўлади ва эзгу ниятларнинг амалга ошишида туртки вазифасини бажаради. Шунингдек, мазкур даврда айрим жиҳатларда турғунлик туйғуси нуқсон (иллат) сифатида ҳукм суриши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Саккизинчи давр, яъни қарилик инсон тариқасида ўз бурчини удалай олганлиги, турмушнинг кенг қамровлиги, ундан қаноатланганлиги (қониққанлиги) туйғулари билан тавсифланади. Салбий хусусият сифатида ушбу ёшда ҳаётдан, фаолиятдан ноумидлилик, улардан кўнгил совиш ҳис-туйғуларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Донолик, софлик, гуноҳлардан фориғ бўлишлик бу ёшдаги одамларнинг энг муҳим жиҳати, саховати ҳисобланади, бинобарин, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатга нисбатан шахсият ва умумият нуқтаи назаридан қараш уларнинг олий ҳиммати саналади.

Шундай қилиб, биз чет эл психологиясида шахс ривожланишининг йўналишлари ва назарияларини қисқача шарҳлаб ўтдик. Қилинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, Европа мамлакатлари ва АҚШ психологлари орасида бу соҳада битта умумий назария ҳали ишлаб чиқилмаган. Бунинг бош сабаби шахснинг тузилиши, уни шаклланиш қонуниятлари, унинг камолотида объектив ва субъектив таъсирларнинг роли, микро ва макромухитнинг таъсири, ривожланишнинг таянч манбалари бўйича умумийликнинг йўқлиги, аниқметодологияга ва илмий платформага асосланмаганликдир.

Шахс индивидуал тараққиётининг муҳим омилларидан яна бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказаяди.

Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларини ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ўрганиши ва шахс ҳулқини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман

психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд.

Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуқлик фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жиҳатдан билишнинг етуқлик фазаси 18 - 25 ёшларда (Лазарев маълумотларига кўра), интеллектуал, ижодий етуқлик - 35 ёшларда (Леман маълумотлари), шахснинг етуқлиги 50 - 60 ёшларга келиб энг юқори нуқтасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди. Шуниси характерлики, ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа бир функцияларнинг сусайиши ҳисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк боғча ёшида фазога мослашув жуда кучайса, кейинчалик унинг ўрнини вақтни адекват идрок қилиш кучаяди.

Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотлар дунёсидаги яхши ориентацияси, психомоторик функциялар ва бевосита билиш жараёнларининг сусайиши ҳисобига рўй беради. Худди шундай боланинг 3-5 ёш даври тилни, унинг луғавий ва структуравий хусусиятларини ўзлаштиришга жуда мақбул бўлса, етуқлик даври бўлмиш 45-55 ёшларга келиб айни шу сифат деярли ўзини йўқотади («тил қотиб қолади»).

Психологиянинг махсус тармоғи ҳисобланмиш ёш даврлари психологиясининг энг асосий муаммоларидан бири шуки, инсон психик тараққиётида қандай омиллар - генетик, туғма ёки орттирилган, ижтимоий омиллар роли етакчи эканлиги масаласидир.

Бир томондан, боланинг ўз ота - оналаридан мерос сифатида ўзлаштирган сифатлари, масалан, анатомио - физиологик хусусиятлар, мия фаолиятининг ўзига хослиги, тана тузилиши (қўл, оёқ, юз тузилиши ва бошқ.) албатта психологик жаҳатдан одам боласининг муҳитга мослашуви, унга эркин ҳаракат қилиши, жараёнларни онгида акс эттиришига сабаб бўлади. Чунки оддийгина анатомик аномалия ҳолати (қўлнинг калталиги, бўйнинг жуда кичиклиги каби) психикага ва шахснинг жамиятда ўзини тутишига салбий таъсир кўрсатади. Лекин иккинчи томондан ташқи муҳит таъсирини ҳам камситиб бўлмайди. Масалан, агар бола махсус ўқув масканларида ўқимаса, унга тарбиявий таъсирлар кўрсатилмаса, унинг ривожланиши қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу муаммолар устида бош қотирган олимлар Л. Выготский, Ж. Пиаже, С. Рубинштейн, А. Леонтьев ва кўплаб бошқа психологлар иккала омил родини ҳам инкор қилмаган ҳолда ижтимоий муҳитнинг етакчи таъсири тўғрисидаги фикрни барабар ёқлаганлар. Чунки тўғри ташкил этилган таълим-тарбия, оила

ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характери, шахс мулоқотда бўладиган ижтимоий гуруҳлар, у танлаган касб ва касбдошлари муҳити, никоҳ ва маълумот масалаларининг қандай ҳал қилинганлиги каби қатор ижтимоий омиллар шахснинг ривожланиши, унинг ўз-ўзини англаши ва ўзгаларга муносабати, билиш жараёнлари ҳамда интеллектуал тараққиётида катта аҳамиятга эгаллигига шубҳа йўқ.

5.2. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш

Шу вақтгача психология илмида шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Бир қанча даврий схемалар ҳам таклиф этилган. Лекин шу соҳада астойдил ижод қилган ҳар қандай олим ўзининг «даврларини» таклиф этаверган. Бу тушунарли, зеро инсоннинг ҳаётий йўли ва унинг асосий лаҳзалари тарихий тараққиёт мобайнида ўзгаради, бир авлоддан иккинчи авлод тараққиётига ўтишнинг ўзи ҳам қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Даврларга бўлишга қаратилган классификацияларнинг ўзи ҳам икки турли бўлади: жузъий (алоҳида даврларни яна қўшимча даврларга бўлиш - «даврлар ичидаги даврлар») ва умумий (инсон умрининг барча босқичларини ўз ичига олган). Масалан, жузъий классификацияга Ж. Пиаженинг интеллектнинг ривожланишини босқичларга бўлишини киритиш мумкин. У бу тараққиётни 3 босқичда тасаввур қилган:

- ✓ сенсомотор интеллект босқичи (0 - 2 ёш). Бунда асосан олти босқич фарқланади;
- ✓ конкрет операцияларни бажаришга тайёрлаш ва уни ташкил этиш босқичи (3 - 11 ёшлар);
- ✓ формал операциялар босқичи (12 - 15 ёшлар). Бу даврда бола нафақат бевосита кўриб турган нарсаси, балки мавхум тушунчалар ва сўзлар воситасида ҳам фикр юрита олади.

Д.Б. Элькониннинг ёш даврлари босқичлари ҳам шу гуруҳга киради ва у ҳам болаликнинг уч даврини фарқлайди: илк болалик, болалик ва ўсмирлик. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос етакчи фаолияти, ўзгаришлари ва ривожланиш шарт - шароитлари мавжуд бўлади ва уларни билиш тарбиячилар учун катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир босқичда фаолият мотивлари ҳам ўзгаради, уларнинг ўзгариши шахс эҳтиёжлари ва талаблари даражасининг ўзгаришига мос тарзда рўй беради.

Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган классификациялардан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема

ҳисобланади. У қуйидаги 1 - жадвалда келтирилган. У Б.Г. Ананьев, чет эллик олим Бирренлар таклиф этган классификацияга яқин бўлиб, умумлаштирилган тоифалашдир (5.1-жадвал).

5.1-жадвал

Ёш давлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1 – 10 кун	1 – 10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
Илк болалик	1 – 2 ёш	1 - 2 ёш
Болаликнинг 1 - даври	3 – 7 ёш	3 - 7 ёш
Болаликнинг 2 - даври	8 - 12 ёш	8 – 11 ёш
Ўсмирлик даври	13 - 16 ёш	12 - 15 ёш
Ўспиринлик даври	17 - 21 ёш	16 - 20 ёш
Ўрта етуқлик даври:		
биринчи босқич	22 - 35 ёш	21 - 35 ёш
иккинчи босқич	36 - 60 ёш	36 - 55 ёш
Кексалик даври	61 - 75 ёш	56 - 75 ёш
Қарилик даври	76 - 90 ёш	76 - 90 ёш
Узоқ умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

Тараққиётни ёш давларга бўлишда ўзига хос классификациялар ҳам бор. Масалан, Э. Эриксон шахс «Мен» ининг ривожланиш босқичларини ажратган ва ҳар бирида ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларни ажратган.

1 - босқич (ишонч - ишончсизлик) - бу ҳаётнинг 1 - йили.

2 - босқич (мустақиллик ва қатъиятсизлик) - 2 - 3 ёшлар.

3 - босқич (тадбиркорлик ва гуноҳ ҳисси) - 4 - 5 ёшлар.

4 - босқич (чаққонлик ва етишмовчилик) - 6 - 11 ёшлар.

5 - босқич (шахс идентификацияси ва ролларнинг чалкашлиги) - 12 - 18 ёшлар.

6 - босқич (яқинлик ва ёлғизлик) - етуқликнинг бошланиши.

7 - босқич (умуминсонийлик ва ўзига берилиш) - етуқлик даври. 8 - босқич (яхлитлик ва ишончсизлик) - кексалик.

Эриксон классификациясининг ўзига хос қиммати шундаки, унда шахснинг ўзи тўғрисидаги тасаввурларининг жамият таъсирида ўзгариши назарда тутилади. Шунга ўхшаш босқичларга бўлишлар охирги пайтда яна кўплаб муаллифлар томонидан таклиф этилмоқда (Г. Гримм, Д. Бромлей ва бошк.).

Уларнинг барчасидаги умумий мезон шуки, ҳар бир тараққиёт даври шахс ривожини учун нимани таклиф этадию, шахс унда қандай ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлади. Уларни табиий ўзгаришларда билиш ва ўрганиш

керак, чунки бусиз шахс тарбиясини тўғри йўлга қўйиб бўлмайди. Масалан, мактаб ёшидаги болаларга қўйилган талаблар катта одамлар жамоасига тўғри келмайди, ёки боғча ёшидаги бола билан тил топишиш билан талаба билан тил топиш ўзига хос педагогик тактни ва ўша ёш соҳасида билимдонликни талаб қилади.

5.3. Ўсмирлик ва ўспиринлик давларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги

Ўсмирлик ва ўспиринлик давлари мактаб ва бошқа таълим масканларида ўқиш давларига тўғри келади. Бу даврдаги етакчи фаолият ўқув фаолияти бўлиб, унда бола билим олиш билан боғлиқ, малака ва кўникмаларни орттиришдан ташқари, шахс сифатида ҳам муҳим ўзгаришларга юз тутади.

Ўсмирлик даври энг мураккаб ва шу билан бирга муҳим тараққиёт босқичидир. Илк ўсмирлик 11-13 ёшни, катта ўсмирлик - 14 - 15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим ҳислати шундан иборатки, у болаликдан ўспиринлик, катталиққа, ёшлиқдан етуқликка ўтиш давридир.

Ўсмирлик - организм тараққиётидаги шиддат ва нотекислик билан характерланиб, бу даврда тананинг интенсив тарзда ривожланиши ва суякларнинг қотиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекислик бўлиб, бу ҳам бола феълининг ўзгарувчан, динамик ва баъзан номаъқулликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқаради. Булар албатта асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тезга аччиқланадиган ёки тормозланиш юз берганда анчагача депрессия ҳолатидан чиқолмайдиган тушкунликда қолиши ҳам мумкин.

Ўсмир жисмоний тараққиётини белгиловчи асосий омил жинсий балоғат бўлиб, у нафақат психик, балки ички органлар фаолиятини ҳам белгилайди. Шу билан боғлиқ ҳолда онгли жинсий майллар, шу билан боғлиқ нохуш ҳис - кечинмалар, фикрлар пайдо бўладик, бола уларнинг асл сабабини ҳам тушуниб етолмайди. Психик тараққиётнинг ўзига хослиги шундаки, у муттасил ривожланиб боради, лекин бу ривожланиш кўплаб қарама-қаршилиқларни ўз ичига олади.

Бу тараққиёт ўқув жараёнида кечгани учун ҳам тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти бола психиканинг муозанати ва унинг турли фикр - ўйлардан чалғишига замин яратади. Айниқса, диққат, хотира, тафаккур жараёнлари ривожланади. Айни шу даврда бола мустақил равишда фикрлашга интила боради. Чунки бу даврда у кўпроқ ўз фикр-уйлари дунёсида мушоҳада қилиш, олам ва унинг сирларини билишга, назарий билимларни кўпайтиришга интилади. Бунинг сабаби - яна ўша катталиққа ўтиш бўлиб, болада ўзига хос

«катталиқ» ҳисси пайдо бўлиб, бу нарса унинг гапириши ва фикрлашларида ҳам ифодаланади.

Шунинг учун ҳам мактабда берилган мустақиллик ва тўғри ташкил этилган ўқиш шароитлари, самимийлик муҳити унда мустақил фикрлашига катта имкониятлар очиши ва ундаги ижодий тафаккурни ривожлантириши мумкин. Шунга боғлиқ тарзда ўсмирнинг ўз фалсафаси, ўз сиёсати, бахт ва муҳаббат формуласи яратилади. Мантиқан фикрлашга ўрганиши эса унга ўзича ақлий операцияларни амалга ошириш, тушунчалар ва формулалар дунёсида ҳаракат қилишга мажбур қилади.

Бу ўзига хос ўсмирлик эгоцентризмнинг шаклланишига - бутун олам ва унинг қонуниятлари унга бўйсунити керакдай фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам айнан ўсмирлик пайтида болалар ўз ота-оналари билан ҳадеб тортишаверадилар. Аниқ бир тўхтамга келолмаса ҳам тортишиш бирор фиркни изхор қилиш эҳтиёжнинг ўзи унга жуда ёқади.

Шундай бўлишига қарамай, ўсмирлик юқорида таъкидланганидек, қарама - қаршилиқларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар «кризислар, таназзуллар» даври ҳам деб атайдилар. Сабаби - бола руҳиятида шундай инқирозий ҳолатлар кўп бўладики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, уни ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етишмайди. Масалан, «катталиқ ҳиссига» тўскинлик қиладиган омиллардан бири - бу уларнинг ўз ота - оналаридан моддий жиҳатдан қарамлиги. Руҳан қанчалик ўзларини катта деб ҳис қилмасин, ўсмир мактабга кетаётиб, онасидан ёки отадан пул сўрайди, улар эса болага болаларча муносабатда бўлиб, озгинагина пул берадилар.

Иккинчидан, катталардай бўлишни хоҳлайди, лекин қиз бола онасининг, ўғил бола отасининг кийимини тошойна олдида кийиб кўрса, барибир ярашмайди. Яъни, ташқи кўринишдаги камчиликлар - ҳали қадду-қоматнинг келишмаганлиги, унинг устига юзлари ва танасида пайдо бўладиган нохуш тошмалар унинг руҳан салбий ҳисларни бошдан кечиришига олиб келади. Яъни, бу ёшни «аросат» ёши ҳам деб аташ мумкин, чунки катта бўлиб катта эмас, бола ҳам эмас. Шуларнинг барчаси ўсмирлик давридаги руҳий туғёнларга сабаб бўлади. Лекин шуларга қарамай, бола ўзи билиб, билмай ўз ақлий салоҳиятини ўстиришга интилади, чиройли фикрлашга ташна бўлади ва бу - унинг психик тараққиётидаги энг муҳим ўзгариш ҳисобланади.

Ўсмир шахснинг такомиллашуви ва шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири - ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришидир. Кичик мактаб ёшидаги боладан фарқли, ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мактовини эшитиш ва «5» баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум ижобий мавқени эгаллаш, келажакда

яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устивор бўлиб боради. Лекин И.В. Дубровинанинг берган маълумотларига кўра, ўқув фаолияти мотивлари орасида умуман билиш, янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий эмоциялар ва ҳавотирлик ҳисларини бошдан кечирадилар (ўртача 20% ўқувчилар). Бу катталарнинг ўсмир билан ишлашини қийинлаштиради.

Ўсмирнинг шахс сифатида тараққиётида икки хил ҳолат кузатилади: бир томондан, бошқалар, тенгқурлар билан яқинроқ алоқада бўлишга интилиш, гуруҳ нормаларига бўйсунуш, иккинчи томондан, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади. Ўзгаларни англаш билан ўз-ўзини англаш ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юқори баҳолайди, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин шундай бўлсада, ўзини нима қилиб бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда тенгқурлар жамияти томонидан тан олинishiга эришишга интилади ва улар билан мулоқот ҳаётининг маъносига айланиб қолади. Агар мабодо ўсмир шу даврда бирор сабаб билан тенгқурлари жамияти томонидан инкор қилинса, у бунга жуда катта мудҳиш воқеадай қарайди, мактабга бормай қўйиши, ҳаттоки, суицидал ҳаракатлар (ўз жонига қасд қилиш) ни ҳам содир этиши мумкин.

Ўсмирлик давридаги қийинчиликларнинг олдини олишнинг энг ишночли ва фойдали йўли - бу унинг бирор нарсага турғун қизиқишига эришиш, фаолият мотивларини мазмунлироқ қилишдир. Масалан, шу даврда техникага қизиқиб қолган бола қизиқишини қондириш шарт-шароитининг яратилиши, бекор қолмаслигига эришиш, ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш, унга бир иш қўлидан келадиган одамдай муносабатда бўлиш катта педагогик аҳамиятга эга. Унинг қизиқишларини била туриб, олдига янгидан янги мақсадлар қўйиш - бола шахсининг ривожига асосдир. Шундагина унинг ўз «Мен»и тўғрисидаги тасаввурлари ижобий, ўз-ўзига баҳоси объектив ва адолатли бўлади, ўзининг нималарга қодирлиги ва ким эканлиги ҳақида яхши фикрлар пайдо бўлади.

Ўсмирлик даврига келиб, таълим жараёнида ўқувчиларнинг ақлий фаолияти тараққиётида муҳим силжишлар юз беради. Уларнинг жисмоний ривожланиши, жинсий балоғатга етиши психикасида кескин ўзгаришни вужудга келтиради. Ўқув фанларнинг кўпайиши, ахборотлар тармоғининг кенгайиши фикр юритишни жадаллаштиради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчида маълум тараққиёт босқичига кўтарилган тафаккур ўсмирлик даврига келиб ўзининг яна бир юқорироқ палласига кўтарилади. Ўқитиш жараёнида уларда ўрганилиши зарур бўлган материалларни анализ ва синтез қилиш, яъни аналитик-синтетик фаолият ҳамда мавҳум тафаккур жараёнлари жадал суръатлар билан тараққий эта бошлайди. Тафаккурнинг ривожланиши учун

мазкур ёш даврида математика, она тили, география, физика, биология каби фанлар муҳим имкониятлар яратиб беради.

Собиқ совет психологияси фанининг асосчиларидан бири Л.С.Виготский тафаккур муаммосини ўрганиб, кўпроқ умумлаштириш ва абстракциялаш устида тўхталиб, уларни гуруҳларга, турларга ажратиб ўрганишни тавсия қилади. Бундан ташқари, умумлаштириш ва мавҳумлаштиришнинг юқори босқичи юзасидан мулоҳаза юритиб, “умумийликни умумлаштириш”, “мавҳумни мавҳумлаш” деган тушунчаларни биринчи бўлиб психологияга олиб киради. Бу ҳолат бир фанда ўзлаштирилган билимларнинг иккинчи бир фанда учраши пайтида содир бўлиши мумкинлиги асослаб кўрсатилади. Масалан, арифметикадан алгебра томон ёки планиметриядан стереометрия сари, табиий географиядан иқтисодий географияга ўтиш ва бошқалар.

Йирик собиқ совет психологларидан бири П.П.Блонский тафаккур бир даврнинг ўзида икки йўналишга қараб, яъни мавҳумдан янада мавҳумга, яққолдан ундан ҳам яққолроқ ҳолатга қараб ўсиб ўтиши устида фикр юритади. Унинг фикрича, тафаккур тараққий қилиб бориши натижасида ўсмирлар маълум қонун ва қоида асосида ақлий меҳнат қилишга одатланадилар. Натижада ўқувчилар ўз хатти-ҳаракатлари ва интеллектуал фаолиятларини назорат қилишга ўрганадилар. Уларнинг ўз-ўзини назорат қилиши тўрт босқичда таркиб топади. Биринчи босқич ўз-ўзини назорат қилишнинг мавжуд эмаслиги билан тавсифланади. Иккинчи босқичда ўқувчи материални сидирғасига такрорлаш асосида ўз фикр юритиш фаолиятини текширади. Шунинг учун бу босқич ўз-ўзини тўлиқ назорат қилиш босқичи дейилади. Учинчи босқич «танлаб назорат қилиш босқичи» деб юритилиб, унда ўқувчи материалнинг асосий қисмини идрок қила олишини текширган бўлади. Тўртинчи босқичда унда ўз-ўзини назорат қилиш функцияси яна йўқолади, фақат натижаларни бир неча асосий ва муҳим белгиларига қараб мулоҳаза юритиши кўзга ташланади ва ҳоказо.

С.Л.Рубинштейн умумлаштиришни эмпирик (амалий), назарий ва дедуктив (умумийдан хусусийга) умумлаштириш турларига ажратиб ўрганади. Муаллифнинг мулоҳазасига кўра, умумлаштириш ёрдамида муаммолар ё аста-секин (эмпирик), ёки «бирданига» (назарий) ҳал қилиниши назарда тутилади. Мавҳум тафаккурни ўстирувчи бирдан бир йўл муаммоли вазиятдир, деб тушунтиради тадқиқотчи. Муаммоли вазият абстракт тафаккурни ўстириш билан чекланиб қолмасдан, балки ижодий тафаккурни ҳар томонлама тараққий эттириши мумкинлиги таъкидлаб ўтилади. С.Л.Рубинштейн таълимда тафаккур шакллари, чунончи, тушунчалар, ҳукм ва хулоса чиқаришнинг таркиб топиши ва ривожланиши тўғрисида ҳам назарий,

ҳам амалий хусусиятга эга бўлган фикрларни билдиради. У мавҳум тафаккурнинг ривожланиши математик-табiiй соҳадаги фанлар зиммасига тушишини алоҳида уқтиради.

Н.Д.Левитов ўсмирларда тафаккур муаммосининг кечишини ўрганиб, асосий эътиборини қуйидаги кўрсаткичларга қаратади. Унинг фикрича, тафаккур тараққийси учун ушбу кўрсаткичлар мутлақо зарурдир: а) тафаккурнинг мустақиллиги, б) ўқув материалининг тез ва пухта ўзлаштирилиши, в) ақлий топқирлик, г) муаммо моҳиятига чуқур кириб бориш, яъни муҳим аломатни номуҳимдан ажрата билиш, д) тафаккурнинг танқидийлиги ва бошқалар. Бизнингча, муаллиф томонидан ажратилган тафаккурнинг ривожини кўрсатувчи мезонлар етарли эмасдир, чунки тафаккур ўсиши учун мутлақо шарт бўлган баҳолаш, сабаб-оқибат, муаммони ҳал қилувчи усуллар ва уларнинг янги шароитга кўчиш, мантиқий фикр юритиш йўллари эгаллаш сингари таркиблар етишмайди.

М.Н.Шардаков сабабий боғланишнинг тутган ўрни ва уни ўстириш йўллари тўғрисида мулоҳаза юритади. Таълим жараёнида фикр юритиш операцияларининг тараққий қилиш босқичлари баён қилиб ўтилган. Тафаккур операцияларини ўқувчилар онгида таркиб топтиришнинг таълимдаги ўрни, ўқув материалларини осон ўзлаштириш имкониятининг туғилиши, тушунишнинг осонлашуви, билишга қизиқишнинг ортиши каби муҳим масалалар М.Н.Шардаков тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Тафаккурнинг ўсиши ўқитиладиган фан таъсирига боғлиқ эканлиги муаллиф томонидан алоҳида таъкидланади.

М.Н.Шардаков тадқиқотларида тафаккур шакллариининг ўқувчиларда таркиб топиши натижасида тафаккурнинг мантиқийлиги ортиб бориши масаласи очиб берилган. Айниқса, илмий тушунчаларни шакллантириш, нарса ва ҳодисалар тўғрисида объектив ҳукм чиқариш масаласига кенг ўрин берилган. Шунингдек, хулоса чиқаришнинг индуктив, дедуктив ва аналогик йўллариининг ўқувчилар ёш даврига қараб ўзгариш психологиясига муҳим ўрин ажратилган.

Маълумки, арифметикадан алгебрага ўтиш умумлаштиришнинг юқори даражага кўчганлигини билдиради. Бинобарин, мазкур ҳолатда даставвал мавҳумлаштирилган сонлар қайтадан мавҳумлаштирилади, олдин умумлаштирилган нарса ва ҳодисалар, жисм ва предметлар қайтадан умумлаштирилади ва натижада “мавҳумни мавҳумлаш”, “умумлашмани умумлаштириш”- деган янги тушунчалар вужудга келади.

Ўсмир ёш давридаги ўқувчилар томонидан ўрганилаётган барча фан асослари, аввало уларнинг мавҳум тафаккурини ўстиришга қаратилган бўлади. Ўсмир ақлий (ўқув) фаолиятининг асосий хусусиятларидан бири,

мавҳум тафаккурининг камол топишидан, яққол-образли тафаккур билан мавҳум тафаккур ўртасидаги муносабатнинг абстракт тафаккур фойдасига ҳал бўлишидан иборатдир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар яққол фикрлашдан, ўсмирлик даврига ўсиб ўтиб мавҳум тафаккурга асосланиб, фан асосларини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Мактаб таълим ва мустақил билим олиш фаолияти таъсири остида ўсмирда аналитик-синтетик фаолият жадаллик билан ривожлана бошлайди. Энди ўсмирлар фақат яққол омиллар қизиқишдан ташқари, уларнинг анализи билан ҳам қизиқа бошлайдилар. Бундан ташқари, ўқувчиларда сабабларни изоҳлаш тенденцияси мустаҳкамлана боради. Натижада улар материаллардан муҳим белгиларни ажратишга, кенг маъноли умумлаштиришни амалга оширишга ҳаракат қилишади. Таълим жараёнида кўпгина мавҳум тушунчалар вужудга келади, жумладан математикада - нуқта, чизик, бурчак, тенглик, физикада - куч, солиштирма оғирлик, тезлик, ампер, вольт, географияда - экватор, кутб, кенглик, узунлик, зона, плато., тарихда - кул, давр, хизматкор, шахсий мулк, бойлик ва бошқалар.

В.И.Зикованинг фикрига кўра, олтинчи синф ўқувчиларининг муҳим психологик хусусиятларидан бири шундан иборатки, агар чизмада ифодаланган яққол шаклдан сал четлашиш ҳолати юз бериб қолса, у тақдирда геометрик исботлашларни ўзлаштириш қийинлашади. Чунки мазкур ёшдаги ўқувчиларда ҳали исботланаётган ҳолат чизмадан ташқари кўпгина бошқа вазиятларга ҳам тааллуқли эканлиги тўғрисида, унинг умумий аҳамият касб этиши ҳақида тушунча ўқиб етилмаган бўлади. Олиманинг таъкидлашича, олтинчи синф ўқувчилари бундан ташқари, яна қатор қийинчиликларни ҳам бошдан кечирадилар. Бу қийинчиликлар ҳам бир вазиятни геометрик исботлаш орқали асослаб беришдан ёки мулоҳаза қилиш кетма-кетлигини изчил сақлаш зарур деб тушунишдан келиб чиқади. Уларнинг типик хатолари қуйидагилардан иборат: айрим жойларини тушириб қолдириш, жойларини ўзгартириш, исботлашнинг баъзи таркибларини қайтадан такрорлаш, таркибларга ортиқча фикрларни олиб кириш, асослашни тушириб қолдириш ва ҳоказо.

Ўсмирлик даврида ўқувчилар аналитик-синтетик фаолиятнинг етарли даражада тараққий этмаганлиги, фикр юритиш усуллари билан тўлиқ таниш эмасликлари учраб туради. Шунинг учун геометрик масалани ечиш усулини ёки исботлаш йўлини кўрсатиб бера олмаса, у ҳолда қийинчиликлар туғилади. Шу сабабдан ўқувчилар масалани энг оддий усул ёрдамида “таваккал”ига ечиш йўлидан борадилар.

Баъзан ўсмирлар сабаб-оқибат муносабатини аниқлаш пайтида қийинчиликларга дуч келади. Улар нарса ва ҳодисаларнинг содир бўлиши

сабабини қидириб топиш, унинг оқибатини аниқлашни нисбатан енгилроқ уддалайдилар.

Ўсмирлар фикр юритиш фаолиятининг навбатдаги хусусиятларидан бири яққол-образли (кўрсатмали) тафаккур жабҳасининг ҳали ҳам муҳим роль ўйнаши ҳисобланади. Ўсмирда мавҳум тафаккурнинг ўсиши билан яққол-образли тафаккур таркиблари мутлақо йўқолиб кетмайди, балки улар сақланиб қолади, тараққий этади ҳамда тафаккурнинг умумий тузилишида муҳим роль ўйнашни давом эттиради (айниқса V-VI синф ўқувчилари фаолиятида).

А.З.Редьконинг тарихий тушунчаларни ўзлаштиришга доир материалларида кўрсатилишича, ўсмирлар яққол тасаввур қилиш мумкин бўлган тушунчаларни осон эгаллаб оладилар. Масалан, “қул” тушунчасида энг аввал қулларнинг мажбурий меҳнат қилиш белгисини, “қулдор” тушунчасида эса бойлик белгисини осонлик билан ўзлаштирадилар. Бироқ “қулдорлик тузуми”, “феодализм” ва бошқа етарли даражада конкрет бўлмаган тушунчалар эса улар онгига анча қийинчилик билан етиб боради.

Худди шундай машаққатлар геометрия, физика, география, биология фанларига тааллуқли тушунчаларни ўзлаштириш пайтида ҳам содир бўлганлиги ўқитувчилар тажрибасида кўп марта қайд этиб ўтилган.

Тарих фанига оид расмларни, полотноларни, иллюстрацияларни кўрган пайтида ҳам ўсмир ўқувчилар кўрсатмали қўлланмаларни муҳим бўлмаган белгисига асосланиб идрок қилиш туфайли нотўғри тасаввурларга эга бўладилар. Масалан, “хон” деганда, ўсмирлар кўз ўнгида узун соқолли, барваста, қозондай саллали, қаҳр-ғазабли киши гавдаланса, “чоракор” деганда юпун кийинган, озғин, ҳамиша бой олдида етти букилиб сажда қилувчи, камонқомад, ўрта яшар шахс гавдаланади. Бироқ, шу мисоллардаги кишилар мутлақо бошқача қиёфада бўлиши мумкинлигини ҳаёлига келтирмайдилар.

Ўсмир учун энг аҳамиятга молик хусусиятлардан яна бири – тафаккурнинг мустақиллиги, танқидийлиги шиддатли тараққиёт палласига киришидир. Бу эса кичик мактаб ёшидаги ўқувчилардан фарқли ўлароқ, ўсмирнинг ақлий фаолиятида янги давр бошланганлигидан дарак беради.

Мактаб таълимининг бевосита таъсири остида (мустақил билим олиш фаолияти назарга олинмаяпти) ўсмирда ўз-ўзини англаш жараёни камолати учун характерли бўлган фикрлаш тараққий эта бошлайди. У ўзининг шахсий фикрига, мустақил қарашига, бирор масала юзасидан ўз мулоҳазасига эга бўлиш учун ҳаракат қилади. Шунинг учун ўсмир ўқитувчи ёки ота-онанинг айтганларига, китоб ва дарсликларга нисбатан танқидий нуқтаи назардан қарайди. Кўпинча ўқитувчи мулоҳазасидан ёки дарсликдан хато ва камчиликларни топишга интилиб, ўз позициясидан туриб у фикрларга қатъий эътироз билдиришга, ҳатто тортишишга майли кучли бўлади.

Ақлнинг танқидийлиги айрим ҳолларда педагог билан ўқувчи ўртасида “англашилмовчилик ҳови”ни вужудга келтиради. Бу, албатта, ўқитувчидан психологик-педагогик одобга риоя қилишни ва унинг чегарасидан чиқмасликни талаб этади. Агарда ўқитувчи ўқувчининг индивидуал ва ёш хусусиятини тўла билмас экан, у ҳолда таълим ва тарбияда мақсадга мувофиқ ривожланиш ўз-ўзидан йўққа чиқади. Шунинг учун ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири, педагогнинг тўла психологик билимга эга бўлишидир. Ўқитувчининг психологик саводсизлиги салбий оқибатларга олиб келиши кўпгина тадқиқотчилар изланишларида ўз ифодасини топган.

“Танқидийлик” ўсмирларнинг асосий хусусиятларидан бири бўлиб, у ўзгалар фикрини турли баҳоналар, сабаблар билан йўққа чиқаришга қаратилганлиги билан тавсифланади. Бу ёш даврда ўзгалар фикри билан ҳисоблашиш ёки ўзгармас “хислат” деб мулоҳаза юритмаслик керак, чунки ўтиш даврида парокандалик тез-тез кўзга ташланиб туради. Унинг олдини олишга ҳаракат қилиш, профилактик иш олиб бориш илғор ўқитувчилар тажрибасида ўз ифодасини топган. Маълумки, муаммо далилли фикр билан тўла асосланганда, ўсмир у ҳақда оқилона ҳукм чиқариб, сўнгги йўлнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Тафаккурнинг мустақиллиги инсон учун жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ўқитувчи дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда, ҳар қандай оғир шарт-шароитларда ҳам турли усул ва йўл, ҳар хил метод билан бу хислатни қўллаб-қувватлаши, ўстириши, вояга етказиши ва авайлаши керак. Яна шу нарсани эсдан чиқармаслик керакки, дастлабки даврда ўсмирнинг у ёки бу позицияда мустақил, танқидий ёндашиш вақтида унинг мулоҳазаларидаги бўш ва заиф томонларни, умуман муваффақиятсизликларини таъна қилиш, изза қилиш ёки иззат-нафсига, шахсиятига тегиш, кулиш мутлақо мумкин эмас. Акс ҳолда биз ўсмир тафаккурини ажойиб сифатидан жудо қилиб, уни жамият ва табиат қонуниятларига бефарқ қарайдиган қилиб қўйишимиз мумкин. Ўсмирда вужудга келаётган мазкур ақл сифати шунинг билан изоҳланадики, ўсмир тафаккури, яъни ақлнинг танқидийлиги ўз-ўзини танқид қилиш фаолиятидан кейин тараққиёт босқичига кўтарилганлигидан далолат беради.

Бундай ҳолларда ўқитувчи хушмуомалалик ва усталик билан шунга ўхшаш тортишувларнинг, эътирозларнинг ўринсизлигини кўрсатиб бериши лозим ҳамда мустақил ва танқидий фикрлашни ривожлантириш учун бошқачароқ йўл-йўриқлар кўрсатиши керак.

Қандай қилиб ўсмирлар тафаккурини шакллантирса бўлади?

Ўқитувчи тафаккурни тўғри ривожлантириш учун ҳар бир имкониятни тўла ишга солиши лозим: 1) ўсмирларни тўғри таъриф беришга, анализ

килишга, таққослашга, абстракциялаш ва умумлаштиришга ўргатиши шарт; 2) ўз фикрини тўғри, раво ва аниқ изҳор этиш йўлини тушунтириши; 3) мустақил равишда ҳукм ва ҳулоса чиқариш, мулоҳаза юритиш каби фикр юритиш шакллари уларда ақлий кўникма ва малакаларни ўстиради ва оқибат натижада ривожланиш амалга оширилади.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш учун аввало ўсмирлар олдида турли-туман объектларни мустақил таққослаш, улардаги ўхшаш ва тафовутни топиш заруриятини кўйиш шарт. Бунинг учун ўсмирлар диққатини ушбу саволларга жавоб беришга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, “Бу ҳолатда қандай умумийлик мавжуд?”, “Ушбу нарсалар қайси белги ва жиҳатлари билан бир-бирларидан фарқ қилади?”, “Мазкур нарсалар ва ҳодисалар ўртасида қандай ўхшашлик белгиси бор?” ва бошқалар.

Ботаника дарсларида ўқувчиларга мох (йўсин) билан сув ўтини, замбуруғнинг пояси билан илдиз системасини таққослашни тавсия этиб, поянинг илдиздан, споранинг уруғдан нимаси билан фарқланишини аниқлаш каби вазифалар бериш фойдалидир. Ушбу натижалар психолог Е.М.Кудрявцева тадқиқотларидан бир намуна сифатида келтириб ўтилди, холос. Бошқа фанлар бўйича ҳам худди шунга ўхшаш топшириқлар бериш мумкин: “Ромб билан квадратни таққосланг”, “Равишдошдан сифатдошни қандай ажратса бўлади?”, “Кислород билан водородни солиштиринг”, “Бирҳад кўпҳаддан қайси томонлари билан фарқ қилади?”, “Қулдорлик тузуми билан феодал тузуми ўртасида қандай ўхшашлик ва тафовутли жиҳатлари мавжуд?”, “Тоғ дарёлари ва пасттекислик дарёлари ўртасида қандай ўхшашликлар кўзга ташланади?” ва ҳоказо.

Психолог В.А.Крутецкий ўсмир тафаккурининг мустақиллигини фаоллаштириш мақсадида янги ўқув материални эвристик йўл билан ўзлаштириш фойдали эканлигини таъкидлаб ўтади. Муаллиф муаммоли-эвристик методнинг бирин-кетин, яъни тадрижий уч босқичдан иборатлигидан хабар беради. Биринчи босқичда ўқитувчи тингловчилар олдида муаммо қўяди ва унинг таърифини айтиб ўтади, ўқувчилар эса муаммони ечиш учун мустақил йўл-йўриқ қидирадилар. Иккинчи босқичда эса, ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммони мустақил таърифлаш вазифасини қўяди, лекин уни ечишга йўлланма беради. Учинчи босқичда бўлса, ўқитувчи муаммога ишора қилмайди, балки ўқувчиларни муаммони мустақил анализ қилиб чиқиш, ундан сўнг таърифлаш, ечиш усуллари ва имкониятларини қидириб топишга ўргатади.

В.А.Крутецкий тадқиқотидан ушбу мисолни келтириб ўтишни лозим деб топдик: Теорема, - “Учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси $2d$ га тенг”. Биринчи босқич. Ўқитувчи дейди: “Ҳар қандай учбурчакнинг ички

бурчаклари йиғиндиси 180 градусга тенг. Ўйлаб кўринг, қандай қилиб бу теоремани исбот қилиш мумкин?”. Иккинчи босқич. Ўқитувчи: “Учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси нимага тенг эканлигини исботлашга ва аниқлашга ҳаракат қилиб кўринг. Бу ўлчов доимий бўлиши мумкинми?”. Учинчи босқич. Ўқитувчи: “Учбурчак хоссасини қидириб топинг. Бу шаклнинг қайси хоссасини билиш зарур ва қайси бири қизиқарли?”. Ўқувчи тахминан мана бундай жавоб бериши мумкин: “Ички бурчаклар тўғрисида тасаввур қилиш жуда қизиқарлидир. Шунингдек, бурчакларнинг турли ҳажмда, доимий ўлчов миқдорига тенглиги ёки тенг эмаслиги тўғрисидаги фикр ҳам кам аҳамиятли эмас”.

Собиқ совет психологиясида тафаккурни ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқотлар ичида М.Н.Скаткиннинг иши алоҳида аҳамият касб этади. У ўсмирларнинг мустақил фикрлашини ўстириш мақсадида кўйидаги усулни тавсия қилади. Ўқитувчи синфга помидор, бодринг, кўкнор ҳосилини олиб киради.

Ўқитувчи: Биз сизлар билан ўсимликнинг тана, барг қисмларини ўрганганмиз. Энди ўсимликнинг мева қисми ҳақида фикр юритамиз. Биз ҳосил нима эканлигини ва у нима учун хизмат қилишини аниқлашимиз шарт. Мана ҳосил. Нега бодринг, помидор, кўкнор меваси бир хил ном билан “ҳосил” деб аталади? Эҳтимол уларнинг шакли бир хилдир?

Ўқувчи: Йўқ, уларнинг шакли ҳар хил. Помидор думалоқ, бодринг чўзинчоқ, кўкнор эса кичкина рюмкага ўхшайди.

Ўқитувчи: Қани ранги бир хил эмасмикин?

Ўқувчи: Йўқ, ранглари турлича. Помидор қизил, бодринг кўм-кўк, кўкнор эса сарғиш.

Ўқитувчи: Уларда шакл, ранг ва маза - умумий ҳамма нарса турлича экан, нима учун бари бир “ҳосил” дейилади? Демак, нимасидир умумийга ўхшайди. Нима экан у?

Ўқувчи: Уларнинг умумий томони, бизнинг ейишимиз ва мазаси.

Ўқитувчи: Гўштли котлетни ҳам еймиз, у ҳам мазали. Ундай бўлса котлет ҳам ҳосил эканда?

Ўқувчи: Уларнинг барчаси шохларда ўсади.

Ўқитувчи: Бу тўғри, аммо барг ҳам, гул ҳам шохчаларда ўсади, лекин улар мева ёки ҳосил эмаску!. Мен сизга ёрдамлашаман. Қани сен столга яқин кел ва ҳосилни ўртасидан кес. (Ўқувчи уларни ўртасидан кесади).

Ўқувчи: Мен топдим. Уларнинг ҳаммасининг уруғи бўлар экан.

Ўқитувчи: Жуда соз. Уруғ ўсимликнинг кўпайиши учун хизмат қилади. Дафтарга ҳосилни чизиб, хулосани ёзиб қўйинг.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ўқитувчининг йўналтирувчи саволлари ўқувчининг фикр юритиш фаолиятини фаоллаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилди. Муаммо моҳиятини очишга тарқоқ фикрлар тўпланди, ҳар бир оддий ақлий ҳаракат мақсадга йўналтирилди.

Кичик ёшдаги ўсмирлар тафаккури яққол хусусиятга эга бўлиши муносабати билан ўқитишни баъзан кўрсатмали қуроллар асосида ташкил этиш талаб қилинади. Лекин доимо дарслар ана шу йўсинда олиб борилиши шарт деган хулосага бормаслик керак. Ўсмир тафаккурининг бутунлай ҳиссий-яққоллиликка боғланиб қолишининг олдини олиш мақсадида, қуруқ таассуротни кўпинча сўз билан ифодалаб, гоҳо уларнинг турли образлари билан таништириб бориш баъзи салбий таъсирдан сақлайди. Шунинг учун сўз орқали фақат муҳим белгинигина эмас, балки унинг муҳим бўлмаган белгига таянган турли кўринишини ҳам ифодалаш мумкин.

Бундан ташқари, ўсмирлар тафаккурининг тараққиётига салбий таъсир этадиган яна бир нарса “турмушда” шаклланган ғайри илмий тушунчаларни таълим жараёнида қўллашдан сақланиш ўқитиш самарадорлигини кескин равишда оширади.

Кўпгина собиқ совет психологлари ва педагог олимларининг фикрига қараганда, нотўғри умумлаштириш жараёни вужудга келмаслиги учун ўрганилаётган умумий қоидадан ташқари бўлган кўрсатмани мавзу тушунтирилгандан сўнг тавсия этиш мумкинлиги таъкидланади. Ўзлаштирилаётган тушунчани амалий татбиқ этиб кўриш ёки тадрижий равишда машқ қилиш мазкур тушунчаларнинг ривожланишига ижобий таъсир қилади. Бинобарин, ўқитишда материалларни турли вариантлари, вариациялари, кўринишлари билан таништириш чалкашликларга барҳам беради.

Ўсмир тафаккурини камол топтириш учун уларни доимо мантикий тафаккур усулларига ўргатиб бориш зарур. Бунда мантикий хатоларни тузатиб бориш лозимлиги асло ёддан чиқмаслиги керак. Ўсмирнинг тўғри мантикий фикрлашини ривожлантириш борасида она тили ва адабиёти ўқитувчисининг роли жуда муҳимдир. У ҳамма вақт ўқувчиларни тўғри жумла тузишга, равон мулоҳаза қилишга, фикр юритишга, ёзишга ўргатиб боради. Бу деган сўз бошқа фан ўқитувчилари бу шарафли вазифадан мустасно деган гап эмас. Балки барча педагогнинг мақсади ягона, у ҳам бўлса ўқувчиларга пухта билим бериш ва уларни келажакнинг муносиб, кенг тафаккурли ёшлари қилиб тарбиялашдир.

Йирик собиқ совет психологи Н.А.Менчинская ўқувчиларнинг тафаккури тараққиётини аниқлашда ўқувчиларнинг мавжуд билим фондини, билимларни амалда қўллаш даражасини ҳамда мантикий фикр юритиш

қобилиятини белгилашга интилади. Олима бу аснода ўзлаштириш суръатига, яққол ва мавҳум тафаккур турларининг ўзаро алоқасига, аналитик-синтетик фаолият босқичига аҳамият беради. Бунда тадқиқотчи учун энг муҳим жиҳат - ўқувчилар фикрини хусусийдан умумий мулоҳазага алмаштириш имконияти ҳисобланади. Чунки бусиз тафаккур тараққиёт даражаси тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Муаллифнинг кўпгина хулосалари “ўқий олишлик” (ўқувчанлик) муаммосидан келиб чиқади. Мазкур муаммо тафаккур ривожини учун катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтилади. Уларнинг фикрига қараганда, тафаккур тараққиёти ўз ичига ўсмирларнинг ўқишга муносабати, ўқиш мотивлари, билишга қизиқишларини қамраб олиши керак. Менчинская ўқувчи шахсий қарашини шакллантириш, уни мустақил баҳолашга ўргатиш бу борадаги муҳим силжиш эканлигини таъкидлайди.

Собиқ совет психологиясида мавҳумлаш жараёни турли усуллар орқали амалга ошириш қабул қилинган. Жумладан, психолог Е.Н.Кабанова-Меллер уч хил абстракциялаш усули устида илмий-тадқиқот иши олиб борган: таққословчи, айирувчи ва таъкидловчи.

Таққословчи мавҳумлаш усули ёрдамида ўсмирлар онгли ҳолда нарса ва ҳодисалардан муҳим ҳам муҳим бўлмаган белгиларни (аломатларни) фикр ажратиб олиб, уларни шу заҳотиёқ таққослайдилар. Мисол учун ўқувчи учбурчакнинг ташқи бурчаги деган тушунчани мавҳумлаш пайтида уни муҳим (ич бурчакка кўшни бўлиши) ва муҳим бўлмаган (ташқи бурчакнинг ўтмас ёки ўткир бўлиши) белгиларга ажратиб кўрсатади. Бу топшириқни бажариш мобайнида икки гуруҳ белгиларини, яъни муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларни таққослайди. Бинобарин, биринчини муҳим белги деб ҳисобласа, иккинчисини номуҳим белги деб атайди. Ўқувчи берилган чизмани кўздан кечириб, муҳим белгини пайқайди ва бу белгининг барча ташқи бурчаклар учун умумий эканлигига тушуниб етади.

Ўқувчи айирувчи мавҳумлаш усули билан топшириқ бажараётган вақтда муайян объектдан фақат муҳим белгиларни ажратиб, номуҳим, тасодифий белгилардан бутунлай четлашиб, уни сезмай қолиши мумкин. Масалан, ўқувчига 5 дона учбурчакни классификация қилиш топширилганда, у учбурчакдаги рақамларга, унинг шаклига, катта-кичиклигига сира аҳамият бермай, фақат муҳим белги билангина чегараланиб, муҳим белгини номуҳим белгидан ажратиб олганлигини тажрибамизда кузатдик.

Таъкидловчи мавҳумлаш усули таълим жараёнида тез-тез қўлланиб туради. Ўқувчи берилган нарса ва ҳодисаларни, жисм ва предметларнинг муҳим белгиларни ажратиш пайтида йўл-йўлакай уларнинг айрим номуҳим белгиларини ҳам пайқashi мумкин. Масалан, ўсмирлар учбурчакларни группалаштириш (классификациялаш) даврида муҳим белгилар билан бир

каторда номуҳим баъзи белгиларни (шакли, ранги, ҳажми), айрим тасодифий унсурларни (рақамларни) ҳам йўл-йўлакай укиб оладилар. Ўқувчиларга кўшимча савол берилганда улар фақат учбурчаклар ўртасида катта-кичиклик ва шакли жаҳатидагина тафовут борлигини кўрсатиб ўтдилар. Аммо, улар бу белгилар юзасидан аниқ бирор нарса айта олмадилар. Худди шундай омил яна бир ҳолатда ҳам такрорланди. Ўқувчилар барча учбурчакларда рақамлар борлигини таъкидлаб ўтдилар-у, бироқ, уларни айтиб беришга ожизлик қилдилар. Демак, бу абстракциялаш усули билан топшириқни бажаришда муҳим белгилар ажратилиб, номуҳим тасодифий белгилар таъкидлаб ўтилар экан, холос.

Психологияда мавҳумлашнинг “ижобий ва салбий” томонини қайд қилиб ўтиш анъана тусига кириб қолган. Биз кўриб ўтган уч хил усулда мавҳумлашнинг ижобий томони деб муҳим белгиларни ажратиш жараёнини назарда тутдик. Мавҳумлашнинг салбий томони турли ҳолатларни ўз ичига олади: бунда муҳим бўлмаган белгилар чиқариб ташланади ёки назардан четда қолдирилади (айирувчи мавҳумлаш), муҳим бўлмаган баъзи белгилар идрок қилинади (таъкидловчи мавҳумлаш), идрок қилинган муҳим белгилар муҳим бўлмаган белгилар билан таққосланади (таққословчи мавҳумлаш) ва бошқалар. Лекин бунда муҳим бўлмаган тасодифий белгилар билангина қандай ишлар қилинаётганлиги тўғрисида мулоҳаза юритилади. Шунинг учун бу омилларнинг барчасини биргина умумий сўз билан “абстракциялашнинг салбий томони” деб аташ мумкин.

Таълимда ўқитувчи баъзи ҳолларда фақат айирувчи мавҳумлаш усулини тавсия этишига тўғри келади. Чунки аксарият дастурдаги масала ва мисоллар мавҳумлашнинг худди шу усулини талаб қилади. Агар масала ёки топшириқ нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгисини топишни тақозо этса, у тақдирда мавҳумлаш усули қўлланилади. Масалан, ўқувчига “пасттекислик” тушунчасини мавҳумлаш топширилди деб фараз қилайлик, у ҳолда вазифа мана бундай тарзда бажарилади: “Денгиз сатҳидан 200 метр юқорида жойлашган ер юзасига пасттекислик дейилади”. Демак, унинг муҳим белгиси денгиз сатҳидан 200 м юқорида бўлишидир.

Қўйилган масала таққословчи мавҳумлаш усули ёрдамида ҳал қилишни талаб этса, бу пайтда воқеликнинг ҳам муҳим, ҳам номуҳим белгиларини аниқлашга тўғри келади. Мисол тариқасида шу нарсани айтиб ўтиш мумкин: геометрия дарслигида кўпбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси $2d$ ($n-2$) га тенг деган теорема мавжуд. Бунинг муҳим белгиси ички бурчаклар йиғиндисининг $2d$ ($n-2$) га тенг бўлишидир. Унинг беш бурчакли, ўн бурчакли бўлиши, фазода турлича жойлашиши, ҳажми, ранги ва бошқа хусусиятлари муҳим бўлмаган белгиларга ёки кўпбурчаклар вариациясига тааллуқли

эканлигидир. Шундай қилиб, бу мисолда геометрик шаклнинг муҳим ва муҳим бўлмаган белгилари ажратиб кўрсатилган.

Ўқувчилар бажариши керак бўлган топшириқ баъзан таъкидловчи белгилар мавҳумлаш усулини талаб этса, у ҳолда муҳим белгилар санаб ўтилади, номуҳим белгиларнинг айримлари йўл-йўлакай таъкидлаб ўтилади. Масалан, ўсмирларга биз пахта териш машинасини кўрсатиб, “бу қандай машина” десак, улар албатта уни таърифлаб, ишлаш қоидалари билан таништиришади, муҳим белгисини айтиб беришади, аммо машинанинг катта баллони борлиги, бункерининг ҳажми, ранги, чиққан йили ва бошқа шу каби жиҳатлари эътибордан четда қолиши мумкин. Бироқ, улар бу белгиларни шу заҳоти тушунтириб беришга қийналадилар, чунки бу тасодифий белгилар бўлиб, масаланинг асосий томонини ташкил этмайдиган белгилардир.

Демак, ўсмирларнинг ўқув фаолиятида абстракциялаш (мавҳумлаш) усуллари ўрганиш ва уларни ўқув материалларини осонроқ ўзлаштириш учун амалиётда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Биз ўз тадқиқотимизда умумлаштиришнинг энг кенг тарқалган уч тури: умумийдан яккага, яккадан умумийга, яккадан умумийга ва сўнгра умумийдан яна яккага ўтиш каби усуллар устида мулоҳаза юритиб, ўзбек тили дарсларида уларни синовдан ўтказдик.

Биринчи гуруҳ ўқувчиларидан умумлаштиришнинг умумийдан яккага ўтиш усули шакллантирилди. Ўқитувчи доскага ушбу гапни ёзди: “Равон йўллар, баланд иморатлар, истироҳат боғи ва ҳиёбонлар шаҳримиз хуснига хусн қўшмоқда”, ўқитувчи гапни овоз чиқариб ўқийди ва предмет номини билдирган сўзларни гапдан ажратиб олиб, уларни ёнма-ён ёзади. Сўнгра ўқитувчи предмет номини аниқлаб келган сўзлар қайси сўроқларга жавоб бўлишини айтиб ўтади ва от категориясига таъриф беради: “Предмет номини билдириб, ким?, нима? сўроғига жавоб бўлган сўзлар от деб аталади”. У мазкур туркумни аниқлаб келган муҳим белгиларни: предмет номини билдириши ва ким?, нима? сўроғига жавоб бўлишини кўрсатади. Ундан сўнгра гапда иштирок этган инсонга оид номларни, жониворларнинг, нарс ва жисмларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг номларини, белги-сифат, ҳаракат-ҳолат номларини ажратиб таништиради. Сўзлардаги қўшимчалар (келишик, эгалик, шахс), сон ва тушум, қаратқич келишиклари дифференциациясига тўхтаб ўтилади. Ўқитувчи суҳбатининг охирида барча айтилган сўзларни қисқача хулосалаб бериши керак.

Иккинчи гуруҳ ўқувчиларида умумлаштириш яккадан умумийга ўтиш усули шакллантирилди. Ўқитувчи доскага ушбу гапларни ёзди: “Восток” фазо кемасида биринчи бўлиб космосга учган инсон - Собик Иттифокнинг фуқароси Юрий Алексеевич Гагариндир. 1991 йилда Ўзбекистон

Республикаси мустақил деб эълон қилиниши халқимизнинг азалий ижтимоий-тарихий орзуси ушалишидир». Сўнгра у ўқувчиларга мурожаат қилади: “Гапларни таққосланг, предмет номини билдирган сўзларни топиб айтинг ва улар қайси сўз туркумига хос эканлигини тушунтириб беринг”. Ўқувчилар ўқитувчининг озми-кўпми ёрдамида предмет номини билдирган сўзларни санаб ўтмоғи, уларнинг қандай сўроққа жавоб бўлишини аниқламоғи ва “от” сўз туркумига таъриф бермоғи лозим. Ўқувчи сўз туркумини аниқловчи муҳим белгиларни: предмет номини билдириб, ким? ва нима? сўроғига жавоб бўлишини топиши шарт.

Ишнинг кейинги босқичида ажратиб олинган сўзларнинг қандай қўшимчалар билан келганлигини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, ўқувчиларга иккита сўз бирикмаси (мактабнинг ҳовлиси; ҳикояни тингладик) берилади. Ўқитувчи бу сўз бирикмаларини таққослаб, анализ қилишни ва тушум, қаратқич келишikleri дифференциациясини айтиб беришни таклиф қилади. Бу ҳолда ўқувчи шундай хулосага келиши керакки, агар от сўз туркуми от билан боғланиб келса (мактабнинг ҳовлиси) қаратқич келишиги қўшимчаси ёзилиши ҳамда от феъл билан (ҳикояни тингладик) алоқада бўлиб келса - тушум келишиги қўшимчаси қўлланишлиги унда ўз ифодасини топсин.

Учинчи гуруҳ ўқувчиларида умумлаштиришнинг яккадан умумийга, сўнгра умумийдан яна яккага ўтиш усули шакллантирилди. Ўқитувчи доскага ушбу гапни ёзади: “Ит бўйинини бурмасдан ғалатиноқ букилди кўм-кўк оч кўзлари билан менга бир қараш қилдида думини қисиб ўзини ўрмонга урди”. Ўқувчи бу гапни мустақил анализ қилиши (агар эҳтиёж туғилса, ўқитувчи ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир), предмет номини аниқлаган сўзларни алоҳида кўчириб олиши ва қандай сўроқларга жавоб бўлишини аниқламоғи, от сўз туркумига таъриф бермоғи керак. У отга хос бўлган муҳим белгиларни (предметни билдириб, ким?, нима? сўроғига жавоб бўлишини) ажратиши лозим. Сўнгра гапдаги инсонга оид номларни, жониворларнинг, нарса ва жисмлар ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг номларини, белги-сифат, ҳаракат-ҳолат номларини билдирган сўзларни бир неча устунга ёзиш таклиф этилади. Кейинчалик ўқувчилардан қўшимчаларни аниқлаш (шахс, келишikleri, эгалик), қаратқич ва тушум келишиги дифференциацияси тўғрисида мулоҳаза юритиш таклиф қилинади.

Ўқувчи ўз ташаббуси билан ёки ўқитувчи сўроғига жавоб беришда юқоридаги ягона мисол асосида ифодаланган қоида билан бошқа бир қанча фанларга кўчириши лозим. Бошқача сўз билан айтганда, ягона мисолдан умумий қоида чиқарилади. Шу тариқа, ўқувчиларда яккадан умумийга, сўнгра умумийдан яна яккага ўтиш усули таркиб топади. Топшириқнинг иккинчи

босқичида ўқувчига бир гап топиб, уни юқоридагида таҳлил қилиш талаб этилади, қаратқич ва тушум келишиги дифференциациясига доир мана бу гап берилади: ҳавонинг ҳарорати кишини куйдиради.

Умумлаштириш усуллари ўқувчиларга ўргатиш ўзбек тили материалларини пухта эгаллашни осонлаштиради ва ўқитиш самарадорлигини оширади, ўқувчиларнинг фаоллигини, билишга қизиқиш фаолиятини кучайтиради ва ҳоказо. Олиб борилган изланишларимизнинг кўрсатишига қараганда, ўсмир тафаккурини ўстиришда иншо ёзиш ва уни мантикий муҳокама қилиш муҳим аҳамиятга эга. Еттинчи синф ўқувчисининг ижодий ишидан намуна келтирамиз: “Мен Тошкент шаҳрига яқин қишлоқда истиқомат қиламан. Онам жамоа хўжалигида, отам эса комбинатда меҳнат қилишади. Онамлар етиштирган ноз-неъматлар халқимиз дастурхонини безатади. Халқ мақтовига сазовор бўлишдан ҳам бахтлироқ нарса борми дунёда, ахир?! Улар вақтли матбуот билан синчков танишадилар, сиёсий ва бадиий журналларга обуна бўладилар. Ватан бахт-саодати учун тер тўкаман, — дейдилар биз билан суҳбатда. Улар ўзларининг дугоналари билан эрта кетиб, кеч қайтадилар. Лекин оила ғамхўрлигини эсдан чиқармайдилар. Онамлар орден олганларида уйимизга табриклаш учун кўпгина кишилар келишди. Отамлар иккинчи жаҳон урушида иштирок этганлар. Ҳозиргача қуролдош дўстлари билан хат олишиб турадилар. Уларнинг кўксини 2 та орден беаб туради. Суратлари ҳурмат тахтасидан жой олган. Бўш вақтларида ёғочдан ўймакар нашқлар ясайдилар. Мен ота-онамни беҳад ҳурмат қиламан ва улар билан фахрланаман. Касбнинг ёмони бўлмайди, чунки уни севсанг бас, бўлгани...”.

Иншони гуруҳ бўлиб муҳокама қилиш ўсмирларни мантикий мулоҳаза юритишга ўргатади. Масалан: 1) ўқувчининг онасини жамоа хўжалиги аъзоси эканлиги ва кўксини орден беаб туриши, 2) “Ватан бахт-саодати учун” тер тўкиши, 3) жамоа хўжалигида байналминал оиланинг юзага келиши, 4) онанинг ғоявий-сиёсий онгини ўстириш учун тинмай ҳаракат қилиши, 5) фарзандда ғурур туйғусининг пайдо бўлиши, 6) отанинг орден соҳиби эканлиги ва ҳурмат тахтасидан жой олганлиги, 7) Ватан озодлиги учун фронтда жанг қилганлиги, 8) байналминал қуролдош дўстлар алоқаси, 9) бўш вақтларда ўймакорлик билан шуғулланиши тўғрисидаги мулоҳазалар тафаккур ривожини учун кучли таъсир қилади.

Энди саккизиинчи синф ўқувчисининг иншода ифодалаган фикрларидан намуналар келтирамиз. “Орзунинг чеки йўқ, дейди халқимиз. Мен бунга тўла ишонаман. Шу боисдан бўлса керак, кўп кишиларни ўз идеалим деб ҳисоблайман. Космос қаҳрамонлари билан фахрланаман. Меҳнатсевар спортчиларни ёқтираман. Кишининг саломатлиги посбонларига ҳурмат билан

карайман. Донгдор ишчи-хизматчиларни олқишлайман. Довюрак Ватан посбонларидек бўлишни орзу қиламан. Менинг орзуйим қаҳрамон Собир Раҳимовдек байналминал, жасур, ақл-заковатли, камтар кишидек инсон бўлиб вояга етишдир. Мен улар тўғрисида кўп материаллар ўқийман жисмонан тобланаман. Темир иродали Ватанимиз қаҳрамонлари (Озод Шарафиддинов ва бошқалар) мен учун идеалдир...”.

Иншони ҳамкорликда муҳокама қилиш уларни миллий-маънавий руҳида тарбиялайди. Бунда айниқса, ўқитувчининг ўсмирлар фикр юритишига қаратилган саволлари: “Собир Раҳимовнинг қайси характер хислатлари баркамол авлод учун қимматли?”, “Собир Раҳимовнинг ташкилотчилик ва ақлий қобилиятига қандай қарайсиз?”, “С.Раҳимов жасоратининг ғалабаси учун курашда тутган ўрни нималарда ўз ифодасини топган?”, “С.Раҳимов жасоратининг оммавий тус олиши қандай роль ўйнади?” муҳим аҳамият касб этди.

Экспериментларнинг бирида ўқитувчи ботаника дарсида ўқувчиларга дуккаклилар оиласининг умумий белгилари ва уларнинг яшаш шароити ҳамда тури ҳақида, унинг қишлоқ хўжалигида, озиқ-овқат саноатидаги аҳамияти тўғрисида билим беришга интилди. Ўсмирлар фикр юритиш фаолиятини фаоллаштириш, дарсни жонлаштириш мақсадида қуйидаги саволлар ўртага ташланади: 1) Дуккакли ўсимликлар пояси ва барг тузилиши қандай? 2) Мош, ловия ва нўхат ўсимликларининг илдиз кўриниши ва ҳолати қандай? 3) Бошқа бир йиллик ўсимликлардан дуккакли ўсимликларнинг қандай фарқи бор? 4) Ёввойи ва маданий дуккакли ўсимликларга қайсилар киради? 5) Янтоқнинг усти ва ер ости қисмлари қандай тузилган? 6) Қуёнсуяк ўсимлиги чўлда қандай яшашга мослашган? 7) Дуккаклиларнинг қандай аҳамияти бор? ва бошқалар.

Айниқса, ўқув дастури материалларининг дунё воқеа ва ҳодисаларининг қонунияти, уларнинг ўзаро алоқаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг узвий боғлиқлиги, организмнинг ташқи муҳитга оҳангдошлиги ва ниҳоят инсон табиатни ўзгартирувчи куч эканлиги каби муҳим тушунчалар билан боғланиши ўзининг тарбиявий таъсир кучи билан алоҳида ажралиб турди. Маълумки, табиат ва жамият қонунлари тўғрисидаги кенг кўламли билимларни ўзлаштириш тафаккур асосини ташкил қилади.

“Функция” темасини математик нуқтаи назардан ўсмирларга ҳар томонлама очиб беришда ўқитувчи жонли мисолларга мурожаат берди. У бу билан қаноат ҳосил қилгани йўқ, мавзунинг кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қила борди, унинг аҳамиятини атрофлича тушунтиришга интилди. Жумладан, функция математикага ўз-ўзидан келиб қолмаганлиги, балки ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжи ва заруриятдан кашф қилинганлиги, шу

йўлда олимлар кўп йиллар изланишларда бўлганликларини тушунтириб беришга эришди. Давр тақозоси билан, машина-техника саноати ривожланишининг турткиси билан унинг зарурият даражасида кўтарилганлиги ўқитувчи томонидан исботлаб берилди. Айниқса, ўтмишдаги донишмандлардан бири таъбири билан айтилган, математикага ўзгарувчан катталиқнинг олиб кирилиши билан диалектикага ҳаракат тушунчаси кириб келди, деган иборани ўринли ишлатиши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўқувчиларнинг фикр юритиш фаолиятини жонлантириш мақсадида билиш фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган саволлар синф коллективи ҳукмига ҳавола қилиниб турилди.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон Республика мактабларида олиб борилган тажрибалар ва кузатишлар ҳар қандай ўқув фани материалларини ўзлаштиришда (ўрганишда) тафаккурнинг кўпқиррали, кўпёқлама тарзда ривожлантиришни амалга оширишнинг захира ва имкониятлари ҳали кўп эканлигини кўрсатди. Шу боисдан мураккаб, лекин шарафли вазифани мактаб таълим тизими амалиётига жорий қилиш учун ички имкониятларни қидириш ва улардан оқилона фойдаланиш даркор. Таълимда тафаккур жараёнини ривожлантириш учун, энг аввало, ўқитишни илмий асосда режалаштириш ва уни оқилона ташкил қилиш лозим. Бунинг учун ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларидан ўқувчиларнинг камол топганлик даражасидан, ақлий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнига ёндашиш ўқув-тарбия самарадорлигини оширади, XXI аср талабига жавоб берадиган ҳар томонлама тараққий қилган ўсмир ўқувчилар шахсини баркамол қилиб шакллантиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ўспиринлик даври. Илк ўспиринлик ёши даврига 15-18 ёшлардагилар (академик лицей, касб-ҳунар коллежи ўқувчилари) кирадилар. Бу даврда ўқувчи жисмонан бақувват, ўқишни тугатгач, мустақил меҳнат қила оладиган, олий мактабда ўзини синаб кўрадиган имкониятга эга бўлади, маънавий жиҳатдан етукликка эришади. Илк ўспирин 16 ёшида мамлакат фуқароси ва 18 ёшида эса сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқига эга бўлади. Буларнинг барчаси илк ўспиринга фуқаро сифатида ижтимоий жиҳатдан вояга етиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши ва етук шахс сифатида маънавий ўсиши учун жамики шарт-шароитларни яратади.

Илк ўспириннинг шахси ижтимоий ҳаётда, академик лицей, касб-ҳунар коллежи жамоасида, тенгқурлари билан муносабатларда эгаллаган мутлақо янгича мавқеи таъсирида, ўқиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсирида таркиб топа бошлайди.

Мазкур даврнинг яна бир хусусияти — меҳнат билан таълим фаолиятининг бир хил аҳамият касб этишидан иборатдир. Мавжуд шарт-

шароитлар таъсири остида илк ўспириннинг ақлий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишида ўзига хос ўзгаришлар, янги хислат ва фазилатлар намоён бўлади. Академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари ижтимоий ҳаётдаги долзарб вазифаларни ҳал қилишда фаол иштирок эта бошлайдилар. Ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш, таълим характерининг ўзгариши йигит ва қизларда илмий дунёқараш, барқарор эътиқоднинг шаклланишига, юксак инсоний ҳис-туйғунинг вужудга келишига, билимни ўзлаштиришга ижодий ёндашиш кучайишига олиб келади, натижада мустақил фикрлаш шаклланади.

Ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиш касб-хунар эгаллаш, ихтисосликни танлаш, истиқбол режасини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни келтириб чиқаради. Бироқ бу давр куч-ғайрат, шижоат, қаҳрамонлик кўрсатишга уриниш, жамоат, жамият ва табиат ҳодисаларига романтик муносабатда бўлиш билан бошқа ёш давларидан кескин фарқланади.

Айниқса, турмуш ва ўқиш фаолиятларининг янгича шарт-шароитлари синф (курс) жамоасидаги ўзгача вазият, илк ўспиринларнинг махсус таълим тизимида эгаллаган юқори мавқеи, жамоатчилик ишларида тажриба орттиришлари улар олдига юксак талаб ҳамда масъулиятли вазифалар қўяди. Бу даврда илк ўспирин янгича таълим муҳитида ташкилотчилик, раҳбарлик, тарбиячилик, ташвиқотчилик вазифаларини ўтай бошлайдилар.

Илк ўспириннинг психик ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч жамоат ташкилотлари, ўқув жамоаси, таълим жараёни қўядиган талаблар даражасининг ошиши билан у эришган психик камолот ўртасидаги зиддиятдан иборатдир. Турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар илк ўспириннинг ахлоқий, ақлий, нафосат жиҳатдан тез ўсиши орқали бартараф қилинади.

Илк ўспиринлик ёшида шахснинг камол топиши. Илк ўспиринлик ёшидаги ўзгаришлар мактаб, оила, шахслараро муносабатлардаги мавқеи янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Лекин етакчи оил янгича таълим муассаса ўқувчиси фаолиятининг хусусияти, моҳияти ва мазмунидаги туб бурилишдир.

Илк ўспиринларда аввало ўзини англашдаги силжиш яққол кўзга ташланади. Бу ҳол шунчаки ўсишни билдирмайди, балки ўз шахсиятининг маънавий-психологик фазилатларини, фаол ижтимоий турмуш тарзининг мақсад ва вазифаларини англашни, оқилona баҳолашни акс эттиради. Илк ўспиринда ўзининг руҳий дунёсини, шахсий фазилатларини, ақл-заковатини, қобилияти ҳамда имкониятини аниқлашга интилиш кучаяди. Ўз хулқ-атворини жиловлаш, ҳис-туйғулари ҳамда ички кечинмаларини тушуниш иштиёқи вужудга кела бошлайди.

Илк ўспириндаги ўзини англаш турмуш, ўқиш, меҳнат ва спорт фаолиятлари тақозоси билан намоён бўлади. Янгича таълим муассасидаги одатланилмаган вазиятнинг шахслараро муносабат ва мулоқот кўламининг кенгайиши ўзининг ақлий, ахлоқий, иродавий ҳис-туйғуларининг хусусиятларини оқилона баҳолаш, қўйилаётган талабларга жавоб тариқасида ёндашиш ўзини англашни жадаллаштиради.

Бундай таълим тизимидаги ўқувчиларнинг ўзини англашга алоқадор хусусиятлари мавжуд. Улар аввал, ўзларининг кучли ва заиф жиҳатларини, ютуқ ва камчиликларини, муносиб ва номуносиб қилиқларини аниқроқ баҳолаш имкониятига эга бўладилар. Агар ўсмирда атрофдаги кишиларнинг оқилона баҳолашлари орқали аниқ баҳолаш юзага келса, илк ўспиринда бу ҳолат бошқачароқ тарзда кечади, унда ўз шахсий фазилатини, хулқ-атворини, ақлий ва жисмоний меҳнат фаолиятини таҳлил қилиш, қиёсий баҳолаш майли кучаяди. Илк ўспирин ўсмирга қараганда ўз маънавияти ва руҳиятининг хусусиятларини тўлароқ тасаввур эта олса ҳам, уларни оқилона баҳолашда камчиликларга йўл қўяди. Натижада у ўз хусусиятларига ортиқча баҳо бериб, манманлик, такаббурлик, кибрланиш иллатига дучор бўлади, синф (курс) ва педагоглар жамоаларининг аъзоларига ғайритабиий муносабатда бўла бошлайди. Шунингдек, айрим илк ўспиринлар ўз хатти-ҳаракатлари, ақлий имкониятлари ва қизиқишларига паст баҳо берадилар ва ўзларини камтарона тутишга интиладилар.

Академик лицей, касб-ҳунар коллежи ўқувчисининг ўсмирлик ёши давридаги боладан бошқача яна бир хусусияти – мураккаб шахслараро муносабатларда акс этувчи бурч, виждон ҳисси, ўз қадр-қимматини эъзозлаш, сезиш ва фаҳмлашга мойилликдир. Масалан, ўспирин йигит ва қиз сезгирлик деганда нозик, нафис ҳолатларнинг фарқига бориш, заруратни тез англаш, ҳолисона ёрдам уюштиришни, шахснинг нафсониятига тегмасдан амалга оширишни тушунади. Илк ўспирин ўзининг эзгу ниятини баҳолашга жамоада ўз ўрнини белгилаш нуқтаи назардан ёндашади, чунончи “Ўзим танлаган мутахассисликка яроқлиманми?” “Жонажон республикамга, ота-онамга муносиб фарзанд бўла оламанми?” “Жамиятнинг тараққиётига ўз улушимни қўша оламанми?” деган саволларга жавоб қидиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўқувчида ўзининг фазилати тўғрисида яққол тасаввур ҳосил қилиш учун ўқитувчига унга жуда усталик, билимдонлик, зийраклик билан ёрдам бериши лозим. У ўзининг дўстона, илиқ муносабати билан синф жамоаси аъзолари эътиборида ишонч, обрў қозониши учун ҳар бир мулоҳазасида педагогик-психологик назокатга риоя қилса йигит ва қизларда ҳам ўз кучига, имкониятига, қобилиятига, фаҳм-фаросатига ишонч

ҳиссини пайдо қилади. Уларда устозга чуқур ҳурмат, миннатдорчилик туйғулари уйғонади.

Илк ўспирин ўқувчида ўзини англаш негизида ўзини ўзи тарбиялаш истаги туғилади ва бу ишнинг воситаларини топиш, уларни кундалик турмушга татбиқ қилиш эҳтиёжи вужудга келади. Лекин ўзларининг ўзини ўзи тарбиялаши психологиясидаги мавжуд нуқсонларга барҳам бериш, ижобий хислатларни шакллантириш билан кифояланиб қолмай, уларни катталарга хос кўп қиррали умумлашган идеалга мос равишда таркиб топтиришига йўналтирилган бўлади.

Илк ўспиринлик даврида ўқувчилар ўзларида энг қимматли фазилатларни, ўқув ва малакаларни онгли, режали, тартибли, изчил ва мунтазам таркиб топтиришга эҳтиёж сезадилар. Маълумки, мазкур тоифадаги таълим муассаси ўқувчилари маънавий-психологик қиёфага эга бўлиш учун оқилона ўлчам, мезон, вазифаларини бажарувчи баркамол, мукаммал тимсол, намуна, юксак орзу тасвирини кидирадилар.

Илк ўспиринларда идеаллар бир неча кўринишда намоён бўлиши ва акс этиши мумкин. Масалан, улар таниқли кишиларнинг қиёфалари, бадий асар қаҳрамон тимсолида ўзларида юксак фазилатларни (сифатларни) гавдалантиришни орзу қиладилар. Бироқ йигитлар билан қизлар ўртасида идеал образини танлашда катта фарқ бўлади. Масалан, қизлар кўпинча меҳнаткаш аёлнинг, жозибали, назокатли, иболи, ифбатли жамоат арбобининг, бадий асар қаҳрамонининг хусусиятлари мужассамланган қиёфаларни идеал даражасига кўтарадилар. Аммо айрим ўқувчилар тарихий шахсларнинг масалан, бакувват йўлтўсар, оқ офицер, қув жосус ва бошқаларнинг салбий сифатларига тақлид қилишга ҳам мойил бўладилар.

Илк ўспирин ўқувчиларнинг ўзини ўзи тарбиялаши ўқув юртидаги жамоатчилик ташкилотларининг, педагоглар жамоасининг тарбиявий таъсири доирасида амалга ошиши шарт. Зероки, ўзини ўзи такомиллаштириш жамоада муносиб ўрин эгаллаш, ижтимоий бурчни англаш ва фойдали меҳнатга қизиқишга хизмат қилиши керак.

Кузатишлар ва ҳаёт тажрибаларининг кўрсатиши баъзи ҳолларда илк ўспиринлар ўзларини кўрқмас, жасур қилиб кўрсатишга, ноўрин хатти-ҳаракатларга мойил бўладилар, қалтис йўллар билан ўз иродаларини тарбиялашга интиладилар, гоҳо ҳаётларини хавф остида қолдиришгача бориб етадилар. Шунинг учун уларга сунъий усуллар ва воситалар ёрдамида қийинчиликларни бартараф қилиш мумкин эмаслигини тушунтириш керак. Шунингдек, уларни оқилона, мақсадга мувофиқ самарали усуллардан фойдаланиш йўллари билан таништириш, ҳақиқий чиниқиш малакалари билан куроллантириш яхши натижа беради.

Академик лицей, касб-хунар коллежи ўқувчилари маънавий хислатларга, ахлоқ нормаларининг моҳиятига жиддий муносабатда бўладилар. Улар ахлоқий туркумлар, бирликларнинг мазмунини, чуқур англай бошлайдилар, ҳар қайси ахлоқий тушунчанинг нозиклиги ва қўп маънолигини билишга ҳаракат қиладилар. Масалан, бурч, виждон, ғурур, кадр-қиммат, фахрланиш, масъулият, ор-номус каби тушунчаларни чуқур таҳлил қила оладилар. Лекин уларнинг ҳаммаларини бу ахлоқий тушунчаларни яхши англайдилар, деб бўлмайди. Шунга кўра, тўғри ахлоқий қарашлар, тасаввурлар таркиб топиши учун адолатли турмуш тарзининг ўзи етарли, дейиш мумкин эмас. Ва педагог хотиржамликка йўл қўймаслиги, соғлом муҳит яратиш, барқарор шахсни таркиб топтириш учун доимо изланиши зарур. Шунингдек, мактабда, коллежда тарбия ишлари изчил олиб борилмаса, йигит ва қизларда чинакам, барқарор эътиқодлар шаклланимайди. Илк ўспиринларда ахлоқий тушунчаларни оқилона шакллантириш лозим, уларга ножўя хулқ-атвор, чет эл фильмларининг мазмуни маънавиятга ва руҳиятга салбий таъсир этишини тушунтириш зарур. Ижтимоий ҳаётда учрайдиган ярамас юриш-туришларга, иллатларга зарба бериш, уларнинг таъсиридан йигит ва қизларни асраш педагоглар жамоасининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Илк ўспиринларда балоғатга етиш туйғуси такомиллашиб бориб, ўзининг ўрнини белгилаш ва маънавий дунёсини ифодалаш туйғусига айланади. Бу ҳол унинг ўзини алоҳида шахс эканлигини, ўзига хос хислатини тан олинishiга интилишида акс этади. Бунга эса моддаларга майл қўйиш, мураккаб тасвирий санъатга, мусиқага, касб-хунарга, табиатга қизиқишни намоёни қилиш яққол далилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, илк ўспирин ёшидаги қизлар катта ёшдаги кишиларнинг таъсирига осонроқ берилади. Илк ўспирин йигитлар эса катталардан кўра тенгдошлари таъсирига кўпроқ бериладилар. Шунинг учун махсус ўқув юрти ўқувчиси шахсининг таркиб топишига мактаб муҳити хусусан синф жамоаси, расмий ва норасмий тенгқурлар гуруҳи кучли таъсир этади. Синф, курс жамоаси умумий мақсадни белгилашга, жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатлар ўрнатишга, шахсий ва жамоатчилик муносабатлар ривожланишига имкониятлар яратади. Синф ва мактаб жамоалари таъсирида матонатлилик, жасурлик, сабр-тоқатлилик, камтарлик, интизомлик, ҳалоллик, ҳамдардлик каби фазилатлар такомиллашади ва худбинлик, лоқайдлик, мунофиқлик, лаганбардорлик, дангасалик, кўрқоқлик, ғайрлик сингари иллатларнинг барҳам топиши тезлашади. Жамоа аъзолари ўртасидаги аҳиллик, бирлик, ягона мақсадга интилиш, илиқ психологик муҳит мавжуд салбий хатти-ҳаракатларни йўқотиш учун хизмат қилади.

Коллеж ўқувчилари шахсининг шаклланиши жараёнида жамоат ташкилотлари алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг юксак талаблар қўйиши натижасида илк ўспиринларда фаоллик, ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилиқ, масъулиятлилиқ, танқидийлик сингари фазилатлар барқарорлашади. Мазкур ташкилотлар илк ўспиринлардаги ғоявий-сиёсий, ватанпарварлик, жамоачилиқ, инсонпарварлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик туйғуларини мукамал босқичга кўтаради. Ана шуларни кузатиб тадқиқ этган психолог Л.И.Уманский ташкилотчилиқ қобилияти ўзаро узвий боғлиқ қуйидагилардан иборатлигини таъкидлайди: 1) ташкилотчилиқ туйғуси (психологик топқирлик, кашфиётчилиқ, назокат, амалий ақл-идрокда ўз ифодасини топади); 2) тенгдошларига эмоционал-иродавий таъсир кўрсатиш имконияти (муаммолар ечимига жалб қилиш, уларнинг куч-ғайратини бириктириш); 3) ташкилотчилиқ фаолиятига мойиллик (эмоционал ҳис-туйғу, ижобий муносабат, фаоллик кўрсатиш, қатъий қизиқиш ва ҳоказолар); Л.И.Уманскийнинг фикрича, илк ўспирин намунали ташкилотчи бўлиши учун унда қуйидаги хислатлар бўлиши керак: а) ахлоқий хислатлар – жамоатчилиқ, самимийлик, ташаббускорлик, фаоллик, меҳнатсеварлик; б) иродавий хислатлар – матонат, қатъият, мустақиллик, ташаббускорлик, батартиблиқ, интизомлилиқ; в) эмоционал хислатлар – хушчақчақлик, тетиклик, ҳазилкашлиқ ва янгиликни ҳис этиш, ўз кучига ишонч, оптимизм ва бошқалар.

Илк ўспиринларнинг яна бир муҳим хислати уларда юксак даражадаги дўстлик, ўртоқлик, улфатчилиқ, муҳаббатнинг вужудга келишидир. Шу ҳис-туйғулар йигит ва қизларнинг маънавияти ва психологиясида қандай тус олишига қараб, тарбиявий чора ва тадбирларни амалга ошириш яхши натижа беради. Синфдаги ҳамкорлик фаолиятида ўзаро ёрдам ҳамжиҳатлилиқ, интилиш ва манфаатлар бирлигига асосланган ўртоқлик муносабатлари юзага келади. Ўртоқлик муносабатларининг юксак чўққиси дўстлик ҳиссида намоён бўлади. Дўстлик ҳисси ўртоғига меҳрибонликда у билан учрашиш ва суҳбатлашиш, ўз фикр ва ҳиссиётлари билан ўртоқлашишда кўринади. Ҳақиқий дўстлик ҳисси ўзаро талабчанлик билан боғлиқ бўлиб, хатоларни биргаликда тузатишда ифодасини топади.

Йигит билан қиз ўртасида муҳаббат туйғуси вужудга кела бошлайди. Муҳаббатнинг қувончли лаҳзалари, изтиробли кечинмалари иккала ёшнинг руҳиятини эгаллайди ва тобора чуқурлашиб боради, улар учун дастлабки ҳаёт синови вазифаси бўлади. Мазкур ҳис-туйғу ўспиринларнинг ўзаро яқинлиги, ҳаётга қарашлари, қизиқишлари, дидлари ва эзгу ниятларининг умумийлиги ҳамда бутун умрга аҳиллик, иттифоқлик умидини бағишлаган шодлик билан характерланади.

Илк ўспирин ўқувчиларда табиат, санъат, адабиёт, маданият, ижтимоий ҳаёт гўзалликларини пайқаш, идрок қилиш, севиш, улардан таъсирланиш, маънавий озуқа олиш хислатлари пайдо бўлади. Уларнинг психологиясида майин садо, ёқимли нидо, қалбни тўлқинлантирувчи мусиқа, нозик ҳис-туйғу, эзгулик ҳислари, майллари кучаяди. Айниқса, эстетик ҳислар уларнинг маънавиятидаги қўпол, ноҳуш, хунук ва ёқимсиз қилиқларнинг йўқолишига ёрдам беради. Лекин бундан илк ўспиринлар жўшқин, кескин, шавқ ва завқли дамлардан бутунлай воз кечадилар, деган маъно келиб чиқмайди. Шунга қарамай, илк ўспирин йигит ва қизлар орасида эстетик туйғуси тўла шаклланмаган, нотўғри тасаввурга эга бўлган шахслар ҳам учрайди. Уларда эстетик ҳис-туйғу ўзига хос қарашлар ва нуқтаи назарнинг ўсишида илм-фан ва техниканинг ривож, тафаккурнинг такомиллашуви, тақлидчанлик муҳим роль ўйнайди. Бунинг учун муайян режа асосида турли музейлар кўргазма ва концерт залларига, кино, театр, радио ва телестудияга саёҳатлар уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ўқувчиларнинг ўқув машғулоти ўз хусусияти ва мазмуни билан бошқа ёш давридаги ўқувчиларнинг таълим жараёнидан тубдан фарқ қилади. Ўқув режаси ва дастурининг мураккаблашуви, янги фанлар ва факультатив курсларнинг киритилиши ўзлаштиришни назарий тафаккур ёрдамида амалга оширишни тақозо этади. Ана шу сабабли уларнинг муносабати ҳам ўзгаради, уларда фанларга турлича муносабатлар шакллана бошлайди.

Ўқувчиларнинг фанларга муносабатлари асосан қайси фаннинг инсон дунёқарашидаги ролига фаолиятидаги ва ижтимоий аҳамиятига амалий хусусиятига ўзлаштириш имкониятига ва уни ўқитиш методикасига боғлиқ бўлади.

Ушбу ёшда билишга қизиқиш амалий хусусият касб эта бошлайди. Масалан, бу қизиқиш ижтимоий-сиёсий масалаларга, техникага, табиатга, осмон жисмларига, жамиятшуносликка, ҳукукий муамоларга, спорт ва ҳоказоларга йўналган бўлади. Уларнинг тўғарақларда фаол қатнашиши қобилият ва ақлий имкониятларига қараб амалга ошади.

Илк ўспиринларда сезгирлик, кузатувчанлик, такомиллашиб боради, мантикий хотира, эслаб қолишнинг йўл ва воситалари эса таълим жараёнида етакчи роль ўйнай бошлайди. Улар топшириқларни бажаришда унинг маъноси ҳамда моҳиятини тўла англаб иш тутадилар, эслаб қолиш, эсда қолиш, эсга тушириш жараёнларнинг самарали усулларида унумли фойдаланадилар. Бу жараёнлар муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи диққатнинг сифати ва миқдори ўзгаради. Диққатни кўчириш ва тақсимлаш сезиларли ривожланади, бошқаларнинг нуқтаи назарига эътибор бериш, уларнинг

нутқини тинглаш, ёзиб олиш, мулоҳаза юритиш маҳорати ошади ва ақлий қобилияти такомиллашади.

Илк ўспиринларнинг тафаккури тобора фаол, мустақил ва ижодий хусусиятларга эга бўлиб боради. Лекин уларнинг фикр юритишида бирмунча объектив ва субъектив камчиликлар учрайди.

Илк ўспиринлар ақл-идрокининг хусусиятлари. Илк ўспирин барча фаолият босқичида мустақил фикр юрита олмаслиги унинг психикасидаги жиддий камчиликдир. Илк ўспиринларга адабий қаҳрамон қиёфасини ифодалаш, асар моҳияти, мазмуни ва ғояси юзасидан мустақил ҳолда ҳукм ва хулоса чиқариш топширилганда улар, биринчидан, асарни ўқишган, бироқ ҳеч қандай хулоса чиқаришмаган, иккинчидан, мавзуга ижодий ёндашмасдан ўқитувчининг ҳар бир сўзини эса сақлаб олиб, ҳеч ўзгаришсиз қайтадан айтиб беришга ҳаракат қилишган, учинчидан, ўзлари мактабдан ва синфдан ташқари фаолиятларида эшитганлари, ўқиганлари билан ўқитувчининг ахбороти, маълумоти хабарни умумлаштириб жавоб беришган, тўртинчидан, ўз фикрларини баён этишга қийналганларида асардан кўчирмалар келтиришган.

Ўқувчиларда назарий тафаккурни шакллантиришда тўғарак ва факультатив машғулотлар, касбий фанлар муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, илк ўспирин ўқувчининг мустақил фикрлашини ривожлантиришда ўқитувчилар, синф раҳбарларининг сиймолари муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчилар илк ўспиринларда ўрганилаётган нарсани ва ҳодисаларнинг объективлиги, ҳаққонийлиги, тўғрилигига ишонч ҳосил қилишлари, улардан қаноатлантиришлари ва уларни исботлашга ўргатиб боришлари зарур. Иккинчидан, фан ўқитувчилари уларни нарсани ва ҳодисалар тўғрисида оригинал фикр юритишга йўллашлари керак. Учинчидан, ўқувчиларнинг машғулотларда қўлланавериш, маънавий эскирган бир қолипдаги сўзлардан, иборалардан фойдаланишларига йўл қўймасликлари керак. Тўртинчидан, фан ўқитувчилари ўспирин йигит ва қизларга билимларини амалиётга татбиқ қилишни ўргатишлари шарт, бунинг учун уларда амалий малакаларни шакллантиришга ҳаракат қилишлари лозим.

Тафаккур бошқа психик жараёнлардан ажралган ҳолда ривожланиши мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун тафаккур ривожланиши билан бирга ўқувчининг нутқ фаолияти ҳам ўсади. Бу эса ўқувчида ўз фикрини тўғри, аниқ ифодалаш малакасини таркиб топтиради, нутқининг тузилишини такомиллаштиради ва луғат бойлигини янада оширади.

Илк ўспирин адабий асарларни ўқиш ва тушуниш орқали мустақил фикрлашга, мулоҳаза юритиш ва мунозарага ўрганилади боради. Унда аста-секин табиат ва жамият ўзининг нуқтаи назари, этикоди, қараши шаклланади.

Маълумки шахснинг ана шу фазилатлари фикрлаши, мустақил ўйлаши, тўғри ҳукм ва ҳулоса чиқариши, қатъий қарорга келишининг натижасидир.

Йигит ва қизларнинг адабий асарни баҳолаши, у ҳақда шахсий фикрларини билдириши, муаммоли томонлари юзасидан баҳслашуви ва ҳоказоларда инсоний хислатларнинг муайян даражада иштирок этиши ақл танқидийлигининг айнан ўзгинасидир. Турмушда учрайдиган ноўрин танқидийлик эса илк ўспириннинг бадиий диди ва ҳаётий тажрибаси заифлигидир. Ўқитувчи айти шу пайтдаги асосий вазифаси – ўқувчилар тафаккуридаги танқидийликни ҳаққонийлик даражасига кўтаришдан, уларга воқеликка одилона, оқилона танқидий нуқтаи назардан қарашни ўргатишдан иборатдир.

Мазкур ёшдаги ўқувчи ақлининг танқидийлигида оғмачиликка мойиллик кучли бўлади. Оғмачиликнинг энг асосий сабабларидан бири – воқеликнинг моҳиятини илмий жиҳатдан тўғри тушунмаслиқдир. Шунингдек, унинг “ўз позицияси”да бўш келмаслиги, нарса ва ҳодисаларнинг асл моҳиятини англаб туриб, жўрттага “ўжарлик” қилиши ҳам ана шу оғмачиликнинг бир кўринишидир.

Уларда моддий дунё тўғрисида шахсий фикрлар, мулоҳазалар, илмий дунёқараш таркиб топганидан кейингина тафаккурнинг танқидийлик хусусияти ривожлана бошлайди. Ақлнинг ёки тафаккурнинг танқидийлигини тарбиялашда ўқитувчи ўқувчининг ўзига хос типологик хусусиятига, ақлий камолот даражасига, билимлари савиясига, мулоҳаза доирасининг кенглигига, нутқ қобилиятига, шахсий нуқтаи назарига, ўқишга нисбатан муносабатига, қизиқишининг хусусият ва даражасига, ақлий фаолият операцияларини қанчалик билишига, мавжуд ўқиш кўникмаси ва малакаларига алоҳида эътибор бериши лозим.

Ақл танқидийлигининг ривожланиши янгича таълим муассаса ўқувчиларини моддий дунёни, атроф муҳитни ўрганишга, ўқув материалларини пухта ўзлаштиришга, таълим жараёнида ташаббускорликка, фаолликка даъват этади ва бундан ташқари, воқеликни исботлаш ва асослаш кўникмалари таркиб топишига имкон яратади. Ўрганилаётган ҳодиса тўғрисида ҳукм ва ҳулоса чиқариш, тасдиқлаш ёки инкор қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Илк ўспирин тафаккурининг сифатини унинг мазмундорлиги, чуқурлиги, кенглиги, мустақиллиги, самарадорлиги, тезлиги ташкил қилади. Тафаккурнинг мазмундорлиги деганда, илк ўспирин онгида теварак-атрофдаги воқелик бўйича мулоҳазалар, муҳокамалар ва тушунчалар қанчалик жой олганлиги назарда тутилади. Тафаккурнинг чуқурлиги деганда, моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий қонунлари, хоссалари, сифатлари,

Ўзаро боғланиши ва муносабатлари илк ўспириннинг фикрлашида тўлиқ акс этиши тушунилади. Тафаккурнинг кенглиги эса ўзининг мазмундорлиги ва чуқурлиги билан боғлиқ бўлади. Ўқувчи нарс ва ҳодисаларнинг энг муҳим аломат ва хусусиятларини мужассамлантирса, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак ҳақидаги мулоҳазаларини билдира олса, буни кенг тафаккур дейилади. Тафаккурнинг мустақиллиги деганда, илк ўспирин ташаббускорлик билан ўз олдиға янги вазифалар кўя билиши ва уларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз оқилона усуллар билан бажара олиши тушунилади. Ақлнинг ташаббускорлиги деганда, илк ўспириннинг ўз олдиға янги ғоя, муаммо ва вазифалар кўйишини, уларни амалға оширишда самарадор воситаларни ҳам ўзи топишға интилишини англаймиз. Ақлнинг пишиқлиги вазифаларни бажаришда янги усулларни тез излаб топиш ва қўллай олишда, эскирган воситалардан қутулишда намоён бўлади. Агар ўқувчи муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли янги фикрларни айтган бўлса, назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам берса, буни самарадор тафаккур дейилади. Тафаккурнинг тезлиги саволға тўлиқ жавоб олинган вақт билан белгиланади. Илк ўспирин тафаккурининг тезлиги қатор омилларға: биринчидан, фикрлаш учун зарур материалнинг хотирада мустаҳкам сақланганлигига, уни тез ёдға тушира олишға, муваққат боғланишнинг тезлигига, турли ҳис-туйғуларнинг мавжудлигига, ўқувчининг диққати ва қизиқишиға; иккинчидан, унинг билим савиясига, қобилиятиға, эгаллаган кўникма ва малакаларға боғлиқдир.

Илк ўспирин қобилияти, лаёқати ва истеъдоди таълим жараёнида меҳнат фаолиятида ривожланади. Унинг қанчалик истеъдодли эканини аниқлаш учун зийраклиги, жиддий синовға шайлиги, меҳнатға мойиллиги, интилиш, психик тайёрлиги, мантиқий фикрлашининг тезлиги, изчиллиги, самарадорлигига эътибор бериш керак. Қобилиятнинг ўсиши билимлар, кўникмалар, малакаларнинг сифатиға боғлиқ бўлиб, шахснинг камол топиш жараёниға кўшилиб кетади.

Илк ўспиринликда ўтиладиган дарслар, лаборатория ишлари ва амалий машғулотлар, реферат конспект ёзиш каби таълимий фаолият турлари янгича таълим муассаси ўқувчилари ўзлаштириши зарур материалларни мустақил ҳолда тушунишға олиб келади. Бу ишлар кундан-кунға кўпроқ аҳамият касб этиши натижасида тафаккур тобора фаол, мустақил, ижодий тус олиб боради. Буларнинг барчаси илмий-назарий тафаккурнинг шаклланишиға, теваарак-атрофдаги воқеликнинг умумий қонуниятларини билиш қобилияти ўсишиға, ақлий имкониятлар вужудға келишиға, табиат ва жамият ривожланишининг қонунларини англаб олишға муҳим шарт-шароитлар яратади.

Илк ўспиринлар бирор ҳодисани асослаган, исботлаган пайтларида унинг муҳим хусусиятларига, бирламчи жиҳатларига синчковлик билан қарай

бошлайдилар. Дарсликлардан ўқиган ва ўқитувчилардан эшитган ахборотлар, хабарлар ва маълумотларга ишониш ва улардан қаноат ҳосил қилиш учун фаол ҳаракат қиладилар, бироқ уларда ўсмирлар сингари обрў кетидан эргашиш жуда кам содир бўлади. Улар ҳар бир дарсда танишилган материалларнинг моҳиятига, инсон учун зарурлигига ишонч ҳосил қилишга тўхтовсиз интиладилар. Баъзан таълим жараёнида шахс томонидан бирор нарсага эътироз билдирса ёки шубҳаланса, уни ноҳақ равишда қоралайди. Тафаккурни оқилона йўллар билан ўстириш учун ғавқулодда ҳолатларда ўқувчининг мазкур хусусиятини ёмонламай, балки уни рағбатлантириш тўғрироқ бўлади.

Илк ўспиринлик ёшида коллеж ўқувчилари ақлий фаолиятнинг омиллари ва усуллари билан етарли даражада қуролланган бўладилар.

Шундай қилиб, таълим жараёнида турли фанларни ўқитиш туфайли кенг кўламли билимлар системаси ўзлаштирилиши орқали коллеж ва академик лицей ўқувчиларида тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги, мазмундорлиги, маҳсулдорлиги ортади. Уларда диалектик-рефлексив назарий тафаккур таркиб топади. Шу сабабли воқеликнинг ички боғланишлари, муносабатлари жамият ривожланишининг қонунларини билиш ва англаб олиш кўникмаси юқори поғонага кўтарилади.

Агар ўсмирлар тафаккури яққол-образли тафаккурнинг мавҳум тафаккурга айланиши билан характерланса, бу ёшдаги ўқувчиларда диалектик-креатив тафаккур қобиляти ривожлана бошлайди ва бу тафаккур табиат ҳамда жамият ривожланишининг умумий қонунлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Мазкур қонунларнинг вужудга келиши, ўзгариб бориши, ўзига хос хусусиятга эга бўлиши, шунингдек, ўзаро узвий боғлиқлигига доир мураккаб билимлар уларнинг ёш хусусиятига айнан мосдир.

Илк ўспирин ва касб танлаш. Эндигина ўсиб келаётган илк ўспиринлик ёшидаги ўқувчилар касбга қандай ёндашадилар? Бу муаммо кўпчиликни кизиқтиради. Кузатишлардан ва турмуш тажрибасидан маълумки, одатда илк ўспиринлик ёшидаги ўғил-қизлар ҳаётда мустақил қадам ташлаш тўғрисида аниқ, асосли фикр билдиришга қийналадилар. Шу сабабли касб танлаш даврида оқилона ва тўғри йўл тутишни билмай довдираб қоладилар ёки таваккалга иш кўрадилар. Ўзларининг имкониятларини ҳисобга олиб ҳаракат қилишга ожиз бўладилар. Натижада нохуш кечинмалар, умидсизликлар, ижтимоий сустрлик ҳолатлари вужудга келади. Ўқувчиларнинг баъзилари касб танлашда яққол кўзга ташланиб турган намуналарга тақлид қиладилар. Бунда ўз атрофларидаги яқин кишиларни назарда тутадилар, уларнинг йўлидан боришни мўлжаллайдилар. Кузатишларимизнинг бирида Ғ. исмли илк ўспирин (академик лицей ўқувчиси) ўз келажаги ҳақида қуйидаги фикрларни билдирди: “Эҳтимол қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирарман. У менга

таниш. Унда акамлар ўқиганлар. Балки жамоа ҳўжалигида қолиб ишларман. Ўқитувчи бўлиш орзум ҳам бор. Чунки педагогика институтида тоғамлар таълим олмоқдалар...” Ўқувчининг бу мулоҳазасини таҳлил қилишнинг ҳожати йўқ, чунки унда бирор мақсадга йўналган ғоя мавжуд эмас.

Ўқувчилар коллежда фанларнинг асосларидан билим оладилар, ҳар қайси илк ўспирин физика ёки математика билан танишадилар. Бирок уларнинг ҳаммаси келажакда физик ёки математик касбини эгаллашни хоҳлайвермайди. Унда ер курраси ўрганилади, барча планеталарнинг хусусияти билан танишилади, узоқ қитъалар дунё халқлари тарихи ва санъати бўйича билимлар берилади. Аммо барча ўқувчилар сайёҳ бўлишни истамайди. Фан асослари ўқувчиларга кенг кўламда маълумот ва ахборотлар беришга мослаштирилган бўлиб, ўспиринлар олинган билимларнинг келажак, шахсий турмуш, билимдон шахс бўлиш учун амалий аҳамиятини англаб олиши керак.

Ўқувчиларда бирор ўқув фанига иштиёқ натижасида уларда ҳар хил касбларга қизиқиш вужудга келади. Танланган касбни ўзлаштириш билан боғлиқ фанга қизиқиш ҳам орттиради. Натижада тўғарак, машғулотларига ва факультатив курсларга кўчиш имконияти вужудга келади. Бундай имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Академик лицей ва коллеж ўқувчиларини қизиқишлари, майллари, интилишлари, қобилиятлари, истеъдодлари асосида танлаган касбларига тўғри йўналтириш ўспиринлар учун катта ҳаётий масаладир. Касб танлаш жараёнида илк ўспиринларга ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчилик, ўз касбининг усталари, мураббийлар алоҳида эътибор беришлари керак. Кўп ҳолларда улар катталарнинг маслаҳат ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қатъий бир қарорга келишлари мумкин, чунки улар ўз хоҳишларини ҳар томонлама асослаб бера оладилар.

В.А.Крутецкийнинг маълумотларига қараганда, педагогика институти талабаларининг ярми ўқитувчилик касбини ёқтириб ўқишга кирган. Уларнинг қолган қисми эса институтга тасодифан кириб қолган. Бирок бу олий ўқув юртига ўз хоҳиши билан кирган талабалар орасида ҳам ҳар хил мулоҳазалар мавжуд. Педагог касбини ёқтириб ўқишга кирган талабаларнинг чорак қисми фақат олган билимларини бошқаларга ўргатиш мақсадини билдирган бўлсалар, яна шунча илк ўспиринлар институтда ўқитилаётган бирор фанни севганлари учун ўқишга кирганини айтган. Талабаларнинг бешдан бир қисми болаларни чин кўнгилдан яхши кўргани учун ўқитувчилик касбини танлаган.

Академик лицей ва коллежни битиргунича ҳамма ўқувчилар касбини қатъий танлайди, дейиш мумкин эмас. Уларнинг аксарияти ўзи келажакда ким бўлишини тасаввур ҳам қила олмайди ва келажак режасини ҳам тузмайди. Илк ўспиринларнинг кўпчилиги таълим муассасини тугатгандан сўнг олий ўқув

юртида ҳам ўқиш тўғрисида гапирдилар, бу ҳақда орзу қиладилар. Лекин унга кира олмаган, яъни ўзининг асосий мақсадига эриша олмаган ёшлар тушкунликка тушадилар. Бутун орзу-умидларим барбод бўлди, деб ўйлайдилар, баъзилари келгуси йилда ўқишга киришга умид боғлайдилар. Касб-ҳунарга ҳар хил муносабатлар ҳосил бўлишининг асосий сабаби мактабда ўқиш даврида касб танлаш бўйича турли хил ниятлар пайдо бўлишидир.

В.А.Крутецкий илк ўспиринларда учрайдиган мотивлардан қуйидагиларни алоҳида ифодалайди: а) бирор ўқув фанига қизиқиш; б) ватанга фойда келтириш истаги (ўзига хос психологик хусусият ва қобилиятни ҳисобга олмаган ҳолда); шахсий қобилиятини рўқач қилиш; г) оилавий анъаналарга риоя этиш (ворислик); д) дўстлари ва ўртоқларига эргashiш; е) иш жойи ёки ўқув юртининг уйига яқинлиги; ё) моддий таъминланиш; ж) ўқув юрти кўринишининг чиройлилиги ёки унга жойлашиш осонлиги.

Шунингдек, бошқа турдаги мотивлар, масалан, шахснинг бирор касбга, фанга мойиллиги, мақсади, унга интилиши, касб тўғрисидаги маълумоти, ўзининг сиҳат-саломатлиги, асаб системасининг ва темпераментининг хусусияти ва ҳоказолар ҳам бўлиши мумкин.

Илк ўспиринларда касблар ҳақида яққол тасаввур бўлмаслиги сабабли, улар кўпроқ хатога йўл қўядилар. Танланган ёки танланиши зарур бўлган касб қандай шахсий фазилатларни талаб қилишини тушуниб етмайдилар. Ўз қобилиятларини оқилона баҳолай олмасликлари туфайли у ёки бу касбни эгаллаш учун қанчалик тез ва аниқ ҳаракат қила олишларини, бу ишга мослаша олишлари мумкинлигини билмайдилар. Бироқ ҳозир мазкур кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун қуйидаги педагогик-психологик омилларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир: 1) касбларни ўрганиш усулларини ишлаб чиқиш, уларни таснифлаш ва лўнда қилиб ифодалаш; 2) ўқитувчининг касблар бўйича ташвиқот ишлари олиб бориши, ўқувчиларга касблар юзасидан маслаҳатлар бериши илк ўспирин ва унинг ота-онаси билан бирга касбга йўналтириш тадбирларини кўриб чиқиши; 3) уларни касбнинг асосий турлари билан таништириш; 4) меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларни касбга тайёрлаш ва қизиқиш уйғотиш; 5) психодиагностик ва касб танлаш усулларининг амалиётга татбиқ қилишга мослаштирилган турларни ишлаб чиқиш; 6) жойларда замон талабига мос касб танлаш хоналарини ташкил этиш; 7) касб танлаш тарғиботи юзасидан илк ўспиринларни оммавий ахборот воситаларига жалб қилиш ва психологик жиҳатдан тайёрлаш.

Тадқиқотчилар ва амалиётчилар томонидан касбга йўналтиришнинг усул ва усулиятлари ишлаб чиқилган. Касбларни хусусиятларига қараб

таснифлаш ва уларни маълум тартибга солиб ифодалаб беришга эришилган. Бу борада Е.А.Климовнинг схемаси алоҳида аҳамиятга эга. У қуйидаги касб турларини тавсия қилади:

1. Полизчи, чорвадор, асаларичи, зоотехник, агроном, ўрмончи – бионика мутахассислиги “инсон – табиат”.
2. Чилангар, токаръ, монтеръ, конструктор, радиотехник, муҳандис – техника мутахассислиги “инсон – техника”.
3. Официант, сотувчи, ҳамшира, ўқитувчи, тарбиячи, ташкилотчи – социономика мутахассислиги “инсон – инсон”.
4. Бўёқчи, нусха кўчирувчи, музикачи, бадий безовчи ёки пардозловчи, бастакор, ёзувчи, рассом – артономика мутахассислиги – “инсон – бадий образ”.

Оддийроқ ифодаланса, касбларни табиатга хизмат қилишга, техникага хизмат қилишга, инсонга хизмат қилишга ва бадий образлар устида ишлашга доир касбларга ажратиш мумкин. Лекин мазкур касблар таснифида уларнинг кўпчилиги ифодаланмаган. Ана шу гуруҳларга унлаб ёндош касб-хунарларни киритиш мумкин.

Касб танлашга йўллаш ва касбларни тарғиб қилиш усулларида бири – кўрсатмали воситалар, яъни фотостендлардан, китоблар кўргазмасидан, ёш рассом ва табиатшунослар ижодий фаолиятининг маҳсулидан, наққошлик ва техника тўғараги ишларидан фойдаланишдир. Бундан ташқари, музейларга экскурсия уюштириш орқали ҳам айрим касбларга қизиқиш уйғотиш мумкин.

Юритилган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, касб-хунар тўғрисида ахборотлар, маслаҳатлар беришнинг ўзи онгли равишда касб танлаш учун етарли эмас. Шунга кўра, илк ўспирин ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтириш, уларни мустақил билим олишга ўргатиш уларга ўзларини муайян фаолиятда синаб кўриш имкониятини яратади. Лекин касбга йўналтиришнинг бошқа йўл ва воситаларини ҳам қидириш ва қўллаш керак.

Меҳнат психологиясининг мутахассислари касбга йўналтиришнинг бошқача усуллари: барча фанларни ўқитишнинг политехник жиҳатини чуқурлаштиришни; табиий-математик фанларда атрофдаги ишлаб чиқаришдан объект сифатида фойдаланишни; ижтимоий туркумдаги фанларни ўқитишда ўлкашунослик материалларини қўллаб ўқувчиларнинг касбга қизиқишни ошириш, меҳнатга иштиёқ уйғотишни; дарсларда касблар ҳақида ахборотлар бериб боришни; меҳнат соҳалари билан ўқувчиларнинг мустақил танишиши учун шароит яратишни тавсия этмоқдалар.

Қишлоқ шароитида касб танлаш бўйича қўшимча имкониятлар ҳам мавжуд. Чунончи, ёзда ўқувчиларни ишлаб чиқаришга бемалол жалб этиш мумкин. Бунда жисмоний меҳнатга уларни қизиқтириш, меҳнат нашидасидан

баҳраманд этиш, уларда мамнуният ҳиссини таркиб топтириш, уларда режали меҳнат қилиш кўникмасини вужудга келтириш, жавобгарлик ва масъулият ҳиссини таркиб топтириш лозим. Илк ўспиринларни меҳнатга тайёрланишга рағбатлантиришни малака даражасини бериш билан якунлаш маъқул. Ишлаб чиқариш мавсумида ўқувчилар бригадаларини тузишда уларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари ва ақлий камолотини ҳисобга олиш зарур. Бригадаларда ишлаш меҳнат ва касбга психологик тайёргарлик босқичи бўлади. Ўқувчилар ўзининг қайси касб-ҳунарга яроқлилиги ёки яроқсизлигини амалий ишларда синаб кўрадилар ва ўзларига ишонч ҳосил қиладилар.

Касб танлашда илк ўспирин йигит-қизларда қатор мақсадлар вужудга келиши мумкин. Дастлабки мақсад – бош мақсад деб аталади ва у умумхалқ меҳнатига ўз улушини қўша оламанми, қандай инсон бўлиб етишаман, ҳаёт ва фаолият идеалларим нималар бўлиши лозим, деган фикрлардан иборат бўлади. Яқин ва яққол мақсад – дастлабки фаолият соҳаси, мутахассисликни қандай ва қаерда эгаллаш, ўқишни тугатгач, дастлабки меҳнат фаолият қайси лавозимдан бошланиши, меҳнат маҳоратини ошириш истиқболлари ҳақидаги мулоҳазалардан ташкил топади. Психологик нуқтаи назардан мақсадга эришишнинг ташқи ва ички шарт-шароитлари мавжуд. Ташқи шароитларга мақсад йўлидаги ҳар хил қийинчиликлар, қарама-қаршиликлар, зиддиятлар мазкур муассаса ёки ташкилотнинг имкониятлари, муайян субъектга – ёш касб эгасига кўрсатиши мумкин бўлган қаршилиги ва ҳоказолар киради. Мақсадга эришишнинг ички шарт-шароитларига шахснинг имкониятлари, сиҳат-саломатлиги, ақлий қобилияти, тиришқоқлиги, иродавий сифатлари (чидамлилиги, сабр-тоқати) танлаган касби бўйича ишлаши учун зарур фазилатлари ва ҳоказолар киради.

Психология фанида мақсадга эришиш фаолиятининг қўшимча, ёрдамчи турлари ҳам амалда учраб туради. Улар асосий мақсад воситалари иш бермай қолганда қўлланади. Илк ўспиринлар тажрибасида шундай ҳоллар рўй берадики, асосий мақсадни амалга оширишда, енгил қийин тўсиқларга дуч келинади, ана шундагина ёрдамчи воситалардан фойдаланилади. Бундай ҳолатни тасаввур этиш учун уларнинг тажрибасидан қуйидаги кўчирмани келтирамиз: “Танлов бўйича яқин орадаги касб-ҳунар коллежига кира олмайман, шунинг учун худди шу мутахассислик бўйича коллежга кириш учун ҳаракат қиламан...” Касб танловчи илк ўспириннинг мулоҳазасидан кўриниб турибдики, у бир эмас, балки бир нечта қўшимча мақсаддан фойдаланишга интиляпти. Шунга ўхшаш мақсадга эришишнинг қўшимча, ёрдамчи йўл ва воситалари учраши мумкин. Қўйилган мақсадни рўёбга чиқариш учун интилиш касб танлаш жараёнида уларнинг шахсиятида

журъатлиликни вужудга келтиради. Бу фазилат илк ўспирин шахсининг ажойиб ютуғидир.

Академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларининг профессиограмма билан танишишида асосий мақсад қуйидаги таркибий қисмларни, жиҳатларни ўз ичига қамраб олади: а) асосий меҳнат қуроллари – касб танловчининг диққати, шижоати, фикр-хаёли – худди шу қуролларига қаратилган ва йўналтирилган бўлиши керак; б) асосий меҳнат операциялари: меҳнат қуроли билан қандай фаолиятни амалга ошириш имконияти мавжудлигини аниқлаш ва қайси соҳаларда ишлатиш мумкинлигини билиш; ишлаб чиқариш жараёнидаги операцияларнинг ролини тўғри тасаввур қила олиш; операцияларнинг янги вариантларини қидириб топиш учун ҳаракат қилиш; в) асосий қурооллар ва воситалар; қўл асбобларидан – чилангар, хирург, ғижжакчи, камон чалувчи каби касб эгалари фойдаланади; г) меҳнат шароитлари: касб танловчини қуршаган табиий муҳит ва шароитлар, кишилар ва ҳоказолар.

Юқоридаги мулоҳазаларга асосланиб, илк ўспиринларни ўз қизиқишлари, майл, эҳтиёж, иқтидор, қобилият, кўникма ва малакаларини ҳисобга олган ҳолда касб танлашга йўналтириш жамиятнинг ривожини учун пухта замин ҳозирлайди.

Илк ўспиринларнинг турмуш ҳақидаги тасаввурлари. Илк ўспиринлик ёшида инсон учун энг муҳим ҳиссиёт севги вужудга келади. У ўртоқлик, дўстлик туйғулари замирида пайдо бўлади. Севги мазкур ёшдаги ўқувчиларнинг ҳиссий дунёсида мутлақо янги ҳолат бўлиб, у ўсмирларнинг шундай ички кечинмаларидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, ўсмирларда ҳам меҳр-муҳаббат туйғуси, ишқибозлик, кўнгил қўйиш, қумсаш кўринишларида акс этади. Лекин илк ўспириннинг севгиси чуқур, кучли, оташин, ҳақиқий бўлади. Мана шу ёшдаги ўғил-қизлар севгиси ўзининг софлиги, беғуборлиги, маъсумлиги, ибобилиги, ширин кечинмаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Илк ўспиринлик даврида вужудга келадиган ҳис-туйғуларни тўғри идора этиш, йигит ва қизларга севги муносабатларининг нақадар нозиклигини, бўлажак оиланинг бахти ҳақидаги тушунчаларни тўғри англашиш яхши натижа беради. Йигит ва қизларнинг маънавий оламида учрайдиган айрим зиддиятларни бартараф этишда, уларни келажакда оиланинг тақдирига юзаки муносабатда бўлмасликка ўргатишда ва оила қуришга тайёрлашда жинсий тарбия муҳим аҳамиятга моликдир.

Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги бир-бирига содиқлиги ва ҳоказоларни ёшлар онгига сингдириш зарур. Бунинг учун ўқитувчи ўзбек миллий турмуш тарзидан аниқ мисоллар келтириши лозим. Чунончи, хотин-

қизларга паст назар билан қараш ҳуқуқдаги нотенглик ҳолларини ёшларнинг кўз олдига келтириш, уларни ўзига ўзи ўт қўйган, сирка ичган, ўзини осган аёлларнинг аянчли аҳволидан хабардор қилиш керак.

Илк ўспирин йигит ва қизлар эркак ва аёлнинг муносабатларини ётиғи билан тушунтириш ота-она, шифокор, синф раҳбари ва ўқитувчиларнинг муҳим вазифаларидир.

Таълим тизимида илк ўспиринларга ўзларидаги жисмоний, физиологик ва психик ўзгаришлар; йигит ва қизларнинг ўзаро муносабатлари шаклланиши; севги, оилавий турмуш, унинг мақсади ва ижтимоий, гигиеник, масалалари тўғрисида махсус билимлар бериш лозим. Тарбиявий соатлар, шифокор билан суҳбат, оила аъзоларининг маслаҳатлари каби тадбирларга жиддий эътибор бериш керак.

Ота-оналар ва ўқитувчилар илк ўспирин йигит ва қизларга севгининг икки тури – шахвоний туйғу заминиде вужудга келадиган беқарор севги ва чинакам дўстлик, инсоний муносабатлар асосиде пайдо бўладиган ҳақиқий севги борлигини тушунтиришлари лозим. Қизларда ҳақиқий севги куртаклари ўғил болаларга нисбатан эрта уйғонади, улар бир умр ўзларига йўлдош ва доимо ғамхўрлик қиладиган кишининг муҳаббатига сазовор бўлишни орзулайдилар. Баъзан қизларда ҳам беқарор ҳислар юзага келиши мумкин.

Ота-онанинг ўзаро яхши муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатларини тўғри шакллантиришга ёрдам беради. Она қизиде мулойимлик, ширинсуханлик, қизларга хос орият, уятчанлик, ибо, иффат каби фазилатларни тарбиялаш билан бирга, унга уй-рўзғор юмушларини ўргатиши ҳам лозим. Акс ҳолда нималар бўлишини маънавий қашшоқ, енгил-елпи ҳаётга кўникиб, тубанлик ботқоғига ботиб қолган айрим аёлларнинг аянчли қисматида мисол келтириш орқали тушунтириши зарур.

Илк ўспиринларни турмуш қуришга тайёрлашда мактаб билан оиланинг ҳамкорлиги муваффақият гарови ҳисобланади. Рўй бериши мумкин бўлган руҳий, жисмоний изтиробларнинг олдини олиш жуда мураккаб иш. Ўқитувчилар жамоасининг ўзи бу ишни бажара олмайди. Шунинг учун уни ота-оналар ва жамоатчиликка таяниб амалга ошириш зарур.

Илк ўспирин йигит-қизларнинг ҳаётий режалари билан танишишда уларнинг майли, қизиқиши ва нафис туйғуларига, эзгу мақсад сари интилишларига алоҳида аҳамият бериш лозим. Йигит ёки қизнинг руҳияти ва маънавиятига тўғри йўл топиш орқали унинг феъл-атворида ўзгаришлар ҳосил қилиш мумкин.

Оиладаги соғлом муҳит, одамийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзанднинг руҳий дунёсига ижобий таъсир кўрсатади.

Оиладаги тарбиявий ишлар таълим тизимида мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши, илк ўспиринларни турмуш масаласига илмий нуқтаи назардан қарашга ўргатиш лозим. Йигит ва қиз ўртасидаги муносабатлар анча мураккаб бўлиб, улар аста-секин шаклланади, бу муносабатларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан синф раҳбарининг фаолиятига боғлиқдир. У ўз ишини йигит ва қиз ўзаро дўстлик муносабатларини аъло ўқиш, намунали хулқ, жамоат ишларида фаол қатнашиш билан амалга оширадиган йўсинда ташкил этиши керак. Шунингдек, таълим тизимида илк ўспирин йигитлар қизларга ёрдам берадиган, қизлар эса бу ёрдамни қадрлаб уларга меҳрибонлик туйғусини намоён қиладиган вазиятларни яратиш керак.

Академик лицей ва коллежда ўқиш даврида ҳар иккала жинсдаги ўқувчилар ўзаро дўстона муносабатда бўлишлари, бир-бирига ёрдам беришлари, ўзаро ҳурматда бўлишлари шарт. Лекин улар ўртасида муқаддас, ҳеч бузилмайдиган парда, чегара бўлиши маъқул. Йигитнинг бурчи қизни авайлаш, унинг шарм-ҳаёсини паймол қилмаслик, тақдирга юзаки қарамаслик; қиз эса ўз навбатида уятчан, шарм-ҳаёли, андишали, камтар, қизларга хос ғурурли, назокатли бўлишлари даркор. Қизлик ор-номусини паймол қиладиган хатти-ҳаракат ва ҳирсга берилмаслик келажакдаги бахтиёрлик учун зарурлигини ҳар бир қиз билиб қўйгани яхши.

Илк ўспиринларга оила қуриш ҳақида тушунча беришда бахтли, тинч-тотув яшаш, бир-бирига ишонч, садоқат бўлиши кераклигини ўқитириш билан бирга, уларни оилавий турмушда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлардан ҳам огоҳлантириш керак, албатта. Уларга оилада бўлиб турадиган жанжалларда охирини ўйлаб иш тутиш зарурлигини ўқитириш лозим.

Никоҳга тайёргарликнинг муҳим жиҳатларидан бири куёв-қайлиқнинг ўзаро қайнота, қайнона, қариндош-уруғлар, хонадоннинг яқин кишилари олдидаги бурчларини англаб олишдир. Мустаҳкам ва барқарор оила қуришнинг асосий шартларидан бири – келиннинг бошқа шароитга кўникиши, бегона турмуш тарзига мослашувидир. Унинг синалмаган оилага, ундаги иқтисодий-молиявий тартибга, нотаниш қадриятларга, анъаналарга, маросимлар, расм-русмларга ўрганиши ҳам осон эмас. Буларнинг ҳаммаси ёш келиннинг жисмоний, ахлоқий, маънавий ва руҳий жиҳатдан тайёргарлигини талаб қилади.

Ўқитувчилар академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчиларининг ота-оналари билан олиб бориладиган ишларда асосий эътиборни болалар руҳий дунёсининг мураккаб томонларини ёритишга қаратишлари керак. Уларда танқид ва ўзини ўзи танқид, ўзини тута билиш, ўз хатти-ҳаракатини

назорат қилиш ва тўғри баҳолаш, ўзини идора қилиш каби хусусиятларни ривожлантириш зарур.

Тарбиянинг муҳим қуроли нутқ ҳисобланади. Шунинг учун ота-она ўз нутқида ёқимсиз ибораларни ишлатмаслиги, мантиқсиз, ёқимсиз оҳанг билан болаларни ранжитмаслиги, уларда ишонч ҳиссини вужудга келтирмайдиган, носамимий фикрларни айтишдан сақланишлари керак. Ҳаётда мулойимликка, ширинсуханликка, самимийликка, соф виждонли бўлишга нима етсин! Мазах қилиш, баъзан ноўрин ҳазиллашиш орқали ҳам фарзандларнинг мурғак қалбини чўктириш мумкин.

5.4. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал муносабатлар

Ўсмирлик ва ўспиринлик давлари нафақат профессионал танлов ва касб эгаллаш учун мақбул давр бўлмай, бу давр ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз кадр - қимматини билиш ва бошқаларга нисбатан муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш даври ҳамдир.

Ўсмир ҳам ўспирин ҳам қанча ички руҳий изтироб, қарама-қаршилик, масъулият онларини бошидан кечирмасин, унинг эмоционал олами, атроф - муҳитда рўй бераётган ҳодисаларни онгида акс эттириши катта ўрин тутadi. Айнан ўсмирлик даври бола қалбида ким биландир сирлашиш, кимнидир ўзига энг яқин киши сифатида тан олиш, уни руҳиятида кечаётган барча ўзгаришлардан вофиқ этиш истаги ва эҳтиёжини уйғотади. Биринчи марта «дўстлик», «муҳаббат», «севги » тушунчалари ҳам айнан шу даврда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам етуклик ва кексалик давридаги кишилар ҳам ўсмирлик ва ўспиринлик йилларини энг беғубор, жозибали ва ёқимли сифатида хотирлайдилар.

Бу тараққиёт даври аттракция деб аталмиш ҳиссиётнинг пайдо бўлиши учун энг мақбул даврдир.

Аттракция (лотинча *attrahere* - ёқтиртириш, ўзига жалб этиш) - бу бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ёқиши ва ёқтириши, ўзаро мойилликни тушунтирувчи эмоционал ҳисдир. Бу бир одамда бошқа бир одамга нисбатан шаклландиган ижтимоий ўрнатилган бир кўриниши бўлиб, симпатия - ёқтиришдан тортиб, то сеvgи муҳаббат каби чуқур эмоционал боғлиқлик ҳам шу ҳис асосида пайдо бўлади.

Ижтимоий психологияда ушбу ҳиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлар - шерикларнинг бевосита битта макон ва замонда эканликлари, уларнинг тез - тез учрашиб туришлари, учрашувлар тезлиги, суҳбатдошлар ўртасидаги масофа, ҳиссиётларнинг тарбияланганлиги каби омиллар таъсирида пайдо бўлиши ва унинг кечиш механизмлари ўрганилади.

Тадқиқотлар бу каби эмоционал муносабатлар айнан балоғат ёши арафасида ривожланишини исбот қилган. Шуниси аҳамиятлики, аттракциянинг намоён бўлиши, унинг кучи ва мазмуни ўсмир - ёшнинг шахс сифатида ўзини идрок қилиши, ўз-ўзини ҳурмат қилиши ва ўзгаларга нисбатан муносабатларда тоқатлироқ бўлишига бевосита таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам ана шу даврда ўсмир ва ўспирин атрофида у ёқтирган ва уни ёқтирадиган одамларнинг бўлиши жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, унинг акси бола руҳий азобланишининг сабабларидан ҳисобланади.

Дўстлик. Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида пайдо бўладиган барча муаммоларни ечиш ва у билан ўртоқлашиш учун болага дўст керак. Психолог тили билан айтганда, дўст - бу «алтер-Эго», яъни иккинчи «Мен» бўлиб, у ўша пайтдаги «Мен»нинг бир қисми сифатида идрок қилинади. Бу шундай одамки, шахс у билан барча дарду-ҳасратларини муҳокама қилади, муаммоларини унинг олдига тўкиб солади.

Дўстликнинг бошқа интим, эмоционал ҳиссиётлардан фарқи шуки, у одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади ва дўстлар одатда 2 киши, айрим ҳолларда 3-4 киши бўлиши мумкин. Дўстликнинг ҳам кўзлаган мақсадлари бўлади: у амалий, иш - фаолият билан боғлиқ, соф эмоционал (яъни, мулоқот эҳтиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни ҳал қилишга асосланган), ахлоқий (ўзаро инсоний сифатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи) бўлиши мумкин.

Дўстликнинг асосий шарти - ўзаро бир-бирини тушуниш. Шу шарт бўлмаса, дўстлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар ана шундай тушуниш бўлса, дўстлар гап-сўзсиз ҳам қилиқлар, юз ифодаси, юриш - туришга қараб ҳам бир - бирларини тушуниб олаверадилар. Икки жинс вакиллари ўртасида ҳам дўстлик бўлиши мумкин, фақат у кўпинча танишув билан севги-муҳаббат ўртасидаги ораликни тўлдиришга хизмат қилади.

Дўстларга хос бўлган сифатларга бир-бирини аяш, ғамхўрлик қилиш, ишонч, шахсий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, қўллаб-қувватлаш, меҳр кабилар киради. Уларнинг ардоқланиши дўстликнинг узоқ давом этиши ва иккала томон манфаатига мос ишларни амалга оширишга ундайди. Дўсти йўқ ўсмир ёки ўспирин ўзини жуда бахтсиз, ночор ҳисоблайди. Айниқса, агар дўсти хоинлик қилса, унинг кутишларига зид иш қилса, бу ҳолат жуда қаттиқ руҳий изтиробларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ёш ўз дўстини ҳафа қилиб қўймаслик, унинг кўнглига қараб иш қилишга ҳаракат қилади. Агар илк ўспиринликда дўстлик мазмунан анча юзаки, бевосита мулоқот мақсадлари асосида ташкил этилган бўлса, ёш ўтган сари у ҳаёт мазмуни ва юксак қадриятига айланиб боради.

Севги. Агар дўстлик аттракция намоён бўлишининг биринчи кўриниши бўлса, севги қалблар яқинлашувининг муҳим аломатидир. Севги - бу нафақат ҳиссиёт, балки бошқаларни сева олиш қобилияти ҳамда севимли бўла олишдир. Шунинг учун ҳам ўсмирлар ва ўспиринлар учун бу ҳиссиётнинг борлиги жуда катта аҳамиятга эгадир.

Айнан ўсмирлир ва илк ўспиринликдаги севги беғубор, тиник, самимий бўлиб, ёш ўтган сари унинг мазмуни бойиб, бошқа қадриятлар ҳам ўрин эгаллай бошлайди. Тўғри, ўсмир билан ўспирин севгисида ҳам сифат фарқлари бор. Масалан, ўсмирлар бир-бирларига меҳр қўйишганда кўпроқ шерикларнинг ташқи қиёфалари, интеллектуал имкониятлари ва ижтимоий мавқеларига эътибор берадилар.

Ҳақиқий севги ўспиринлик йилларининг охирларида пайдо бўлиб, унинг асосий мезони энди ташқи белги ва афзалликлар эмас, балки инсоний фазилатлар бўлиб хизмат қилади. Севги - бу шундай туйғуки, у бир шахснинг иккинчи шахс устидан мутлоқ устунлиги ёки афзаллигини инкор этади. Бундай ҳиссиёт эса севги бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўспиринлик ёшидаги йигит ва қизлар гуруҳда мулоқотда бўлишни ва бунда тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлишини хоҳлайдилар. Бу талаб севишганлар учун ҳам қонун ҳисобланади.

Дўстликдан фарқли, бу ерда турли кўринишлар ёки турларни ажратиш мумкин эмас. Бу ҳиссиёт шундайки, у томонларни фақат ахлоқан ва маънавий жиҳатдан яқин бўлишини тақозо этади. Севган юрак маънавий жиҳатдан яхши, улуғ ва ижтимоий жиҳатдан манфаатли ишларни қилишга қодир бўлади. Тўғри, кўпчилик ота-оналар ўқувчилик йилларида пайдо бўлган севги ҳиссидан биров чўчийдилар, уни чеклашга, ҳаттоки, қизларга таъқиқлашни ҳам афзал кўрадилар. Лекин айнан шу ҳиснинг борлиги ёшларни улуғворроқ, самимийроқ, ҳар нарсага қодир ва кучлироқ қилади. Севгида «иши юришмаганларнинг» эса бошқа соҳаларда ҳам иши юришмайди. Улар ўзларини тушкун, бахтсиз, омадсиз ҳисоблайдилар.

Олимлар севгининг ёшларда намоён бўлиши ва унинг психологик таҳлилини ўрганишган. Маълум бўлишича, севгининг дастлабки босқичи - ўзаро ёқтириб қолиш - симпатия бўлиб, бунда асосан севги объектининг ташқи жозибаси роль ўйнайди. Масалан, ўзбек хонатласини чиройли қилиб тиктириб олган қизчанинг даврада пайдо бўлиши, табиий кўпгина йигитларнинг эътиборини беихтиёр ўзига тортади.

Улардан кўпчилиги бирданига, бир вақтда айнан шу қизчани «ёқтириб» қолишади. Лекин даврадаги қайси йигит унга ҳам маълум жиҳатлари билан ёқиб қолса, ўзаро симпатия шу икки шахс ўртасида рўй беради. Вақтлар ўтиб, бу икки ёш бир неча марта учрашиб туришса, оддий ёқтириш севгига,

жиддийроқ нарсага айланиши мумкин. Шу нарса маълумки, айнан шу қонуниятни билгани учун ҳам кўпчилик ўспиринлар биринчидан, давраларда бўлишни, қолаверса, бировларга ёқиш учун ташқи кўринишларига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қиладилар. Ёқимтой бўлишга ҳаракат қилсаю, бирортанинг эътиборини ўзига тортолмаган ўспирин эса бу ҳолатни жуда чуқур қайғу билан бошдан кечиради.

Агар худди шундай нарса бир неча марта сурункалик такрорланса, ўша ёш давраларга ҳам бормай кўядиган, ўзи ҳақида ёмон фикрларга борадиган, фақат айрим ҳоллардагина ҳаммани ўзига «душман» билиб, ҳафа бўладиган бўлиб қолади. Экспериментал изланишларнинг кўрсатишича, севишганлик ўспирин ёшларнинг шахс сифатларига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг ҳатти - ҳаракатларида намоён бўлади. Масалан, севишганлар бошқалардан фарқли, икки марта зиёд ўзаро гаплашишар, гаплари сира адо бўлмас экан. Бундан ташқари, бундайлар саккиз (!) марта ортиқ бир - бирларининг кўзларига қараб вақт ўтказишаркан.

Яна шу нарса аниқланганки, севги билан боғлиқ ҳиссиётлар ҳар бир жинс вакилида ўзига хос хусусиятларга эга экан. Масалан, ўспирин ёшлар қизларга нисбатан романтизмга берилувчан, тезгинада яхши кўриб қоладиган бўлишаркан. Уларнинг тасаввуридаги севги анча романтик, идеал кўринишга эга бўлади. Қизлар эса йигитларга нисбатан секинроқ севиб қолишади, лекин севгини унутиш, ундан воз кечиш уларда осонроқ кечаркан.

Агар йигитлар бир кўришдаёқ ёқтириб қолган қизни севиб ҳам қолиши эҳтимоли юқори бўлса (экспериментларда севги билан симпатиянинг корреляцион боғлиқлиги кучли), қизларда бундай боғлиқлик анча паст экан, яъни ҳамма ёқтирганларини ҳам севмас экан, умуман симпатиянинг пайдо бўлиши ҳам биров қийин экан.

Бундай ташқари, ўспиринлик йилларидаги севги ва муҳаббат ҳисси нафақат қарама-қарши жинс вакилига қаратилган бўлади, балки айнан шу даврда ота-онанинг кадрланиши ва уларга нисбатан севги-муҳаббат, яқинлар ака-ука, опа-сингил, ҳаётда ибрат бўладиган кишиларни яхши кўриш, Ватанни севиш каби олий ҳислар ҳам тарбияланади.

Шунинг учун ҳам ҳақиқий юксак муҳаббат соҳиблари бўлмиш ёшларни тарбиялаш - жамиятда инсоний муносабатларни барқарорлаштириш, одамлар ўртасида самимий муносабатлар ўрнатиш ва маънавий юксалтиришга хизмат қилади. Таълимнинг барча босқичида маънавий тарбиянинг ажралмас бўлаги сифатида ана шундай самимий муносабатларни тарбиялаш, тарғиб этиш, керак бўлса, ёшларга ана шундай севги ва садоқат ҳақидаги кадриятларимизни онгга сингдиришимиз керак. Севги ва муҳаббат ҳислари

кенг маънода - Ватанга, юртга, халққа, борлиққа, касбга ва яқин кишиларга қаратилган бўлиши керак.

Мавзу юзасидан қисқача хулосалар:

Ушбу мавзу орқали шахс психологияси ва характерининг ёшга боғлиқлиги, ёш давлари классификацияси, ҳар бир ёш даврининг ўзига хослиги, ёш давлари кризислари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал борликнинг намоён бўлиши, ўспиринлик давридаги дўстлик, севги ва садоқат ҳисларининг кўринишлари, уларни тарбиялаш йўллари кўрсатиб утилган. Ёш давлари психологияси ва акмеологиянинг касб танлаш ва касбга йуналтириш муаммолари бўйича ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. Бу каби маълумотлар талабаларнинг ўз-ўзини англашларига ва тенгқурлари, атрофдагилар билан етарлича ўзаро тушунишларига ёрдам беради.

Мавзунини мустаҳкамлаш бўйича саволлар:

1. Ёш давлари психологиясининг предмети ва вазифалари.
2. Шахс психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи омиллар.
3. Психик тараққиётнинг генетик ва ижтимоий омиллари.
4. Психик тараққиёт жараёнида шахс ва интеллектуал ривожланиш масаласи.
5. Шахс психик ривожланишини даврларга бўлиш.
6. Ўсмирлик даврида шахсий сифатларнинг шаклланиши омиллари
7. Ўспиринлик даври ва профессионал йўналиш муаммоси. Шахс ва касб - ҳунар муаммоси.
8. Аттракция, унинг моҳияти ва кўринишлари.
9. Севги ва дўстлик ҳисларининг психологик табиати.
10. Ёшларда юксак маънавий - ахлокий сифатларни тарбиялаш.

Тестлар:

1. Тадқиқотчи Лазарев маълумотларига кўра интеллектуал ва ижодий етуклик даври неччи ёшга тўғри келади?

- *А) 35 ёш
- Б) 32 ёш
- С) 25 ёш
- Д) 45 ёш

2. Инсон ёш давларини тараққиётнинг даврлаштириш қайси назариялар кесмида кўриб чиқилади?

- А) Биогенетик

- Б) Социогенетик
- С) Психогенетик
- *Д) Барча жавоблар тўғри

3. «Дўстлик», «Муҳаббат», «Севги » каби тушунчларгақўпроқ урғу бериш қайси даврга тўғри келади?

- А) Ўспиринлик
- Б) Болалик
- *С) Ўсмирлик
- Д) Барча жавоблар тўғри

4. Геренталогия қайси даврга тўғри келади?

- А) Ўспиринлик
- Б) Болалик
- *С) Кексалик
- Д) Барча жавоблар тўғри

5. Сензитивлик ва акселерация даври қайси даврда яққол намаён бўлади?

- А) Ўспиринлик
- Б) Болалик
- *С) Ўсмирлик
- Д) Барча жавоблар тўғри

Мавзу юзасидан ижтимоий тренинглар:

“СОЯ” тренинг машғулоти.

Машғулот тавсия этиладиган ҳолатлар: гуруҳий психокоррекцион фаолиятда қўлланилиши мумкин бўлиб шахслараро муносабатларни, оилавий муносабатлар ва фарзанд ҳамда ота-она муносабатларида юзага келган бузилишларни коррекция қилиш, низоли вазиятларни бартараф этишда. Мақсад эътиборлилик, хотирани ривожлантириш, ички эркинлик ва хотиржамликни ошириш, ижтимоий идрок ва бошқаларга мослашиш кўникмасини ривожлантириш.

Фонда майин мусиқани паст овозда қўйиб қўйиш керак. Ҳамма иштирокчилар ўз жуфти билан туриб олишади. Бир киши “бошловчи” иккинчи одам унинг “сояси” вазифасини бажариши лозим. Бошловчи юриши, ҳар ҳил ҳаракатлар қилиши керак, соя эса унинг ортидан 2- метр узоқликда юриб уни ҳаракатларини ўхшатиб аниқ қайтариши лозим. 5-10 дақиқа ёки битта мусиқа тугагач роллар алмашиниши лозим.

Бунда бошловчига турли ҳаракатлар қилишга стимул бериш лозим. Иштирокчиларга кўпроқ ҳаракат қилиш учун бу машғулот каттароқ тренинг аудиториясида ёки очиқ майдонда ўтказилиши ҳам мумкин. Бошловчи, тасаввурий ҳаракатлар қилиши, юриши, югуриши, гул узиши, ўтириб олиши, бир оёқда сакраши, ортига қараши...мумкин. Соя эса уни ҳаракатини қайтариши лозим.

Эслатма: агар она ва фарзандлар жуфтлигида ўтказилганда машғулотни катталар бошловчи сифатида бошлашлари керак. Кейин рол алмашилади.

Машғулот тугагач, мақсаддан келиб чиқиб психолог муҳокама олиб бориши керак. Бунда бир бирига мослашиш жараёнида улар нимани ҳис қилганини, қандай ноқулайлик ва қийинчиликлар бўлганини, бу машғулотда нималарни англаганликлари ёхуд нималарни бу машғулот англатиш мумкинлигини сўраш мумкин. Муҳокамалардан сўнг машғулотни якунлаш учун психокоррекцион хусусиятга эга бўлган бирор воқеа айтиб берилиши ёки тавсиялар берилиши ҳам мумкин.

Олма-олча

Мақсад: диққат ва эшитиб реакцияга киришиш жараёнини ривожлантириш, ижобий кайфиятни шакллантириш.

Жараён: биринчи навбатда иштирокчилардан икки кишилик кичик гуруҳлар (жуфтликлар) ҳосил қилинади. Улар бир бирига юзма-юз туриб олишлари ва қўлларини худди саломлашишда қўл сиқишгандагидай, лекин 5-10 см масофа сақлаб қўлларини текказмайин туришлари керак. Шундан сўнг шарт тушунтирилади, бунда тренердан ўнг тарафда турган иштирокчилар олма деб аталадилар ва тренердан чап томонда турганлар олча деб аталадилар. Агар тренер олма сўзини айтса, “олма”лар (яъни олма деб аталган иштирокчилар) “олча”ларнинг (олча деб аталган иштирокчиларнинг) қўлини ушлаб олишлари керак, бунда “олчалар” қўлларини олиб қочишлари лозим. Агар тренер аксинча олча сўзини айтса “олчалар” “олмаларнинг” қўлларини ушлаб олишлари керак, бунда “олмалар” қўлларини тезда олиб қочиш учун улгуришга ҳаракат қилиши жоиз. Тренер учун шарт шуки, у олма ва олча сўзларини шунчаки эмас, иштирокчиларни аввал ол ол ол ол ол ол деб чалғитиб туриб, кейин олма ёки олча сўзини айтиши муҳим. Олма ёки олча сўзларини тренер ихтиёрий тарзда қайсидир бирини айтади.

Ўйин икки-уч маротаба ўйналгач, олма ва олча номларини иштирокчилар ўзаро алмашишлари мақсадга мувофиқдир.

КЕЙС ВАЗИЯТ

Олмониялик ҳуқуқ бўйича профессор ўқитувчи ёзма имтиҳонда қуйидаги масала билан бутун босқич талабаларини йиқитган экан:

Унга кўра икки қўшни ўртасида келиб чиққан баҳсли вазиятни ҳал қилиш керак эди. Ҳар йили бирининг боғидаги олмалар иккинчисининг гулзоридаги лолалар устига тушиб, гулларнинг нозик ниҳолларини синдирар эди. Ким ҳақ, ким ноҳақлигини аниқлаш мақсадида талабалар мураккаб олмон қонунчилиги бўйича ўзларининг ажойиб билимларини намоён қилишди ҳамда уларнинг бир қисми боғбонни, иккинчи тараф эса гуллар ишқибозини ёқлаб чиқдилар. Ва ҳеч бири имтиҳондан ўтолмади.

Сабаб оддий эди: олмалар кузда тушарди, лолалар эса баҳорда бўларди!

Профессор таклиф қилган вазиятга ҳаётда ўрин йўқ эди, талабалар шуни ҳисобга олишмаганди. Ўқитувчи кодексларни қуруқ ёдлаш билан иш битмаслиги, балки соғлом мантиқни унутмаслик кераклигини таъкидлаб, барча эътирозларни рад этган.

VI-БОБ. ШАХС ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА. МУОМАЛА ТЕХНИКАСИ ВА СТРАТЕГИЯСИ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ИЖТИМОЙ ТАЪСИР МАСАЛАСИ.

Режа:

- 6.1.Инсоний муносабатлар психологияси
- 6.2.Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни
- 6.3.Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари
- 6.4.Ижтимоий психологияда ижтимоий таъсир масаласи.

Таянч тушунчалар: Инсоний муносабатлар, шахслараро муомала, мулоқотнинг психологик воситалари, ижтимоий таъсир, вербал ва невербал нутқ, мимика, пантамимика, жест, коммуникация

6.1. Инсоний муносабатлар психологияси

Шахс - ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилишининг энг асосий сабаби - унинг доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлишини англатади. Бу шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қилади. Мулоқотнинг тури ва шакллари турличадир. Масалан, бу фаолият бевосита «юзма-юз» бўлиши ёки у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали амалга ошириладиган; бирор профессионал фаолият жараёнидаги амалий ёки дўстона бўлиши; субъект-субъект типли (диалогик, шериклик) ёки субъект-объектли (монологик) бўлиши мумкин.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахсларо муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб одамлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, ҳис-кечинмалар, ташвишу - қувончлар алмашинувини назарда тутаяди. Одамлар мулоқотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар тажрибаси ортган сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир - бирларини бир қарашда тушунадиган ёки «яримта жумладан» ҳам фикр аён бўладиган бўлиб қолади, айрим ҳолларда эса ана шундай мулоқотнинг тиғизлиги тескари реакцияларни - бир-биридан чарчаш, гапирадиган гапнинг қолмаслиги каби вазиятни келтириб чиқаради. Масалан, оила муҳити ва ундаги муносабатлар ана шундай тиғиз муносабатларга киради. Фақат бундай тиғизлик оиланинг барча аъзолари ўртасида эмас, унинг айрим аъзолари ўртасида бўлиши мумкин (она - бола, қайнона - келин ва х-зо).

Ўзаро муносабатларга киришаётган томонлар муносабатдан кўзлайдиган асосий мақсадлари - ўзаро тил топишиш, бир-бирини тушунишдир. Бу жараённинг мураккаблиги, керак бўлса, «жозибаси», бетакрорлиги шундаки, ўзаро бир хил тил топишиш ёки томонларнинг айнан бир хил ўйлашлари ва гапиришлари мумкин эмас. Агар ана шундай вазиятни тасаввур қиладиган бўлсак, бундай мулоқот энг самарасиз, энг бетаъсир бўлган бўлар эди. Масалан, тасаввур қилинг, узоқ вақт кўришмай қолган дўстингизни кўриб қолдингиз. Сиз ундан хол-аҳвол сўрадингиз, лекин у ташаббусни сизга бериб, нимаики деманг, сизни маъқуллаб, гапингизни қайтариб турибди.

Бундай мулоқот жуда бемаза бўлган ва сиз иккинчи марта ўша одам билан иложи борица расман салом - аликни бажо келтириб ўтиб кетаверган бўлардингиз. Яъни, мулоқот фаолияти шундай шарт-шароитки, унда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, бетакрорлиги, билимлар ва тасаввурларнинг хилма-хиллиги намоён бўлади ва шуниси билан у инсониятни асрлар давомида ўзига жалб этади.

Ҳар қандай фаолиятдан зерикиш, чарчаш мумкин, фақат одам мулоқотдан, айниқса, унинг норасмий самимий, бевосита шаклидан чарчамайди, яхши суҳбатдошлар доимо маънавий жиҳатдан рағбатлантириладилар.

XXI асрда яшар эканмиз, одамнинг энг табиий бўлган мулоқотга эҳтиёжи, унинг сирларидан ҳабардор бўлиш ва ўзгаларга самарали таъсир эта олишга бўлган интилиши янада ошди ва бунинг қатор сабаблари бор. Биринчидан, индустриал жамиятдан ахборотлар жамиятига ўтиб бормоқдамиз. Ахборотларнинг кўплиги айнан инсон манфаатига алоқадор маълумотларни саралаш, у билан тўғри муносабатда бўлишни тақозо этди.

Ахборот XXI асрда энг нодир капиталга айланди ва бу ўз навбатида инсонларга зарур ахборотлар узатилиши тезлиги ва темпини ўзгартиради. Иккинчидан, турли касб-фаолият соҳасида ишлаётган одамлар гуруҳининг кўпайиши, улар ўртасида муносабатлар ва алоқанинг долзарблиги ахборотлар тизим шароитда оддийгина мулоқотни эмас, балки профессионал, билимдонлик асосидаги мулоқотни талаб қилади.

Умуман, XXI асрнинг корпорациялар асри деб, башорат қиладиган иқтисодчилар ҳам бу корпорация инсонларнинг ўзаро тил топишларига қаратилган малакаларнинг ривожланган, мукаммал бўлиши ҳақида гапирмоқдалар. Ундан ташқари, бу каби корпоратив алоқа кўп ҳолларда бевосита юзма-юз эмас, балки замонавий техник воситалар - уяли алоқа, факслар, электрон почта, Интернет кабилар ёрдамида аниқ ва лунда фикрларни узатишни назарда тутди. Бу ҳам ўзига хос мулоқот малакаларининг атайлаб шакллантирилишини тақозо этади. Учинчидан,

охирги пайтларда шундай касб-хунарлар сони ортдики, улар социономик гуруҳ касблар деб аталиб, уларда «одам-одам» диалоги фаолиятнинг самарасини белгилайди. Масалан, педагогик фаолият, бошқарув тизими, турли хил хизматлар (сервис), маркетинг ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай шароитларда одамларнинг атайлаб мулоқот билимдонлигининг оширилиши меҳнат маҳсулини белгилайди.

Шунинг учун ҳам мулоқот, унинг табиати, техникаси ва стратегияси, мулоқотга ўргатиш (социал психологик тренинг) масалалари билан шуғулланувчи фанларнинг ҳам жамиятдаги ўрни ва салоҳияти кескин ошди.

6.2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни

Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний кифоаси, фазилатлари, хаттоки, нуксонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди.

Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг функцияларини таҳлил қиламиз.

Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - суҳбатдошларнинг ўзаро бир-бирини тушунишларини таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий саломалик, очик юз билан кутиб олишдан бошланади.

Ўзбек ҳалқининг энг нодир ва буюк хислатларидан бири ҳам шуки, уйига биров кириб келса, албатта очик юз билан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол-ахвол сўрайди. Шуниси характерики, таъзияга борган чоғда ҳам ана шундай самимиятли қабулни ҳис қиламиз. Бу каби бирламчи контакт усуллари бошқа миллат ва ҳалқларда ҳам бор, яъни бу жиҳат миллий ўзига хосликка эга. Унинг иккинчи муҳим функцияси ижтимоий тажрибага асос солишдир.

Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич ҳайвонлар томонидан ўғриланиб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатганки, «мауглилар» биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади. Бундан ташқари, бундай ҳолат боладаги билиш қобилятларини ҳам чеклаши кўплаб психологик экспериментларда ўз исботини топди. Мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси - у одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, руҳлантиради.

Одамлар гуруҳидан узоқлашган, улар назаридан қолган одамнинг қўли ишга ҳам бормайди, борса ҳам жамиятга эмас, балки фақат ўзигагина манфаат

келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, кўплаб тадқиқотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишнинг унинг руҳиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узоқ вақт термокамерада бўлган одамда идрок, тафаккур, хотира, ҳиссий ҳолатларнинг бузилиши қайд этилган. Лекин атайлаб эмас, тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг мақсадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган.

Лекин барибир ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувозанатсизлик, ҳиссиётга берилувчанлик, ҳадиксираш, ҳавотирланиш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлганлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки ҳис қилаётган нарсаси хусусидаги гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Масалан, бир М.Сифр деган олим илмий мақсадларини амалга ошириш учун 63 кун ғор ичида яшаган экан. Унинг кейинчалик ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. «Биз, деб ёзади у, шу ҳаётсиз ғор ичидаги танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўргимчак билан гаплаша бошладим, унинг тақдири учун қайғура бошладим...»

Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу муҳитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамни ишлаш қобилиятини ҳам ошираркан, айниқса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма-ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз олдида турган ҳамкасбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва қўшимча ирода топади. Тўғри, бу ҳамкорликда ўша ёнидаги одам унга ёқса, улар ўртасида ўзаро симпатия ҳисси бўлса, унда одам ишга «байрамга келгандай» келадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Жон Морено асримиз бошидаёқ ана шу омилнинг унумдорликка бевосита таъсирини ўрганиб, социометрик технологияни, яъни сўровнома асосида бир-бирини ёқтирган ва бир-бирини инкор қилувчиларни аниқлаган ва социометрия методикасига асос солган эди.

Шундай қилиб, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини яқка тартибда эмас, балки коллегиял - биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлигини ҳисобга олсак, одамларнинг муомала маданияти ва мулоқат техникаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг муҳим омилларидандир.

6.3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

1. **Вербал таъсир** - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки, нутқ - бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси - сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам одам ўзидаги барча сўзлар заҳирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрсатишни хоҳлайди.

2. **Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб - пишиб, очик юз ва дадил овоз билан «Албатта бажараман!», деса ишонамиз, албатта.

3. **Новербал таъсирнинг маъноси** «нутқсиз» дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, хидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради.

Масалан, агар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ўртоғингиз сизга карамай, атрофга аланглаб, «Кўрганимдан бирам хурсандман», деса, ишонасизми? Мулоқот жараёнидаги характерли нарса шундаки, суҳбатдошлар бир - бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишни ўйлар экан. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги ҳаракатлар муҳим рол ўйнарган. Масалан, машҳур америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан.

Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин ҳалқ ичида юрган бир мақол тўғри: «Уст-бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади» Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. Таъсирнинг ташаббускори - бу

шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдалади. Агар бошлиқ иши тушиб, бирор ходимни хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, хол-аҳволни ҳам куюқрок сўрайди ва сўнгга гапнинг асосий қисмига ўтади.

Таъсирнинг адресати - таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг суҳбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса, ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

Мулоқот жараёнида суҳбатдошларнинг фазовий жойлашишлари ҳамда вақт мезонлари амалий аҳамиятга эга. Масалан, юзма-юз туриб гаплашиш, телефон орқали ёки қичқириб гапиришдан фарқ қилади. Ёки мулоқотнинг вақт мезонлари айниқса дипломатик учрашувга ўз вақтида келиш ва унда одоб-ахлоққа қатъий риоя қилиш ёки аксинча, шерикни ҳурмат қилмаслик, учрашувга кечикиб келиш, узокдан туриб гаплашиш, иякларни тепага қаратиб, кибор билан гапни бошлаш, музокараларнинг ҳар бир секунди ўзига хос маъно ва мазмун касб этади ва мос тарзда шархланади.

Юқорида таъкидланган ҳолатлар психологиядаги махсус бўлим - проксемика томонидан ўрганилади. Бу йўналишнинг асосчиси америкалик Э.Холл бўлиб, унинг ўзи проксемикани “фазовий психология” деб атаган. Масалан, у америкаликларга хос бўлган суҳбатдошнинг шеригига нисбатан фазовий жойлашуви хусусиятларини аниқлаб, мулоқотнинг турли шароити ва шаклига қараб, фазовий яқинлашувнинг ўртача қийматини аниқлаган:

- интим (яқин) масофа - 0 - 45 см;
- персонал (шахсий) масофа - 45-120 см;
- ижтимоий масофа - 120-400 см;
- оммавий масофа - 400-750 см.

Ҳар бир масофа ўзига хос мулоқот вазиятларига мос. Вақт ва фазо билан боғлиқ алоқаларнинг ўзига хос мажмуи *хронотоплар* деб аталади. Амалиётда “касалхона палатаси хронотопи”, “вагон йўловчилари хронотопи” ва бошқалар аниқланган.

Мулоқотнинг коммуникатив акти сифатида қуйидагиларни тасаввур этиш мумкин (6.1-жадвал)

6.1-жадвал

Коммуникатор адресант	Мулоқот субъекти сифатидаги омил намоён бўлади.
------------------------------	--

Рецепиент адересат	Бу маълумот кимга узатилмоқда
Маълумот	Нима узатилмоқда
Код	Қандай воситалар асосида
Мақсад	Нима учун узатилмоқда
Алоқа канали	Овоз, хат, эфир орқали алоқа
Натижа	Нимага эришилди.

Мулоқотда суҳбатдошларнинг кўз қарашлари - визуал контактлари ҳам катта аҳамиятга эга. Визуал контакт - бу қарашлар сони, уларнинг узоқлиги, қарашлардаги статика ва динамик алмашинувлар, кўз олиб қочишлар ва бошқалардир. Аргайл шулардан келиб чиқиб, “яқинлик (интимлик) формуласи”ни ишлаб чиққан ва бунда интимлилик даражаси суҳбатдошларнинг ўртасидаги масофага ва кўз қарашларга боғлиқлигини исботлаган. Чунки кўз қарашлар суҳбатдошнинг мулоқотга тайёрлиги, уни давом эттириш керак ёки керак эмаслиги ҳақида маълумот бериб, суҳбатнинг йўналишини белгилайди.


Яна бир муҳим таъсирчан белгилар мажмуини ўзига мужассам этган соҳа - бу юзимиздир. Илмий адабиётда юз қиёфасининг 2000 дан зиёд қирралари аниқланган. Уларни маълум тартибда тизимга солиш учун П.Экман “*FAST*” - *Facial Affect Scoring Technique* деб номланган методикани ҳам таклиф этган. Профессор [Пол Экман](#) визуал контактнинг юз соҳасига йўналишига кўра юз уч зонага бўлинади:

I - Нигоҳ кўз ва пешона соҳасига қаратилиши - “**бўйрук**” зонаси.

II - Нигоҳ кўз ва бурун ва бурун олди соҳасига қаратилиши- “**ижтимоий, дўстлик**” зонаси.

III - Нигоҳ кўз, оғиз, ияк ва ундан пастки соҳаларига қаратилиши- “**интим, яқинлик**” зонаси (6.1-расм).

6.1 -расм




Мазкур йўналишда узоқ йиллик тадқиқот олиб борган мутахассислардан Аллан Пиз ва Барбара Пиз ҳисобланади. Қуйида уларнинг “Новый язык телодвижений” номли китоби (М.,2010) дан новербал қилиқлар таснифини келтириб ўтамиз (6.2-расм):

6.2-расм



Биринчи расмдаги ҳолат- қўл кафтларининг чаккага қўйилганлиги унинг нимагадир жуда ҳайратланиб, қизиқаётганлигининг белгисидир.

Иккинчисида, агар суҳбат қизиқарли бўлмаса ёки ёқмаса қўлини юзига қўйиб, бош бармоқни даҳанига қўйиб, қолган бармоқлари билан оғзини бекитади.




3

6.3-расм.

Биринчи расмда қўллар кўкракда боғланган бўлса, бу суҳбатдошнинг берклиги, ҳимояланганлик, мулоқотда ёпиқлик рамзи.

Иккинчи расмда агар суҳбатдошнинг қўл кафтлари очик бўлса, бу самимийлик белгисидир.

Учинчи расм агар суҳбатдош елкаларини қисаётган бўлса, демак, у сиз билан бўлган суҳбатга бефарқ, унга барибир ёки тушунмаётганлик белгиси.



6.4-расм

Агар суҳбатдош иягига тегиб, ёки уни ишқалаётган бўлса, демак, у қарор қабул қилишга ҳаракат қилаётганлиги белгиси.



6.5-расм

Агар одам лабининг четига, бурнига тегиб, ёки уни ишқалаётган бўлса, демак, у ўз фикрига ишончсизлиги, ёлғон гапираётганлиги белгиси.

Агар суҳбатдошингиз бармоқлари билан столни тинмай чертаётган бўлса, демак, у бетоқат, ёки унга сиз билан суҳбатлашиш зерикарли, шунинг учун у асабийлашмоқда.

Агар у қўл бармоқларини қисаётган бўлса, демак, у нимадандир жуда хавотир, ўзини ҳимоясиз ҳис қилмоқда.

Суҳбатдошнинг қўлларини мушт қилиб туриши ундаги вазоҳат белгиси, лекин у бу ҳолатни, баджаҳлликни назорат қилмоқчи.

Агар суҳбатдошнинг қўллари беҳол бўлиб, кафтлари юқорига қаратилган тарзда олдинга интилган бўлса, демак, у нимадандир таажжубда, ташвишда, қийинчиликда.

Агар одам тез юриб бораётиб, иякларини қўтарган ҳолда қўллари эркин ташлаб қўйган бўлса, демак, у ўзига ишонади, у - қатъиятли.

Одам кетаётганда, икки қули чўнтакда, боши эгик бўлса, демак унинг руҳи тушган, хафа, депрессия ҳолатида бўлади.

Агар қўлларининг учларини бирлаштириб “уйча” шаклини эслатаётган бўлса, бу - унинг ниманидир ўйлаётганлиги ёки нимагадир қизиқаётганлиги рамзидир.

Агар одам стулнинг қиргогига ўтириб олган бўлса, бу ё сабрсизлик билан кутаётганлиги, ёки нимагадир қизиқиш билдираётганлиги рамзидир.

Одам оёқларини бир-бирининг устига қўйиб олиб, оёғини енгил тебратаётган бўлса, демак, у зерикмоқда.

Агар одам ўзини орқага ташлаб, қўллари бир-бирига боғлаб, бўйнида ушлаган бўлса, демак, у дам олмоқчи, ва бошқаларда таассурот қолдирмоқчи

Агар қўл бериб кўришишда қайси томоннинг қўли тепада бўлса ўша одам *устунлик*, пастда бўлса ўша одам *бўйсунувчанлик*, вертикал, тўғри ҳолатда бўлса *тенглик* ҳолати бўлади.

Шундай қилиб, биз одатий, табиий деб идрок қиладиган фаолиятимиз бўлган - мулоқотда ҳам кўплаб сирлар ва ўзига хос нозик томонлар борки, уларнинг барчаси биздан мулоқотдаги билимдонликни ва ўзгаларга ва ўзимизга эътиборлироқ бўлишимизни талаб қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, мулоқот жараёнининг самараси суҳбатдошни *тинглай олиш*га ҳам боғлиқ. Мулоқотга ўргатишнинг муҳим йўналишларидан бири – одамларни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатишдир.

Тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

Эмпатик тинглаш

Эмпатия (ингл. *empathy* – ҳамдардлик, ўзини бошқанинг ўрнига қўя олиш маҳорати) – бу инсоннинг бошқаларнинг кечинма ва ҳис-туйғуларига нисбатан эмоционал жавоб бера олиш қобилиятидир. Эмпатияни намоён қилишнинг 3 варианти мавжуд: эмпатик таъсирланиш (кузатиш орқали бошқа инсонда намоён бўлаётган эмоцияларга ўхшаш эмоционал таъсирларни бошдан кечириш), бошқа нуқтаи-назарни қабул қилиш (ўзини бошқанинг ўрнида тасаввур этиш), симпатик таъсирланиш (бошқа инсоннинг ҳис-туйғусини тушуниш ғамхўрлик, жонкуярлик, раҳмдилликни юзага келтириши).

Эмпатик тинглаш қоидалари:

- қалбни ўз кечинмалари ва муаммоларидан озод қилиш, суҳбатдош ҳақида нотўғри фикрлардан воз кечиш, унинг ҳис-туйғуларини қабул қилишга интилиш муҳим;

-суҳбатдошининг сўзларига нисбатан таъсирланишда унинг кечинмалари, ҳис-туйғуларини аниқ акс эттириш, нафақат тўғри идрок этганлигини, балки тушунган ва қабул қилганлигини ҳам намоён қилиш зарур;

- суҳбатдошнинг ҳис-туйғуларини акс эттириш унинг ҳаракатлари ва яширин хулқ-атвор мотивларини изоҳлашсиз амалга оширилиш зарур, унга шу ҳис-туйғуларнинг сабаблари ҳақида ўз фикрини тушунтириш шарт эмас;

- паузани ушлаш муҳим, қўшимча мулоҳаза ва шарҳларга шошиш керак эмас. Бунда қоидага кўра маслаҳат, насиҳат, танқид, баҳо берилмайди.

Пассив тинглаш

Сўзлаётган инсоннинг нутқига минимал даражада аралашиб, максимал даражада диққатини жалб қилишни англатади (диққат билан жим туриш маҳорати). Ушбу тинглашнинг муҳим сигнали новербал таъсир, яъни кўз контакти, бош ирғитмоқ ёки силкитмоқ ҳисобланади. Бу тинглаш тури куйидаги вазиятларда мақсадга мувофиқ:

Агар суҳбатдош ўз нуқтаи-назарини айтишни хоҳлаётган бўлса;

Агар суҳбатдош ўз муаммолари ҳақида сўзлаётган бўлса;

Кескин ва танг вазиятларда;

Сиздан юқори лавозимдаги инсон билан суҳбатда (масалан, сизни раҳбарингиз танқид қилганда)

Пассив тинглаш қоидалари:

Позитив реакциялар: а) маъқулламоқ (“хўп”, “ҳа-ҳа”, “қани”, бош ирғитиш); б) “эхо-таъсир” (суҳбатдошнинг сўнгги сўзини такрорлаш); в) “кўзгу” (суҳбатдошнинг охириги гапини сўзлар тартибини ўзгартириб такрорлаш); г) “парафраза” (суҳбатдошнинг фикрини бошқа сўзлар билан етказиш); д) ундаш (“хўш ...”, “кейинчи?”); е) эмоциялар (“ўўў”, вой, эҳ, жуда соз, қойил, кулгу); ж) аниқлаштирувчи саволлар (“қайтадан такрорла, нима дединг?”);

Негатив реакциялар: а) сўзлаётган инсонни бўлиш ёки давом эттириш; б) суҳбатдошнинг фикрларидан мантиқий натижа қидириш; в) “беадаб таъсир” (“аҳмоқлик”, “бўлмаган гап”, “бу ҳаммаси бемаънилик”); г) қайта сўраш; д) суҳбатдошга эътиборсизлик (тингловчи шеригини назарга илмайди, унинг сўзларига эътибор бермайди). Пассив тинглаш асосан баҳс-мунозарасиз суҳбатларда ёки низо хавфида қўлланилади.

Актив тинглаш. Бунда биринчи планга ахборотнинг акси чиқади. Бу олинган ахборотни тинглаш жараёнида таҳлил қилиш ва савол, лўқма

ёрдамида дарҳол жавоб беришни англатади. Ушбу тинглаш тури мулоқотда энг конструктив ҳисобланади.

Актив тинглаш қоидалари: а) аниқлаш, ойдинлаштириш (“мен тушунмадим”, “яна бир бор такрорланг”, “нимани назарда тутдингиз?”, “тушунтириб бера оласизми?”); б) парафраза (суҳбатдошнинг сўзларини ўз сўзлари билан такрорлаш, “сиз ҳисоблайсизки...”, “бошқача айтганда...”); в) ҳис-туйғуларнинг акс этиши (“назаримда, сиз...ҳис қилаяпсиз», “тушунаман, сизнинг ҳозир жаҳлингиз чиқяпти...”); г) ундаш (“қани...”, “кейинчи...”); д) давом этиш, яъни суҳбатдошнинг сўзларига сўз киритиш, унинг сўзларини ўз сўзи билан тугатиш, сўзларни айтиб туриш; е) баҳолаш (“сизнинг гапингиз кизиқтириб қўйди...”, “менга ёқмаяпти”); ж) тақриз бериш (“шундай қилиб, сиз ҳисоблайсизки...”, “сизнинг сўзларингиз англатадики...”). Бундай мулоқот усулларини қўллаш икки мақсадга эришишга имкон беради: адекват қайтувчан алоқа таъминланади; суҳбатдошга билвосита унинг рўпарасида тенг ҳуқуқли шерик эканлиги ҳақида ахборот боради. Тенг ҳуқуқли шериклар позицияси икала суҳбатдош ҳам ҳар сўзи учун жавобгар эканлигини англатади. Ҳар бир инсоннинг тинглаш услуби қуйидаги омилларга боғлиқ: жинс, ёш, мавқе, индивидуал хусусиятлар (характер, темперамент, қобилият, қизиқишлар ва б.), муайян вазият.

Мулоқотнинг интерактив жиҳати. Мулоқот шахслараро биргаликдаги ҳаракат, яъни одамларнинг ҳамкорликдаги фаолияти жараёнида таркиб топадиган алоқалари ва ўзаро бир-бирларига таъсирининг йиғиндиси сифатида юзага чиқади. Ҳамкорликдаги фаолият ва муносабат ижтимоий қоидалар – одамларнинг биргаликдаги ҳаракати ва ўзаро муносабатларини қатъиян белгилаб қўядиган ҳамда жамиятда удум бўлган хулқ-атвор намуналари асосида амалга ошириладиган *ижтимоий назорат* шароитида юз беради.

Жамият ижтимоий қоидалар сифатида қабул қилган, маъқул топган, удумга айланган ва тегишли вазиятда турган ҳар бир кишидан бажарилишини кутаётган намуналарнинг ўзига хос тизимини яратади. Уларнинг бузилиши қоидадан четга чиқадиганларнинг хулқ-атвори тўғриланишини таъминлайдиган *ижтимоий назорат* механизмлари (маъқулламаслик, таъна қилиш, жазолаш)ни ўз ичига олади. Қоидаларнинг мавжудлиги ва қабул қилиниши ҳақида бирон кишининг барча бошқа одамлар хулқ-атворидан фарқ қилувчи хатти-ҳаракатига атрофдагиларнинг бир хилда муносабат билдириши далолат беради. Ижтимоий қоидалар меҳнат интизоми, ҳарбий бурч ва ватанпарварлик талабларига жавоб берадиган хулқ-атвор намуналаридан тортиб, одоблилик қоидаларига қадар ҳаммасини ўз ичига олади. Одамларнинг ижтимоий қоидаларига мурожаат қилиши уларда ўз хулқ-атвори

учун масъуллик ҳиссини уйғотади, ҳаракатлари ва қилиқларнинг ушбу қоидаларга мос келиши ёки мос келмаслигини баҳолаган ҳолда уларни тузатиб бориш имконини туғдиради. Қоидаларга қараб мўлжал олиш кишига ўз хулқ-атворининг шакллари аңдозага қараб мослаш, ижтимоий жиҳатдан мақбуллари танлаб олиш, номақбул шаклларига амал қилмаслик, ўзини мулоқот жараёнида йўналтириб ва бошқариб бориш имконини беради. Одамлар ўзлаштирилган қоидалардан ўзларининг хусусий хулқ-атворини бошқаларнинг хулқ-атвори билан таққослайдиган мезон сифатида фойдаланадилар.

Ҳамкорликдаги ҳаракат жараёнларини ижтимоий назорат муносабатга киришадиган одамлар “бажарадиган” роллар (психологияда роль деганда хулқ-атворнинг норматив жиҳатидан маъқул бўлган муайян ижтимоий мавқени эгаллаб турган ҳар бир кишидан атрофдагилар кутаётган намунаси тушунилади) репертуарига мувофиқ тарзда амалга оширилади. Субъект ўқитувчи ёки ўқувчи, шифокор ёки бемор, катта ёшли киши ёки бола, раҳбар ёки ходим, она ёки бола ва шу каби ролни бажаради. Ҳар қандай роль мутлақо аниқ талабларга ва атрофдагиларнинг муайян орзу-истакларига жавоб бериши керак.

Шахс мулоқотнинг турли хил вазиятларида қоида тариқасида ҳар хил ролларни бажаради. Масалан: ўзининг хизматидаги ролига кўра раҳбар бўлиб турган киши бетоб бўлиб қолганда, бемор ролига кирган ҳолда шифокорнинг барча кўрсатмаларини бажаради; шу билан бирга оилада у кекса онасининг мўмингина ўғли ролини сақлаб қолади ва ҳоказо. Роль мавқеларининг кўплиги баъзида уларнинг тўқнаш келишига – роль конфликтларига (зиддиятларга) сабаб бўлади.

Турли хил ролларни бажараётган одамларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати роллар эҳтимоли билан бошқарилади. Киши буни истаса-истамаса атрофдагилар ундан муайян намунага мос келадиган хулқ-атвори талаб қилади. Ролнинг қандай бажарилиши *ижтимоий назорат* остида бўлади, ижтимоий жиҳатдан муқаррар равишда баҳоланади ва намунадан салгина четга чиқилиши эса қораланади.

Мулоқотнинг перцептив жиҳати. Мулоқотнинг ушбу жиҳатида бир кишининг иккинчи киши томонидан идрок қилиниши, тушуниши, баҳоланиши кузатилади. Мулоқотнинг мазкур жиҳати қуйидаги босқичлар орқали амалга ошиши мумкин:

1) Идрок қилинаётган одамни идрок қилувчи ўзининг шахсий хислатлари билан қиёслаш натижасида, унинг маҳсули бўйича талқин қилинади ва тушунтирилади; бундай идрок қилиш тарзида инсонни инсон томонидан акс эттириш, ўхшатиш, унга тақлид қилиш, ундан ибрат олиш услублари орқали

юзага келади, яъни *идентификация* (айнан ўхшатиш) босқичи бевосита амалга ошади. Бунда киши ҳамкорликда ҳаракат қилиш вазиятида шериги ўрнига ўзини қўйиб кўриб, унинг ички ҳолати, ниятлари, ўй-фикрлари, хоҳиш-истаклари ҳақида тахмин қилинади, бунда улар англанган ёки англанмаган бўлиши мумкин.

2) Идрок қилинаётган шахснинг ўрнига идрок қилувчи ўз хоҳиши бўйича мулоҳаза юритиши, уни тушунишга интилиш ўз-ўзини англаш негизида намоён бўлади, яъни *рефлексия* босқичи вужудга келганлиги тўғрисида муайян қарорга келинади. Рефлексияда киши идрок этиш субъекти сифатида ўзига нисбатан шеригининг муносабати англаб етилади. Лекин киши ҳар доим ҳам мулоқот жараёнида ўзини ким эканлигини тўлиқ англаб етолмайди, бу эса унинг ўзи қилган хатти-ҳаракатлари сабабларини бошқаларга тўнкашга мажбур қилади. Киши ўз хатти-ҳаракатлари сабабларини, ниятларини, ўй-фикрларини, хулқ-атвор мотивларини бошқа кишиларга тўнкаш орқали тушунтириши психологияда *каузал атрибуция* яъни сабабий изоҳлаш деб аталади.

3) Ўзга кишиларнинг кечинмалари ва ҳис-туйғуларига нисбатан ҳамдардлик билдириш, меҳр-оқибатлилигини амалий ифодалаш орқали уларни тушуниш имконияти туғилади, бунинг натижасида туб маънодаги эмпатияга асосланган идрок қилиш босқичи юзага келади.

4) Ўзга кишиларга, ижтимоий гуруҳ аъзоларига нисбатан берилган хислатларни ҳозиргача маълум бўлган ижтимоий қолипларга мос тарзда оммавий тарзда ёйиш, тавсиф бериш ва баҳолаш *стереотипизация* (*бир хил қолипга солиш*) яъни, *стереотиплаштириш* дейилади. Идрок этиш субъекти ижобий муносабатда бўлган шахсларга ижобий, ёқтирмайдиган шахсларга салбий баҳо берилиши каузал атрибуцияга хос типик ҳоллардан биридир. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, шахс мулоқот жараёнида ўз объекти нисбатан ижобий таассуротга эга бўлса, субъектга маълум бўлмаган фазилатларини ижобий баҳолашга ёки аксинча, объект салбий таассурот қолдирган бўлса, субъектга маълум бўлмаган хислатларини салбий баҳолашга ҳаракат қилар экан. Бу ҳолат психологияда *ореол эффекти* номи билан юритилади.

Мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этиб, у ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини яқка тартибда эмас, балки биргаликда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлигини ҳисобга олинганда, одамларнинг меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини билдиради.

Мулоқот мазмунига кўра қуйидаги турларга ажралади:

Моддий мулоқот деганда субъектни долзарб эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида, айни пайтда шуғулланаётган фаолиятининг маҳсулотлари ва предметларини айирбошлаш тушунилади.

Когнитив мулоқот деб шахсларнинг ҳамкорликдаги фаолиятида нарса ва ходисаларни ўрганиш, маълумотларни билиб олиш жараёнида ўзаро билим алмашинувига айтилади.

Кондицион мулоқотда психологик ва физиологик ҳолатлар айирбошланади. Масалан, шифокор беморнинг тушқун кайфиятини кўтариши ёки аксинча, она қизининг ўксиниб йиғлаётган ҳолатига йиғи билан муносабат билдириши ва ҳақозо.

Мотивацион мулоқот муайян йўналишда ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун ўзаро мақсадлар, қизиқишлар, мотивлар, эҳтиёжлар алмашинув жараёни билан изоҳланади.

Фаолият мулоқоти когнитив мулоқот билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда ҳаракатлар, операциялар, кўникма ва малакалар айирбошланади. Бу мулоқот жараёнида маълумотлар узатилади, билим доираси кенгаяди, қобилиятлар ривожланади, такомиллашади.

Мулоқот мақсадига кўра биологик ва ижтимоий кўринишда бўлади. Биологик мулоқот насл қолдириш, организмни ривожлантириш, ҳимоялаш каби табиий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлса, *ижтимоий* мулоқот эса шахслараро муносабатларни кенгайтириш, мустаҳкамлаш, такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ижтимоий эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Мавзуни амалий аҳамиятларини очиб бериш мақсадида куйидаги методика ҳамда тренинглардан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлади.

Мулоқот жараёнидаги қийинчиликларни бартараф қилиш.

Бажариш тартиби: Иштирокчилар 5-8 кишидан иборат бир неча гуруҳга бўлинади, ҳар бир иштирокчи 5 сония вақт оралиғида бирор тематика бўйича сўз айтиши керак. Баъзилар мавзудан четласа ҳам, мияга келган энг биринчи фикрларни айтиб мулоқатдаги кўрқувдан фориғ бўлишга уринадилар. Вазифани бажаришда қийинчиликка учраганлар ўйиндан четлаштирилади. Оқибатда гуруҳда 1 нафар ғолиб қолади.

Методик тавсия: иштирокчилар жавоб бериши исталган тартибда бўлиши мумкин, буни иштирокчиларнинг ўзлари белгилайдилар. Яъни жавоб берган иштирокчи кейинги иштирокчини ўзи кўрсатади.

Мулоқотчанлик сифатларини ўстиришга оид тренинг машғулотлари

Мақсади: Мулоқотга кириша олиш малакасини такомиллаштириш ва мулоқотда юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш.

Вазифалари: шахс ҳолати ва кайфиятларини барқарорлаштириш; иштирокчиларнинг бир-бирлари ҳақида тасаввурларни кенгайтириш; ижтимоийлашувга ёрдам бўладиган кўникма, малакаларини шакллантириш; гуруҳ иштирокчиларини бир-бирларини тушунишга ҳамда ҳамкорликда ишлашга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар: мулоқотга кириша олиш қобилиятини такомиллаштириш; мулоқот жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш; ҳамкорликда ишлашга ўргатиш;

Қоидалар: Ўнг қўл қоидаси (кимни қўлида микрофон бўлса ўша одам гапиради); Фаоллик қоидаси (ролли вазиятларда ҳар бир киши ўзига мавжуд билим, кўникма ва малакасида фойдаланиш); Мулойимлилик қоидаси (барча қатнашчилари бир-бирларига хушмуомалалик билан, исмлари билан мулоқот қилишлари керак бўлади); Регламент қоидаси (тренинг қатнашчилар ўз фикрларини аниқ, лўнда, қисқа баён этишлари керак); Сирлилик қоидаси (машғулот жараёнидаги барча кечинмалар гуруҳдан ташқаридаги чиқиши мумкин эмас); Телефонларни ўчириб қўйиш қоидаси;

Тренинг ўтказишнинг ўзига хос хусусияти: мулоқот жараёнида юзага маъданияти шакллантириш, мулоқот техникасини янада ривожлантириш.

Мулоқот мавзусига тегишли ўйинлар.

«Бузуқ телефон» машқи.

Мақсад: Маълумот узатишдаги бузилишларни англаш.

Маълумотни анланган ҳолда идрок қилиш ва фаол тинглаш услубини ўзлаштириш.

Йўриқнома: «Ушбу машқимизда 6 киши иштирок этиши керак. Бунда 5 киши хонадан ташқарида пойлаб туришади, 1 киши эса хонада қолади. Мен хонада қолган одамга оғзаки топшириқ айтаман. Бу одам иложи борица ҳамма топшириқни эслаб қолади ва иккинчи (хонадан ташқарида турганлардан бирига) одамга айтади. Иккинчи одам учинчисига, учинчиси тўртинчисига ва ҳ.к. Биз эса маълумотлар қандай узатилишини кузатиб турамыз. Кейин эса худди шу жараёни муҳокама қиламыз».

5 та ўқувчи хонадан чиққанидан кейин бошловчи қолган 1 кишига қуйидагича топшириқ айтади: «Сиз мактаб директорининг муовинисиз. Директоримиз Собир Комилович Сизни анча пойладилар. Лекин келмаганингиздан сўнг сизга мен орқали топшириқ айтиб кетдилар. Айтдиларки, у киши ҳозир бизга Япония аппаратурасини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кетдилар, у ердан чиқиб районда кенгайтирилган йиғилишга борар эканлар. Агар улар соат 12 гача келмасалар ўқитувчилар мажлисини ўзингиз ўтказар экансиз, бу мажлисда 8 «б» синфнинг давоматини кўриб чиқиш керак. Кейин соат 15.00 да мактабимизга Польшадан

келаётган меҳмонларни кутиб олиш учун аэропортга 1 та «Нексия» билан 1 та «Дамас» автомашинасини чиқариш керак экан. Яна айтдиларки, соат 17.00 да ХТБнинг ижтимоий таъминот бўлимидан гўшт келар экан. Ҳамма ўқитувчиларга 2 килограммдан гўшт тарқатиб директорнинг улушини холодильникка солиб қўйсангиз ўзлари келиб олиб кетар эканлар». Шундан сўнг маълумотлар бирин-кетин кириб келаётган ўқувчиларга узатила бошлайди.

Машқ сўнгида одатда маълумотнинг бузилиши кузатилади. Машқда иштирок этган ўқувчилар видео ёрдамида маълумот мазмунини билиб оладилар. Шундан сўнг ўқувчиларга ҳар қандай маълумотни биринчи манбадан олиш зарурияти айтиб ўтилади. Маълумотларнинг бир кишидан иккинчи кишига ўтиши натижасида у қанчалик ўзгариб кетиши пайдо бўладиган миш-миш гапларга асос бўлиши айтиб ўтилади.

Маълумот узатишдаги хатоларни бартараф этиш мақсадида фаол тинглашни ўрганиш машқи таклиф этилади. Бу машқ йўриқномасига кўра ҳамма ўқувчилар уч кишилиқ гуруҳларга бўлинадилар. Бу гуруҳдаги уч ўқувчи уч хил ролда иштирок этади: гапирувчи, тингловчи ва назоратчи.

Гапирувчи ҳаётдаги бирор бир воқеани айтиб беради ва тингловчи бу воқеани иложи борида эсида олиб қолиб, қайтадан такрорлаб айтиб бериши керак. Назоратчининг вазифаси йўл қўйилган хатоларни айтишдан иборат. Гуруҳдаги ҳар бир иштирокчи учта ролдан бирортасида иштирок этиши шарт. Ушбу машқни бажариш орқали иштирокчилар вербализация, яъни фаол тинглаш методини ўзлаштирадилар.

6.4. Ижтимоий психологияда ижтимоий таъсир масаласи.

Охирги йилларда «профессионализм» тушунчаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Чунки жамиятда туб ислохотларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини «инсон омили» ни такомиллаштириш ҳисобига ошириш давр талаби бўлиб қолди. Айниқса, одамларни бошқариш соҳасидаги профессионализмга катта эътибор қаратилмоқда.

Жуда кўпчилик мутахассислар барча бажарадиган функциялари орасида одамлар билан тил топишиш, уларга таъсир кўрсатиш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва бошқариш энг мураккабларидан эканлигини эътироф этмоқдалар.

Одамлар билан нормал муносабатларни ўрната олмаслик, айниқса, бизнес соҳасида амалий шерикларнинг ҳолатлари, кутишларини аниқлай олмаслик, ўз нуктаи назарига ўзгаларни профессионал тарзда кўндира олмаслик, «биров» ни, унинг ички кечинмалари ва ўзига бўлган муносабатини аниқ тасаввур қила

олмаслик амалий психологияда коммуникатив уқувсизлик, ёки дискommуникация ҳолатини келтириб чиқаради.

Бунда одамлар оддий тил билан айтганда, бир - бирларини тушунолмаб қоладилар, шунинг оқибатида пишиб турган лойиҳа ёки яхши режа амалга ошмаслиги, бир неча ойларга чўзилиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ижтимоий психологиясининг тадбиқий йўналишида, бошқарув психологиясида катта ёшли одамларни коммуникатив билимдонликка ўргатиш, уларда зарур коммуникатив малакаларни ҳосил қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Ҳар бир корхона, хусусий фирма ёки давлат муассасасини бошқарувчи менежер, раҳбар тайёрлаш муаммоси ана шу раҳбарларни, бошқарувчиларни психологик жиҳатдан одамлар билан ишлашга ўргатиш муаммосини четлаб ўтолмайди. Умуман, ҳозирги даврда ҳар қандай мутахассис - врач, муҳандис, ўқитувчи, иқтисодчи, агроном, қурувчи, журналист, маданиятшунос ёки бошқалар ҳам коммуникатив малакаларга эга бўлмагунча, бозор муносабатлари шароитида тезда жамоага киришиб, кўпчилик билан тил топишиб, ўз профессионал маҳоратини кўрсата олмайди. Ҳар бир зиёли инсон бошқалар билан ҳамкорлик қилиш маҳорати ва санъатига эга бўлиши керак. Бу вазифа одамларни муомала ва мулоқот этикасига ўргатишни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўймоқда.

Тўғри, мулоқотга киришиш - ижтимоийлашув жараёнида барча сифатлардан олдинроқ шаклланадиган қобилиятлардан, у табиий ва ҳаётий нарсa. Бола тили жуда яхши чиқиб улгурмай, атрофидагилар билан актив мулоқотга кириша бошлайди. Лекин масаланинг парадоксал томони ҳам шундаки, йиллар ўтган сари онгли, ақлли одам ҳар бир гапини уйлаб гапирадиган, ҳар бир қадамини уйлаб босадиган бўлиб қолади, бу унинг жамиятдаги мавқесини белгиловчи воситадир.

Бу мулоқотга киришишга руҳан тайёрланишнинг аҳамиятини ҳам одам англашини тақозо этади. Шундай қилиб, ана шу энг табиий ва бир қарашда оддий инсон фаолияти шу қадар мураккаб ва серқирраки, унинг механизмларини ўрганиш, гуруҳларда тўғри муносабатларни ташкил этиш ва одамларни самарали мулоқотга ўргатиш муаммоси бугунги ижтимоий психологиянинг муҳим масалаларидандир.

Маълумки, гаплашаётган одамлар бири гапиради, иккинчиси тинглайди, эшитади. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдиришига боғлиқ экан. Нотўғри тасаввурлардан бири шуки, одамни муомала ёки мулоқотга ўргатганда, уни фақат гапиришга, мантиқан асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиришга ўргатишади. Унинг иккинчи томони - тинглаш қобилиятига деярли эътибор

берилмайди. Машхур америкалик нотиқ, психолог Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош - яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир» деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ишлаётган одамлар вақтининг 45%и тинглаш жараёнига кетар экан, одамлар билан доимий мулоқотда бўладиганлар 35 - 40 % ойлик маошларини одамларни «тинглаганлари» учун оларканлар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан ҳисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтираркан.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шопенгауэр «Одамларни ўзингиз тўғринида яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг» деб ёзган экан. Дарҳақиқат, агар сиз куюниб гапирсангизу, суҳбатдошингиз сизни тингламаса, бошқа нарса билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафақат ранжийсиз, балки у билан алоқани ҳам узасиз. Ўқитувчи гапираётган пайтда уни тингламаслик одобсизликнинг энг кенг тарқалган кўриниши деб баҳоланишини биласизми? Нима учун биз кўпинча яхши гапирувчи, сўзловчи бўла оламиз-у, яхши тингловчи бўла олмаймиз? Психологларнинг фикрича, асосий ҳалақит берувчи нарса - бу бизнинг ўз фикр-ўйларимиз ва хоҳишларимиз оғушида бўлиб қолишимиздир. Шунинг учун ҳам баъзан расман шеригимизни тинглаётгандай бўламиз, лекин аслида ҳаёлимиз бошқа ерда бўлади. Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш техникаси, усуллари мавжуд. Уларнинг тури ҳам кўп, лекин асосан биз кундалик ҳаётда унинг икки усулини қўллаймиз: сўзма - сўз қайтариш ва бошқача талқин этиш. Биринчиси, суҳбатдош сўзларининг бир қисмини ёки яхлитича қайтариш орқали, шерикни қўллаб-қувватлашни билдиради.

Иккинчи усул эса - шеригимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни мухтасар, ўзимизнинг талқинимизда ифода этиш. Иккала усул ҳам шерик учун муҳим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, ҳаттоки, ундаги ғояларга қарши эмаслигингизни билдиради. Бундай ташқари, биз яхши тинглаётган бўлиб, «Йўғ-э?», «Нахотки?», «Қара-я?», «Яша!» луқмалари билан ҳам суҳбатдошимизни гапиришга, янаям ўз фикрларини ойдинлаштиришга чақириб турамыз.

Демак, аслида биздаги гапираётган шахс етакчи, у суҳбатнинг мутлоқ хокими, деган тасаввур унчалик тўғри эмас. Яхши тинглашда ҳам шундай куч борки, у суҳбатдошни сизга жуда яқинлаштиради, ишончни туғдиради. Чунки мулоқот жараёнидаги энг қимматли нарса - бу ахборотнинг ўзи. Тинглаётган одам маънили, яхши диалогдан фақат яхши, фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидаги борини бериб, гапирмайдиган суҳбатдошдан

«тескари алоқани» олиб улгурмай, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун мулоқотга ўргатишнинг муҳим йўналишларидан бири - одамларни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатишдир.

Профессионал тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

✓ актив ҳолат. Бу - агар кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигининг билдириши назарда тутади;

✓ суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш. Бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир.

✓ ўйчан жимлик. Бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзининг суҳбатдан манфаатдорлигининг билдириш йўли. Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз.

Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби унчалик пассив жараён эмас экан. Унинг мулоқотнинг самарали бўлишидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади.

Шунинг учун маърузачи профессорнинг ҳар бир чиқиши ва маърузаси агар талабалар томонидан диққат билан тингланса, бу педагогик мулоқотдан иккала томон ҳам тенг ютади. Агар мулоқот жараёнида иштирок этувчи икки жараён - гапириш ва тинглашнинг фаол ўзаро таъсир учун тенг аҳамиятини назарда тутсак, бу жараён катнашчиларининг психологик саводхонлиги ва мулоқот техникасини эгаллашининг аҳамиятини англаш қийин бўлмайди.

Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда одамларни самарали мулоқотга атайлаб ўргатишга жуда катта эътибор берилади. Бу борадаги фаннинг ўз услуби бўлиб, унинг номи ижтимоий психологик тренинг (ИПТ) деб аталади. ИПТ - мулоқот жараёнига одамларни психологик жиҳатдан ҳозирлаш, уларда зарур коммуникатив малакаларни махсус дастурлар доирасида қисқа фурсатда шакллантиришдир. Энг муҳими ИПТ мобайнида одамларнинг мулоқот борасидаги билимдонлиги ортади. Амалий мулоқот тренинги - ИПТнинг бир кўриниши бўлиб, у ёки бу профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган коммуникатив малака, кўникма ва билимларни ҳосил қилишга қаратилган тадбирдир.

Гуруҳ ва жамоаларда мулоқот тренинги воситасида музокаралар олиб бориш, иш юзасидан ҳамкорлик қилиш йўл-йўриқларини биргаликда топиш,

катта аудитория олдида сўзлашга ўргатиш, мажлислар ўтказиш, жанжалли, низоли ҳолатларда ўзини тўғри тутиш малакалари ҳосил қилинади. Бундаги асосий нарса - тренинг катнашчилари онгига бировларни тушуниш, ўзини ўзга ўрнига қўя олиш, бошқалар манфаатлари билан ўзиникини уйғунлаштира олиш ғоясини сингдиришдир. Тренинглар мобайнида гуруҳий мунозаралар, ролли ўйинларнинг энг оптимал вариантлари синаб, машқ қилинади.

Ижтимоий психологияда таъсир воситалари айнан мулоқотнинг ўзига хос томонлари асосида амалга оширилади.

Мулоқотнинг интерактив томони. Мулоқотнинг бу хусусияти кишиларнинг мулоқот жараёнида биргаликдаги фаолиятда бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Шу туфайли одамлар ҳамкорликда ишлаш, бир-бирларига ёрдам бериш, бир-бирларидан ўрганиш, ҳаракатлар мувофиқлигига эришиш каби қатор қобилиятларини намоён этишлари мумкин. Шу туфайли ўқитувчи бола шахсига мақсадга йўналган ҳолда таъсир кўрсатиши мумкин.

Аслини олганда, ҳар қандай мулоқот, агар у бемаъни, мақсадсиз, қуруқ гаплардан иборат бўлмаса, доимо мулоқотга киришувчиларнинг хулқ-атворларини, уларнинг установкаларини ўзгартириш имкониятига эга. Жамият миқёсида оладиган бўлсак, одамларнинг турли шароитларда ўзларини тутишлари, хулқ-атворларининг бошқарилиши маълум психологик қонуниятларга боғлиқлигини кўриш мумкин.

Бунга сабаб жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-қоидалардир. Чунки, ўзаро мулоқот ва ўзаро таъсир жараёнларида шундай ҳатти-ҳаракатлар образлари кишилар онгига сингиб борадики, уларни ҳар бир киши норма сифатида қабул қилади. Масалан, ўсмир бола, умуман ёшлар жамоат жойларида катталарга ўрин бўшатиб беришлари кераклиги ҳам хулқатворнинг бир нормаси.

Шу нормага амал қилиш ёки қилмаслик ижтимоий назорат тизими орқали бошқарилади. Яъни, юқоридаги шароитда агар ўсмир бола автобусда қарияга жой бўшатмаса, жамоатчилик ўша заҳоти уни ижтимоий тартибга чақиради.

Демак, ҳар бир шахс турли шароитларда турлича ролларни бажаради, бу ролларнинг қандай бажарилаётганлиги, одамларнинг кутишларига мос келишлиги ижтимоий назорат тизими орқали кузатиб турилади. Шунинг учун ҳам мулоқотга киришган кишилар доимо ўз хулқ-атворларини, қолаверса, ўзгаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб, ҳаракатларда бир-бирларига мослашадилар. Лекин гоҳида шахсдаги ролларнинг кўп бўлиши ролларнинг зиддиятига олиб келиши мумкин. Масалан, мактаб ўқитувчисининг ўзи ўқитаётган синфда фарзанди бўлса, дарс пайтида шундай зиддиятни бошдан

кечириши мумкин, яъни бир вақтнинг ўзида ҳам ота ёки она, ҳам ўқитувчи ролини бажаришга мажбур бўлади.

Ёки хулқи ёмон ўқувчининг уйига келган ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳам ўқитувчи, ҳам меҳмон роллари ўртасида қийналади. Турли ролларни бажараётган шахсларнинг ўзаро мулоқотлари кутишлар тизими орқали бошқарилади. Масалан, хоҳлайдими ёки хоҳламайдими, ўқитувчидан маълум ҳаракатларни кутишадими, улар ўқитувчи ролига зид бўлмаслиги керак. Ўз ролларига мос ҳаракат қилган, доимо меъёр мезонида иш тутган кишининг ҳаракатлари одобли ҳаракатлар деб аталади. Масалан, ўқитувчининг одоби, ўз касбини устаси эканлиги, болалар қалбини тушуна олиши, уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши унинг одобга эга эканлигининг белгисидир.

Одобсиз одам эса бунинг аксидир. Демак, ўзаро мулоқот жараёнида бир одам иккинчи одамга психологик таъсир кўрсатади. Бу таъсир иккала томондан ҳам англаниши ёки анланмаслиги мумкин. Яъни, баъзан биз нима учун бир шахснинг бизга нақадар кучли таъсирга эга эканлигини, бошқа бири эса, аксинча, ҳеч қандай таъсир кучига эга эмаслигини тушуниб етмаймиз. Бу эса педагогикада муҳим муаммодир.

Ҳар бир педагогнинг ўз таъсир услублари ва таъсир кучи бўлади. Ўқитувчи шахсининг болаларга таъсири қуйидаги экспериментда жуда яққол кузатилган. Бошланғич синф ўқувчиларига анчагина ўйинчоқлар бериб, шуларнинг ичида фақат биттасига, қизил ёғоч ўйинчоққа тегмаслик айтилган. Болалар ёлғиз қолдирилиб, ҳаракатлари пинхона кузатилган. Жуда кўп болалар тақиқланган ўйинчоққа барибир тегишган.

Экспериментнинг иккинчи сериясида эса энди барча ўйинчоққа тегиш мумкин-у, фақат қизил қутичанинг қопқоғини очиш мумкин эмас, деб айтилган. Шу қутича тепасига эса шу болаларнинг ўқитувчиси сурати илиб қўйишган. Бу серияда биринчисига қараганда “таъқиқни бузувчилар” сони кескин камайган.

Демак, бу нарса ўқитувчи шахсининг бола ҳаракатларига таъсирини яққол исботлаб турибди. Шахслараро таъсир ҳақида гап кетганда, ўқитувчи обрўининг роли ҳақида ҳам айтиш лозим. Чунки, обрўли одам доимо ўша обрў қозонган гуруҳида ўз мавқеига ва таъсирига эга бўлади. Шахс обрўи унинг бошқа шахсларга иродавий ва эмоционал таъсир кўрсата олиш қобилиятидир.

Маълумки, обрў амал ёки ҳаётий тажриба билангина орттирилмай, унинг ҳақиқий асоси - шахснинг одамлар билан тўғри муносабати, ундаги одамийлик хислатларининг, бошқа ижобий хислатларининг уйғунлашувидадир. Психологик обрў - таъсир кўрсатишнинг энг муҳим мезонидир.

Мулоқотнинг перцептив томони. Мулоқот жараёнида одамлар бир-бирлари билан маълумотлар алмашиб, ўзаро таъсир кўрсатибгина қолмай, балки бир-бирларини тўғрироқ ва аниқроқ англашга, тушунишга ва идрок қилишга ҳаракат қиладилар. Бу томон шахсий идрок ва тушуниш муаммоси билан боғлиқдир. Биргаликдаги фаолият жараёнида шахсларнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари на аниқ идрок қилишлари мулоқотнинг самарали бўлишини таъминлайди.

Рус психологи А.А. Бодалев бошчилигидаги лаборатория бир-бирларини идрок қилиш механизмларини аниқлаш борасида қатор психологик қонуниятларни кузатган. Бундай механизмларга:

- ✓ идентификация;
- ✓ рефлексия;
- ✓ стереотипизация киради.

Идентификация шундай психологик ҳодисаки, бунда суҳбатдошлар бир-бирларини тўғрироқ идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига кўйиб кўришга ҳаракат қиладилар. Яъни, ўзидаги билимлар, тасаввурлар, ҳислатлар орқали бошқа бировни тушунишга ҳаракат қилиш, ўзини биров билан солиштириш (онгли ёки онгсиз) идентификациядир. Масалан, биринчи марта учрашувга кетаётган йигитнинг ички ҳолатини унинг ўртоғи ёки акаси тушуниши мумкин.

Рефлексия мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан, ҳолатидан туриб, ўзини тасаввур қилишдир, яъни рефлексия, бошқа одамнинг идрокига тааллуқли бўлиб ўзига бировнинг кўзи билан қарашга интилишдир. Чунки, бусиз одам мулоқот жараёнида ўзини аниқ билмаслиги, нотўғри мулоқот формаларини танлаши мумкин.

Стереотипизация одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб қолинган образлардан шаблон сифатида фойдаланиш ҳолларидир. Ижтимоий стереотиплар ҳар бир шахсда у ёки бу гуруҳли кишилар ҳақида шаклланган образлардир. А.А. Бодалев ва унинг шогирдлари бундай стереотиплар баъзан мулоқотни тўғри йўналганлигини таъминласа, бошқа ҳолларда эса ундаги ҳатоликларнинг сабаби бўлиши мумкинлигини кузатишган.

Идрок ва тушуниш борасидаги бундай ҳатоликлар каузал атрибуция (лотинчасига “кауза” - сабаб, “атребуцио” - бермоқ, қўшиб бермоқ маъносини билдиради) деб аталади. Масалан, ўқитувчи билан ҳамсуҳбат бўлиб қолган одамда суҳбат бошидаёқ “ҳозир одоб-ахлоқдан дарс беришни бошламасмикан” деган шубҳа пайдо бўлиши мумкин.

Бу ҳам стереотип. Бундан ташқари, одамлар биринчи марта кўрган одам тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мақсадида унинг ташқи қиёфаси билан

характери ўртасида боғлиқликлар ўрнатишга ҳаракат қиларкан, шундай боғлиқликларни аниқлаш мақсадида А.А. Бодалев талабалар гуруҳига турлича қиёфали шахсларнинг фотосуратларини кўрсатган. 72 кишидан 9 таси ияги катта кишилар кучли ирода эгалари эканлигини, 17 таси пешонаси кенг одамлар ақлли эканликларини, 3 киши сочи қаттиқ одамларнинг қайсарроқ, қатъий эканликларини, 5 киши кичик бўйли одамлар ҳокимиятга интиланган, бошқалар устидан буйруқ беришга мойил, чиройли одамлар ё ўта ўзига бино кўйган ёки нодон бўлишлигини айтишган ва ҳоказо.

Табиийки, бундай фикрлар мутлақ тўғри эмас, лекин кишилар онгида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган тасаввурлар шундай образларни шакллантирган. Нотаниш одам ҳақида тушунчанинг шаклланишида у ҳақида берилган бирламчи маълумот катта роль ўйнайди. Масалан, талабаларнинг икки гуруҳига бир хил портрет кўрсатиб, биринчи гуруҳда бу одам йирик олим, иккинчисида эса, бу - давлат жиноятчиси деб, унга иккала ҳолда ҳам ижтимоий-психологик характеристика беришларини сўраган.

Кўрсатмалар ҳар хил бўлганлиги сабабли берилган таърифлар ҳам ҳар хил бўлган. Биринчи гуруҳдаги талабалар бу одам меҳнаткаш, меҳрибон, шафқатли, ғамхўр, ақлли бўлса керак, дейишган бўлса, иккинчи гуруҳдагилар уни – бешафқат, маккор, қатъиятли деб таърифлашган.

Биринчи гуруҳдагилар портретдаги кўзларни доно, мулойим дейишган бўлса, бошқалар уларни ёвуз, бешафқат деб айтишган. Шундай қилиб, ижтимоий перцепция ёки одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этиш ва тушуниш жараёни мулоқотнинг муҳим муаммоларидан биридир. Бу жараён психологик жиҳатдан мураккаб бўлиб, унда мулоқотга киришаётган томонларнинг ҳар бири алоҳида ана шу идрокнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб фаолият кўрсатадилар.

Идрокнинг объекти сифатида шахс қаралганда, унда ҳосил бўладиган “бошқа одам образи” нинг барча сифатлари ва қирралари назарда тутилади. Бундай образ пайдо бўлишига хизмат қиладиган белгиларга: ўша одамнинг ташқи қиёфаси, унинг кийиниши, ўзини тутиши, ҳиссий ҳолати, овози, нутқи, қилиқлари, юриши ва ҳоказолар киради. Лекин шуларнинг ичида одамнинг юзи мулоқот мобайнида суҳбатдошга энг кўп маълумот берадиган объектдир. Шунинг учун ҳам телефонда суҳбатлашгандан кўра юзма-юз суҳбатлашиш анча осон ва ахборотларга бойдир.

Одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этишлари уларнинг перцептив, яъни ҳиссий билиш (идрок сезиш) соҳасига алоқадор бўлса, бир-бирларини тушуниши уларнинг тафаккур соҳаларига бевосита боғлиқ мураккаб жараёндир.

Бошқа одамни тўғри тушунган шахс унинг ҳиссий ҳолатига кира олган ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, унда эмпатия - бировларнинг ҳис кечинмаларини тушуна олиш қобилияти ривожланган бўлади.

Юксак онгли, маданиятли, “кўпни кўрган” шахсгина бошқаларни тўғри тушуниши, уларнинг мавқеида тура олиши мумкин.

Мавзу юзасидан қисқача хулосалар:

Ушбу мавзу мобайнида шахс учун муҳим бўлган муомаланинг техникалари тўғрисидаги маълумотлар кенг тарзда келтирилган. Вербал, новербал ва паралингвистик таъсир воситаларининг амалиётда қўлланиш усуллари кўрсатилган.

Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари ва шарт-шароитлари, ижтимоий институтларининг бу жараёндаги ўрни: “Оила-боғча-маҳалла-мактаб-махсус ва олий таълим муассасалари - меҳнат жамоалари” тизимидаги ўрни таҳлил қилинган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Мулоқот ва инсоний муносабатлар психологияси.
2. Мулоқотнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва функциялари.
3. Мулоқотнинг психологик тизими.
4. Мулоқотнинг шахс ривожланишидаги аҳамияти. Ёлғизлик.
5. Мулоқотнинг техникаси муаммоси. Тўғри гапириш санъати.
6. Тинглаш, унинг психологик моҳияти ва техникаси.
7. Мулоқотнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари.
8. Самарали мулоқот сирлари.

Тестлар:

1. Шахс - ижтимоий муносабатлар маҳсули дейилишининг энг асосий сабаб нимада?

- А) унинг доимо инсонлар давраида бўлиши
- Б) одамлар билан ўзаро таъсир доираида бўлиши
- С) доим унга эҳтиёж сезиши
- *Д) барча жавоблар тўғри

2. Мулоқот – камида..... ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашинади, муносабат ўрнатилади, ривожлантирилади?

- *А) икки кишининг
- Б) бир кишининг
- С) ўн кишининг

Д) барча жавоблар тўғри

3. Сўзловчининг нутқи.....?

- *А) фаол нутқ
- Б) пассив нутқ
- С) агрессив нутқ
- Д) эмоционал нутқ

4. Тингловчининг нутқи.....?

- *А) пассив нутқ
- Б) фаол нутқ
- С) эмоционал нутқ
- Д) агрессив нутқ

5. Новербал нутқ.....?

- *А) нутқсиз мулоқот
- Б) нутқли мулоқот
- С) эмоционал нутқ
- Д) агрессив нутқ

Мавзу юзасидан ўқув топшириқ ва ижтимоий тренинглар:

Мақсад: Шахсларда мулоқотчанлик хусусиятларини ривожлантириш, шахслараро муносабатларда мулоқотга кириша олиш қобилиятини ошириш.

Вазифа:

1. Турли хил вазиятларда мулоқотга киришишини ўргатиш.
2. Эшитиш ва тинглаш малакасини ошириш.
3. Ўз фикрини бошқаларга сингдира олишга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

1. Турли хил вазиятларда ўзгалар билан мулоқотга киришиш кўникмаларини шакллантириш.
2. Ўз-ўзига баҳо беришни ўзгартириш ва ўзига бўлган ишончсизликдан халос бўлиш.
3. Сухбатдошининг новербал хатти ҳаракатларини тушунишга ўргатиш.

Тренинг ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари:

Мулоқотчанликни ошириш мақсадида тренер томонидан тренинг машғулотларида, ўқитувчи томонидан ўқувчилар ва талабаларда кўлланилиши мумкин.

Услублар: «Қор уюми», «Прессконференция», «Карусель», «Ишорани топ» машқлари.

Иштирокчилар: Талабалар.

Вақти: 80 минут.

Режа:

№	Босқичлар	Масъул
1	Кириш қисми. - қоидалар қабул қилиш. - Мақсад ва вазифалар - Кутувлар. - Танишув «қор уюми» усули.	Тренер
2	Асосий қисм (Амалий машғулотлар). 1)«Прессконференция» машқи. - Тренер сўзи (инструкция) - Машғулот давомийлиги. - Мухокама. - Тренер хулосаси 2)«Карусель» машқи. - Тренер сўзи. - Машғулот давомийлиги. - Мухокама. - Тренер хулосаси.	Тренер
3	3)«Ҳолатни топ» машқи. - Тренер сўзи. - Машғулот давомийлиги. - Мухокама. - Тренер хулосаси	Тренер
4	Якуний қисм. - Тренер хулосаси - Кутилган мақсадларни аниқлаш (Бугунги тренингдан мен...).	Тренер
	- Якуний муҳокама.	

VII-БoБ. ГУРУХЛАР ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯСИ

Режа:

- 7.1. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси
- 7.2. Этник гуруҳлар психологияси
- 7.3. Кичик гуруҳлар психологияси
- 7.4. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар

Таянч тушунчалар: кичик гуруҳ, катта гуруҳ, расмий ва норасмий гуруҳ, шартли ва шартсиз гуруҳ, референт гуруҳ, динамик жараён

7.1. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ. Киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психологик маънода гуруҳ - бу умумий белгилар умумий Фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир. Умуман одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта, қандайдир умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп (ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин, ёшлар, маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо). Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор - бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ қилади ва ўзига хос қонуниятларга бўйсунди. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларни бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. В.М.Каримованинг "Ижтимоий психология асослари" ўқув қўлланмасида гуруҳларнинг асосий турлари келтирилган. Гуруҳлар аввало шартли ва реал гуруҳларга бўлинади.

Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда тўпланган лаборатория типидagi ҳамда табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва

одамларнинг табиий эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гуруҳларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб катта, кичик гуруҳларга бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида, энди шаклланаётган - диффуз ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади. Гуруҳларнинг ижтимоий психология учун айниқса, муҳим ҳисобланган турларига таъриф бериш ва уларнинг психологик қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, бевосита катта гуруҳларнинг ижтимоий-психологик қонуниятларини ўрганишга ўтамыз.

Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ этиш шартлари:

Катта гуруҳлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони кўпчиликини ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гуруҳга мансублигини таъминлайди. Катта гуруҳларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар ҳуқуқатворини белгиловчи механизмларнинг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гуруҳларда иш олиб боришни афзал кўрадилар. Лекин катта кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек кўпчиликини қамраб олишда қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гуруҳлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар заҳирасининг камлигидир. Масалан, ишчилар ёки зиёлилар синфи психологияси ўрганилиши керак дейлик, аввало ўша ишчиларнинг сони кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлаб чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётган турли миллатга мансуб кишилардир. Уларнинг барчасини қамраб оладиган ягона ишончли усулни топиш масаласи жуда жиддий муаммо бўлганлиги учун ҳам ҳар бир катта гуруҳга тааллуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш ҳозирча ижтимоий-психологиядаги асосий методологик йўлланма бўлиб келмоқда. Қолаверса, катта гуруҳлар жамиятнинг тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган гуруҳлар бўлгани учун ҳам ҳар қандай гуруҳни ўрганишдан олдин, хоҳ бу синфлар бўлсин, хоҳ миллатлар ёки халқлар психологияси бўлсин, унинг ҳаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади.

Ижтимоий психологик маънода, ҳаёт тарзини ўрганиш деганда, у ёки бу гуруҳга тааллуқли бўлган кишилар ўртасида амалга ошириладиган мулоқот типлари, ўзаро муносабатларда устун бўлган психологик омиллар,

қизиқишлар, қадриятлар, эҳтиёжлар ва бошқалар назарда тутилади. Ана шуларнинг умумийлиги туфайли ҳар бир шахсда, яъни у ёки бу катта гуруҳга мансуб бўлган шахсда типик хислатлар шаклланади. Масалан, ХХІ - аср ёшларига хос бўлган типик сифатлар ана шу ёшлар ўртасида кенг тарқалган урф-одатлар, мода, сўзлашиш хусусиятлари, қадриятлар, қизиқишлар ва ҳоказолар туфайли шаклланади.

Шунинг учун ҳам 20 ёшли кишининг психологиясини тўлиқ равишда ўрганиш учун ундаги билиш жараёнларининг ўзига хослиги, шахси, характери ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларидан ташқари, яна унга ўхшаш ёшларда устун бўлган психологик хислатларнинг қанчалик намоён бўлишини, у мансуб бўлган ва асосан вақтини ўтказадиган гуруҳлар психологиясини, миллий сифатларини ҳам назарда тутиш ва уларни ўрганиш зарур. Бу дегани, ҳар бир шахс онгида унинг якка, алоҳида орттирган шахсий тажрибасига алоқадор психологик тизимлардан ташқари, унинг қайси миллатга, элат, синфга мансублигидан сингдирилган психологик тизимлар ҳам мавжуддир ва уни илмий тадқиқотчи инкор этмаслиги керак.

7.2. Этник гуруҳлар психологияси

Ижтимоий психологияда катта гуруҳлар ичида этник гуруҳлар психологияси, яъни этнопсихология бўйича кўпроқ тадқиқотлар ўтказилди. Айниқса, ҳозирги даврда ҳар бир жумҳуриятлар алоҳида, мустақил давлат мавқеини олган, лекин бошқа томондан қараганда, ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоқи шароитида миллатлар ўртасида муттасил алоқалар мавжудлигидан келиб чиқиб, миллий психология масалалари кун тартибида аввалгидан ҳам муҳим масала сифатида қўйилмоқда.

Шунинг учун ҳам катта гуруҳлар ичида миллий гуруҳларга кўпроқ эътибор беришни лозим топдик. Бундай эътиборнинг яна бир боиси - Ўзбекистонда бу соҳада айрим тадқиқотларнинг ўтказилганлиги, лекин улар кўп ҳолларда миллий психология даражасига олиб чиқилмаганлигидандир.

Этнопсихология - бу психологиянинг шундай тармоғи, у айрим олинган миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гуруҳларни ҳам ўрганади. Маълумки, бу борадаги биринчи илмий тадқиқотлар В.Вундт томонидан олиб борилган эди. Унинг тадқиқотларидаги "халқ" тушунчаси аслида этник уюшма маъносида тушунтирилган эди. Унинг фикрича, этник гуруҳлар психологиясини ўрганиш учун уларнинг тилини, одатларини ва ана шу халқларда кенг тарқалган афсоналар ва бошқа онг тизимларини ўрганиш керак. А.Р.Лурия эса халқларнинг миллий ўзлиги, ментал хусусиятлари ва миллий характер

кабиларни ўрганди. Унинг асосий мақсади миллий психологик хусусиятларни ўрганишда тарихий принципга таяниш лозимлигини исботлаш ҳамда миллий психологиянинг ҳаёт тарзига, шахснинг жамиятда кишилар муносабатлари тизимида тутган ўрнига бевосита боғлиқлигини исбот этиш эди ва бу тадқиқотда биринчи марта миллий психологияни ўрганишга ёрдам берувчи методлар ва методологик принциплар синаб кўрилди.

Охирги йилларда чет эл ва собиқ Иттифоқ олимларининг тадқиқотларини умумлаштириб, этнопсихологик ишларга ягона илмий ёндашувни топиш ҳаракатлари сезилмоқда. Бу соҳада машҳур рус этнографи ва психологи Ю.В.Бромлей олиб борган ишлар, унинг лабораториясида тўпланган маълумотлар мисол бўлиши мумкин. Ю.В.Бромлей этник гуруҳлар психологиясида икки томонни ажратиб беради:

1. Психик асос - этник ҳарактер, темперамент, миллий анъаналар ва одатлардан иборат барқарор қисм;

2. Ҳиссиёт соҳаси этник ёки миллий ҳис-кечинмаларини ўз ичига олган динамик қисм. Лекин тадқиқотчилар нима учундир, миллий психология масалалари билан шуғулланишганда, миллий қирралар ёки сифатларни аниқлаш билан шуғулланадиларда, у ёки бу миллатларгагина хос бўлган қирраларни топишга уринадилар, лекин фан-техника ривожланган, миллатлар уйғунлиги, миллатларнинг доимий ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқоти шароитида, аралаш никоҳлар кенг тарқалган шароитда фақат у ёки бу миллатга хос бўлган қирралар ҳақида гапириш жуда қийин.

Худди ҳар бир шахс онгида турлича стереотиплар, яъни ўрнашиб қолган образлар бўлганидек ҳар бир оила, яқин ошна-оғайнилар ва ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқот жараёнида у ёки бу миллат вакилида ҳам ўз миллатига хос бўлган сифатлар ҳақида стереотиплар пайдо бўлиб, улар онгида ўрнашиб боради. Бундай стереотиплар ўз миллатига ва бошқа халқларга нисбатан бўлиб, бошқалар ҳақидаги тасаввурлар анча содда, юзаки, мазмунан тор бўлади. Шундай тасаввурлар асосида бошқа миллатларга нисбатан ёқтириш (симпатия) ёки ёқтирмаслик (антипатия) ва бефарқлик муносабатлари шаклланади.


Ўз миллати ҳақидаги тасаввур ва стереотиплар эса миллий "этноцентризм" ҳиссини шакллантирадики, шу ҳис туфайли шу миллий гуруҳ вакилларида бошқа миллатларга нисбатан иррационал муносабатлар пайдо бўлиши, бу эса миллий антогонизм ва миллий адоватларни келтириб чиқариши мумкин. Бу борада, ижтимоий психологлар ва мафкурачилар олдида турган муаммолардан бири миллат вакилларида миллий ғурурнинг қай даражада бўлишини аниқлаш муаммоси туради.

Чунки кўпинча миллий ғурур туфайли айрим шахсларда бошқа миллатларни менсимаслик, улардаги ғурур ёки миллий ҳисларни тан олмаслик ҳоллари кузатилмоқда. Умуман, бизнинг фикримизча, миллий адоватлар асосида ётган этноцентризм ва миллий ғурурнинг салбий кўринишлари бошқа миллатларнинг тарихини, уларнинг анъаналарини, тили ва ҳоказоларини билмасликдан келиб чиқади. Миллий психология бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадқиқотларнинг мақсадларидан бири ҳам бошқа миллатлар психологиясини билиб, уни бошқа миллатларга етказиш туфайли, ҳар бир миллат вакилига ҳурмат-иззат ҳиссини кучайтиришдир.

Чунки ўзини ҳурмат қилмаган одам бошқани ҳурмат қилмайди, бунинг учун эса ўз психологиясини ҳам, ўзгалар психологиясини ҳам билиши керак. Шундагина шахслараро зиддиятларга барҳам берилиши мумкин. Бу нарсa миллатлар психологиясига ҳам хосдир.

Яъни фан жамиятга шундай этнографик ва этнопсихологик маълумотлар мажмуини яратиб бериши лозимки, ундаги маълумотлар асосида катта гуруҳ ҳисобланган миллатлар психологиясини ҳам бошқариш мумкин бўлсин (7.1-расм).

7.1-расм



7.3. Кичик гуруҳлар психологияси

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишланган ва кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Бу муаммони тадқиқ этишда олимлар ўз олдига шундай масалани қўйганлар, яъни, индивид якка ҳолда яхши ишлайдимн ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида бўлиши унинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай шароитларда индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги эмас, балки уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, бошқалар билан

хамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади. лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди. Бундай маълумотлар америкалик Н.Трипплетт, немис олими А. Майер, рус олими В.М. Бехтерев, яна бир немис олими В.Мёде ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилди. Бу психологик ҳодиса ижтимоий психологияда ижтимоий фасцилитация номини олди, унинг моҳияти шундан иборат эдики, индивиднинг фаолият маҳсулларига унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнинг бевосита таъсири бўлиб бу таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш-ҳаракатларнинг, фикрлашларнинг тезлигида намоён бўлади Лекин айрим экспериментларда тескари эффект ҳам кузатилди, яъни бошқалар таъсирида индивид реакцияларидаги тормозланиш фаолиятининг сусайиши ҳолатлари; бу нарса фанда ингибиция деб аталади.

Кичик гуруҳларга хос қонуниятлар:

Биринчидан, кичик гуруҳларнинг ҳажми, уни ташкил этувчи шахслар сони хусусида шундай фикрга келиндики, кичик гуруҳ "диада" икки кишидан тортиб, то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинди. Икки кишилиқ гуруҳ дейилганда, аввало оила - янги шаклланган оила кўпроқ назарда тутилади. Лекин самарали ўзаро таъсир назарда тутилганда 7-2 киши кўзланади. Бундай гуруҳ турли ижтимоий психологик тадқиқотлар учун ҳам, социал психологик тренинглар ўтказиш учун ҳам қулай ҳисобланади.

Иккинчидан, гуруҳнинг ўлчами қанчалик катта бўлса, унинг алоҳида олинган шахслар учун қадрсизланиб бориш хавфи кучаяди. Яъни, шахснинг кўпчилиқдан иборат гуруҳдан ўзини тортиш ва унинг нормаларини бузишга мойиллига ортиб боради.

Учинчидан, гуруҳнинг ҳажми кичиклашиб борган сари шахслараро ўзаро муносабатлар таранглашиб боради. Чунки, шахсларнинг бирбирлари олдида масъулиятларининг ошиши ва яқиндан билишлари уларнинг ўртасидаги алоқаларда доимо аниқлик бўлишини талаб қилади. Муносабатлардаги ҳар қандай дисбаланслар, яъни номутаносибликлар очик ҳолдаги зиддиятларни келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, агар гуруҳ аъзоларининг сони тоқ бўлса, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуфт бўлган ҳолдагидан анча яхши бўлади. Шундан бўлса керак, бошқарув психологиясида одамларни бирор нимага сайлашда ва умуман расмий танловларда гуруҳдаги одамлар сони тоқ қилиб олинади.

Бешинчидан, шахснинг гуруҳ таъйиқиқа берилиши ва бўйсунлиши ҳам гуруҳ аъзоларининг сонига боғлиқ. Гуруҳ сони 4-5 киши бўлгунга қадар, унинг таъсири кучайиб боради, лекин ундан ортиб кетгач, таъсирчанлик камайиб боради. Масалан, кўчада содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг гувоҳлари сони ортиб борган сари, жабрланганга ёрдам беришга интилиш, масъулият ҳисси

пасайиб боради. Бу қонуниятларни билиш, табиий гуруҳларни бошқариш ишини анча енгиллаштиради.

Кичик гуруҳларнинг классификацияси.

Р.С.Немов кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги классификациясини таклиф этган (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Кичик гуруҳларнинг турлари	
шартли (номинал)	реал (ҳақиқий)
Табиий	лаборатория типли
формал (расмий)	ноформал (норасмий)
кучсиз ривожланган	кучли ривожланган
Корпорация	жамоалар
Референт	нореферент

Тарихан кичик гуруҳларни расмий ва норасмий турларга бўлиш қабул қилинган. Бундай бўлинишни америкалик олим Э.Мэйо таклиф этган эди. Унинг фикрича, расмий гуруҳ: ҳар бир аъзоларнинг расмий ролларга эга эканлиги, улар мавқеининг ва гуруҳда тутган ўрнининг аниқлиги билан характерланади. Бундай гуруҳларда муносабатлар асосан "вертикал" тарзда рўй бериб, гуруҳнинг бир ёки бир неча аъзосида "ҳокимият" бўлганлиги учун ҳам, улар бошқаларни бошқариш, уларга буйруқ, расмий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Расмий гуруҳга мисол қилиб ҳар қандай биргаликдаги фаолият мақсадлари асосида шаклланган жамоаларни - ишлаб чиқариш бригадаси, талабалар гуруҳи, синф ўқувчилари, педагогик жамоа ва бошқаларни олиш мумкин.

Расмий гуруҳлардан фарқли ўлароқ норасмий гуруҳлар ҳам мавжуд бўладики, улар асосан стихияли тарзда, аниқ мақсадсиз таркиб топади ва уларда аъзоларнинг аниқ мавқелари, роллари олдиндан белгиланган бўлмайди. Кўпинча норасмий гуруҳ расмий гуруҳ таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш ҳам олдиндан белгиланган бўлмай, одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиққан аъзолар норасмий раҳбарлик ролини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий психологияда референт гуруҳ тушунчаси ҳам бор. Бу тушунча фанга биринчи марта америкалик тадқиқотчи Г.Хаймен томонидан 1942 йилда киритилган эди. У ўз тадқиқотларида шуни исбот қилдики, маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари учун шу гуруҳ ичида ёки бошқа доираларда шундай шахслар гуруҳи мавжуд бўлар эканки, у ўз ҳатти-ҳаракатлари, фикрлари ва йўналишларида ўша гуруҳ аъзоларига эргашиш, уларнинг фикрларини танқидсиз қабул қилишга мойил ҳамда тайёр бўлар экан. Шундай шахслар гуруҳи референт гуруҳ номини олди. Ўқувчи учун

бундай гуруҳ ролини мактабдаги бир неча ўқитувчилар, отаси ёки онаси, яқин дўсти ёки қариндошларидан кимдир ўйнаши мумкин. Шуниси ҳарактерлики, шахс доимо шу гуруҳга эргашади, уни қадрлайди, у билан мулоқотда бўлишга интилади.

Рус психологлари бу гуруҳни одатда шахс учун мавжуд ҳақиқий гуруҳ (аъзолик гуруҳи) таркибида ёки унга қарши бўлган гуруҳ сифатида қарайдилар. Нима бўлганда ҳам ана шундай гуруҳнинг мавжудлиги шахс учун аҳамиятли бўлиб, унинг хулқ-атвор учун эталон ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тарбиячининг вазифаси, ана шу гуруҳни аниқлай олиш ва аниқлагандан сўнг нима учун айнан шу гуруҳ референт ролини ўйнаганини билиш муҳимдир. Референт гуруҳга қараб шахсга баҳо бериш, унинг хулқатворини башорат қилиш мумкин.

Агар одамлар кўчада тасодифий ҳодисани томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гуруҳ эмас, агрегация (оломон) деб аташади. Ҳақиқий гуруҳ учун ўша одамларнинг барчасига алоқадор умумий фаолият ва ҳамкорлик қилиш, бир - бирларига таъсир кўрсатиш имконияти бўлиши керак. Америкалик психолог Ч.Кули ҳамкорликнинг даражаси мезонига кўра гуруҳларни бирламчи ва иккиламчи турларга бўлиб ўрганишни таклиф этган эди. Бирламчи гуруҳда шахслараро ўзаро таъсир «юзма - юз, бевосита» рўй беради. Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гуруҳга мисолдир.

Иккиламчи гуруҳларда ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиш имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тизимлар орқали мулоқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар, «Ватан» тараққиёти партияси аъзоларининг боғлиқлиги иккиламчи гуруҳга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади, масалан, ўша партияни оладиган бўлсак, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, барибир умумий ғоя атрофида бирлашишади, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади, сайлов олди компанияларида бир - бирларини қўллаб - қувватлаб турадилар.

Турли гуруҳлар инсон ҳаётида бир неча функцияларни бажарадилар: а) ижтимоийлаштирувчи функция; б) инструментал, яъни, аниқ меҳнат функцияларни амалга оширишга имкон берувчи муҳит; в) экспрессив - одамларнинг ўзгаларнинг тан олишлари, ҳурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш; г) қўллаб - қувватлаш, яъни, қийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш функцияси.

7.4. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар

Маълумки, гуруҳда тўпланган кишилар ўртасида доимий мулоқот ва муносабатлар мавжуд бўладики, уларнинг мазмуни ва йўналишига кўра, ўзига хос социал психологик муҳит шаклланади. Бу муҳит гуруҳнинг тараққиётини ҳам, ундаги турли жараёнларни ҳам белгилайди. Гуруҳнинг динамик жараёнлари деганда аввало унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

Гуруҳнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шунини таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади ва ҳоказо. Лекин бу масаланинг ижтимоий томони. Унинг соф психологик томони ҳам борки, у одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нормал инсонда мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳамда турли ҳаётий вазиятларда ўзини ижтимоий ҳимояда сезиш эҳтиёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларнинг бўлишини тақозо қилади. Лекин гуруҳга аъзо бўлиш билан биргаликда ҳар бир индивид қатор гуруҳий жараёнларнинг гувоҳи бўлади.

Биринчидан, гуруҳ ўз аъзоларига маълум тарзда психологик таъсир кўрсатади. Бу ҳодиса психологияда конформизм деб аталади (ўзбек тилида "мослашиш" маъносини билдиради). Бу ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, у индивиднинг гуруҳда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, ҳулқ-атвор стандартларини қанчалик қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги билан боғлиқ. Гуруҳ фикрини қанчалик тез қабул қилиш унинг таъсирига берилиш индивид билан гуруҳнинг зиддиятларини олдини олиши мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай ҳатти-ҳаракат қилишга интилади. Лекин ана шундай гуруҳ фикрига, ҳаракатига қўшилиш турли шаклларда бўлиши мумкин: ташқи конформлилик - индивид гуруҳ фикрига номигагина қўшилади, аслида руҳан у гуруҳга қарши туради; ички конформлилик - индивид гуруҳ фикрига тўлиғича қўшилади ва руҳан қабул қилади. Ана шундай ҳолларда индивид билан бошқалар ўртасида зиддият ёки конфликтлар пайдо бўлмайди. Бу ўринда яна бир тушунча ҳам бор, у ҳам бўлса "негативизм" тушунчасидир, бу индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилишидир. Бу табиий индивид учун ноқулай, лекин мустақил фикр, одил ҳаракатлар доимо

хурмат қилинадиган жамоаларда негативизм ҳодисаси ёмон иллат сифатида қабул қилинмайди.

Гуруҳлардан яна бир жараён-бу гуруҳнинг уюшқоқлиги муаммосидир. Гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, қадриятларини яхши тасаввур қилишлари бундай уюшқоқликнинг биринчи омилидир. Иккинчи ва асосий омил - бу ўша гуруҳни бирлаштириб турган фаолият мақсадларини, унинг йўналиши ва мазмунини билишдаги ғоявий бирликдир. Умуман, экспериментал тадқиқотларда қайд этилган гуруҳга оид фикрлардаги умумийлик уюшқоқликка ижобий замин ҳисобланади.

Гуруҳнинг автономлиги даражаси ҳам маълум аҳамиятга эга омил, чунки ҳар бир аъзо умумий мақсад асосида бирлашган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирининг ўз бурч ва вазифалари бор ва шу нуқтаи назардан ҳар одам ўз имкониятларини ўзича ишга солиб, ўзаро муносабатларга сабаб бўлади. Гуруҳнинг психологик тизимга таъсир этувчи омилларга яна уларнинг жинсий, ёш жиҳатдан, маълумоти ва малакаси нуқтаи назаридан фарқ қилувчи, уйғунликни ташкил этувчи омиллар ҳам киради. Гуруҳлардаги лидерлик ва умумий қарорларга келиш ҳам динамик жараёнларга киради.

Конформизми ва нонконформизм ходисаларининг моҳияти. Конформизм - бу реал ёки тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс эътиқоди ва хулқ-атвориға таъсирини тушунтирувчи ходисадир. У икки хил намоён бўлиши мумкин:

- ✓ ён бериш - қалбан қўшилмасида, ташқи ҳаракатда кўпчилик фикриға эргашиш;

- ✓ маъқуллаш - эътиқод ва қарашларнинг ижтимоий тайзикқа тўла мос келиши.

Конформизмнинг табиатини тушунтирувчи экспериментлар (масалан, Музафер Шериф, Соломон Аш, Милграм ва б.қ.) маълум маънода бизға ҳаётда ёкмайдиған нарсаларнинг келиб чиқишини, масалан, жоҳилликнинг, ўғрилиқ ёки бошқа иллатларнинг табиатини тушунишға имкон беради, яъни, жоҳиллик ёки ёмонлик, албатта ёмон одамларнинг борлиги учун келиб чиқмайди, балки одамларнинг турли вазиятларда ноҳақликка қўниқишлари ёки худбинлик ёки ёвузликни қўриб ўтиб кетавериш, уларға нисбатан исённи намоён қилмаслик оқибатидир.

Конформизм ходисасини экспериментал йўл билан ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, бу - маълум шарт-шароитларнинг оқибатидир. Масалан, конформизм гуруҳнинг катта ёки кичиклигига, унинг ҳажмиға боғлиқ. Одамлар ўзлари учун биров бўлсада, обрўли ёки ёқимтой бўлган одамлар сони уч ёки ундан ортиқ бўлган шароитда уларнинг гапларига жуда тез ишониб, эргашиб кетаверадилар. Бундан ташқари, юқори даражали

конформизм ҳолати бирор масала юзасидан жавоблар кўпчилик ичида берилганда, ёки олдиндан бирор жавобга шаъма қилинмаган шароитда тез содир бўлади.

Нима учун одамлар конформизмни намоён этадилар, бу аслида инсон табиатига зид эмасми? деган савол табиий. Ёки бўлмаса, кўпчиликнинг таъсирига ўйламай-нетмай берилавериш яхшими? Бу шахснинг ўзлигига, мустақиллигига путур етказмайдими, деган савол ўринли бўлиб, унинг жавобини икки манбадан - жамиятнинг инсонлар учун ишлаб қўйган нормалари тизимидан, шунга мос тарзда одамнинг ўзгалар томонидан тан олинishiга интилишидан ва одамларнинг ўзаро коммуникатив маълумотлар алмашинишлари жараёнида сўзлар ва иборалар орқали бир-бирларига етказадиган таъсирлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ким кўпроқ конформли, деган саволга кўпчилик муаллифлар аёлларнинг эркакларга, ёшларнинг катталарга нисбатан анча ишонувчан ва таъсирларга берилувчан эканликларини эътироф этадилар. Бундан ташқари, олимлар бу ходисанинг миллий-худудий ўзига хосликларини ва бу каби ҳулқ-атвор айрим танг, сушт вазиятларда одам иродасининг пастлаши сифатида намоён бўлишини айтишган. Нима бўлганда ҳам, бизнингча, шахснинг ташқи тайзиқларга берилиши, танқидсиз у ёки бу ҳаракат типларига эргашиб кетавериши индивидуал хусусиятларга эга бўлиб, у одамнинг дунёқарашига, менталитетига ва маълумоти даражасига боғлиқдир.

Нонконформизмчи? Кимлар ўзгалар фикрига эргашмайди? Шундай инсонлар тоифаси борки, улар кўпчиликка, қолаверса, иккиланувчиларга эргашолмайди. Улар ҳақида баъзан лидерлар термини, баъзида эса, «қўшилмаслар» ибораси ишлатилади. Бу яхшими ёки ёмонми? Ўзбекларда «Подадан ажраганни бўри ейди» деган мақол бўлишига қарамай, айнан ана шундай ягоналар, камчиликини ташкил этувчи «қўшилмаслар» тарихий шахслар ёки жамиятда туб ислохотларни бошловчилар бўлиб чиқади. Агар бундай қобилият туғма - харизматик бўлиб, буни одамлар қалбан ҳис қилсалар, улар норасмий лидерларга айланади, агар бундай интилиш атайлаб, бошқаларга кўрсатиб қўйиш учун намоёиш этилса, улар расмий лидерларга - раҳбарларга айланиб қоладилар. Нима бўлганда ҳам лидерлик ва раҳбарлик муаммолари ҳам ижтимоий психологиянинг устивор йўналишларидан ҳисобланади.

Гуруҳдаги психологик муҳит: Ижтимоий психологик муҳит деганда, ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолати тушунилади.

Гуруҳнинг шахсга ижобий таъсири ҳодисасини фасцилитация деб аталади. Бунда шахс ўзидаги қобилият ва фазилатларини, ишчанлик хусусиятларини намоён қила олиши кузатилади.

Шахс ўзидаги қобилият, имконият ва лаёқатини юзага чиқара олмаса, бунда гуруҳ унга салбий таъсир кўрсатса, шахсда тормозланиш намоён бўлади, бу ҳодисани ингибиция деб аталади.

Мавзу юзасидан қисқача хулоса:

Гуруҳ ҳақида тушунча, унинг таърифи. Гуруҳ турлари: реал, диффуз, шартли, табиий, катта ва кичик. Катта гуруҳлар ва уларга хос хусусиятлар. Катта гуруҳларни тадқиқ этиш шартлари. Бу соҳада қийинчиликларнинг кузатилиши. Тадқиқот услуби масаласи. Этник гуруҳлар психологияси. Бу соҳада В.Вундт, А.Лурия, Ю.Бромлей олиб борган ишлари. Этник гуруҳларни ўрганишдаги икки асос: психик ва ҳиссий соҳалар. Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар, уларнинг қўллашда ноқулайлик. Бу тадқиқотларни ўтказишдаги асосий эътиборга молик жиҳатлар. Этнопсихологик тадқиқотларда синалувчиларнинг ёши, касби, маълумоти ва бошқа жиҳатларини эътиборга олиш зарурлиги ҳақида.

Шахснинг турли вазиятларда ўз хулқини намоён этишида гуруҳнинг ўрни ва таъсири мавжуд бўлиб, гуруҳларнинг ўзи икки турли: катта ва кичик тоифаларга бўлинади. Мазкур мавзуда катта гуруҳларнинг психологияси, чунончи уларнинг этник тури атрофлича баён этиб берилган. Этник гуруҳларни махсус ўрганиш соҳаси бўлган этнопсихологияга доир билим, малака ва тушунчаларни шакллантириш кўзда тутилган.

Кичик гуруҳларнинг ўзига хос белгилари ва психологияси. Кичик гуруҳларга хос қонуниятлар. Кичик гуруҳларда кузатиладиган ижтимоий фасцилитация ва ингибиция ҳодисалари ва уларнинг моҳияти. Кичик гуруҳларнинг Р.Немов бўйича классификацияси: шартли, реал; табиий, лаборатория типли; расмий, норасмий; кучсиз ривожланган, кучли ривожланган; корпорация, жамоалар; референт, нореферент. Ҳар бир кичик гуруҳ турининг ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатлари. Ч.Кули таснифига кўра бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар психологияси. Агрегация ва унинг психологик табиати. Гуруҳларнинг инсон ҳаётидаги вазифалари: ижтимоийлаштирувчи, инструментал, экспрессив, қўллаб-қувватлаш. Кичик гуруҳларда кузатиладиган динамик жараёнлар: унинг шаклланиши, лидерлик, қарорларни қабул қилиш, конформизм, ташқи ва ички конформизм, негативизм, автономлик даражаси.

Мавзуда гуруҳ, гуруҳларнинг турлари: шартли, реал, расмий, норасмий, катта, кичик, референт, нореферент; гуруҳнинг шахсга таъсири: ингибиция,

фасцилитация; гуруҳдаги динамик жараёнлар: уюшганлик, автономлилик, тарқоқлик, лидерлик, конформизм, негативизм тушунчалари ва моҳияти атрофлича баён этиб берилган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлари:

1. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси.
2. Этник гуруҳлар психологияси.
3. Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар.
4. Кичик гуруҳлар психологияси.
5. Кичик гуруҳларнинг классификацияси.
6. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар.

Тестлар:

1. "Диада" қандай гуруҳ?

- А) катта гуруҳ
- *Б) кичик гуруҳ
- С) жамоа
- Д) тўда

2. Гуруҳнинг ҳажми борган сари шахслараро ўзаро муносабатлар таранглашиб боради?

- А) катталашиб борса
- *Б) кичиклашиб борса
- С) жамоалашиб борса
- Д) тўдалашиб борса

3. Этнопсихология - бу психологиянинг шундай тармоғи.....?

- А) миллатлар психологиясини ўрганади
- Б) турли халқлар психологиясини ўрганади
- С) кичик миллий гуруҳларни ўрганади
- *Д) барча жавоблар тўғри

4. Конформизм – бу.....?

*А) Реал ёки тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс эътиқоди ва ҳуқ-атвориға таъсирини тушунтирувчи ҳодисадир.

Б) Нореал тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс эътиқодига таъсирини тушунтирувчи ҳодисадир

- С) А ва Б жавоблар тўғри
- Д) барча жавоблар тўғри

5. Ижтимоий психологияда гуруҳлар қандай номланади?

- А) катта ва кичик гуруҳ
- Б) расмий ва норасмий гуруҳ

С) шартли ва шартсиз гуруҳ

*Д) барчаси тўғри

Мавзу юзасидан ижтимоий тренинглар:

Шарқ бозори

Мақсад: муомала ва мулоқотга киришувчанлик кўникмаларини шакллантириш, ўзаро танишув, дипломатик ҳамда ўзаро фойдали келишув ўрнатишни ўрганиш. Фаоллаштириш.

Керакли ресурслар: ҳар бир иштирокчи учун 4 тадан бир ҳил рангли стикер (ёпишқоқ қоғозлар), ҳар бир иштирокчи учун 1 тадан ручка, ички қисми 15-20 сантиметр чуқур бўлган қоғоз қути.

Жараён: ҳар бир иштирокчига тўрттадан стикер тарқатилади ва уларнинг ҳар бирига иштирокчилар ўз исмларини ёзиб чиқишлари сўралади. Шундан сўнг, ҳар бир стикер икки марта (ёзуви кўринмайдиган даражада) букланади ва тренер кўлидаги қоғоз қутига барча букланган стикерлар жойлаштирилади. Тренер қути ичидаги стикерларни яхшилаб аралаштириб юборади, сўнгга ҳар бир иштирокчидан қути ичидан қарамай 4 тадан стикер олишни сўрайди. Стикерлар тарқатиб бўлингач иштирокчилардан стикерларни очиб кўриш лекин ундаги исмларни бир-бирларига маълум қилмаслик талаб этилади. Шарт шуки, иштирокчилар ўз исмлари ёзилган стикерларни бошқа иштирокчилардан сўраб топиб олишлари керак, лекин кўлидаги исм ёзилган стикерларнинг эгасига уларни шунчаки бериб юбормасликлари лозим, бунинг учун улар ўз исми ёзилган стикерларни топиб олиб келишни, ёки кимда эканлигини кўрсатишни сўраш ёки бошқа бир стикерга алмашиш орқали сўраган иштирокчи исми ёзилаган стикерни беришлари мақсадга мувофиқлиги тушунтирилади. Қисқача “текинга ҳеч кимга ҳеч нарса бермаслик” сўралади.

Ўз исмлари ёзилган стикерларнинг ҳар тўттасини ҳам биринчи, иккинчи, учинчи бўлиб топган ва олишга муваффақ бўлган иштирокчилар ғолиб деб топилади. Ушбу машғулот учун уларга (иштирокчилар сонига қараб) 10-20 дақиқа бериш мумкин. Машғулот тўлиқ тугагач, ғолиблардан ўз таассуротлари ва тажрибалари билан ўртоқлашиш, яъни қандай қилиб тезда ўз исми ёзилган стикерларни қўлга киритганлигини, қандай стратегия қўллаганликларини айтиб бериш сўралади. Бундан сўнг эса, кимлар охирида қолиб кетишган бўлишса, улардан нималарда қийинчиликка учраганликлари ва уларга тезда стикерларини йиғиб олишга нима ҳалал берганини айтиб бериш сўралади.

Тренер хулоса ўрнида куйидагиларни таъкидлаб ўтиши жоизки, ушбу машғулотдан иштирокчилар инсонлар билан мулоқотга киришишда ва улар билан маълум бир алоқа ўрнатишда ўзидаги қандай кўникма ва ҳислатлардан фойдаланиши мумкинлигини шунинг билан биргаликда, ўзида қўшимча яна қандай комуникатив билим ва кўникмаларни шакллантиришлари ҳамда ривожлантиришлари лозимлигини билиб олишлари керак

«Орқадаги ёзувлар».

Иштирокчиларнинг орқаларига варақ маҳкамлаб қўйилади. Ҳамма иштирокчилар хонада хоҳлаган одамнинг олдига бориб унинг орқасидаги қоғозга бу одамнинг нимаси ўзига ёқишини ёзиши керак. Вазифани мукаммаллаштириш ҳам мумкин. Масалан, ўша одамда нимани ўзгартиришни хоҳлашини ёзиши мумкин.

Информацияни (маълумотни) сўзсиз узатиш.

Бу ўйинда бошловчи йўналтириб турувчи ролини бажаради. Бошловчи шундай тушунтириш беради: «Ҳозир бир киши хонадан ташқарига чиқиб туради, қолганлар эса унга қанақа маълумотни айтиш лозимлиги ҳақида келишиб олишади. Мен уни чақираман, шунда бутун гуруҳ имо-ишора, турли қилиқлар ва юз ҳаракатлари билан унга шу информацияни узатишга ҳаракат қилишади. Чақирилган одамнинг вазифаси - гуруҳ унга айтмоқчи бўлаётган маълумотни англаб олишдан иборат».

Бошловчига эслатма: Одатда, ўсмирлар ўйин муҳитидан ножўя хатти-ҳаракатларни бажариш учун баҳона сифатида фойдаланишлари мумкин. Албатта, бу ўйинда ножўя ҳаракатлар бўлиши табиий, лекин кимки вазиятдан шўхлик ва ҳазил-хузул учун фойдаланмоқчи бўлса, уни ўйнаётган гуруҳинг ўзи тартибга келтириб қўйиши керак. Бу усулнинг муҳим таъсир кучига эгаллигини ҳисобга олиб, уни жамоатчиликдан ҳоли ва шовқин кам бўлган махсус хоналарда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

VIII-БОБ. БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

Режа:

- 8.1. Психологияда бошқариш муаммоси
- 8.2. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик
- 8.3. Лидерликка оид назариялар
- 8.4. Раҳбарлик сифатлари

Таянч тушунчалар: раҳбарлик, лидерлик, бошқарув, бошқарув услуби, раҳбарлик сифатлари, раҳбарлик компетентлиги, раҳбар қобилиятлари.

8.1. Психологияда бошқариш муаммоси

Охирги йилларда инсон омилига эътиборнинг ортиб бориши муносабати билан бошқариш психологияси масалаларига ҳам қизиқиш кучайди. Шу асосда ижтимоий психологиянинг махсус бўлими - бошқариш психологияси пайдо бўлди. Бошқариш психологияси психологиянинг шундай тармоғики, у бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан бошқа гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва биргаликдаги фаолиятини амалга оширишнинг психологик механизмларини ўрганади.

Бошқариш муаммолари ҳам бир қанча фанлар томонидан ўрганилади, жумладан, фалсафа, тарих иқтисод, ҳуқуқшунослик ва психология унинг ўзига хос томонларини очиш билан шуғулланади. Психология бошқаришни ҳам объекти, ҳам субъектини ўрганади. Психологик тадқиқотларда ўрганиладиган олимлар жамоаси, алоҳида шахс, уларнинг психологик ҳолатлари, улардаги айрим жараёнлар ва вазифалари бошқарув объекти деб айтилади. Бошқарувнинг субъекти ўрганилганда эса одатда бошқарувчи шахс ёки одамлар гуруҳи назарда тутилади.

Психология кўпроқ бошқарувчи шахс фаолиятининг психологик асосларини ўрганади ва шу асосда буйсунувчилар ишларини самарали ташкил этиш, аниқ ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун қандай психологик ҳолат ва жараёнларни ўзида тарбиялаш лозимлиги каби қатор муаммоларни ечади. Масалан, конкрет ҳаётий шароитларда агар бошлиқ мажлис олиб бораётган бўлса, ҳар бир сўзга чиқувчиларнинг фикрлари, маърузалари ва ҳоказолар орқали уларнинг психологик ҳолатлари аниқланади, янги иш дастурлари ишлаб чиқарилади, қабул қилинган қарорларга кўра бошлиқнинг ва ходимларнинг ҳар бирига алоҳида илмий кўрсатмалар ва маслаҳатлар берилади.

Бошқарув психологияси бошлиқ фаолиятини анализ қилганда асосий диққатни бошқариш унинг эҳтиёжи ёки қобилиятларига мос ёки мос эмаслиги,

кайси индивидуал хусусиятларига кўра у бошлиқ даражасига кўтарилди, ишни муваффақиятли амалга ошириш учун у бошқарувнинг қай усулларида фойдаланяпти, ходимларга психологик таъсир кўрсатиш мақсадида у қандай таъсир услубларини қўллаяпти каби қатор масалаларга қаратади. Бошлиқ бўлиш ишига турли шахсларнинг муносабатлари ҳар хил, чунки кимдир бошлиқда бўлган имтиёзларга берилади, ким учундир унга берилажак ҳуқуқларни афзал кўриш хос, кимгадир юксак масъулиятларни бўйинга олиш маъқул келади. Шахсларнинг бошлиқ функциялари ҳақидаги тасаввурлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, бошлиқдан реал шароитларда одамлар гуруҳини аниқ мақсад асосида фаолиятга йўллаш, уларга бош бўлиш, турли тадбирларни амалга ошириш, обрўга эга бўлиш, ҳар бир қилинган иш учун жавобгарликни ўз буйнига олиш каби кўплаб сифатларнинг мужассам бўлиши талаб қилинади.

Айниқса бошлиқ учун турли гуруҳлардаги, кўп ҳолда бир бошлиқ учун бир вақтнинг ўзида бир қанча гуруҳлардаги шахслараро муносабатларнинг характерига жавобгар бўлиш қийинчиликлар туғдиради, чунки ўша гуруҳларни ташкил этган ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуаллиги, бошқарувчи ҳақидаги улар тасаввурининг ҳар хиллиги ва гуруҳларда норасмий лидерларнинг борлиги бошлиқдан одамлар билан ишлаш борасида ҳам тажрибанинг, ҳам психологик фаҳм-фаросатнинг ва сабр-қаноатнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётимизда, ҳам илмий адабиётларда тез-тез ёнма-ён ишлатиладиган "лидер" ва "бошлиқ" тушунчаларининг психологик мазмунларини анализ қилиб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

8.2. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик

Гуруҳлардаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, гуруҳ аъзоларининг конкрет мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада "лидер" ва "бошлиқ" тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д.Паригин бу икки тушунани фарқлаб шундай ёзади:

1) лидер асосан гуруҳдаги шахслараро муносабатларни бошқарса, раҳбар - шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2) лидерлик кичик гуруҳларгагина хос бўлган ҳодиса бўлса, раҳбарликнинг ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3) агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мақсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ҳодисадир;

4) лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ҳодиса бўлиб, гуруҳ аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йуналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;

5) раҳбарнинг лидердан фарқи яна шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимига эга бўлиб, шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;

6) лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирасидан чиқиб кетиши кийин;

7) лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги, кенгроқ ижтимоий доирадаги, жамиятдаги вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гуруҳ аъзолари орасида бўлади, у шу гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга қорлайди. Чунки лидер гуруҳ аъзоларининг психологияси, уларнинг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва ҳоказоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир. Агар синф доирасида олиб қараладиган бўлса, турли хил лидер борлигини аниқлаш мумкин. Масалан, гуруҳ аъзолари ичида энг билағони, ақл ўргатувчиси, топқир, интеллектуал лидери, болалар ичида энг ҳазилкаши, дилкаши, хушчақчағи, кўнгил сўровчиси, ўзгаларни тушуна оладиган - эмоционал лидер, гуруҳни иш фаолиятга қорлай оладиган, дадил, қатъиятли, иродали-иродавий лидерлар бўлиши мумкин. Улар айна вазиятларда вазият талабига кўра пайдо бўладилар ҳамда болалар онгида ўз сифатларига кўра обрў қозонадилар. Лидер сифатлари ичида яхши ва ёмонлари ҳам бўлиши мумкин, лекин гуруҳ лидерга эргашганда, уни ибрат сифатида танқидсиз қабул қилади ва шунинг учун ҳам барча ишларига эргашиб, кўрсатмаларига амал қилади. Мактабда болалар ёшида хулқи мактаб нормаларига тўғри келмайдиган лидерларнинг борлиги, улар маълум гуруҳ ичида сўзсиз обрўга эга эканлиги ҳам шу билан тушунтирилади. Масалан, лидер "кетдик" деб кўрсатма берса, унга эргашганларнинг дарсни ҳам ташлаб кета олиши шу билан тушунтирилади.

Шунинг учун ҳам синф раҳбари ўз синфидаги расмий лидерлар билан ишлаш билан чекланмайди, балки норасмий лидерларни ҳам аниқлай билиши, улар билан ҳамкорликда ишлаши зарур. Тўғри, баъзи ҳолларда расмий ва

норасмий лидер бир шахс бўлиши ҳам мумкин. Бу жуда қулай, лекин лидерлик вазиятга боғлиқ бўлгани учун ҳам уларнинг ўзгариб туришини ҳисобга оладиган бўлсак ўқитувчининг бошқариш маҳорати ёки санъати унинг норасмий лидерлар билан самарали ишлаш усулидир.

Шундай қилиб, ҳар қандай лидер обрўга эга. Обрўлилик шахснинг шундай хусусияти, у бошқа шахсларга ҳам ҳиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эгадир. Норасмий обрўлилик яъни шахслараро муносабатлар маҳсули сифатида орттирилган обрў жуда самаралидир. Одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли вазиятларда тушуна олиш, ишонч ва шунга ўхшашлар обрў орттириш мезонларидандир.

8.3. Лидерликка оид назариялар

Лидерлик ҳодисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назариялари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ҳозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд:

- ❖ Харизматик назария;
- ❖ Вазиятга боғлиқлик назарияси;
- ❖ Синтетик назария.

Харизматик назария. Биринчиси "лидерлик сифатлари назарияси"дир ёки харизматик назария. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер була олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гуруҳда лидер бўлишини таъминлайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К.Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда жумладан ташаббускорлик мулоқотга кириша олиш, юмор ҳисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарорлар қабул кила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар бор эди. Лекин бу назариянинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўлади-ю, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмади, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмади.

Вазиятга боғлиқлик назарияси. Иккинчи назария лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назариясидир. Бу ердаги асосий ғоя - лидер вазиятнинг маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларнинг ўзларини кўрсатишлари, лидер бўлишлари учун қулай ҳисобланади.

Синтетик назария. Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган учинчи назария лидерликнинг синтетик назариясидир. Бу назария лидерни гуруҳий муносабатларнинг бевосита маҳсули деб қарайди, лидернинг руёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради.

Психолог А.Н.Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият маҳсули, гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гуруҳда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутишларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин. Ижтимоий кутишлар назарияси ҳозирда кўпчилик томонидан маъқул ёндашишлардан бири деб қабул қилинмоқда.

Лидерлик услублари ҳақида тушунча. Ҳар бир лидер ёки бошлиқ ўзича индивидуал ва қайтарилмасдир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини, бошқарув фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишидадир.

Ижтимоий психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири - турли бошқарув услубларидир. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М. Форверг, рус олимлари В.Д. Паригин, Л.Н. Уманский, М.Ю. Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш услубларига ҳарактеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб:

- ❖ Авторитар;
- ❖ Демократик;
- ❖ Либерал иш услубларидир.

Авторитар услуб. Авторитар раҳбар барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқравшан, кескин оҳангда ходимларга етказди. Мулоқот жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўқ-пўписа, кескин таъкиклаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири - нима йўл билан бўлса-да, ўз ҳукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни макташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарсалар бошлиқнинг кайфиятига ва ўша шахсларга нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак-истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам ҳоллардагина инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истаклар ёки кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўқ-пўписа, камситиш ёки маънавий жазолаш йўли билан чекланади ёки қониқтирилмайди. Бундай раҳбар ўз иш услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширмакчилигини одатда, жамоадан сир тутди, унинг фикрича, бу унинг обрўйига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Гуруҳдаги ижтимоий-фазовий муносабатлардаги ўрни жиҳатидан, у "жамоадан четда", автономдир.

Авторитар раҳбарда ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилиятлари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳақида тасаввурлар борки, шунга кўра у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очик ғазабини

келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни бундай жамоаларда ҳокимият - марказлаштирилган, жамоа раҳбари ушбу марказнинг якка ҳокими - шунинг учун ҳам бу ерда "менинг одамларим", "менинг ишим", "менинг фикрим бўйича" каби иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишига нисбатан шундай фидоийлик борки, улар ўзларини шу ишсиз тасаввур қила олмайдилар, яъни иш унинг "бутун вужудини қамраб олган". Шу сабаб бўлса керак бундай раҳбар ҳар бир одамни унинг кундалик иш фаолиятини, унинг натижаларини жуда яхши билади. Лекин, аслида, уни ишнинг мазмунидан кўра, унинг ўша ердаги етакчилик роли, бошлиқлиги кўпроқ қизиқтиради ва ўзига ўша сифатларга қараб баҳо беради. Бу сифат, табиийки, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилгани учун жамоа олдига қўйилган барча топшириқлар бажарилмай қолмайди ("темир раҳбар"). Бундай жамоаларда танқид иши жуда суст, чунки у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам танқид қилишларига йўл қўймайди. Танқид қилишга, унинг фикрича, фақат бошлиқ ҳақли, йиғилишларда сўзни ўзи бошлаб, ташаббусни охиригача бошқаларга бермайди, одамларнинг таклифлари, уларнинг ҳиссиётлари эътиборга олинмайди.

Г. Гиш ва М. Форвергларнинг таҳлил қилишларича, авторитар лидер бош бўлган жамоада ишларнинг самарадорлиги анча юқори бўлиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлар экан. Лекин жамоадаги руҳий-маънавий муҳит оғир, танг бўлиб, бу нарса одамларнинг жамоадан, ишдан қониқмасликларига олиб келади. Бундай раҳбарлар бошчилик қилган меҳнат жамоаларида ишлайдиган одамлар ўз касблари, иш жойларини осонликча алмаштиришлари мумкин.

Демократик услуб. Демократик раҳбар, аксинча, бўйсунувчиларга мустақиллик эрк бериш тарафдори. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар, одатда, таклиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор кишини мақташ, унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид, кўпинча таклиф, истак шаклида қилинган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолида "айбдорга" етказилади. Ҳар бир янги иш жамоа маслаҳатсиз бошланмайди. Шунинг учун ҳам унинг фазовий-ижтимоий ҳолати "жамоа ичида".

Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатидан ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпроқ бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари - норасмий лидерлар танқид қиладилар. Бошлиқ

йўл қўйган хато-камчиликларни жамоатчилик олдида бўйнига олишдан кўрқмайди. Чунки ундаги масъулияг ҳисси нафақат юқори бошқарув ташкилотлари аъзолари билан мулоқот пайтида, балки, ходимлар билан мулоқотда ҳам сезилиб туради ва қўйилган топшириқ юзасидан масъулиятни бошқаларга ҳам бўлиб беришни яхши кўради. Бошлиқнинг ходимларидан сири йўқ, шунинг учун ҳам мажлисларда кўпроқ у эмас, балки барча ходимлар гапирадilar, охири қарор чиқариш ва сўзларни якунлаш, умумлаштириш ҳуқуқидан у тўлиқ фойдаланади.

Гиёш ва Форвергларнинг таҳлилларига кўра, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоаларда маънавий-руҳий муҳит жуда яхши, ишчилар жамоадан, ишдан қониқиш ҳосил қилганлар, ишдан кетиш ҳоллари кам бўлади, лекин ишлаб чиқариш зўрға норма ҳолатида бўлар экан.

Либерал услуб. Либерал (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини, ишга муносабатини, ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиклаш, пўписа бўлмайди, унинг ўрнига кўпинча ишнинг охири оқибати билан танишиш билан чекланади, холос. Жамоада ҳамкорлик йўқ бошлиқ жамоанинг муаммолари, ишнинг баланд-пасти билан қизиқмайдигандай, гўёки бошқа "қоинотда" юрганга ўхшайди. Аниқ кўрсатмалар бермайди, унинг ўрнига норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириқлар бажарувчиларга етказилади. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, керакли маҳсулот, хомашё қабиларни топиб келиш, мажлисларда қатнашиш ва ҳоказолардан иборат.

Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганда, у доимо хушмуомала бўлиб, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай, охири сўзни ўзига қолдиради. Шундай қилиб, ходимларга фикрлаш ва ҳатти-ҳаракатлар эркинлиги бериб қўйилган, булар юзасидан бошлиқнинг фикри сўралган тақдирда ҳам, ундан аниқ гап чиқмайди, чунки у ходимларни яхши билмайди, қолаверса, уларни хафа қилиб қўйишдан кўрқади. Унинг фазовий-психологик ҳолати "гуруҳ ташқарисида".

Олимлар фикрича, бундай раҳбар ишни олиб борган жамоаларда барча кўрсаткичлар доимо орқада, кўним ҳам йўқ. Либерал раҳбар ишда ўзбошимчаликка йўл қўйиб, кўп турмай, бошқа ердан иш қидиришга ҳаракат қилади.

Юқорида баҳо берилган бошқариш услублари кўпроқ лидерликка эмас, балки раҳбарликка тааллуқли, лекин илмий адабиётларда бу иккала ибора,

кўпинча синонимдай ишлатилади. Аслида, энг яхши раҳбар ўзида барча лидерлик сифатларини ҳам мужассамлаштирган бўлади. Чунки соф ижтимоий психологик маънодаги лидернинг турлари турли шароитларда ўзида кўпроқ намоён этадиган шахсий сифатларига кўра табақаланади. Масалан, лидер-ташкилотчи, лидер-ташаббускор, лидер-эрудит, жамоа ҳиссий-эмоционал ҳолатни бошқарувчи лидер, лидер-билагон ва ҳоказо. Яхши раҳбар ана шу лидер сифатларини билган ҳолда, уларни ўзида тарбиялаши ва жамоасидаги лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиши керак.

Охирги йилларда Москва ва бошқа йирик илмий марказларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, аслида ҳаётда соф демократ ёки соф авторитар раҳбарни учратиш қийин, лекин учраган пайтда ҳам улар бир жамоани узоқ муддат бошқара олмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам улар вазиятга боғлиқ, конкрет жамоа, унда қабул қилинган ҳатти-ҳаракат нормалари, шахслараро муносабатлар типи лидернинг ҳам, раҳбарнинг ҳам иш тактикаси ва услубини белгилайди, деган ғоя қабул қилинмоқда.

Лекин бу раҳбарлик услубларининг психологик мазмун ва моҳиятини билишнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳар бир услубда ўзига хос ижобий томон бор, моҳир раҳбар ўзини-ўзи тарбиялар экан, ўшаларнинг энг маъқули, айниқса ўзи раҳбарлик қилаётган жамоага мосларини тарбиялаши мақсадга мувофиқдир.

8.4. Раҳбарлик сифатлари

Юқорида айтиб ўтилганидек раҳбарда туғма қобилият бўлади деб ҳам айтиб бўлмайди, иккинчи томондан, раҳбар вазиятга қараб стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб ҳам бўлмайди. Минглаб шахс сифатлари ичида кўплари раҳбарлик учун қулай ва маъқулдир. А.В.Петровский ана шундай ижобий сифатлардан бир ярим мингини санаб чиққан. Лекин уларнинг барчасини умумлаштирадиган, албатта бўлиши лозим бўлган айрим сифат, қобилиятлар борки, улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқ лозим.

Аввало, ҳар қандай раҳбарда интеллект, ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений даражасидаги интеллектга эга бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл-заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлишини амалиёт ва ҳаёт кўрсатди. Раҳбардаги ўртадан юқори интеллектни қоплаб кетадиган яна бошқа муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, раҳбарнинг мустақил фикрлилик, топқирлик, ташаббускорлик сифатлари. Чунки, айрим ҳолларда хато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсата олиши, ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга мустақил баҳо бера олиши зарур. Чунки мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир.

Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу эса ўз навбатида раҳбардаги субъектив талаблар даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча, раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади, лекин яхши раҳбар аввало ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосда бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Ҳар қандай раҳбар учун универсал, керак бўлган ҳислатлардан яна бири том маънода "зиёли" бўлиш ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим. Муомала маданияти - бу ўринли, аниқ, қисқа, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан ходимлар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг ўрнига тура олиш, унинг ҳискечинмаларига шерик бўлиш, эмпатия ҳиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлилик ва бошқалар мулоқот маданиятининг муҳим томонларидир.

Жамоа фаолиятини ва ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти раҳбар учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда бошқара олишни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади. Режалаштириш - бу ўзига хос келажакни кўра олиш қобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарса шахснинг қанчалик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир. Бу жуда мураккаб психологик жараён бўлиб, у шахснинг ўз диққатини қанчалик омилона тарзда бошқариши, уни фақат муҳим нарсаларга қарата олиши, вақтдан тез фойдалана олиш, ортиқча ишлардан ўзини тийиш, қўл остидагиларга, имкони борича, уларнинг қобилиятларига қараб иш буюра олиш ва ниҳоят, буюрган ишни ўз вақтида назорат қилиб, сўраб олиш имконияти билан боғлиқ. Ўз ишини пухта режалаштириш қобилиятига эга бўлган раҳбар реалистик тафаккурга эга бўлмоғи, яъни ҳар қандай шароитларда ҳам ўша муаммо ёки ишга тааллуқли барча альтернатив вариантлардан энг тўғриси ва мақсадга мувофиқини танлай оладиган, ишни тўғри ташкил эта билган, яъни энг кам куч ва вақт сарфлаб ишни уддалай олган, ноаниқ ёки тасодифий вазиятларда ҳам иш тактикасини

тўғри йўлга йўналтира оладиган одам бўлиши керак Бундан ташқари, яхши раҳбар учун олдида турган ишнинг ҳар бир алоҳида деталаригача тасаввур қилиб, уни амалга оширишнинг барча босқичлари ва воситаларини олдиндан кўра билиш қобилияти ҳам зарур. Шундай тақдирдагина у ишга дадил киришиши, ўзгаларни ўз ортидан эргаштириши ва ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этгани - одамлар билан ишлаш маҳоратидир. Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун эса бошлиқ уларнинг психологиясини, ҳар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, чунки "ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир", - деб ёзишган эди инглиз олимлари. Ижтимоий психологиянинг бу борада ҳам яхши воситаси - ижтимоий психологик тренинг услуги борки, унинг ёрдамида одамлар билан ишловчилар жамоани бошқаришнинг турли усулларига муваффақиятли тарзда тайёрланмоқдалар.

Раҳбарнинг профессионал муҳим сифатлари масаласи охириги йилларда мутахассислар ва амалиётчиларни кўпроқ қизиқтирмоқда. Бир гуруҳ олимлар америкалик ҳамда япониялик раҳбарлар фаолиятини ўрганиб, уларга хос бўлган энг муҳим сифатларнинг блокларини ажратганлар. 1500 та америкалик менеджер ва 41 та йирик Япония фирмалари раҳбарларининг сифатлари қуйидагича табақаланди:

А. Концептуал қобилият ва ҳулқ-атвор стандартлари:

- ❖ дунёқарашнинг кенглиги, глобал ёндашув;
- ❖ узоқни кўра билиш ва эгилувчанлик;
- ❖ ташаббускорлик ва дадиллик, таваккалчиликка мойиллик;
- ❖ мунтазам ўз устида ишлаш ва узлуксиз ўқиш. Б. Шахсий сифатлар:
- ❖ мақсад ва йғналишларни аниқ белгилаш;
- ❖ ўзгалар фикрини тинглаш қобилияти;
- ❖ холислик, самимият ва бағрикенглик;
- ❖ адолатли қарорлар чиқариш орқали ходимларни жой-жойига қўйиш, улар имкониятларидан тўла фойдаланиш;
- ❖ шахсий ёқимтойлик;
- ❖ жамоа ташкил этиш ва унда уйғун муҳитни ушлаб тура олиш қобилияти.

В. Саломатлик. Лекин барча ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарсга аён бўлдики, америкалик раҳбарлар кўпроқ ходимларнинг шахсий-индивидуал ташаббуслар кўрсатишларига имкон берувчи муҳитнинг бўлиши тарафдорлари бўлсалар, японияликлар - ходимларнинг ҳамкорликдаги

фаолиятлари самарасини оширувчи шароитларни яратишга эътибор берадилар.

Шунинг учун ҳам раҳбарлик сифатлари хақида гап кетганда, шахснинг бир қатор билимдонликлари назарда тутилади.

1. Профессионал билимдонлик - ўзи бошқараётган соҳа фаолиятини мукаммал йўлга қуйиш учун ўша фаолият борасида тўла маълумотлар, билим ва малакаларга эга бўлишликдир.

2. Услубий билимдонлик - билган нарсалари, шахсий малака ва кўникмалари, турли лойихалар хусусидаги маълумотлар, топшириқларни тез, тўғри ва тушунарли тарзда ходимларга етказа олиш қобилияти.

3. Ижтимоий психологик билимдонлик - одамлар билан ишлаш, улар билан тил топиша олиш, жамоани уюштира олиш, уни яхши ишлашга сафарбар қила олиш, ўзидаги лидерлик сифатларини тўла намоён эта билиш қобилияти. Бу тушунча кўпинча “коммуникатив билимдонлик” тушунчаси билан синоним сифатида ҳам ишлатилади.

50-чи йиллардан бошлаб ўтказилган тадқиқотларда ҳар қандай фаолиятда ҳам муваффақиятни таъминловчи сифатларнинг юзлаб хилларини аниқланди. Лекин уларни умумлаштирилганда, 5% сифатларгина барча тадқиқотларда муҳим, деб эътироф этилди. Уларнинг орасида энг кўп марта такрорланганлари: а) интеллект (одамнинг мураккаб ва мавҳум муаммоларни еча олиш қобилияти, у ўта юқори бўлмаслиги, аксинча, ўртачадан юқори бўлиши кераклиги эътироф этилди); б) ташаббускорлик (янгича ишлаш ва ҳаракатларга эҳтиёжни англаш қобилияти ва шунга мос мотивлар) киради.

Раҳбарликка лойиқлик мезонлари асосида лидерликнинг вазифалари:

- ❖ лидер - маъмур;
- ❖ лидер - режалаштирувчи;
- ❖ лидер - сиёсатчи;
- ❖ лидер - баҳоловчи эксперт;
- ❖ лидер - жамонинг ваколатли вакили;
- ❖ лидер - рағбатлантириш ва жазолаш ташаббускори;
- ❖ лидер - ҳукм чиқарувчи ва яраштирувчи;
- ❖ лидер - намуна “Ота”;
- ❖ лидер - жамоанинг рамзи - референт;
- ❖ лидер - индивидуал масъуллиқни чекловчи;
- ❖ лидер - дунёқарашлар шакллантирувчи;
- ❖ лидер - “Балогардон”.

Лидерлик ва суперлидерлик. Америкалик тадқиқотчи Линда Джуэлл ўзининг «Индустриально-организационная психология» (2001 йил) китобида

ижтимоий психологик ходисалардан муҳими бўлмиш лидерлик масаласига ўзининг ўзига хос ёндашувини баён этган. У бу муаммони айнан бизнинг шароитимиздаги талқини, яъни мардлик ва жасорат кўрсатиш учун очик майдонлар йўқ бўлган шароитда лидерлик хислатларининг намоён бўлиш хусусиятларини очишга уринади. Унинг фикрича, замонавий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги энг аввало ходимлар ролини ошириб, лидерларникини аксинча, пастлаштириш, ёки аниқроғи, камайтириш ҳисобига рўй беради.

Шундагина раҳбарликда ортиқча бўғинларни камайтириш мумкин. Лидернинг, яъни америкаликлар раҳбарни лидер феномени доирасида тасаввур қилишади, вазифаси – гуруҳнинг самарали фаолият кўрсатиш йўллари белгилаб беришдир.

Бу китобда ижтимоий психологик нуқтаи назардан аҳамиятли бўлган тушунчадан бири бу – «суперлидер» тушунчасидир. Суперлидер ким ва қачон оддий лидер суперга айланади? Америкалик тадқиқотчилар Манц ва Симсларнинг фикрича, энг яхши лидер – бу «суперлидердир». Бу шундай шахси, у ўз ходимларининг аксариятини лидерларга, биринчи навбатда ўзлари учун лидерларга айлантира олади. Бундаги асосий ғоя шундан иборатки, агар одам энг аввало ўзи учун лидер бўла олса, ўзидаги бу малака ёки маҳоратни бошқаларга етказа олсагина, бу одам учун шундай вақт-саот этиб келадики, жамоа ўзи мустақил ишлайдиган, бевосита тепасида туриб бошқариб турадиган инсонга муҳтож бўлмаган механизмга айланади. Бу – суперлидерликдир.

Оддий раҳбар ёки лидернинг суперлидерга айланиши бир неча босқичларда кечади:

I - ўзи учун лидер бўлиш, яъни шахсий мақсад ва маслақлар, ўзини ўзи кузатиш, ўзини ўзи рағбатлантириш, ҳаёлий репетициялар ва когнитив таҳлиллар орқали ўзининг мустақил инсон, шахс эканлигини, ўзида бошқаларга ўрнак бўлувчи сифатлар борлигини англаш;

II - юқорида қайд этилган сифатларнинг афзалликларини ўзгаларга намоёиш этиб, унинг афзалликларига ишонтира олиш;

III - ходимларига ўзларида ташаббус ва ўзига ишончни намоён этиш учун шароит яратиш;

IV - мустақил қобилият эгалари бўлган ходимларни рағбатлантириш, керак бўлганда, фақат конструктив танбеҳлар бериш;

V – ўз-ўзини бошқаришга асосланган ижтимоий фаолиятни ташкил этиш ва ишларга ҳадеб аралашаверишдан ўзини тийиш.

Демак, самарали бошқарув - аслида ижтимоий таъсирни амалга оширишнинг энг намоёишкорона кўринишидир. Шу маънода, лидерлик –

аввал шахснинг ўзига, сўнгра ўзгаларга бера оладиган таъсирида кўринадиган фазилатлар мажмуидир, деб таърифланади.

РАҲБАРГА ЗАРУР БЎЛГАН ТҶҲТТА “Т” (8.1- расм)

8.1- расм



Раҳбарга зарур билимдонлик қирралари:

- 1.Профессионал билимдонлик
- 2.Услубий билимдонлик
- 3.Ижтимоий билимдонлик.

Мавзу юзасидан қисқача хулоса:

Психологияда бошқарув муаммоси. Бошқариш муаммосининг ижтимоий психологиянинг махсус бўлими эканлиги. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик масалалари. Б.Паригин бўйича лидер ва раҳбар орасидаги тафовут ва ўхшашликлар. Ижтимоий ҳодисаларни бошқаришда лидерлик фаолиятидан фойдаланиш қоидалари.

Лидерликнинг учта назарияси. «Лидерлик сифатлари» назарияси, унинг моҳияти. Лидерликнинг вазиятга боғлиқлик назарияси ва унинг ғояси. Лидерликнинг синтетик назарияси ва унда гуруҳнинг роли. Лидерлик усуллари ҳақида тушунча. Авторитар раҳбар ва унинг иш олиб бориш хусусиятлари.

Демократик раҳбар ва жамоани бошқаришдаги унинг таъсир усуллари. Либерал раҳбар ва ундаги иш олиб бориш тартиблари. Г.Гибш ва М.Форверглар бўйича бу учала тоифа раҳбарларнинг жамоа психологик муҳитидаги ўрнлари масаласи. Раҳбарлик сифатлари (интеллект даражаси, мустақиллик, ўзига ишонч, зиёилик, режалилик, коммуникативлилик ва бошқа сифатлар).

Мазкур мавзуда ижтимоий психологияда бошқарув ва раҳбарлик муаммосининг қўйилиши, раҳбарликка оид назариялар (харизматик, вазиятга боғлиқлик, синтетик), раҳбар ва лидер орасидаги ўхшашлик ва тафовутлар,

уларнинг ваколат даражалари, раҳбарлик услублари (авторитар, демократик, либерал) тўғрисида атрофлича билим ва тушунчалар берилган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Психологияда бошқариш муаммоси.
2. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик.
3. Лидерлик усуллари ҳақида тушунча.
4. Раҳбарлик сифатлари.

Тестлар:

1. Қаттиққўликка асосланган бошқарув услубини топинг?

- *А) Авторитар
- Б) Либерал
- С) Демократик
- Д) Барчаси тўғри

2. Дўстлик ва тенгликка асосланган бошқарув услубини топинг?

- А) Авторитар
- Б) Либерал
- *С) Демократик
- Д) Барчаси тўғри

3. Қўлоштидаги ўринбосарларининг бошқарувига асосланган бошқарув услубини топинг?

- А) Авторитар
- *Б) Либерал
- С) Демократик
- Д) Барчаси тўғри

4. Раҳбарга зарур бўлган тўртта “Т” нималигини топинг?

- А) талант, тоқат
- Б) темперамент
- С) тинимсиз изланувчанлик
- *Д) Барчаси тўғри

5. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилиятларининг ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди-бу қайси бошқарув услуби эгалари?

- А) Авторитар
- Б) Либерал
- *С) Демократик

Д) Барчаси тўғри

Муаммоли савол:

Баъзи бир талабалар гуруҳларида шундай ҳолат кузатилдики, талабаларнинг асосий қисми гуруҳ сардорига эмас, балки гуруҳдаги бошқа бир фаолроқ талабага қулоқ соладилар, у билан маслаҳатлашадилар, унинг ортидан эргашадилар ва унинг айтганларини тезроқ қабул қиладилар. **Бу ҳолатни қандай изоҳлайсиз?**


Муаммоли вазият

Тасаввур қилинг: Сизга илк бор дарсга кираётган уч ўқитувчи сизнинг кечикиб келишингизга уч хил муносабатда бўлишди. Яъни:

- Биринчи ўқитувчи сизга, бундан кейин унинг дарсига кечикиб келиш мумкин эмаслигини қатъий таъкидлагани ҳолда “биринчи ва охирги” шарт билан дарсга киритди.
- Иккинчи ўқитувчига янги келин эканлигингизни айтганингиз заҳоти сизни тушунди ва “майли кирақолинг”, деди.
- Учинчи ўқитувчи эса журналдан бошини кўтармасдан ёки гапини тўхтатмасдан сизга жаҳл билан кираверинг деган ишорани қилди ва сизнинг кечикиб келганингизга эътибор ҳам бермади.

Мазкур вазиятда уччала ўқитувчининг ҳаракатига баҳо беринг. Уларнинг фаолиятини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳар бирини алоҳида тавсиф этинг.

2-илова



3-илова

Хулқ-атвор актлари	Авторитар	Демократик	Либерал
барча кўрсатмаларни аниқ-равшан бериш			
буйруқни кескин оҳангда ходимларга етказиш			
жамоа муаммолари билан қизиқмаслик			
мулоқот жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўқ-пўписа қилиш			
аниқ кўрсатма бермаслик			
кескин таъқиклаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланиш			
топшириқларни бошқалар орқали етказиш			
ходимларга эрк бериш унда			
буйруқ ёки топшириқлари таклиф маъносида бериш			
доимо осойишта, сокин нутқ			
дўстона муносабат сезилиб туриши			

IX-БОБ. ИЖТИМОЙИ НИЗОЛАР МУАММОСИ

Режа:

9.1. Низолар ва уларни бартараф этишнинг ижтимоий-психологик воситалари

9.2. Мулоқотда низолар ҳолатлар ва шахс тоифалари

Таянч тушунчалар: низо, конфликт, мулоқот, низоли ҳолат, мураса, ён бериш, таъсир, бартараф этиш, коррекция, медиатр

9.1. Низолар ва уларни бартараф этишнинг ижтимоий-психологик воситалари

Хозирги давр талаби маънавий жихатдан етук, ҳар томонлама билимдон, мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш бўлиб, бу муаммо шахслараро муносабат, яъни мулоқот жараёнида амалга оширилади. Шундай экан, кишиларни мулоқот жараёнида теран фикрлилик, ҳозиржавоблик, таъсирчанлик, сезгирлик ва мулоқот жараёнидаги билимдонликни шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

“Конфликт” сўзи 19 асрда латин тилидан кириб келган бўлиб “конфликтус”- “тўқнашув” деган маънони англатади. Конфликт сўзини ишлатмасдан яшаш мумкин, лекин конфликтсиз яшаш мумкин эмас. Балки келишмовчилик, тўқнашув, курашиш, можаро ва шу каби сўзларни барчасини умумлаштириш мақсадида бу сўз ишлатилса ажабмас.

Конфликт - ўзаро қарама-қарши бўлган зиддиятли манфаатлар ва муносабатлар тўқнашувидир (9.1-расм).

9.1-расм



Ҳар бир инсон конфликт билан тўқнаш келади ҳеч бир инсон ўзини конфликт вазиятлардан муҳофаза қилинганман деб айта олмайди. Конфликтлар

инсон ҳаётининг ажралмас қисми конфликт билан тўғри муносабат ўрнатиш мумкин. Таълим жараёнида ҳам конфликтлар бўлади

Конфликт вазиятда ҳар бир томоннинг ўз қарашлари, ўйлари, фикрлари тизими, улар мажмуаси мавжуд бўлади.

Мана шу ўй ва фикрлар тизими худди мана шу томоннинг ўз шахсий манфаатларини англатади.

Инсон ўз шахсий манфаатларисиз яшай олмайди.

Ҳар бир одам, хатто энг кичкина ёшдаги болакайларнинг ҳам ўз шахсий манфаатлари мавжуд

Конфликт ва низоларни бартараф этиш (9.2-расм)

9.2-расм



Конфликт ечимини топиш нима? Конфликт ечимини топиш – конфликт вазиятни йўқотиш ҳамда у юзага келтирган муносабаларни тўғри йўлга солиш билимлари ва кўникмалари мажмуидан иборатдир (9.3-расм)

9.3-расм



Орамизда бирор марта конфликт ва зиддиятга тушмаган инсон бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам «агар сизнинг ҳаётингизда конфликт бўлмаса томирингиз уришини текшириб кўринг» деган ибора ишлатилади. Бунинг

хулосаси эса конфликт - бу ҳаётимиздаги воқеа-ҳодиса сингари оддий ҳолдир. Бундан ташқари агар оилада, ишхонада ёки давлатда конфликтлар бўлмаса, бу айнан шу эрда тинч осойишта ҳаётда ўсиш, ривожланиши тўхтаганлигини билдиради. Шунинг учун бу конфликтларни ўрганиш ва уни юзага келганда бартараф этиш кераклиги ва ҳаётимизни равақига унинг салбий таъсирини ўтказмаслигига ҳаракат қилиш керак.

Низоларнинг ижтимоий-психологик сабабларига инсонларни шартли ўзаро ҳаракатда бўлиши натижасида, уларни ижтимоий гуруҳларга киришишлари натижасида юзага келадилар.

Шахснинг ўз-ўзи билан юзага келадиган конфликт психологик конфликтларнинг ичида энг қийини ҳисобланади, яъни у инсоннинг ички дунёсида рўй беради. Бундай конфликтлар билан инсон ҳар доим тўқнаш келади. Бундай конфликтлар конструктив характери жиҳатидан шахснинг ривожланишининг муҳим ожараёнларидан ҳисобланади. Лекин деструктив ички конфликтлар шахс учун жиддий хавф туғдиради, оғир кечинмаларга яъни стресслар натижасида, энг охириги нуқтага - суицидга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир инсон учун ички конфликтларнинг аниқ сабабини, уларни бартараф қилиш йўллари билиш муҳим ҳисобланади.

Ички зиддият - бу шахснинг ички психологик дунёсининг зиддиятидир.

Бундай зиддият оғир кечинмалар шаклида ўтади. У қуйидаги специфик ҳолатларда кузатилади: кўрқиш, депрессия, стресс, кўпинча ички зиддият неврозга айланади. Ички зиддиятни ҳар доим ҳам аниқлаш осон эмас, баъзан инсон ўзи ҳам шу ҳолатдалигини сезмайди.

Ички зиддият ҳақида турли олимлар ўзларининг асосий психологик концепцияларини келтиришган: З.Фрейдга кўра, инсон табиатан зиддиятга моил бўлиб, шахснинг ички зиддияти эрос ва танатоснинг ўзаро кураши натижаси. Бу кураш З.Фрейдга кўра инсоннинг туйғуларини, амбивалентлиги ижтимоий борлиқ қарама-қаршилиги билан кучаяди ва можаро ҳолатига боради.

З.Фрейд ўзининг назариясида нафақат ички зиддиятларни балки ҳимоя механизмининг очади. Асосий механизм деб сублимацияни ҳисоблайди, яъни инсонларнинг сексуал энергиясини бошқа фаолиятларга йуналтирилиши, шу билан бирга унинг ижодиётига. Бундан ташқари Фрейд проекция, рационализаторлик, сиқиб чиқариш, регрессия механизмларини ҳам олға сурган.

Альфред Адлернинг қоникмаслик назариясига кўра шихснинг характери беш ёшида шаклланади. Бу даврда у нохуш факторлани таъсирини ўзида ҳис қилади. Булар ўз навбатида унда ўзи билан қоникмаслик туйғусини пайдо бўлишига сабаб бўлади. Кейичалик эса бу ҳолат унинг ҳаракатлари, фаолияти,

дунёқараши ва бошқаларда намоён бўлади. Шу билан шахснинг ички зиддияти намоён бўлади. Адлер нафақат шахснинг ички зиддиятини шаклланиш механизмини, балки бу зиддиятларни ечиш йулларини кўрсатиб берган (ўз-ўзидан қоникмаслик компенсацияси).

Олим Карл Юнг экстраверсия ва интроверсия таълими келиб чиқишини таъкидлайди, 1921 йилда чоп этилган “Психологик типлар” китобида инсон типологияси ҳақида аниқ далиллар келтирган. Инсон типологиясини К.Юнг 4та функция бўйича ажратади: фикрлаш, ҳис-туйғу, сезиш ва ички сезги. Ҳар бир функция икки йўналишда амалга ошади: Экстраверсия ва интроверсия. Бундан келиб чиқиб шахсни куйидаги типларга бўлиш мумкин: мутафаккир-экстраверт, мутафаккир-интроверт; ҳис қилувчи-экстраверт; интуитив-экстраверт; интуитив-интроверт.

Шундай қилиб, экстраверт ташқи оламга асосланган. Унинг ички дунёси - ташқи дунёси асосида қурилади. Интроверт учун унинг ички ҳиссиётлари муҳим ўрин тутди. Экстраверт шахснинг ички низоларига кўпроқ таянган ҳолда амалга ошади.

Конфликтнинг олдини олиш институтлар орасида бизнинг шароитимизда оила ва маҳалланинг роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, оилавий муносабатлар тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам халқимизда “қуш уясида кўрганини қилади” деган мақол бор. Яъни, шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оилада олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради.

Бизнинг ўзбекчилик шароитимизда оила билан бир қаторда маҳалла ҳам муҳим тарбияловчи – ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чиқса, айнан шу маҳалладан қиз қидириб қолишади. Яъни, шу маҳалладаги ижтимоий муҳит қизларнинг ибоби, ақли, сариштали бўлиб этишишларига кўмаклашган.

Масалан, айрим маҳаллаларда саҳар туриб кўча эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оилалар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш нормалар тизими ҳар бир кўча – маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, охиргилар эса шу маҳаллага катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувида бевосита таъсирини кўрсатади.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув ўчоқларига мактаб ва бошқа таълим масканлари киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйғунлаштирилади. Бизнинг ижтимоий тасаввурларимиз

шундайки, мактабни биз таълим оладиган, бола билимлар тизимини ўзлаштирадиган маскан сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида бу ер ижтимоийлашув тарбиявий воситаларда юз берадиган маскандир. Бу ерда биз атайлаб ташкил этган “Маънавият”, “Тарбия” ва “Этика ва психология” каби тарбияловчи фанларни назарда тутмаяпмиз. Гап ҳар бир дарснинг, умуман мактабдаги шарт – шароитлар, умумий муҳитнинг тарбияловчи роли ҳақида.

Масалан, дарс пайтида ўқитувчи бутун диққати билан янги дарсни тушунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кўзланган мақсад асосийдай. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим-боши, мавзуга субъектив муносабати ва қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир.

Шу нуқтаи назардан ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс ҳолда эса ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гуруҳда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Бу муҳит табиий ўз аъзолари ижтимоий хулқини фақат ижобий томонга йўналтириб туради. Конфликтлар ҳар бир ижтимоий институтда бўлиб ўтадиганидек, таълим муассасаларида ҳам турли кўринишдаги низолар юзага келади.

Педагогика соҳасининг асосий мақсади, ҳар томонлама баркамол шахсни мақсадли шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлиб, фаолиятнинг асосий моҳияти ҳам ижтимоий тажрибани етказиб бериш ва ўзлаштришига йўналитирлгандир. Шунинг учун айнан шу ерда педагог, ўқувчи, ва ота-оналар учун зарур бўлган руҳий барқарорликни таъминловчи ижобий ижтимоий-психологик шароитлар бўлиши даркор.

Конфликтларнинг асосий кўринишлари: ўқувчи-ўқувчи;

Бундай конфликтларнинг асосий сабаби- ўсмирни синф жамоасида (микрогуруҳ)да етакчи ўринни эгаллашга ҳаракат қилиши, унинг тажовузкорлиги ва қўполлиги (оилавий муносабатлардаги аномал ҳолат ва ўқитувчи-ўқувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлари асосий манба бўлади). Ўсмир конфликтларини умуман таг-туғи билан йўқ қилиб юбориш мумкин эмас. Таълим муассасасида мақсадли амалга оширилаётган ўсмирнинг ижтимоилашуви жараёни кечиши — аввалам бор маънавий, ахлоқий кадриятларни ўзлаштириши билан биргаликда ўқувчилар ўртасидаги низоларнинг интенсивлиги ўзгаради. Маънавий етук шахсларда низо жараёнида хулқи ўзгаради.

Низоларни олдини олишда таълим муассасасида мавжуд бўлган ички коидалар (одоб-ахлоқ меъёрлари) муҳим роль ўйнайди. Ўқувчиларнинг конфликтли ҳулкига ўқитувчининг шахси, катта таъсир кўрсатади. Тадқиқотлар натижасига кўра биринчи муаллимнинг мулоқот қилиш услуби ва педагогик тактикаси ўқувчиларга синфдошлари ва ота-оналари билан шахсларо муносабатларига сезирарли таъсир кўрсатиши мумкин экан. (О.Г.Осадько, 1993).

Ўқувчилар ўртасида бўлиб ўтадиган низоларни бартараф этишда албатта ўқитувчи иштирок этиши зарур, вазиятдан келиб чиққан ҳолда низоларни ҳал этишда маъмурий чора ёки оддий ижобий маслаҳат бериш бўлиши мумкин.

Низо қилувчиларни ҳамкорликда бажарилувчи вазифалар бериш ёки син етакчи ўқувчиларни жалб қилиш орқали ҳам низони ҳал қилишда ижобий натижага эришиш мумкин. Ўқувчи-ўқитувчи ўртасидаги низо. М.М.Рыбакованинг (1991), фикрича ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги куйидаги конфликтларни ажратилади:

- ❖ Фаолият конфликтлари ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўқув вазифаларини бажаришдан бош тортиши ёки уни яхши бажармаслик натижасида юзага келади. Баъзан ўқитувчи томонидан ўз фанини ўзлаштиришга талабни юқори қўйиши ва унинг натижасида баҳолаш орқали жазо услубини қўллаши низоларга олиб келади, бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг билиш фаолиятига бўлган қизиқишларини пасайишига ҳам олиб келади.

- ❖ Педагогик муаммоларни педагог томонидан тўғри ҳал этилиши: чунки мактаб бу жамиятнинг кичик кўриниши бўлиб, у ерда ўқувчилар шахсларо муносабатлардаги меъёрларни ўзлаштиришади.

- ❖ Конфликт иштирокчилари(ўқитувчи-ўқувчи) турли ижтимоий мавқега эга бўлиб уларнинг ҳуқ-атворлари шу асосда белгиланади.

- ❖ Иштирокчиларнинг ҳаёт тажрибалари турлича бўлганлиги сабабли конфликтларни ҳал қилинишида хатоларга йўл қўйиш даражаси ҳам турлича бўлишини келтириб чиқаради.

- ❖ Низони турлича қабул қилиниши (низо ўқитувчи назари билан ва ўқувчи назари билан турлича ифодаланади)

- ❖ Низоларни ҳал қилишда ўқитувчи томонидан қўйилган хатолар, яна бошқа муаммоларни келтириб чиқаради ва энди бунга бошқа ўқувчилар ҳам қшилишади ёки иштирок этишади.

Педагогик жараёнда низони олдини олиш уни ҳал қилишдан кўра самаралироқ ҳисобланади. Низоларни ижобий ҳал қилишда педагогга ўқувчининг ота-онаси билан бўлган ўзаро муносабатлари муҳим ўрин тутади.

Ўқитувчиларга низоларни бошқаришда куйидаги маслаҳатлар берилади:

❖ Ўз хис-туйғуларингизни бошқарган ҳолда, ўқувчиларга объектив муносабатда бўлиш ва уларнинг нуқтаи-назарини ҳам сабр-тоқат билан эшита олиш. - Ўқувчиларга нисбатан ижобий танқид воситаларини қўллаш.

❖ Ўқувчи шахсини ҳақорат қилмаслик, балким унинг хатти-харакатини танқид қилиш керак.

❖ Иложи бориша ўқувчини синфдан ташқарига ҳайдамаслик;

❖ Иложи бориша маъмуриятга мурожат қилмаган ҳолда муаммоларни ҳал қилиш. Агрессияга-агрессия билан жавоб бермаслик, чунки сиз педагогсиз.

❖ Ўзингизга ва бола шахсига хатолар қўйиш учун ҳуқуқ бериш имконияти – чунки фақат ҳеч нарса қилмайдиган инсонларгини хатога йўл қўйишмайди.

❖ Низолардан қўрқмаслик керак, аксинча уларни ҳал қилишда ижобий ёндошишни ўз маъсулиятингизга олишни ўрганинг.

Юқорида айтиб ўтилган муаммоларни бартараф этишда, бугунги кунда ижтимоий - психологик тренингларни кенг қўлланилмоқда. Сўровномалардан маълум бўлишича Европа мамлакатларида психологик тренингни қўллаш, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларда 80-85% ташкил қилар экан. Ижтимоий психологик тренинг психологик таъсир методи сифатида жаҳон амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда. Ижтимоий психологик тренинг шахслараро бир-бирини тушуниш мулоқотнинг эмпатив потенсиалини ошириш ички муаммоларини ҳал этишга имкон туғдиради. Кенг маънода ижтимоий-психологик тренинг (ИПТ) деганда гуруҳлар билан ишлашнинг фаол услубларига асосланган психологик таъсир амалиёти тушунилади. Шу билан бирга билим беришнинг ўзига хос шакллари қўллаш, муомала борасидаги малака ва кўникмалар, ўзини ривожлантириш ва назорат қилиш кабилар ҳам назарда тутилади.

«Тренинг» тушунчаси инглизча «ўргатиш», «машқ» деган маънони англатиб, ижтимоий психологик тренинг - бу турли ижтимоий фаолият соҳаларига шахсни тайёрлашдан иборат бўлиб, бунда асосий эътибор шахс ёки яхлит гуруҳнинг мулоқот ёки коммуникатив соҳасидаги билимдонлик даражасини мақсадга мувофиқ тарзда ошириш жараёнини акс эттиришдир. ИПТ бу ўз хулқи ва гуруҳдагиларнинг хулқига муносабат билдирган ҳолда фаол ўқитиш ва психологик таъсир кўрсатишнинг услубларидан биридир. Бундай гуруҳларда иштирокчи ўзига бўлган бошқаларнинг муносабатини, гуруҳ раҳбарининг муносабатини кўра олиши учун максимал қулай шароит яратилган бўлади.

9.2. Мулоқотда низолар ҳолатлар ва шахс тоифалари

Ўз вақтида Банопарт Наполеон шундай ёзган экан: “Қилич билан ҳар нарса қилиш мумкин, фақат унинг устига ўтириб бўлмайди”. Бу фикрида у кўпинча инсонлар ўртасида бўлиб турадиган низоларни, зиддиятларни назарда тутган экан. Чунки тоталитар ёки диктаторлик бошқаруви шароитида зиддиятларнинг бўлиши табиий бўлиб, унинг ягона ечими - узил-кесил уни ҳал қилиш чораларини излаш бўлган. Лекин демократик муносабатлар шароитидаги раҳбар ҳамда унинг қўл остидагилар ўртасида ёки ходимлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ёки зиддиятларнинг табиати ва моҳияти биров бошқача бўлади.

Аввало шуни эътироф этиш лозимки, инсоний муносабатларнинг ҳар қандай тизимида ҳам фикрларнинг ранг-баранг бўлиши ва улар ўртасида фарқ бўлиши муқаррар ҳолдир. Лекин ана шундай фикрлардаги фарқни салбий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди.

Нима сабабдан меҳнат жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади. Бунинг бир неча сабаблари бор:

- ❖ алоҳида шахс ва жамоатчилик манфаатларининг мос келмаслиги;
- ❖ айрим алоҳида жамоа аъзолари хатти-ҳаракатларининг ижтимоий, группавий нормаларга зид келиши (тартибсизлик, интизомнинг бузилиши, маҳсулотдаги брак, ишнинг самарасизлиги ва б.қ.);
- ❖ жамоа аъзолари қарашларидаги номувофиқликлар;
- ❖ ишни ташкил этиш ва меҳнатга муносабатдаги фарқлар;
- ❖ ишчи-ходимлар ўртасидаги вазифаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳ-зо.

Демак, юқоридаги ҳолатларкўп ҳолларда қуйидаги турдаги низоли вазиятларни келтириб чиқаради:

- 1) таъсирнинг йўналишига кўра: вертикал ва горизонтал;
- 2) низони ҳал қилиш усулига кўра: антогонистик ва келишувга олиб келадиган низолар - компромисс;
- 3) намоён бўлиш даражасига кўра: очик, яшириш, потенциал, асосли;
- 4) иштирокчилар сонига кўра: шахсий, шахслараро, гуруҳлараро;
- 5) келиб чиқиш табиатига кўра: миллий, этник, миллатлараро, ишлаб чиқариш, ҳиссий-эмоционал.

Агар юқоридагиларни таҳлил қиладиган бўлсак, “горизонтал низолар” ҳаётда энг кўп учрайди. Бундай номуросозликлар аксарият ҳолларда ходимлар ўртасида айрим аъзоларнинг ишни яхшилаш, янги иш методларини жорий этиш, ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш, адолат учун кураш, илғор жамоа аъзоларининг шу ердаги маънавий муҳитни соғломлаштириш борасидаги фикрларини айримлар томонидан эътирозлар билан қабул қилиши натижасида рўй беради.

“Вертикал низолар” эса кўпинча раҳбар билан ходим ўртасида содир бўлиб, у бир қарашда лидерликка даъвогарлик, юқоридан тазъийк, пастдан туриб бошқа ходимлар ёки кучлар атрофида бирлашиш, сараланишлар оқибатида келиб чиқади. Бунда низонинг ташаббускори ва бош айбдори кимлигига боғлиқ тарзда уни хал қилиш усули танланади. Масалан, агар бошлиқ ходимнинг ишга масъулиятсизлигидан норозилиги туфайли пайдо бўлган низо билан унинг профессионализм борасида ҳадеб “Ўзини кўрсатаётганлигидан” норозилиги туфайли келиб чиқадиган низонинг ҳам фарқи бор.

Ҳар қандай низонинг асл туб моҳияти шундаки, унинг пайдо бўлиши айрим ўзгаришларга олиб келади. Бу ўзгариш ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарса, уни конструктив, салбий оқибатлар ёки ходимлар қўнимсизлигини келтириб чиқарса, деструктив характерли деб атаймиз.

Низолар юзга келишида икки хил шарт-шароит мавжуд. Объектив шарт-шароитларга:

- ❖ Меҳнат қилиш учун шароитнинг ёмонлиги;
- ❖ Ходимлар орасида мажбурият ва вазифаларнинг нотўғри тақсимланганлиги;
- ❖ Бошқарув тизимидаги номутаносибликлар;
- ❖ Қўйилган вазифаларга мос профессионалликни ходимларда кузатилмаслиги;
- ❖ Ишчи ўринларининг етишмаслиги туфайли, ишларнинг тақсимланишидаги адолатсизлик;
- ❖ Меҳнатни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда адолатсизлик ҳолатларини кузатилиши.

Низолар юзага келишида субъектив шарт-шароитларга:

- ❖ Ишбилармонлик муносабатларида негатив йўлларни кўриниши;
- ❖ Шахслараро муносабатларда шахсга оид хусусиятларнинг намоён бўлиши.
- ❖ Муомалани ташкил этишда нўноқлик ва саводсизликнинг кузатилиши.

Ҳар бир низо алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига хос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг босқичлари ёки фазалари киради:

- I. Низо олди босқич - конфронтация
- II. Низонинг ўзи - компромисс ёки жанжал
- III. Низодан чиқиш - мулоқот ёки диссонанс.

Демак, биринчи босқичда конкрет масала юзасидан фикрлар ёки қарашларда тафовут ёки қарама-қаршилик учун шарт-шароит пайдо бўлади.

Томонлар ўртасига совуқчилик тушади, улар ўзаро келишолмай қоладилар, агар бунда ташқаридан қараганда, кўзга ташланадиган низо бўлмаса-да, ўша шахсларнинг ўзи бир-бирларига нисбатан муносабатларида буни ҳис қила бошлайдилар. Агар раҳбар айнан шу босқичда ҳодисага аралашиб, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилолмаса, низо иккинчи босқичга ўтади.

Иккинчи босқичда ҳар иккала томон ўз қарашларини қарши томонникидан афзал билиб, очиқчасига бир-бирларини айблай бошлайдилар. Шу пайтда бошлиқ уларни келиштиришга уринади, агар бу “уриниш” алоҳида - алоҳида тарзда томонларни кабинетга чақириб рўй берса, вазият янада таранглашиб, зиддият чуқурлашиши, томонлар ўз ҳолича бошлиқни ҳам ўзининг тарафдори қилиб, у ҳам низонинг иштирокчисига айланиб қолиши муқаррар бўлиб қолади.

Шунинг учун ҳам психология ҳар қандай низо томонларни бирга чақирган ҳолда ҳал қилиш ва компромисс қарорлар чиқаришга тайёр туришни тавсия этади. Бунинг учун раҳбарда низонинг тахминий образи ва уни ҳал қилишга бир нечта альтернатив ечимлар бўлиши керак. Бошлиқ бирор томонга кўпроқ ён боса бошласа ҳам, низонинг иштирокчисига айланади. Шунинг учун у ҳолис тарзда низонинг келиб чиқиш сабаблари, кимларнинг манфаатига зид ишлар қилинаётганлиги, низо иштирокчиларининг шахсий ва профессионал хусусиятлари, кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиб, низонинг “портрети” ни ўзи учун тасаввур қила олиши керак.

Шундан кейингина, томонларни чақириб, масалага янада ойдинликлар киритиб, томонларни келишувга чақиради. “Мен нима бўлганини, муаммо нимада эканлигини билиш учун Сизларни чақирдим” деб гап бошлаши ва ҳар бир томоннинг фикри муҳимлигини таъкидлаб, айни пайтда вазиятни қаттиқ назорат қилиши, унинг кечишини бошқариши лозим.

Низоли ҳолатларда шахснинг қандай ҳулқ-атвор хусусиятларини намоён этишига қараб турли тоифаларини кузатилади. Ф.М.Бородкин ва Н.М.Коряклар низоли вазиятларда олти хил шахс типлари-тоифаларини кўрсатиб берганлар. Булар:

1. Намойишкорона тоифадаги низоли шахс.
2. Ригид тоифадаги низоли шахс.
3. Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги низоли шахс.
4. Аниқликни талаб этадиган тоифадаги низоли шахс.
5. Низосиз тоифадаги низоли шахс.
6. Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс.

Намойишкорона тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- ❖ Дикқат марказда бўлишни истайди;
- ❖ Бошқалар кўз олдида яхши кўринишни хоҳлайди;

❖ Унинг бошқаларга бўлган муносабати, одамларнинг унга муносабатидан келиб чиқади;

❖ Осонгина юзаки низоларга берила олади;

❖ Турли вазиятларга осонгина мослашади;

❖ Эмоционал жиҳатдан фаол бўлиб, ақлан иш кўрмайди;

❖ Вазиятга қараб ишини ташкил этади ва ҳар доим ҳам амал қилмайди;

❖ Системали, оғир ишлардан ўзини олиб қочади;

❖ Низолардан чекинмайди, жанжалли вазиятларда ўзини ёмон ҳис этмайди;

❖ Кўпинча низоларга сабабчи бўлади, лекин ўзини ундай ҳисобламайди.

Ригид тоифадаги низоли шахс хислатлари:

❖ Шубҳага берилувчан;

❖ Ўзини баҳолаши ўта юқори;

❖ Доимо шахсан тан олиншини талаб этади;

❖ Вазият ўзгариши ва шароитларни инобатга олмайди;

❖ Тўғри ва тушунмайдиган, яъни мослашмайдиган;

❖ Қийинчилик билан атрофидагиларнинг фикрига киради, бошқаларнинг фикрига у қадар қўшилмайди;

❖ Бошқалар томонидан унга эътибор кўрсатилишини мажбуриятдек кўради;

❖ Бошқалар томонидан келишмаслик ёки қўшилмасликни хафагарчилик билан қабул қилади;

❖ Ўз ҳаракатларига нисбатан танқидий қарамайди;

❖ Ниҳоятда аразчи, ҳақиқий ёки арзимас ноҳақликларга ҳам таъсирчанликни намоён этади.

Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги низоли шахс хислатлари:

❖ Ўзини етарли даражада назорат қилолмайди;

❖ Хулқини аниқ айтиб бўлмайди;

❖ Ўзини агрессив ва ниҳоятда зардалиқ билан кўрсатади;

❖ Аксарият ҳолларда умумқабул этилган ижтимоий нормаларга риоя этмайди;

❖ Юқори даражада ўзини баҳолаш хусусиятига эга;

❖ Ўз шахсини таъкидланишини кутади;

❖ Омадсизликлар ва хатоларда бошқаларни айблашга мойил;

❖ Ўз фаолиятини режали ташкил эта олмайди ёки режаларини ҳаётга кетма-кетинлик билан жорий эта олмайди;

❖ Ўз мақсади ва шароитларини мослаштира олиш қобилияти етарли ривожланмаган;

❖ Ўтган тажрибадан келажак учун сабоқ чиқармайди.

Аниқликни талаб этадиган тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- ❖ Ишга ниҳоятда жиддий ёндашади;
- ❖ Ўзига ниҳоятда юқори талаб қўяди;
- ❖ Атрофидагиларга юқори талаблар қўядики, бу уларга нисбатан гўёки таъқибдек туюлади;
- ❖ Юқори даражада хавотирланиш хислатига эга;
- ❖ Ҳамма нарсага ниҳоятда эътиборли;
- ❖ Атрофидагиларнинг танқидий фикрига катта аҳамият беради;
- ❖ Гоҳида дўстлари, танишлари билан муносабатларни узадики, бу гўёки уни хафа қилганлари оқибатидек туюлади;
- ❖ Гоҳида ўзи-ўзидан азият чекади, хатоларидан қайғуради, хатто гоҳида бу хатоларга нисбатан бош оғриқлари, уйқусизлик сифатида жавоб қайтаради;
- ❖ Ташқи жиҳатдан хиссиётларини ошкора этмасликни маъқул билади;
- ❖ Гуруҳдаги реал ўзаро муносабатларни яхши ҳис этмайди.

Низосиз тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- ❖ Фикрлари ва қарашларида беқарор;
- ❖ Енгил ишониш хислатига эга;
- ❖ Ички қарама-қарши фикрларга эга;
- ❖ Ҳаракатларида бир қадар уйғунлик йўқ;
- ❖ Вазиятларда бир лаҳзалик ютуқларга таянади;
- ❖ Келажакни, истикболни етарли даражада кўра олмайди;
- ❖ Лидерларнинг ва атрофидагиларнинг фикрига тобе;
- ❖ Муросага келишга интилади;
- ❖ Етарли даражада иродага эга эмас;
- ❖ Ўз хатти-ҳаракатлари оқибатларини ва бошқаларнинг ҳаракатлари сабабларини чуқур ўйламайди.


Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс хислатлари:

- ❖ Низони ўз мақсадларига етишиш учун омил сифатида қара йди;
- ❖ Низоларни ҳал этишда фаол томон сифатида ўзини намоён этади;
- ❖ Ўзаро муносабатларда таъсир кўрсатишга мойил;
- ❖ Низоларда мақсадли ҳаракат қилади, томонларнинг ҳолатини баҳолай олади, турли ҳолатларни ҳисоблайди;
- ❖ Жанжалли вазиятларда муомалани самарали таъсир усулларини қўллай олади.

Бу низоли шахс тоифалари ўзаро муносабатларда намоён бўлар экан, қайси тоифа билан қандай ишбилармонлик муносабатларини ўрнатишга, музокаралар олиб боришга бевосита таъсир этади. Шунинг учун ҳамкорликка киришишда албатта кузатувчан бўлиш, ҳар бир ҳаракат мақсадини англаш малакаларини таркиб топтириш муҳимдир.


Низоларда шахсларнинг теперемент хусусиятлари ҳам тавсифланади. Жумладан холерик типига хос инсонлар билан конфликтли ва низоли ҳолатлар рўй берганди мазкур ҳолат жуда аффектив ва агрессив даражада, мелонхолик типига эса субъектив пассив, сангвиник ва флегматикларда ушбу ҳолат енгил кечади (9.4-расм).

9.4-расм



Темперамент типлари кесимида низолашувнинг намаён бўлиши (9.5-расм)

9.5-расм



Мавзу юзасидан қисқача хулоса:

Мазкур мавзу мулоқот жараёнида ижтимоий психологик низоларни бартараф этиш йўллари, уларнинг турлари, намаён бўлиши хусусиялари каби масалаларга бағишланган. Аввало шуни эътироф этиш лозимки, инсоний муносабатларнинг ҳар қандай тизимида ҳам фикрларнинг ранг-баранг бўлиши ва улар ўртасида фарқ бўлиши муқаррар ҳолдир. Лекин ана шундай фикрлардаги фарқни салбий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди. Нима сабабдан меҳнат жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади. Низоли ҳолатларда шахснинг қандай хулқ-атвор хусусиятларини намоён этишига қараб турли тоифалари кузатилади каби муаммоларнинг илмий ечимига бағишланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Низолар ва уларни бартараф этишнинг ижтимоий-психологик воситалари.
2. Мулоқотда низолар ҳолатлар ва шахс тоифалари.
3. Мақсадга йўналтирилган тоифадаги низоли шахс хислатлари.
4. Низосиз тоифадаги низоли шахс хислатлари.
5. Аниқликни талаб этадиган тоифадаги низоли шахс хислатлари.
6. Бошқариб бўлмайдиган тоифадаги низоли шахс хислатлари.
7. Ригид тоифадаги низоли шахс хислатлари.
8. Намойишкорона тоифадаги низоли шахс хислатлари.

Тестлар:

1. Конфликт бу.....?

А) ўзаро қарама-қарши бўлган зиддиятли манфаатлар ва муносабатлар тўқнашувидир

Б) тушунмовчиликлар асосида юзага келадиган низолар

С) шахслараро муносабатлардаги низоли ҳолатлар

*Д) барча жавоблар тўғри.

2. Конфликт ечимини топиш.....?

*А) конфликт вазиятни йўқотиш ҳамда у юзага келтирган муносабаларни тўғри йўлга солиш билимлари ва кўникмалари мажмуидан иборатдир

Б) ўзаро қарама-қарши бўлган зиддиятли манфаатлар ва муносабатлар тўқнашувидир

С) А ва Б жавоблар тўғри

Д) барча жавоблар тўғри.

3. Конфликтларкелиб чиқишига кўра.....?

А) халқаро

Б) оилавий

С) ҳудудий

*Д) барча жавоблар тўғри.

4. Конфликт иштирокчиларига кўра...?

А) шахслараро

Б) миллатлараро

С) давлатлараро

*Д) барча жавоблар тўғри.

5. Низо ва конфликтларни келиб чиқишига сабаб?

А) манфаатлар

Б) мақсадлар

С) эҳтиёжлар ва тушунмовчиликлар

*Д) барча жавоблар тўғри.

“Муаммоли вазият” жадвали

Муаммоли вазият	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кейтиш ҳаракатлари

«Авлодлар ўртасидаги низо».

Мақсад: Ўқувчиларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Бунда уч киши иштирок этади - йигит, қиз ва катта ёшли одам. Авлодлар ўртасида «Эҳ, ҳозирги ёшлар...» қабилида тақлид уюштирилади. Йигит ва қизнинг вазифаси: имкон борича хушмуомалалик билан низодан қочиш. Жюри аъзолари ҳар бир ўқувчининг ҳаракатини баҳолаб боради.

Х-БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ТАДБИҚИЙ СОҲАЛАРИ

Режа:

- 10.1. Саноат ижтимоий психологияси
- 10.2. Никоҳ ва оила соҳасидаги тадбиқий тадқиқотлар
- 10.3. Таълимда психологик хизмат кўрсатиш
- 10.4. Тиббиётда ижтимоий психологик ёндашув муаммоси

Таянч тушунчалар: Саноат, никоҳ, оила, таълим, психологик хизмат, профилактика, коррекция, диагностика, консультация

10.1. Саноат ижтимоий психологияси

Саноат ёки индустриал ижтимоий психология ҳозирги кунларда тадбиқий илмий тадқиқотларнинг етакчиси бўлиб келмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотлар ҳам асосан АҚШ да кўплаб ўтказилган бўлиб, уларнинг натижалари кенг амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида саноатда инсон омилининг роли масаласи ўарб мамлакатларида анчагина яхши йўлга кўйилган.

Саноат ижтимоий психологияси йигирманчи асрнинг 60- йилларида кенг ривожлана бошланди. Бу хусусда социологлар В.А.Ядов, А.Г.Здравомислов, В.П.Рожин, Е.С.Кузьмин ва бошқаларнинг ишларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бу тадқиқотлар ва изланишларда олимлар асосан ишлаб чиқариш муҳитининг ҳамда ҳар бир ишлаб чиқариш корхоналаридаги катта ва кичик бирламчи ва иккиламчи, контакт ва контакт бўлмаган гуруҳларнинг шахс онгига таъсирини, ишга мотивация, самарадорликни таъминловчи психологик омилларни ўрганишган.

Бу тадқиқотларда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигида алоҳида шартшароитларидан кўра инсонлар ўртасидаги муносабатлар, бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги алоқалар, умуман, инсон омилининг нақадар катта роль ўйнаши исбот қилинган. Уларда ўша ўттизинчи йилларда Мэйо томонидан амалга оширилган машҳур "Хоторн" экспериментларида қўлга киритилган асосий хулосалари ўз исботини топди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишлаб чиқариш муаммосининг ижтимоий психологик томонини аниқлаш кун тартибидаги асосий масалалардан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки янгича бозор муносабатларини амалга оширадиганлар алоҳида шахслар бўлиб, уларнинг индивидуал ҳамда гуруҳдаги установкалари, фаолликлари, меҳнатга муносабатлари, ҳиссиётлари етакчи роль уйнайди.

Корхоналарнинг мустақиллиги, хусусий мулкчиликнинг турли формалари ҳаётга шиддат билан кириб келаётган бугунги шароитда ҳам

одамлар гуруҳ бўлиб меҳнат фаолиятини амалга оширар эканлар, улар учун ўша гуруҳдаги ижтимоий психологик муҳитнинг қандайлиги, бевосита раҳбарнинг обрўи, норасмий лидерларнинг ишга ва шахслараро муносабатларга таъсири актуал масала бўлиб қолаверади ва уларнинг характери ишлаб чиқариш самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Янгича бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида раҳбарлар олдида турган яна бир муҳим масала шуки, улар аввалгидан ҳам билимдонроқ бўлиб, билимларини кўпроқ ҳар бир шахснинг индивидуал психологик лаёқатлари ва қобилиятлари, ишга муносабатларига қараб, уларни тақдирлашлари, ишга жалб этишнинг турли-туман формаларини топишлари зарур.

Ходимми, ишчими уни шахсан ўрганиб, ҳар бир қилган ишини муносиб тақдирлаш эса (хоҳ моддий, хоҳ маънавий тақдирлаш бўлсин) унинг қисман тест ўтказадиган мутахассис ёки психолог бўлишини, ҳозирги замон психологиясининг оммабоп усуллари қўллаган ҳолда иш юритишини талаб қилади. Ишни ташкил этиш, гуруҳларни шакллантиришда ҳам у гуруҳлар психологияси қонунларини билиши, одамлар сони ва сифати масаласида ижтимоий-психологик жиҳатдан билимдон бўлиши шарт.

Ҳозирги кунгача ўтказилган кўплаб тадқиқотлар натижасида олимлар саноат корхоналари структурасидаги ишга ҳалақит берадиган айрим қийинчиликларни аниқлашган. Хусусан, уларга қуйидагилар киради:

а) корхоналардаги ишлаб чиқариш гуруҳларидаги одамлар сонининг ҳар хиллиги – 5-6 кишидан тортиб, 100 ва ундан ортиқ кишигача. Бундай ҳар хил гуруҳларда таққослаш йўли билан тадқиқот олиб бориш ва бирининг натижасини иккинчиси ёйиш мумкин эмас;

б) бирламчи ишлаб чиқариш гуруҳларидаги раҳбарлар мавқеининг турлича эканлиги, яъни смена устасидан тортиб, завод директориғача бўлган раҳбарлик тизими ўрганиладиган бўлса, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, имкониятлари, амалидан келиб чиқадиган ҳуқуқлари ҳар хил бўлгани учун ҳам уларнинг реал гуруҳлардаги мавқеи, таъсири ҳар хиллиги маълум булди. Бу нарса раҳбарларга турлича талаблар тизимини ишлаб чиқишини талаб қилади;

в) баъзан, бирламчи ишлаб чиқариш гуруҳларида биттадан ортиқ раҳбар бўлиши мумкин. Масалан, смена муҳандиси ва цех бошлиғи, агар уларнинг раҳбарлик усуллари турлича бўлса, бу ҳам муҳим ижтимоий-психологик омил сифатида ишнинг сифатига таъсир кўрсатади;

г) турли корхоналар ҳозирда турлича жамиятлар (акционерлик кооператив, давлат хўжалиги, хусусий ва шунга ўхшаш) шаклида иш юритаётганлиги ҳам ҳар турли корхоналар психологик тузилишини ўрганишни талаб қилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси социал психологик тадқиқотларни ташкил қилишда катор қийинчиликлар туғдириши, қўшимча ишларни талаб қилиши табиий. Ҳозиргача, саноат ижтимоий психологияси йўналишида олиб борилган кўп ишлар саноат бирлашмаларидаги алоҳида ишлаб чиқариш гуруҳларидаги ижтимоий-психологик муҳитни ўрганишга қаратилган бўлиб, тадқиқот мобайнида унинг ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, ишчиларнинг ишга муносабатлари, гуруҳдаги нормаларга бўйсунликлари ва ҳоказолар билан боғлиқлиги ўрганилган.

Айниқса, кўп тадқиқотларда ана шу психологик феноменнинг раҳбарликка таъсири, норасмий лидерларнинг сифатларига боғлиқлиги масалалари тўлиқ ўрганилган. Лекин шу йўналишдаги тадқиқотлар ҳозирги иқтисодий муносабатлар шароитида ўтказилгани йўқ.

Шунинг учун ҳам яқин келажакда ижтимоий психологлар томонидан саноат корхоналарида ўтказилиши мумкин бўлган тадқиқот аспектларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1) Жамоа аъзолари ўртасидаги вертикал ўзаро муносабатларни ўрганиш раҳбарлик масалалари, раҳбарнинг жамоа аъзолари томонидан идрок қилиниши ва аксинча, ҳар бир аъзонинг раҳбарликда иштироки, ундан қониқиши ва бошқалар

2) Жамоа аъзолари ўртасидаги горизонтал ўзаро муносабатлар, яъни жамоанинг уюшганлиги, шахслараро муносабатларнинг ўзига хослиги зиддиятлар ва уларнинг типлари, уларнинг олдини олиш чоралари; меҳнатга муносабат, ундан жамоа аъзоларининг қанчалик қониқишлари ва унинг меҳнат унумдорлигига таъсири, иш мотивлари ва ҳоказо.

Тадқиқотчини юқоридаги ана шу масалалани ўрганиши учун, табиий, методик воситалар зарур.

Профессional ижтимоий психолог оддий кишидан шуниси билан фарқ қилалики, у ҳар бир конкрет шароитда ўзига керакли, маъқул методик услубларни қўллайди, баъзи бирларини синаб кўриб, агар мақсадга мувофиқ бўлмаса, бошқаси билан алмаштиради. Олинган натижаларига асосланиб туриб, у корхоналардаги руҳий муҳитни "яхши", "ўртача", "ёмон", "қарама-қарши" типларга бўлади ва ҳар биридан ўзига яраша илмий кўрсатмалар ва хулосалар чиқаради.

10.2. Никоҳ ва оила соҳасидаги тадбиқий тадқиқотлар

Оила ва никоҳ ҳамма вақт ҳам гуманитар фанларни қизиқтириб келган соҳа. Айниқса, бу соҳанинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги бор. Чунки, ижтимоий психология оилани ўзига хос ижтимоий гуруҳ сифатида

текшириб, унда содир бўладиган барча руҳий жараёнларни ўрганади. Республикамизда сила ва никоҳ масалаларига эътиборнинг катталиги ҳисобга олиб, кўпчилик тадқиқотчилар ўз илмий изланишларини ана шу муаммоларга бағишлаганлар (М.Мирхосилов, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, М.Расулева, С.Соғинов, У.Маҳкамов ва бошқалар).

Оилага бўлган илмий қизиқишнинг сабаблари аввало бу объектнинг "нақдлиги" бўлса, иккинчи томондан, охириги йилларда, ҳаттоки бизнинг республикамизда ҳам ажралишларнинг кўпайганлиги, туғилишнинг шаҳар ва қишлоқларда бир текисда эмаслиги, "муаммоли" оилаларнинг кўпайиб бораётганлиги, оила институтига ёшлар муносабатларининг ўзгариб бораётганлиги ва бошқалардир.

Умуман олганда, бизнинг ҳудудимизда ҳам оила-никоҳ муносабатлари йил сайин ўзгариб бормоқда. Бу борада ўзгаришларга:

- 1) Оиланинг жамият олдидаги функцияларининг ўзгариб бориши;
- 2) Оила аъзолари сонининг ва туғилишнинг камайиши, мураккаб кўп оилали типдан, алоҳида мавжуд бўлган алоҳида оилалар типига айланиб бораётганлиги;
- 3) Оилавий муносабатлар тизимида эр ва хотин функцияларининг ўзгариб, оилавий роллар ҳақидаги ижтимоий тасаввурларнинг ўзгариб бораётганлиги;
- 4) Иқтисодий инқирозларнинг оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга таъсири;
- 5) Аёллардаги репродуктив установкаларнинг ўзгариб бораётганлиги кабиларни киритиш мумкин. Бу айтиб ўтилган соҳалар Ўзбекистон шароитида шу яқин кунларда ишланиши керак бўлган муаммолар бўлиб, уларнинг ечимига кўра оилани режалаштириш, оилада болалар тарбияси, аёл ва эркаклар меҳнатига муносабат кабилар бўйича олимлар ўз фикрларини айтишлари керак.

Оила ва никоҳ борасида ўтказиладиган тадқиқотларда жаҳон ва ҳамдўстликдаги давлатларда ўтказилган изланишлар, улардан олинган натижалар ва методикалардан фойдаланиш мумкин. Айниқса, Санкт Петербург, Болтиқбўйи республикаларида оила масалаларига бағишланган тадқиқотлар кўплаб ўтказилган бўлиб, уларнинг тажрибасидан биз ҳам кенг фойдаланишимиз керак.

Чунки бу ҳудудларда рўй бераётган кўплаб ижтимоий жараёнлар, хусусан, оилавий муносабатлар борасидаги муаммолар бизнинг жумҳуриятимизга ҳам тааллуқлидир. Масалан, аёлларнинг ижтимоий меҳнатда бандлиги туфайли уларда оила, унда хотин кишининг ўрни, роли ҳақидаги тасаввурларнинг ўзгаришининг ўзи бутун психологияни қайта қурилишига сабаб бўлмоқда.

Лекин, иккинчи томондан, демократия ва эркинлик шароитида йиллар давомида тақиқланиб келган эски кадриятларимиз, биринчи навбатда, диннинг ҳаётга кириб келиши, умуман оилавий муносабатларга шундай таъсир кўрсатмоқдаки, кўпчиликда "энди аёл киши анъанавий ўз ўрнини эгаллармикин?" деган тасаввурлар ҳам пайдо бўлмоқда.

Аммо, ҳозирги ривожланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида моддий ишлаб чиқаришни хотин-қизларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам илмий тадқиқотлар одамлар онгидаги ана шундай қарамақаршиликларнинг психологик ечимини топган ҳолда оила ва никоҳ тизимига психологик ёрдам кўрсатиши зарур. Шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида "оила хизмати" шоҳобчаларини ташкил этиш зарурки, улар бир томондан, оила ва никоҳ борасидаги илмий муаммоларни тадқиқ қилиб, уларни ҳаётга тадбиқ қилса, иккинчи томондан, ёшларга, оиласиз одамларга, зиддиятли оилаларга бевосита психологик хизматлар кўрсатиши керак.

Оилавий муносабатлар соҳасидаги алоҳида тадбикий тармоқ бу ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир. Бу иш бизнинг ўлкамизда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, янгилик билан эскилик қарама-қарши келаётган шароитларда айниқса муҳимдир. Ўсмирлик ва ўспиринлик йилларида шаклланадиган аттракция ҳодисаси, яъни шахсларнинг бирбирларига эмоционал боғланишлари - дўстлик, севги ҳиссларини тарбиялаш, ана шундай тарбияга шарт-шароитлар яратиш бизнинг ўрта Осиё шароитларимизда янги ва келажаги порлок соҳалардандир.

Бу ишларни амалга оширишда мактаб психологлари, педагоглар, ижтимоий психологлар ҳамкорликда ишласалар, олинган хулоса ва натижаларни ҳаётга тадбиқ этса бўлади.

Оила хусусида шарқ мутафаккирларининг фалсафий қарашлари. Маълумки, никоҳга ва яқин қариндошликка асосланган ахлоқий масъулият, ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат умумийлиги билан боғланган кичик ижтимоий гуруҳни оила дейилади. Оила бошқа турдаги кичик гуруҳлардан ўзининг бир қатор жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, оила кўп муддатга, яъни бир неча ўн йиллар ва кўп йилларга мавжуд бўлади;

иккинчидан, оилада шахслараро муносабатларнинг бир неча турлари амалга ошади, яъни миллий мафкурамизга оид илк тушунчалар аввало оила муҳитида сингади ва бу жараён ота-боболаримиз ўғити, намунаси ва ибрати орқали амалга ошади. Бунда оилавий муносабатларда тарбиявий, психологик, ҳиссий, молиявий, жинсий ва бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши кузатилади;

учинчидан, оиладаги барча муносабатлар заминиди ёки салбий ёки ижобий ҳолатлар юзага келади, яъни оила аъзоларидан кимнингдир кимгадир таъсири оқибатида шахс ёки яхши шаклланиши ва комил инсон даражасига етиши ёки тарбияси оғир, хулқи бузуқ одам бўлиб тарбияланиши мумкин.

Демак, жамият учун ниҳоятда аҳамиятли ҳисобланган ота-она ва бола, эр ва хотин, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ бўлган муаммолар айнан оила негизиди юзага келади. Шунинг учун ҳам қадим замонлардан бошлаб оила, ундаги муносабатлар масалалари ҳар бир даврнинг донишманд, олим, мутафаккирлари томонидан ўрганилиб келинганлигини ва уларнинг қарашларида бу масалаларнинг ёритилганлигини кузатамиз. Бу қарашларни, фикрларни сизнинг ҳукмингизга ҳавола этиш орқали оила, ўзаро муносабатлар муаммолари бизнинг ҳаётимизда доимо муҳим масалалар сирасига киришини қайд этамиз.

Инсон ва инсоний муносабатлар, шахс ва унинг камолоти муаммолари узоқ асрлардан буён жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг диққат марказида асосий масалалардан бўлиб келган. Шарқнинг буюк алломалари ҳисобланган Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус, Хотам Ибн Той, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин Ибн Фаҳриддин, Муқимий, Фурқат, Завқий, Увайсий, Нодира, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби кўплаб олим ва ёзувчилар бу масалалар юзасидан ўзларининг дурдона фикрларини тарихда қолдириб кетганларки, улар ҳозирги замон фани учун ҳам катта ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятга эгадир. Уларнинг асарларида оила ва оилавий муносабатларга ҳам алоҳида эътибор берилган, шунинг учун биз юқоридаги буюк мутафаккирларнинг айрим педагогик ва психологик қарашлари ёритилган асарларини таҳлил этиш орқали талабаларга мазкур муаммоларнинг нақадар долзарб эканлигини баён этамиз.

Шарқ мутафаккирларининг барчасини ғоявий жиҳатдан бирлаштирган асос шу бўлганки, улар шахс тарбияси ва камолотида оиланинг, оилавий тарбиянинг ролини юқори қўйишган, айниқса, шахснинг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг йўналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алоҳида эътибор берганлар. Улар фақат оиладагина ривожланиши мумкин бўлган сифатлар - ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик каби қатор фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйишлари билан бирга инсондаги инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак фазилатлар, аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби

кимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмаларни ўз фалсафий-этик, социологик ва психологик қарашларида ифодалаб берганлар.

Зардуштийликнинг қадимий китоби - «Авесто» да оила муқаддас даргоҳ эканлиги, оила барқарорлигида эр ва хотиннинг тенг масъуллиги, фарзанд тарбияси тўғрисидаги фикрлар баён этилган. Оиланинг тинч ва фаровон бўлиши нималарга боғлиқ эканлиги ҳақида эса: «Порсо, инсон уй тиклаб, оловга, оиласига, хотин ва фарзандларига ўрин ажратиб берса, уйида ноз-неъматлари муҳайё бўлиб, хотин ва фарзандлари фаровон яшаса, уйида эътиқод, собит олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир», - деб ёзилган.

Бу китобда кўрсатилишича, оилада ота етакчи бўлгани маъқул. Шунингдек, унда ифодаланган оила ва оилавий муносабатларга ҳамма риоя этиши лозим бўлган. Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда эр-хотинни ўзаро содиқ, ғамхўр, меҳрибон бўлишлари лозимлиги ва аёлнинг ҳақ-хуқуқи ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилганлиги маълумдир. Умуман олганда, зардуштийлик давриданок оила масалаларига катта эътибор қаратилган бўлиб, бу эса оиланинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш учун азал даврларданок замин яратилганлигини кузатамиз.

Маълумки, Ислом динининг муқаддас манбааларидан бўлмиш Қуръон ва Ҳадисларда ҳам одоб-ахлоқ, аёлларнинг турмушдаги ўрни ва вазифалари, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, болалар тарбияси, оила юритиш, никоҳ ва муҳаббат масалаларига кенг ўрин берилган.

Қуйида ҳадислар тўпламидан бир неча мисоллар келтирамиз:

"Тангри наздида бандаларнинг энг яхшиси ўз аҳли-аёлига фойдаси кўп тегадиган кишидир" /18-ҳадис/ , "Одамлар ичида хотин кишига нисбатан ҳақлироғи унинг эридир. Эркак кишига нисбатан одамларнинг ҳақлироғи - бу унинг онасидир" /34-ҳадис/;

"Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз" /38-ҳадис/; "Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди, бордию кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади" /44-ҳадис/; "Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остингиздагиларга масъулдирсизлар, Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак ҳар бирларингиз масъулдирсизлар" /116-ҳадис/; "Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди, /136-ҳадис/.

Келтирилган намуналардан кўринадик, демак диний манбаларда ҳам оиланинг муқаддас эканлиги, эркак ва аёлларнинг оила олдидаги бурч ва

масъулиятлари, ота-онанинг бола ва ўз навбатида фарзанднинг ота-онаси олдидаги вазифалари, эрнинг хотинига ҳурмат ва эъзози муқаддас қадриятлар сифатида қаралган экан.

Агар халқ эпоси ва диний рисолалар одамларда оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга кўчиб сақланиб келган бўлса, халқнинг энг донишмандлари ва олимлари ўз қимматли фикрларини халқ анъаналарига таянган ҳолда ўз асарларида ёритиб, уларни келгуси авлодлар учун қолдирганлар, шундай файласуф-олимлардан бири Абу Наср Форобийдир. Унинг инсон камолоти, бахти, таълим ва тарбияси, умуман ахлоқи, динга муносабати ҳақидаги қарашлари умумфалсафий қарашлар ва тушунтиришлардан иборат ўғит бўлиб, ахлоқ назариясини бойитди. Унинг таълимотларида келтирилишича, ҳақиқий бахт бир одамнинг бошқасига нисбатан ғайирлиги, зулми йўқолгандагина бўлади, оила аъзоларининг бир-бирларига самимий муносабатлари, меҳру-оқибатлари эса ана шу оиладаги одамларнинг бахтини ташкил қилади. Бундан ташқари, ҳар бир ота-онанинг ўз фарзандлари учун бирламчи устоз, йўл кўрсатувчи эканлиги ва айнан улар болада таълим-тарбияга керакли тайёргарлик ҳолатини шакллантириш таъсирига эга эканлиги тўғрисидаги хулосалар мутафаккир қарашларининг ҳозирги кунлар учун ҳам нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

Ўрта асрларнинг буюк арбоби, олим-энциклопедист Абу Райҳон Беруний /973-1048/ Форобий қарашлари таъсирида қатор фанлар бобида ўз изини қолдирган донишманддир. Унинг кўпгина асарларида инсон одоби ва ахлоқи хусусидаги ноёб фикрлар ўз ифодасини топган, Мутафаккир ўзининг "Минерология", "Геодезия", "Хиндистон", "Ўтган авлодлар обидалари" номли асарларида инсон шахси, унинг камолоти, ақл-идроқи, халоват ва лаззати, сабр-тоқат ва камтарлик, гўзаллик ва дид, поклик ва худбинлик каби тушунчаларга инсон руҳиятининг билимдони сифатида таъриф берган. У бундай ёзади: "Инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан бирлашиб олишга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларини таъминлаш учун ишларни бажаришдир". (Минерология, 1966, 10-бет).

Абу Райҳон Беруний "озодалик ва орасталик олижанобликнинг ўзаги" бўлиши кераклигини уқтиради; инсоннинг ташқи ёқимли қиёфаси билан унинг ахлоқий қиёфаси ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапириб, "тишни ювиб, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, уларга сурма қўйиш, сочни эса зарур бўлганда бўяб, тирноқларни олиб туриш ва силлиқлаш" инсон саломатлиги ва руҳий поклигининг асосидир, деб таъкидлайди. Бу фикрлар ҳозирги замонда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, чунки оила аъзоларининг, эр-хотиннинг ушу кўрсатмаларга амал қилиши оила тотувлигининг заминларидан биридир.

Ахлоқ-одоб эгаси бўлган инсон энг аввало ўз юриш-туриши, муомала маданиятида, ҳаёт кечиришида, оила барқарорлигида намуна бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрлари олимнинг оила этикаси бўйича ибратли қарашларидан намунадир: "Инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон, уларни ўзгартиришга қодир, ўз жон ва танини тарбиялар экан, салбий жиҳатларни мақтагудек нарсаларга айлантиришга, уни маънавий шифокорлик билан даволашга ҳамда аста-секин, ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этишга қодирдир".

Шундай қилиб, Беруний устозлари изидан бориб, ўзининг гуманистик умуминсоний қарашлари билан оила психологиясига муносиб ҳиссасини қўшди. У инсонлар ўртасида ўзаро бир-бирларини тушуниш, тенглик ва бошқарувда адолатни ҳимоя қилиб чиқди-ки, бу қарашлар бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Оилавий муносабатлар ва бу соҳага оид қарашлар тизимида Шарк мутаффақкирларидан бири, бутун Европа халқлари ҳам унинг қомусий билимдонлигини тан олган аллома Абу Али Ибн Синодир /980-1037/. Буюк олим сифатида у барча ҳодисаларнинг илмий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилган. Ибн Синонинг педагогик ва психологик қарашлари ижтимоий асосда қурилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилнинг қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбиячи ота-оналарга болани қаттиқ тана жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини уқтирган. Мутаффақкирнинг қаламига мансуб бўлган "Донишнома", "Рисолаи ишқ", "Тиб қонунлари", "Уй ҳўжалиги" каби қатор асарлари Ўрта Осиё халқлари ахлоқ-одоби, психологияси ва таъбабат оламида алоҳида ўрин тутган йирик илмий тадқиқотлар ҳисобланади.

Ахлоқий тарбия масалаларида аллома оиланинг ўрнини алоҳида таъкидлаган. Оила ва оилавий муносабатлар масаласи унинг «Тадбири манзил» асарида ўзига хос тарзда баён этилган.

Оилавий муносабатларнинг турли томонларини ёритар экан, Ибн Сино, аввалом бор оила бошлиғи олдида қатор талабларни қўяди. Оила бошлиғи, деб ёзади у, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан оилада тарбия масалаларини мукамал ўзлаштирмоғи лозим. Агар оила бошлиғи тажрибасиз бўлса, у ўз аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир оқибат у яхши ижобий натижаларга эриша олмайди, ёмон тарбия нафақат ушбу оила, балки қўшниларга, маҳалла-қуйга ҳам ёмон таъсир қилиши мумкин. Оиладаги бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъий назар, уларнинг бирламчи вазифасидир, деб ҳисоблайди Ибн Сино. Ота-она давлат бошлиғими, ёки оддий фуқароми, барибир, у бола тарбияси борасида

масъулдир. Давлат бошлиқлари, раҳбарлар бола тарбияси хусусида барчага ибрат бўлмоқлари лозим.

Ибн Синонинг бола тарбияси, тарбия психологияси ва раҳбарларга қўйган ушбу талаблари ўша даврда қанчалик тараққийпарвар ва зарур бўлса, бизнинг бугунги кунимизда ҳам у ўз кучини йўқотгани йўқ.

Унинг фикрича, тарбиячи, яъни ота-она «нафақат сўз билан, балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоғи лозим» /Ибн Сино. Тадбири манзил, 44-бет/.

Ибн Синонинг севги-муҳаббат ва эр-хотин муносабатлари борасидаги фикрлари ҳам диққатга сазовордир, «Энг юксак севги деб, таъкидлайди у, - бу инсоний севги бўлиб, бундай севги кишини саховатли қилади, уни оққўнгил ва жозибали кишига айлантиради». Алломанинг фикрича, севги инсон зиммасига жуда катта ахлоқий ва ҳуқуқий масъулият юклайди. У инсон бахтининг негизи, деганда ошиқлик эмас, балки ошиқ-маъшукликни тушунади. Ошиқ-маъшуклик билан турмуш қуриш оила мустаҳкамлигининг асоси сифатида таъкидланади.

Турмуш қурган эр-хотинлар муносабати борасида, эса мутафаккир, «Эркак киши оила бошлиғидир, у оиланинг барча эҳтиёжларини қондирмоғи лозим, чунки бу унинг бирламчи вазифасидир», - деб ёзади. Аёл эса эркакнинг яхши, муносиб йўлдоши, у бола тарбияси борасида энг яхши ворис ва ёрдамчидир. Унинг эр-хотин муносабатлари хусусидаги фикрлари ҳам ўша давр учун ўта илғор ва аҳамиятли эди. У ўзининг "Оила хўжалиги" китобида аёллар ахлоқан энг мақбул, юқори сифатларга эга бўлмоқлари лозим, деб ёзади, Шу китобнинг "Афсофий бехтарин занхо" /аёлларнинг яхши фазилатлари ҳақида"/ бўлимида уларнинг қуйидаги фазилатлари таъкидланади: «Аёл ақлан доно, уятчан, иболи, ифбатли бўлиб, қўп гапирмаслиги лозим: у эрига бўйсунмоғи, уни севмоғи, фарзандлар туғиб, доимо ҳалол, пок, тўғри сўз, камтар бўлиши керак инжиқ бўлмаслиги, ўз иффати ва обрўсини тўкмаслиги лозим; у ҳеч қачон эрига нисбатан димоғдорлик, виқор ҳиссини кўрсатмаслиги, ўз ишларини яхши, ўз вақтида бажариб, оиланинг моддий бойликларини тежамкорлик билан ишлатмоғи лозим; ўз хулқ-атвори билан ўз эрининг қалбида ҳадиксираш ҳиссига ўрин қолдирмаслиги керак» /Ибн Сино. «Тадбири манзил», 38-бет/.

Бизнинг фикримизча, оила ва аёл ўрни хусусида Ибн Сино баъзан бир томонлиликка йўл қўйгандек туюлади, чунки бунда асосий эътибор ва урғу фақат аёл шахсига қаратилади, лекин бу фикрларнинг асосида аёлларнинг психологик жиҳатдан оила муҳитини ифодаладиган кишилар сифатида қараш ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир.

Умуман, Ибн Сино аёл кишига инсоний муносабатда бўлиб, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бир бирини тушунишга асосланмоғи лозимлигини ҳимоя қилиб чиққанлиги бу диққатга сазовор жиҳатдир.

Ибн Синонинг меҳнат тарбияси борасидаги фикрларидан бири, масалан, ҳар бир болани, дейди у, «Бирор ҳунарга ўргатмоқ шарт, ёш йигит бирор ҳунарни ўрганса, уни ҳаётда тадбиқ эта олса ва мустақил ҳунар туфайли оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим», - деб ҳисоблайди. Демак, алломанинг оила қуриш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий етуклик ҳақидаги фикрлари биз учун ҳозир ҳам зарурдир. Сабаби, оиланинг мустаҳкамлиги ва бахтли бўлиши айнан оила қурганларнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан етукликларига ва айниқса, йигитнинг оила қуришга тайёргарлигига боғлиқдир.

Шундай қилиб, Ибн Синонинг табобат, инсон тарбияси, оилавий муносабатлар хусусидаги фикрлари жуда қимматли бўлиб, уларни ҳозирги замон ёшлари онгига етказиш эса катта илмий-педагогик ва ижтимоий-психологик аҳамиятга эгадир.

XI асрнинг буюк мутафаккири ва шоири Юсуф Хос Хожиб ўзининг «Қутадғу билиг» - «Саодатга бошловчи билим» - китобида ва ундан кейинги қатор асарларида ўзининг этика ҳамда ҳаётга оид қарашларини баён этади.

Инсон фақат жамиятдагина камолотга етиши мумкин, мулоқот ва ижтимоий-фойдали меҳнат уни ривожланиши ва яшашининг мезонидир, деб ҳисоблайди. «Бошқа одамларга фойдаси тегмайдиган инсон - ўликдир», - деб ёзади у. /ўша асар, 529-бет/. Одам ким бўлишидан қатъий назар, шохми, гадоми, аввало, инсоний бўлиши керак, чунки «дунёда ўлмас бўлиб, фақат инсонийлик қолади», «Яхши ахлоқий фазилатларга эга киши - ҳар қандай қимматбаҳо дурлардан ҳам қимматлидир».

Шоирнинг фикрича, фарзанд кўриш ва унга тарбия бериш ҳар бир инсон учун буюк бахтдир, уларсиз ҳаётнинг маъноси йўқ. Лекин бу нарса ота-онага жуда катта масъулият юклайдики, унинг уддасидан чиқмоқ, ҳар бир ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Хожиб оилавий тарбияни бола ахлоқий тараққиётининг асоси, деб ҳисоблаган: «Агар боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб - отасида». Шунинг учун ҳам ота-она, айниқса, ота бунга катта эътибор бермоғи лозим.

Маълумки, сўфизм инсоний муҳаббат, севгини инкор этиб, фақат Оллоҳга нисбатан севги ва муҳаббатнинггина борлигини эътироф этган. Бундан фарқли ўлароқ, Юсуф Хос Хожиб, одамлар ўртасидаги севги-муҳаббатни тараннум этган. У севгини оилавий бахт ва ижтимоий муваффақиятларнинг гарови, деб ҳисоблаган. «Йигит уйланмасдан аввал келиннинг кимлигини, унинг келиб чиқиши, характери ва хулқ-атворини

билиши керак», - дейди у. Унинг ахлоқий дидактикаси Ўрта Осиёдаги илғор фикрларнинг тараққиётига катта ҳисса қўшган, шунинг учун ҳам унинг қарашлари мусулмон халқлари ўртасида кенг тарқалган ва кўпгина шов-шувларга сабаб бўлган.

Кайковус Унсурулмаони - 63 ёшида ўғлига атаб "ҚОБУСНОМА" ёзиб, унда ўзининг бола тарбияси, оилавий ҳаёт, шахс камолоти масалаларини баён этди. Китобдаги асосий ғоя - ёшларни ота-онани ҳурмат қилишга, эъзозлашга чақиришидир. Унинг бу борадаги фикрлари пандноманинг «Ота-она ҳаққини билмоқ зикрида» бобида баён этилган: «Ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она, меҳр-муҳаббатини адо этмакдин бош тортмагай». У бу борада "Нима эксанг, шуни ўрасан" деган мақолни ишлатиб, у оилада бола тарбиясининг қўйилиши ана шу муҳим мақол асосида қурилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблайди.

Маълумки, "ҚОБУСНОМА" тарбия борасида шунчалик нодир асарлардан ҳисобланадики, уни машҳур ҳинд масали "Калила ва Димна", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Аҳмад Югнакийнинг "Хибатул ҳақоник", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул қулуб", "Вақфия" каби асарлар қаторида кўрадилар. Ундаги фикрлар ва кўрсатмалар ота-оналар учун, айниқса ўсмир ва ўспиринлик ёшидаги йигит-қизларни тарбияланишида муҳим дастурдир.

Турмуш маданияти, одоб-ахлоқ, севги-муҳаббат борасида ўзига хос қайтарилмас фикрлар соҳиби буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Маҳбуб-ул-қулуб" ёки "Қалбларнинг севгиси" деб ном қўйилиши бежиз эмас. Чунки бу асарда Навоий инсонларга қалбидаги энг керакли ўғитларини баён этиб, уларни турмушдаги, оилавий ҳаётдаги турли ҳодисалар ва вазиятлардан чиқишга имкон берувчи яхши фазилатлар, уларни тарбиялаш масалаларига диққатни қаратади. Рисоланинг «Уйланиш ва хотинлар тўғрисида» бобида у уйланиш ва унинг фойдаси, оилавий муносабатлар ҳақида дурдона фикрларни баён этади, Унда асосан инсоният дунёсида мавжуд бўлган 3 хил севгининг нақадар гўзал, табиий ва инсоният тараққиёти учун зарурлигини зикр қилади. Инсоний севги, чин муҳаббат, икки хил - жинснинг турмушда баркамоллик касб этиши каби ғояларни тараннум этган бу нодир асар бугунги давримиз учун ҳам ғоят қимматлидир. Навоий аёл кишининг оиладаги ўрнига қуйидагича тўхталади:

«Яхши хотин-оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан, хуснли бўлса - кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса - жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар саранжом туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда ҳамнафас тан маҳрамига эга бўлади. Турмушда

бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у. Тескари айланувчи фалакдан ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳамроҳ, баданингга хасталик ва заифлик келса, унинг ҳам жони халак, аммо худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор чекади ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди, покиза бўлмаса, эрига юзи қоралик келтиради, агар майхўр бўлса, у уй одоблиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади».

Буюк алломанинг оилавий бахт, севги ва эр-хотин муносабатлари, уларга зарур бўлган фазилатлар борасидаги бундай фикрларини билиш, уларга риоя қилиш ҳар бир ёшнинг муқаддас бурчи бўлмоғи шарт.

Шарқда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қадимдан жиддий аҳамият берилган. Улар «Насиҳатнома», «Панднома», «Ҳикматнома» тарзида бизгача етиб келган. Бу манбаларда қизларни ҳаётга тайерлашда, уларда биринчи навбатда инсоний фазилатлар шаклланган бўлиши, оила муқаддас, уни авайлаб-асраш айнан уй бекаларига боғлиқ эканлиги ҳақида турли тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар ҳикоя қилинади.

Шундай китоблардан бири турк олими Юсуф Товаслий тўплаган "Ҳикматлар хазинаси"дир, унда келин бўлувчи қизга бериладиган она ўғити кишининг диққатини ўзига тортади. Унда она узатилаётган қизига куйидагиларни насихат қилади:

«Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдур, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат билмаганга ўргатади, билганни эсига солади. Аллоҳ берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган ҳар бир қиз эрга, ҳар бир эркак аёлга муҳтож бўлади. Эркаклар аёл учун, аёллар эркак учун яратилгандир. Ҳаёт мавжуд экан, бу қонунни ҳеч ким буза олмайди.

Шу сабабли, сен туғилиб ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб-кулиб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш уйга борасан. Келажакда бу уй сеникидир. Сен эрингга шундай хизмат қилки, ул ҳам сенга қул булсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен унга уй бўл, ул сенга устун бўлсин!

Айтганларига амал қилсанг, эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, масъуд, бахтиёр ва саодатли турмуш қурасизлар. Бизлар ҳам (ҳар икки оила - бизнинг ҳам эрингнинг оиласи ҳам) ҳузур-ҳаловатда бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда (яъни айтганларимга амал қилмасанг) иккала оилада ҳам ҳузур-ҳаловат бўлмайди. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандек бўласан.

Қизим! Энди сенга айтадиган ўн ўғитимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейдиган хоҳ киядиган нарса бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол, эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир. Ҳолига шукр этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди.

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни, эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб, адо этишингни сенинг сўзлашиб, кулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ Таоло сендан хушнуд ва уйингиз саодат нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, эрингнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хуш бўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан ирганишига сабаб бўлади. Шунини яхши билгилки, тозаллик ва зарифлик энг яхши нарсалардир. Инсон кўзига хуш кўринишлик шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатини тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шунини яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйқу вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга кетиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асабнинг бузулиши, хафақонлик одамларнинг эҳтироси, муҳаббатини секин-секин сўндиради.

7. Эрингнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни, эрингнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгил. Чунки унинг мол-дунёси сеникидир. Эринг мол-дунёини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндош ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни эрингнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат унинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш эрингни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Эрингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғзабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар бир шундай ҳаракат бўлса, сенга гина сақлаб, охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Шуни яхши билиб олгинки, эринг хафа бўлганда сен нашъали, хурсанд бўлишдан, у хурсанд бўлганда, сен хафа бўлишдан жуда эҳтиёт бўлгин. Чунки унинг хафа бўлган пайтида сенинг хурсанд кўринишинг, унинг қувончли бўлган вақтларида сенинг ғамгин бўлишинг унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қусурни ўртага туширади. Бу эса, фаҳмсиз ва тарбияси ёмон одамларга муносиб ишдир.

Бу сен каби юксак бир тарбия кўрган ақлли ва оқила хотинларга муносиб эмас.

Болажоним! Эрингга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг шунчалик муҳаббат ва ҳурматига эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тингласанг, шу даражада муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўласан.

Фарзандим! Шуни яхши билгинки, бу ўғитларимни ўрнига қўйиб бажариб, керагичалик амал қилиб, ўзингнинг шахсий истак ва орзуларингга эришишинг учун эринг ҳам ўз истакларига эришиши керакдир. Эринг истакларини ўзингнинг орзу истакларинг деб билсанг, у ҳолда бу ўғитларимга амал қилган бўласан!».

Бу насиҳат оила уясида жаннат ҳаётида яшашни истаган келинчақларга қаратилгандир. Бу ўғитлар бутун ҳаёти давомида ўз тажрибасидан ўтказган онанинг насиҳатидир.

Бу насиҳат ҳозирда ҳам оила ширин турмуш қуриш ва уни чиройли идора этиш учун ҳар бир турмушга чиқувчи ақлли қизга сув ва ҳаводек зарурдир.

Қаноат, сабр-бардошли бўлиш, эрнинг хоҳишига қараб, уни ҳурмат қилиш, оилада тозаликка, ҳаёт гигиенасига риоя қилиш, пазанда бўлиш, овқатни вақтида, мазали пишириш режали тежамкор бўлиш ҳар бир оиланинг барқарорлигини, осойишталигини таъминловчи омиллардир.

Юсуф Товаслий ўғитларига кўра, эрининг мол-мулкани сақлаш - бу ўзининг, болаларининг мол-мулкани сақлаш демакдир. Уйда эр мулкани тежамайдиган, сақлашни билмайдиган хотин оила заволидир. Шунингдек, эрнинг қариндошларига ҳурмат кўрсатиш ақлли аёл учун энг тўғри йўлдир. Ота-боболаримиз «гулни севган тиконни эъзозлайди», - дейдилар. Эрининг қариндошларига иззат ва ҳурмат кўрсатишни билмайдиган аёл ҳузур ичида яшаш йўллари билмайдиган аёлдир. Гул севилиб, тикон севилмайдими? Тиконни иззат қилмаган, гул исидан бебаҳра қолади. Эрининг қариндош яқинларига ҳурмат кўрсатишни билмаган аёл эрининг кўнглини ололмайди,

унинг меҳрини қозона олмайди, у эрининг нафратига учрайди, муҳаббатини сўндиради. Ақлли аёллар бундай йўлни танламайдилар.

Шу ўринда донишмандлар аёл киши эрнинг сирини ўзгаларга ошкор этмаслик ҳам уларнинг энг яхши фазилати эканлигини уқтирадилар. «Эрнинг сири - оиланинг сири. Ҳақиқатда эр сирини қалбининг энг тўрида тутган ақлли хотинлар ўз оилаларида ҳузур ва роҳат қурадиганлардир».

Шунинг учун ҳар бир оқила она, қизини узатар экан, ёки қизини оилавий ҳаётга тайёрлар экан - бахтли яшаши, бахтли яшаш учун эса фақат оилада яшамоғини уқтириши керак. Чунки жуфт бўлиб яшамоқ ҳаёт суннатидир. Никоҳ воситасида, шаръий йўл билан жуфт бўлиб яшаш - ахлоқий поклик ва соғлиқ гарови, жамият мустаҳкамлиги асоси эканлигини англатиш, унга амал қилишини тушунтириши керак.

Юқорида келтирилган фикрлар ёшларнинг яхши оила қуриши ва бахтли яшаши учун зарур дастурамал ҳамдир.

Мана шундай ўғитлар билан ўстирилган қизларимиз ибодат-ҳаёли, андишали бўлишган. Улар ота, ака-ука ва эрларининг ҳурматида бўлишган.

Туркистон халқларининг психологияси, турмуш тарзидаги ўзига хосликлар, ўзбек аёлининг одоби ва ахлоқи, оилада ўзини тутиши жуда кўп олимлар ва алломаларни қизиқтириб келган.

Масалан, 19-асрнинг 70-йилларида фарангистонлик этнограф, олима, мусаввир Бурдон хоним Туркистон эллари ўртасида тадқиқот олиб борган эди. У бу халқларнинг ҳаёт тарзи билан танишиш жараёнида аёлларнинг одоби, болаларга муносабати ва эр-хотин муносабатларининг гувоҳи бўлди. Унга ўзбек аёлининг ўз уйида, тўй-маросимларда, қўни-қўшнилар билан мулоқотда ўзини тутиши, ахлоқ-одоби, шарм-ҳаёси уни ҳайратда қолдирди. «Биз, - деб ёзган эди у, - маданийлашган Оврўпо аёллари ахлоқ-одобни, иффатни бизнинг назаримизда ёввойи ҳисобланган туркистонлик аёллардан ўрганмоғимиз жоиз экан... Лесгафт, Дидро назарияларидан мутлақо беҳабар бу аёллар ахлоқ назариясидан қўлланма ёзсалар арзир экан...» /"Саодат", 1993, 10/.

Олима хонимнинг замондоши ва маслакдоши XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида яшаб ижод қилган Фаҳр-ул банот Сибгатуллоҳ қизи ҳам ўз даврининг олимаси эди. Унинг асарлари биринчи навбатда хотин-қизларга қаратилган бўлиб, «Қизлар тарбияси», «Оила сабоқлари» каби китоблари қизлар мактабларида дарслик сифатида ҳам қўлланилган. Бу рисола 87 сабоқдан иборат бўлиб, унда хулқ-атвор, юриш-туриш, муомала маданиятининг психологик асослари берилган.

Қадимдан қизлар тарбияси, уларни эъзозлаш, уларга ўзгача меҳр билан қараш халқимизнинг олий фазилати бўлган. Шу сабабдан халқ оғзаки ижоди

намуналарида ҳам бу масалага эътибор берилган. Бунинг тасдиғи сифатида ушбу ривоятни келтиришни лозим деб топдик.

«Бир вақтлар давлатманд ақлли одамнинг қизи ақлли-одобли йигитга узатилибди. Куёв одобли бўлганлиги учун қайин ота томонидан жуда севикли куёв бўлибди.

Қизнинг укалари атрофидагиларнинг таъсириданми, ёки ёшлик қилибми, оталаринг поччани бунчалик яхши кўришига ғайр қила бошлабдилар.

Ўғилларидан бири акасига бир кун: - Акажон, отам ҳадеб "Куёвим, куёвим" дегани деган. Ҳамма вақт поччамиз уйга келганда турли ширин овқатлар қилинади. Отам "куёв ундай, куёв бундай" деб мақтайди, холос. Куёв шундай яхшими? - дейди.

Бу гаплардан хабар топган ота - Эй, менинг ақли тўлишмаган ўғилгинам, куёвимни нега яхши кўришимни биласанми? - дейди. У сен билан менинг номусимизни кўриқлайди. Қизимизни, онангни, фарзандимизни, болажонимизни ҳимоя қилади. Аслида мен қизимни ҳимоя этишим керак, лекин ҳозир у ҳимоя қияпти. Мен уни яхши кўрмай кимни яхши кўрай? Қизимизни жуда яхши кўрганим учун куёвимни жуда яхши кўраман. Куёвимни севиш қизимни севиш демакдир. Агар қизимга куёвим қарамаса, мен қарашим керак бўлади. Севикли ўғилларим, кўзим нурлари! Аёл, она, қиз оиланинг номусидир. Номусни сақлаш, кўриқлаш мард эркакларнинг ишидир. Мана, номус нималигини сизларга ўргатдим. Мен қандай бўлсам, сиз ҳам шундай бўласиз. Онангиз сизнинг номусингиздир. Мен ўлсам, поччангизга бир гап бўлса, опангизга сиз қарайсиз, унинг номусини сиз кўриқлайсиз. Шундай экан, менинг айтганимга қулоқ солиб, поччангизга меҳр ва ҳурмат кўрсатасиз, дейди.»

Шариатда қизини турмушга чиқариб, ундан алоқасини узган ота ҳақиқий ота ҳисобланмаган. Ҳақиқий ота қиз фарзандини ҳам астойдил тарбиялайди, ҳам турмушга беради, ҳам кейинчалик унга меҳрибонлигини кўрсатиб туради. Фарзанди, авлоди кадр-қимматини билмаган авлодига муҳаббати бўлмаган, авлодини ёмон йўлдан қайтармаган, тўғри йўлга бошламаган ота ҳақиқий, чин мусулмон эмас, дейилади.

Шунинг учун ҳам Ҳадиси Шарифда ҳар кимки уч қиз фарзанд ўстириб, уларни турмушга бериб, уларга яхшилик қилишни давом эттирса, ул кимса жаннатидир, дейилган.

Фан ва илму маърифат тараққиётида муҳим ўрин тутган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср олимлари ва маърифатпарварлари - Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий, Аваз, Абдулла Авлоний кабилар эса Шарқ мутафаккирларидан руҳланиб, ахлоқ-одоб, оила этикаси ва психологиясига оид қатор асарлар яратдилар.

А.Авлонийнинг оила педагогикаси ва психологиясига оид фикрлари ҳам диққатга сазовордир. Унинг 1913 йилда ёзган ва 1917 йилда иккинчи марта нашр қилинган "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асари Кайковуснинг "Қобуснома", Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билик", Носир Хисравнинг "Саодатнома", Саъдийнинг "Гулистон ва бўстон", Жомийнинг "Баҳористон", Навоийнинг "Маҳбуб -ул-қулуб" асарларига ўхшаш жанрда ёзилган бўлиб, муаллиф унда оилада бола тарбияси ва умуман оиланинг ижтимоий ролини очиб берган. Авлоний тарбия жараёнида оиланинг ва жамоатчиликнинг ўрнини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга.

Боланинг шахс сифатларига тўхталиб, унда оиланинг ролини кўрсатар экан, «Қуш уясида кўрганини қиладур», - дейди. «Инсон жавҳари қобилдир, агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар...». Демак олим, бола тарбиясида оиланинг ролини бирламчи қилиб қўяди: «... тарбияни туғилган кундан бошламоқ лозим экан. Тарбияни ким қилур? Қайда қилинур? деган савол келаду. Бу саволга "биринчи уй тарбияси - бу она вазифасидир. Иккинчи мактаб ва мадраса тарбияси - бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир,- деган жавоб берсак». Кўриниб турибдики, Авлоний боланинг мукаммал тарбияси нафақат оилага, балки мактаб ва жамоат ташкилотларига ҳам боғлиқлигини эътироф этиб, тарбия масаласини умуминсоний вазифалар даражасида талқин этган.

Юқоридаги қисқача таҳлилларимиз шунини кўрсатмоқдаки, мусулмон олами, Шарқ мутафаккирлари орасида оила муаммолари билан шуғулланган ва шу хусусда ўзларининг қимматли фикрларини келгуси авлодлар учун қолдирган олимлар жуда кўп. Биз уларнинг айримларига тўхталдик холос.

10.3. Таълимда психологик хизмат кўрсатиш

Маълумки, шахснинг социализацияси асосан таълим-тарбия масканларида амалга ошади.

Шунинг учун ҳам таълим масканлари орасида: оила, боғча, мактаб, лицей, коллеж, олийгоҳ олдида қўйилган асосий вазифалардан бири шахснинг камолоти учун барча шароитларни яратиш, унинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва тарбиянинг энг мақбул шакллари жорий этишдир.

Охириги йилларда Ўзбекистон Республикаси кўрсатмаларига асосан ёшларнинг лаёқатларини илк ёшлигидан аниқлаш, улар иқтидорини ҳар

тарафлама ўстириш вазифалари шахсга индивидуал ёндашувнинг зарурлигини, ўқишнинг дифференциал бўлишини талаб қилмоқда, шунга яраша мактаб ва жамоатчилик олдига қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Тестлар воситасида билимларни текшириш, олий ўқув юртларига ва таълимнинг барча тармоқларига ҳам тест синовлари орқали қабулнинг амалга оширилиши психологик хизматнинг тезроқ йўлга қўйилишини талаб қилмоқда.

Ижтимоий психология ҳам давримизнинг таълим масканлари олдига қўяётган талаблари, унинг ҳозирги кунларда бошдан кечираётган қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, ўз олдига:

- а) уларни англаш;
- б) илмий анализ қилиш;
- в) олдини олиш йўллари қидириш;
- г) йўл-йўриқлар кўрсатиш вазифасини қўймоқда.

Бу борада ижтимоий психолог нима ишларни қилиши мумкин?

1. Жойларда ташкил этилган психология хизмати, аввало психологдан ўша таълим маскани шароитини ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқишни, ҳар бир ёш хусусиятларига қараб, индивидуал ва гуруҳда ишлаш услубларини аниқлаши лозим.

2. Психолог шахс ўртасида учраб турадиган психик ривожланишдан чекиниш ҳолларини тўлиқ ўрганиши, унга сабаб бўлган ижтимоийпсихологик шарт-шароитларни анализ қилиши лозим.

3. Психологда турли ёшли шахс бўйича уларнинг қобилиятлари, йўналиши, лаёқатлари ва касбга қизиқишига доир аниқ илмий анализлар, тест натижалари асосида тузилган маълумотлар бланки бўлиши керак. Бу маълумотларга асосланиб, психолог ҳар бир шахсга алоҳида-алоҳида ёндашиш, айримларига қўшимча дарслар ташкил этиш шахсдаги қобилиятларни ўстириш билан боғлиқ аниқ кўрсатмалар ишлаб чиқмоғи лозим.

4. Таълими масканларидаги алоҳида синфлардаги руҳий ҳолатларни, ўзаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган психологик муҳитни аниқлаши ва расмий ва норасмий лидерлар ўртасидаги муносабатларни чуқур ўрганиб, маъмуриятга керакли йўл-йўриқларни бериб туриши керак.

5. Бундан ташқари, психолог турли можаролар, зиддиятлар, тартиббузарликларнинг олдини олиш, уларнинг табиатини ўрганиш чоратадбирлари бўйича консультациялар ташкил этиши керак. Бундай консультациялар алоҳида ота-оналар ва педагоглар жамоаси учун ташкил

қилинади. Амалий психолог фаолиятининг яна бир томони турли масалалар бўйича ўқитувчилар жамоасига консультация ва ёрдамлар беришдир.

Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, диагностик ва тузатиш ишлари (ҳар қандай ривожланиш жараёнидаги чекланишлар, орқада қолиш ҳолатларини аниқлаб, чорасини топиш, улар олдини олиш); психопрофилактик ишлар (психогигиена, боланинг психологик жиҳатдан нормал ривожланишини таъминловчи шароитлар яратиш); психологик консультациялар, ўқитувчилар, ота-оналар ва ўқувчиларнинг психологик саводхонлигини кўтариш; психолог қўллайдиган методларни конкрет шароитларга мослаштириш, улардан самарали фойдаланиш, тўпланган илмий маълумотларни системали тарзда анализ қилиб бориш; тестлар тузиш, уларнинг сезгирлигини илмий асослаш ва ҳар бир бола қобилиятини, қолаверса, ўқитувчилар билимдонлигини тестлар ёрдамида мунтазам текшириб, илмий хулосалар ва кўрсатмалар тайёрлаш кабилардан иборатдир.

Ўйлаймизки, республикамызда таълим масканларида психологик хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш келажагимиз бўлган болаларимизни жамият олдида турган улкан ва улуғвор ишларга тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Умуман жамиятнинг психология фани олдида қўйган талаблари кўп. Уларни қондириш учун жумҳуриятимизда аввало кенг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, уларнинг натижаларини дадил амалиётга тадбиқ қилиш даври келди. Амалиёт билан назария ўртасидаги боғлиқлик ҳар бир илмий ғояни ҳаётга тадбиқ қилиш психологлар олдида турган асосий вазифалардандир.

Қуйидагилар психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- ✓ психологик маърифат ва ташвиқот;
- ✓ психологик-педагогик ташхис;
- ✓ психологик профилактика;
- ✓ психологик коррекция;
- ✓ психологик маслаҳат;

Психологик хизмат фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагиларни назарда тутди:

а) психологик маърифат ва ташвиқот йўналишида:

мурожаат асосида педагогик жамоа ва ота-оналарнинг психологик саводхонлиги ва компетентлигини оширишда дастлабки психологик-педагогик билим ва тушунчалар, ҳар бир респондентга индивидуал ёндашув орқали оилавий муносабатлар, шахсий гигиена ва соғлом турмуш бўйича тавсиялар бериш;

респондент, педагог ходимлар, ота-оналар билан якка ва жамоавий шаклдаги суҳбатлар, маслаҳатлар, семинар-тренинглар ташкил этиш, турли хил йиғилишларда маърузалар билан чиқишлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали психологик билимларни бериб бориш;

б) психологик-педагогик таълим йўналишида:

респондентларни таълим-тарбия жараёнидаги иштироки, уларнинг ҳар бир ҳолат, воқеа ва ҳодисага муносабатини психологик-педагогик таълимга оид янги методикалар асосида ўрганиш, таҳлил этиш ва зарур кўрсатмалар бериш;

респондент қизиқишлари, мойилликлари, истеъдоди ва иқтидоридаги асосий йўналишларни аниқлаш ва унга кўрсатмалар бериш;

муружаат асосида таълим муассасасига қабул қилинган талабаларнинг психологик мослашуви ва ривожланиш динамикасини, ўқувчиларнинг ўқишга тайёргарлик ҳолатлари, ўзлаштириши ва ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

муружаат асосида таълим муассасасининг кейинги босқичларига ўтган ўқувчиларнинг янги ижтимоий муҳитга мослашуви, ўқув фаолияти, билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш динамикаси, шахс сифатлари, шахслараро муносабатлар шаклланишини кузатиб бориш, таҳлил этиш, коррекцион машғулотларни ташкил этиш;

муружаат асосида психологик-педагогик таълимлар, сўровномалар, суҳбатлар орқали талабаларнинг касбий қобилиятлари, қизиқишлари ва фанни ўзлаштиришга бўлган мойилликларини аниқлаш, уларнинг онгли равишда ўз қобилиятларини ишга солиш, таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш учун ўқувчилар ва ота-оналарга тавсиялар бериш ва йўналтириш;

муружаатлар асосида ижтимоий-психологик муаммолари мавжуд ҳамда фанларни ўзлаштириши паст бўлган талабалар билан психологик-педагогик таълимлар, сўровномалар, суҳбатлар ўтказиш орқали муаммо турини аниқлаш, гуруҳлаш ва улар билан коррекцион ишларни олиб бориш;

в) психологик профилактика йўналишида:

муружаат асосида давлат ва нодавлат корхоналари орасида барча салбий ҳолатлар ва мойилликларнинг олдини олиш бўйича раҳбар ва ходимлар ва ота-оналар учун мақсадли ва манзилли психологик тавсиялар ишлаб чиқиш;

муружаат асосида шахс хулқ-атворидаги оғишлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб бориладиган профилактика ишларида иштирок этиш;

муружаат асосида давлат ва нодавлат корхоналари ходимларининг хулқ-атворидаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш, руҳий зарба, низо, салбий

эмоционал кечинмалар ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш, жамолар, кичик ва катта гуруҳлардаги ижтимоий-психологик муҳитни соғломлаштириш бўйича аниқ кўрсатмалар бериш;

муурожаатлар асосида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, соғлиқни сақлаш, маҳалла фуқаролар йиғини ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ота-оналар билан учрашувлар, суҳбатлар, семинар-тренинглар, мунозаралар ва очиқ мулоқотлар ташкил этиб ижтимоий-психологик муҳитни барқарорлиги бўйича таъсирчан психоконсультациялар бериш.

г) психологик коррекция йўналишида:

муурожаатлар асосида ўқув ва касбий фаолиятда қийналаётган ўқувчи, талаба ва респондентларнинг мотивацион доираси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида индивидуал ва жамоавий коррекция ишларини олиб бориш;

муурожаатлар асосида бола ва ота-оналарнинг психологик ҳолатига оид маълумотларга муносабат билдириш, тарбиясида, ҳуқуқда, характерида салбий ҳолатлар (акцентуация, паталогик оғишиши) мавжуд бўлган шахслар билан коррекцион ишларни амалга ошириш;

муурожаат асосида ўқув фаолияти давомида болаларнинг билиш фаоллиги ҳамда қизиқишларини ривожлантириш, уларнинг интеллектуал пассивлигини коррекциялаш;

муурожаатлар асосида индивидуал ёки жамоавий тартибда ота-оналар ва педагог ходимларни жалб этган ҳолда ўйин, мулоқот, суҳбат, тренинг машғулотлар шаклида тадбирлар ташкил этиш;

д) психологик маслаҳат йўналишида:

муурожаат асосида келган респондент, талаба ва педагогик жамоанинг индивидуал ривожланишидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича барча таълим жараёни қатнашчиларига маслаҳатлар бериш;

шахснинг психик ривожланиш хусусиятлари, шахс сифатида шаклланиши, шахслараро муносабат мақоми, уларнинг ёш, жинс, индивидуал-типологик хусусиятлари муаммоси бўйича амалий маслаҳатлар ташкил этиш;

муурожаатчи респондентнинг барча психологик муаммолари бўйича консультацияни амалга ошириш.

10.4. Тиббиётда ижтимоий психологик ёндашув муаммоси

Охирги йилларда ижтимоий психология билан одамларнинг саломатликларини муҳофаза қилувчилар, тиббиёт ходимларини ўртасидаги алоқалар ҳам кучаймоқда.

«Саломатлик психологияси» деб номланувчи бўлим пайдо бўлдики, у ўз бошидан турли тангликларни кечирган, ёлғиз ва серхавотир одамларнинг руҳий ҳолатлари, кутишлари ва муносабатларини ўрганмоқда.

Масалан, олимларнинг текширишларига кўра, ўзида депрессия - танглик ҳолатини бошидан кечираётган одамнинг ўзи ҳақидаги фикрлари ҳам салбий бўларкан. Нормал одамларга нисбатан улар тушунтиришларида ўзларини ёмон баҳолаб, воқоё-ходисалар орасида ҳам фақат ёмонларини эслаб, келажакка ишончлари ҳам кам бўлади. Улар фикрлашлари одатда депрессив тафаккур деб аталади.

Шунга ўхшаш ҳолатлар ёлғиз қолган одамлар ва бурли вазиятлар оқибатида стресс ҳолатига тушиб қолганларга ҳам хосдир. Психология бу борада уларга ижтимоий муҳитга аралаштириш, кутишлар тизимини ўзгартириш ва ўзига муносабатни ижобийлаштириш учун тренинглардан ўтишни тавсия этади. Бунда асосан уч тамойилга бўйсунтириш керак бўлади:

- ❖ ташқи хатти-ҳаракатлардаги ўзгаришлар ички дунё ва фикрлашни келтириб чиқаради;

- ❖ ҳулқдаги ижобий малакаларнинг пайдо бўлиши ижобий тажрибага асос бўлади ва бу орқали одамнинг ўзини ўзи идрок қилиши ўзгаради, оқибатда негатив фикрлаш ҳам чекинади;

- ❖ даволаниш масканларида соғлиғини тиклагандан сўнг агар одам бу ҳолатни докторларнинг даволаш дастурларидан эмас, балки ўзидаги ички руҳий омиллар туфайли рўй берди, деб ҳулосаласа, даволаниш самараси узоқроққа чўзилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни қатъий таъкидлаш мумкинки, тиббиёт ходими ёки шифокор албатта психологияни яхши билиши, айниқса, унинг тармоғи бўлган ижтимоий психология асосларини билиши зарур.

Бу нарса нафақат касалликларнинг келиб чиқиши, негизи психоген омиллар таъсирида бўлишидан, балки шифокор ва касал одамларнинг ҳам бири ўзига хос шахслар бўлиб, улар ўртасидаги бирбирини идрок қилиш, тушуниш ва таъсир кўрсатишлари турли шароитларда турлича кечиши билан изоҳланади.

Ҳаётий кузатишлар шуни кўрсатадики, малакали шифокорнинг бир бемор билан амалга оширган муваффақиятли муолажаси, мулоқоти тажрибаси, бошқа шароитда бошқа беморлар билан самара бермаслиги ва бу нарса инсоннинг ёш, жинс, профессионал хусусиятларидан ҳам келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам охириги йилларда масаланинг айнан шу психологик жиҳатларига — муомаладаги этика, эстетика ва халқ менталитети хусусиятлари, кадриятларга кўпроқ эътибор берилмоқда.

Зеро, айниқса, асаб бузилишларидан келиб чиқадиган ҳар қандай касаллик, масалан, неврозларинсон қалби ва унинг руҳий дунёсидаги қарама-қаршилиқлар ва муаммолардан келиб чиқади.

Мавзу юзасидан қисқача хулоса:

Саноат ижтимоий психологияси. Саноат корхоналарида кузатиладиган ҳолат асосида ишга салбий таъсир этадиган сийинчиликларнинг турлари ва уларни намоён болиш шартлари. Саноат корхоналарида кузатиладиган горизонтал ва вертикал ўзаро муносабатлар ва уларнинг психологик табиати.

Оила ва никоҳ соҳасидаги тадқиқот ишлари ва уларнинг ўзига хослиги муаммолари. Оила ва оилавий муносабатларга қизиқишнинг айрим жиҳатлари. Бу борада ўтказилаётган тадқиқотларнинг аҳволи. Аёлларнинг меҳнатга жалб этилиши ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари.

Мактабда психологик хизматни ташкил этиш тажрибасидан. Мактаб муҳитидаги амалий психологнинг иш фаолиятидаги эътиборли томонлар ҳақида. Бундаги асосий йўналишлар: диагностик ва тузатиш ишлари, психопрофилактик ишлар, психологик консултациялар ва маънавий-оқартув ишлари.

Мавзу психологик маслаҳатни ва психологик хизмат турларини саноат, ишлаб чиқариш ва таълим масканларида ташкил этиш йўлйўриқларига қаратилган бўлиб, бу ҳар бир соҳада психологик ишларни олиб боришда кузатиладиган ҳолатларни атрофлича англаб олишга ёрдам беради.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Саноат ижтимоий психологияси.
2. Никоҳ ва оила соҳасидаги тадбиқий тадқиқотлар.
3. Мактабга психологик хизмат кўрсатиш.

Тестлар:

1. Саноат ижтимоий психологияси дастлаб қайси давлатда пайдо бўлди?

- *А) АҚШ
- Б) Россия
- С) Германия
- Д) Англия

2. Психологик хизмат йўналишларини кўрсатинг?

- А) Психологик ташвиқот, Психопрофилактик
- Б) Психодиагностика, Психокоррекция
- С) Психоконсултация
- *Д) Барча жавоблар тўғри

3. Психокоррекциянинг маъносини топинг?

- А) Ривожлантириш
- Б) Шакллантириш
- *С) Тузатиш
- Д) Барча жавоблар тўғри

4. Психодиагностиканинг маъносини топинг?

- А) Ривожлантириш
- Б) Шакллантириш
- *С) Ташхис
- Д) Барча жавоблар тўғри

5. Психопрофилактиканинг маъносини топинг?

- А) Ривожлантириш
- Б) Шакллантириш
- *С) Олдини олиш
- Д) Барча жавоблар тўғри

Ижтимоий муҳитга мослашув тренинги:

Тренинг мақсади: талабаларнинг коммуникатив компетенциялари, янги ижтимоий муҳитга мослашиш малакаларини ривожлантириш. Ўзини қуршаб турган ташқи муҳит, атрофидаги воқеа-ҳодисалар моҳиятини тўғри англаш, ўзаро муносабатларга ижобий таъсирини кўрсата билиш, киришувчанлик қобилиятини ривожлантириш.

Кутилаётган натижалар:

1. Талабада янги ижтимоий муҳитдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан қизиқиш уйғотиш.
 2. Тенгқурлари орасида янги дўстлар, ҳамфикрлар орттириш кўникмаларини ҳосил қилиш.
 3. Масъулият ҳиссини шакллантириш.
 4. Ўз ҳатти-ҳаракатларини назорат қилиш асосида самимий ва дўстона муносабатларни юзага келтириш.
 5. Янги ижтимоий муҳитга мослашиш кўникмаларини ривожлантириш.
- 1-босқич: “Бирга саёҳат”

Савол: Агар сизга бинонинг атрофини бир айланиб келинг деб топшириқ берилса, айнан қайси томонни кўзлаган бўлар эдингиз?

Иштирокчиларга ўйлаш учун 2 дақиқа вақт ажратилади. Талабалар навбати билан ўз фикрларини баён этади. Фикрлари мос келган талабалар

гуруҳларга бўлинадилар. Бўлинган гуруҳ аъзолари айнан ўзлари танлаган объект ҳақида изоҳ берадилар.

2-босқич: “ Ёнғин”

Гуруҳларга топшириқлар берилади. 1-гуруҳ ўз хонасида гугурт қутисини ўйнаб ёнғин чиқаради. Қолган гуруҳ аъзолари ёнғинни ўчириши керак. Шартга кўра ёнғин сабабчилари ёрдамга келган талабалар томонидан жазоланишлари керак.

3-босқич.

Барча иштирокчилар овоз чиқармасдан ўзи ёқтирган ўқитувчининг дарс ўтиш жараёнини кўз олдига келтиришлари керак. 2 дақиқадан сўнг 1 нафар иштирокчи чиқиб (ихтиёрий) пантомима орқали танлаган ўқитувчисининг хатти-ҳаракатларини кўрсатиб беради. Қолганлар эса уни кузатиб, кўрсатилган хатти-ҳаракатлар қайси ўқитувчига мос келишини топишлари керак. Тўғри топган талабага навбат берилади. Бу ҳолат бир неча бор такрорланади.

4-босқич.

Талабалар икки гуруҳга бўлинади ва 1-гуруҳ хонадан ташқарига чиқарилади. 2-гуруҳга формат қоғоз ва рангли қаламлар берилади.

Топшириқ: 5 дақиқа ичида ўзингиз таҳсил оладиган ўқув юрти биноси лойиҳасини қоғозга туширинг. Сўнг 1-гуруҳ таклиф қилинади. Уларга “Қоғозга ниманинг сурати туширилган?” деган савол берилади. Ўйлаш учун 2 дақиқа вақт ажратилади ва изоҳи талаб қилинади. Агар тўғри жавоб топилса, бу уларнинг ўз билим даргоҳларига нисбатан бефарқ эмасликларидан далолат беради. Машғулот якунида тренинг ўйин натижалари муҳокама қилинади.

ГЛОССАРИЙ:

Ижтимоий психология – психология фанининг ўзига хос махсус тармоғи бўлиб, унда психик ва жамият тараққиёти қонунлари ўрганилади.

Социология – жамиятда юз берадиган турли-воқеа-ходисаларни ва ўзаро муносабатларни ўрганишга қаратилган фан.

Ижтимоий тасаввурлар – шахсга жамият орқали таъсир этган нарса ва ходисаларнинг яққол образи.

Муомала – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши. Бошқарув – шахс ва жамият муносабатларида ижтимоий, индивидуал муносабатларни ўрнатишга қаратилган жараён.

Оила – турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик асосидаги кичик гуруҳ.

Ижтимоий психологик эксперимент – асосий методлардан бири бўлиб, ўзгарувчан мустақил турли ҳолат ва жараёнларнинг бошқа номустақил ҳолат ва жараёнларга таъсир этишдаги аниқ маълумотларига таянади.

Сўров – асосий методлардан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот олинади.

Анкета – методлардан бири бўлиб, респондент тўғрисида аниқ кўзланган маълумотларни йиғиш мақсадида қўлланилади.

Контент-анализ – текшириладиган матнда сўз, ибора, абзацларни маъномоҳиятини тақдорланиш даражасига қараб таҳлил этиш усули.

Кузатиш – синалувчини аниқ мақсад, фаолият, вақт, гуруҳ билан боғлиқ равишда текшириш, ўрганиш, маълумотлар тўплаш методи.

Тест – синалувчини текшириш жараёнида махус қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, бу метод орқали аниқ бир психологик хусусият аниқланади.

Коммуникатив – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, ғоялар алмашинуви жараёни.

Интерактив – шахслараро муносабатларда бир-бирига ҳуқ-атвор таъсир кўрсатиш жараёни.

Перцептив томон – шахслараро муносабатларда тушуниш, ҳис этиш, идрок этишга қаратилган жараён.

Босқичлар – мулоқотда мавжуд бўлган шахснинг ўзи билан, бошқалар билан ва авлодлар орасида кечадиган жараёни.

Шакллар – бевосита ва бавосита тур бўлиб, юзма-юз ёки восита орқали амалга ошиши кўзда тутилади.

Вербал – оғзаки ифодаланган нутқ.

Новербал – нутқсиз ифодаланган ҳаракат, мимика, ҳолатларнинг бошқа шахсга йўналтирилиши.

Коммуникатив – шахслараро муносабатларда бирор маълумотнинг етказилишига қаратилган томони.

Перцептив – шахслараро муносабатларда бирор вазиятни, ҳолатни тушуниш, ҳис этишга қаратилган томони.

Интерактив – шахслараро муносабатларда бир-бирига таъсир этишга қаратилган томони бўиб, бунда шахснинг ижтимоий мавқеи, роли муҳим омил сифатида кузатилади.

Гуруҳ – одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларига асосланган ижтимоий жамоа.

Расмий – одамларнинг биргаликдаги фаолиятларида, ижтимоий роллар тақсимоотида мавқе, мартабанинг инобатга олиниши.

Норасмий – одамларнинг биргаликдаги мулоқот ва фаолиятларида улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, бир хил қараш ва мақсадларнинг кўзда тутилиши.

Реал – биргаликдаги фаолият жараёнида бевосита мулоқот амалга ошиши имконияти.

Шартли – одамларнинг турли белги, фаолият шаклларида кўра бирор гуруҳга тааллуқли деб қараш.

Гуруҳ – одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларига асосланган ижтимоий жамоа.

Расмий – одамларнинг биргаликдаги фаолиятларида, ижтимоий роллар тақсимоотида мавқе, мартабанинг инобатга олиниши

Норасмий – одамларнинг биргаликдаги мулоқот ва фаолиятларида улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, бир хил қараш ва мақсадларнинг кўзда тутилиши.

Реал – биргаликдаги фаолият жараёнида бевосита мулоқот амалга ошиши имконияти.

Шартли – одамларнинг турли белги, фаолият шаклларида кўра бирор гуруҳга тааллуқли деб қараш.

Референт гуруҳ – жамоа ёки гуруҳ орасида ўз таъсирига эга шахс ёки гуруҳнинг мавжуд бўлиши.

Негативизм - индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилиши.

Уюшганлик - гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётининг принциплари, қадриятларини англашлари.

Шаклланганлик - одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ психологик жараён.

Ижтимоий установка - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлиги.

Мобил - шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг юқори даражада кузатилиши.

Ригид – шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг паст даражада кузатилиши.

Интроверт - шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг ниҳоятда пастлиги.

Экстрроверт – шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг юқорилиги.

Доминант – бошқалар билан муомала ва муносабат ўрнатишда ўз фикрини ўтказиш ҳислатининг ёрқин намоён бўлиши.

Тобе – мулоқот ва бошқа жараёнларда шахсда кўникувчанлик, бошқа кишиларга боғлиқлик, фикрига бўйсунуш хусусиятларининг таркиб топиши.

Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

Психологик маслаҳат - шахснинг турли даражадаги ўз муаммоларини яқка тартибда психолог билан таҳлил этишига қаратилган психологик хизмат тури.

Саноат психологияси – саноат ва ишлаб чиқаришда турли юзага келадиган муаммо ва ҳолатларни психологик ва ижтимоий омилларини таҳлил қилиб олишга қаратилган хизматлари тури.

Таълим масканлари психодиагностикаси – шахсни таълим тизимда қобиляти, иқтидори, истеъдодини аниқлаб олиш мақсадида олиб бориладиган психологик хизмат тури.

Ижтимоий психология – психологиянинг шундай соҳасики, бунда психик ва жамият тараққиёти қонунлари шахс ҳулқ-атворида акс этиши ўрганилади.

Методология – тадқиқот, текшириш усули бўлиб, билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

Илмий тахмин – текшириш ва тадқиқот олиб бориш мақсадида илгаридан кутилиши мумкин бўлган ҳолатнинг башорат қилиниши.

Авторитар – ижтимоий муносабатларни ўрнатиш ва ташкил этишда раҳбар шахсининг фақат ўз фикри ва қарашларига суяниши ва амал қилиши.

Демократик - ижтимоий муносабатларни ўрнатиш ва ташкил этишда раҳбар шахсининг жамоа фикри ва қарашларини ҳам инобтга олиши.

Либерал - ижтимоий муносабатларни ўрнатиш ва ташкил этишда раҳбар шахсининг бефарқлик муносабатларини намоён этиши.

Раҳбарлик – бошқарувда расман ваколатларнинг шахсга берилганлиги.

Лидерлик – жамоа орасида турли вазиятлар таъсирида юзага келадиган раҳбарлик, лекин бу раҳбарда расмий ваколат тизими мавжуд эмас.

ХОТИМА ЎРНИДА ИЛОВАЛАР:

Т.ЛИРИ тести

Шахснинг психологик қиёфасини (профилини) очиб беришга ёрдам берувчи, шахслараро муносабатлар диагностикасининг изохий матни.

Шахснинг психологик қиёфасини (профилини) очиб беришга ёрдам берувчи иккита омилга таянишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунончи улар, устунлик ёки етакчилик ҳамда дўстоналик омилларидир. Шахсий қиёфани ифодалашда эса дискограммадан фойдаланилади. Шунингдек, методика натижаларини шарҳлаш учун кулайликни ҳисобга олган ҳолда уларнинг балли даражаларини акс эттирувчи қуйидаги жадвални тақдим этишни лозим топдик. Жадвалда ҳар бир октант натижалари баллар бўйича нимани ифодалаши келтирилган:

Саволлар:

1. Ўзаро ёрдамга ҳамкорликга қобилиятли.
2. Ўзига ишонгон.
3. Бошқалар ҳурматини қозонган.
4. Унинг устидан ҳукмдорликни ёқтирмайди.
5. Очиқ кўнгил.
6. Шикоятчи арзчи.
7. Кўпинча бошқалар ёрдамига муҳтожлик сезади.
8. Рағбатга муҳтож.
9. Ишонувчан ва бошқаларга қувонч улашишга интилади.
10. Маъсулятни ёқтиради.
11. Салобатли кўринади.
12. Ҳамиятли (ўз кадр-қимматини билади).
13. Рухлантирувчи.
14. Яхшиликни билувчи.
15. Жаҳлдор, шафқатсиз.
16. Мақтанчоқ.
17. Ўзини ўйловчи.
18. Наҳоқликни тан олишга қодир.
19. Золим (мустабид).
20. Ўз фикрида тура олувчи.
21. Бағри кенг, нуқсонларга бардошли.
22. Амирона-кеккайган.
23. Ҳомийлик қилишга мойил.
24. Ҳайратлантиришга қодир.

25. Бошқаларга қарорлар қабул қилишга имкон берувчи.
26. Кечирувчан.
27. Беозор.
28. Лоқайд бўлиши мумкин.
29. Беғараз.
30. Маслаҳат беришни ёқтирувчи.
31. Ёрдамга муҳтож, мустақил эмас.
32. Ўзига ишонувчан ва тиришқоқ.
33. Ҳар кимдан ҳайратланишни кутувчи.
34. Кўпинча ҳомуш.
35. Унга таъсир ўтказиш қийин.
36. Дилкаш ва муросали.
37. Тўғри сўз ва чўрткесар.
38. Аламзада (жаҳлдор).
39. Тобеликни ёқтиради.
40. Бошқаларга ҳукмрон.
41. Ўзига танқидий бўлишга қодир.
42. Кўнгли _____ очик, саҳий.
43. Муомалада доим хушмуомала.
44. Ён берувчи (Келишувчан).
45. Уятчанг. Тортинчоқ.
46. Бошқаларга ғамхўрликка мойил.
47. Шахсиятпараст (фақат ўзини ўйлайди).
48. Кўнгилчан.
49. Муҳтожларга ҳамкор.
50. Буйруқ беришга удабурон.
51. Кўпинча ҳафсаласи пир бўлади.
52. Бир сўзли, лекин адолатли.
53. Кўпинча адолатли.
54. Бошқаларга танқидчан.
55. Доим хайрихоҳ.
56. Ноҳолисона баҳоловчм одам.
57. Ишончсизлик тўғдиришга мойил.
58. Бообрў ишонувчан.
59. Рашкчи.
60. Дод-вой қилиб юришни ёқтиради.
61. Тортинчоқ.
62. Аразчан ва инжиқ.
63. Кўпинча хайрихоҳ эмас.

64. Ҳукмрон.
65. Ташшабускор эмас.
66. Қаттиққўлликка мойил.
67. Хушмуомала.
68. Ҳаммани ёқтиради.
69. Тадбиркор, омилкор.
70. Ўта раҳмдил.
71. Эътиборли ва ёқимли.
72. Айёр ва пишиқ.
73. Атрофдагилар фикрини қадрловчи.
74. Такаббур ва мағрур.
75. Ўта ишонувчан.
76. Ҳар кимга ишонишга тайёр.
77. Хиёлатпаз.
78. Мустақил.
79. Худбин.
80. Нозик таъб, кўнгилчан.
81. Бошқалар таъсирига берилувчан.
82. Ҳурматли.
83. Бошқаларда таассурот уйғотувчи.
84. Юмшоқкўнгил.
85. Маслаҳатларни қабул қилувчи.
86. Раҳбарлик талантига эга.
87. Ноқулайликка тез тушувчан.
88. Ҳафачиликни эслаб юрувчи.
89. Дўстлар таъсирига берилувчан.
90. Қарама-қаршилик руҳига мойил.
91. Ортиқча кўнгилчанлиги билан одамларни бузади.
92. Атрофдагиларга ўта мурувватли.
93. Шухратпараст.
94. Ҳар кимнинг кўнгилини олишга интилувчан.
95. Ҳайратланувчи, тақлидга мойил.
96. Жон деб бўйсунувчи.
97. Ҳамма билан келишувчан.
98. Ўзининг зарарига ҳисобига, бошқаларга ғамхўр.
99. Жиззаки.
100. Уятчанг.
101. Бўйсунушга ўта тайёрлиги билан фарқланувчи.
102. Дўстона, хайрихоҳ.

103. Саховатли ишонч туғдирувчи.
104. Совуқ, бағритош.
105. Муваффақиятга интилувчи.
106. Бошқалар хатосига бешафқат.
107. Ҳаммага бир хил илтифотли.
108. Қаттиққўл, лекин адолатли.
109. Ҳаммага меҳр-муҳаббатли.
110. Ғамхўрлик қилишларини ёқтиради.
111. Деярли, ҳеч кимга эътироз билдирмайди.
112. Юмшоқ, кўнгилчан.
113. Бошқалар у ҳақида яхши фикрдалар.
114. Қайсар, ўжар.
115. Керак бўлганда саботли ва кескин.
116. Самимийликка мойил.
117. Камтар.
118. Ўз-ўзига мурруватли бўлишга қобил.
119. Сершубҳа.
120. Заҳар тилли, истехзоли.
121. Шилқим.
122. Кек сақловчи.
123. Мусобақалашишни яхши кўради.
124. Бошқалар билан чиқишишга интилувчан.
125. Ўзига ишончсиз.
126. Ҳар кишига тасалли беришга интилади.
127. Ўз-ўзини қийновчи (ичидан сиқилиб юрувчи).
128. Ҳиссиз. Лоқайд.

I. Лидерликка мойиллик, ҳукмронлик, зулмкор (Оптимист, реакцияси тез, юкори фаоллик, муваффақият мотивацияси кучли. Яккол намоён булган ҳукмронлик тенденцияси, ортикча даъвогарлик, талабкорлик даражаси, енгил ва тез қарор қабул қилиш, фақат шахсий фикрига асосланиш, ташки муҳит омилларида минимал боғланганлик, екстрове́ртлик. Ҳаракат ва мулоҳазалари фикридан олдин юради, «шу ерда ва ҳозирок» типи, ўзини руёбга чиқариш тенгденцияси. Атрофдагиларга фаол таъсир кўрсатиш, ҳамма нарсага эришиш позитцияси, бошқаларни ўз иродасига бўйсунтириш ва орқасидан эргаштиришга интилиш)

II. Ўзига ишонч-ўзини яхши кўриш (Ўзини химояда қадрлаш, бошқалар билан масофа сақлаш, эгосентризм – шахсий максадлари, кечинмалари, интилишларида боғлиқлик. Ташки таъсир ва бошқаларнинг кечинмаларига

этиборсизлик, кучли ва даъвогарлик, талабгорлик даражаси, гуруҳда алохида мавқени эгаллашда интилишда намоён буладиган рақобатчилик хиссининг яққол намоён бўлиши. Устунлик, гуруҳнинг умумий мақсадлари ва бшқалар ўз оарсидан эргаштириш, уларга ўз ғояларини «юқтириш»га интилиш билан ўз даражасида боғланган. Тафаккур услуби ижодий бир қолибда эмас. Экстрове́ртлик биринчи вариантга нисбатан кам даражада. Атрофдагиларнинг фикрини танкидий қабул килади, ўз фикрларини догма даражасига кўтарилади. Хеч бўлмаганда қатъий химоя килади. Эмотцияларида иликлик муомаласида атрофдагиларга мослашув етишмайди. Юқори изланувчанлик фаоллиги мулохазалилик билан кўшилиб келади, кучсиз буйсинувчанлик.)

III. Талабчанлик-муросасиз, шафқатсиз (Установкаларнинг ригидлиги, қотиб қолганлиги, юқори даражадаги беихтиёрлилик билан кўшилиб кетади, мақсадга эришуви, қатъийлик эмотционал ёшликнинг ҳолатида тўпланган тажрибада етарлича таянмаган ҳолда ишбилармонлилик. Ўзининг ҳақлигига ишониш билан қоришиб кетадиган меъёрдан ташқари алолатпарастлик, ўзига нисбатан танқид ва бошқалар билан қарама – ққаршилиқда дангаллик ва самимийлик, шинам - қулай текширилувчи шахсий обрусига путур етмайдиган вазиятда тез учиб қоладиган ортикча аразчанлик.)

IV. Ишончсизлик (скептизм)- қайсар-салбийлик (негативизм) (Яккалик, айрилик, одамовийлик, установкаларнинг отиб қолганлиги, ўзиникидан ташқари ҳар қандай фикрда танкидий муносабат, кичик гуруҳдаги ўз мавқеидан норозилик шубҳаланувчанлик, ўзига нисбатан билдирган фикрларига нисбатан ўта таъсирчанлик, мулохаза ва муомаласида ўзига хослик, бошқалар билан хисоблашмаслик. Атрофдагиларнинг носамимийлигига ишонч билан боғлиқ бўлган қотиб қолган ва ўта аҳамиятли ҳулосалар чиқишда ҳулқи ва мулохазада ишончлилик ва адоватчиликка мойиллик. Бу мойиллик текширувчидаги одамларнинг ёвузликларида асосий ишонч билан изоҳлайди. Конкрет тажрибага таянадиган системали тафаккур, омилкорлик, реал, (аниқ) реалистик амалиётга асосланишга катта мойиллик. Унчалик намоён булмайдиган ва тўпланмаган лекин шу билан бирга ортикча кескинлик яратадиган ва ортиб боровчи ажралиб қолишга сабаб бўладиган ўта жанжалкашлик.)

V. Ён беришлик-беозор-пассив бўйсунувчанлик (Касаллик даражасида тортинчок, интроверт, пассив, ахлоқ ва виждон масалаларида нозик табиат, буйсунувчан , ўзига ишонмайдиган, мулоқот қилаётган шериги уни қандай идрок қилаётганлигини англашга ўта мойиллик, мувоффақиятсизликдан қочиш мотивациясининг устунлиги ва мувоффақият мотивациясининг пастлиги, ўз – ўзига паст баҳо бериш, ҳадиксировчи, масъулият хиссини кўплиги, ўзидан норози, ҳар қандай мувоффақиятсизликда фақат ўзини

айблашга мойил, осонгина ғамгинлик ҳолатига тушадиган, ўз келажагини пессимистик баҳолаш, ишда ижрочи, сарамжон – сариштали, пухта, атрофдагиларнинг диққатини тортиш мумкин бўлган ижтимоий роль ва кенг алоқалардан ўзини тортиш, таъсирчанлик ва гап қайтаролмаслик, ўз камчиликлари ва муаммоларига ҳаддан ташқари диққат эътибор бериш.)

VI. Ишонувчанлик-итоаткорлик-тобелик (Ўта ҳадиксировчанлик, муҳитнинг таъсирига ортиқча сезгирлик, бошқалар билан аҳамиятга молик муносабатлар таъсирида шаклланадиган мотивацион йуналишининг яққол намоён бўлиш тобелиги, шахсий фикрнинг атрофдагилар фикрига тобеълиги тенденцияси, илиқ муносабатга ва меҳрибонликка эҳтиёж устун. Ўзига ўз – ўзига баҳонинг қатъий эмаслиги билан чамбарчас боғланган. Ишдаги ижрочилик ва масъулиятлилик жамоада яхши обрў қозониш учун сабаб бўлади, лекин қарор қабул қилишдаги мўртлик, шахсий йуналишидаги мослашувчанлиги ўзига ишончининг йуклиги. Лидер йулбошчи ролга ўтишга ҳалақит беради. Ортиқча бадгумонлик атрофдагиларнинг кўполлиги ва эътиборсизликларига таъсирчанлик, мотивацион йуналишининг асоссиз мувофаккиятсизликдан ҳадиксираши мослашувчанлик ҳулқини шакллантиради.)

VII. Кўнгилчанлик-мустақил эмас, ҳаддан ташқари ён берувчан (Эмоционал барқарорлик, хавотирчанликнинг юқори ва агрессивликнинг паст даражаси, муҳит таъсирларига дарҳол муносабат билдириш, ўз –ўзига баҳонинг ўзи учун қадрли бўлган одамдар фикрига тоъбелиги, гуруҳдаги янги фикрга, мансубликка ҳамкорликка интилиш, чексиз шодлик, қаттиқ хаяжон ҳолати, атрофдагиларга хайрхохлигини тўкиб солишга эҳтиёж, гуруҳдаги эътиборли шахслар кўз олдида эътибор қозонишга ҳаракат. Бошқалар билан ҳамфикр бўлишга интилиш, ғайратлилик, гуруҳнинг эмоционал кайфиятига таъсирчанлик, айрим юзаки иштиёқларга қизиқиш доирасининг кенглиги.)

VIII. Раҳимдиллик-беғаразлик-фидокорлик сингари (Хулқининг ижтимоий нормаларига эҳтиёжининг яққол намоён бўлиши, шахслараро муносабатларда гармония - уйғунликни идеаллаштиришга мойиллик, яққол намоён бўлувчи, аслида кўриниб турувчи белгига нисбатан анча юзаки бўлган эмоционал берилувчанлик маълумотларни идрок қилиш қайта ишлашнинг бадий тип тафаккур услуби – яхлит образли. Турли ижтимоий ролларга енгил кўникиб кетиш шахсий алоқаларда уddaбуронлик киришимлилик хайрихох самимийлик ўзини аямаслик ҳамма одамлар учун фойдали фаолиятга интилиш, раҳм-шавкатлилик, саховатпешаликнинг намоён бўлиши, Артистлик – атрофдагиларга ёқиш, уларга ёқимли таасурот уйғотишга эҳтиёж, юқори кескинлик тарангликни келтирб чиқарадаган, сиқиб чиқарилган, буйсундирилган, муҳолифчилик. Хавотир соматизацияси (

организмнинг биологик ҳолатига ўтиши) психосоматик (психик жараёнлар таърида пайдо бўладиган) касалликларига мойиллик, ҳулқий реакциялар натижаси сифатидаги вегетатив (ички органлар) дисбаланси - (мувозанатининг бузилиш эҳтимоли мавжуд тип).

Октант

I. 3,10,11,19,20,22,24,30,33,40,50,64,83,86,105,113

II. 2,12,16,28,32,47,56,69,72,74,78,79,93,104,118,123

III. 5,15,17,37,52,53,54,63,66,99,106,108,115,116,120,128

IV. 4,6,34,35,38,51,57,59,60,62,68,89,90,114,119,122

V. 18,27,41,44,45,48,61,65,77,96,100,101,112,117,125,127

VI. 9,7,8,14,25,31,39,58,75,82,85,87,95,110,111,121

VII. 1,36,43,55,68,71,73,76,81,84,94,97,102,107,109,124

VIII. 13,21,23,26,29,42,46,49,67,70,80,91,92,98,103,126

Т.Лири тестининг сифатларни баҳолаш жадвали

Октанлар	Муносабатлар	Текширилувчилар тўплаган балл миқдори			
		3-4	5-8	9-12	13-16
I	Лидерликка мойиллик	Ҳукмронлик Маслаҳатлар беришга интилувчан	Ташкилотчиликка қобилиятли	Танқидларни қабул қила олмайди	Фикрлари қотиб қолган ва зулмкор
II	Ўзига ишонч-ўзини яхши кўриш	Ишончли, мустақил	Рақобатлашишга қобилиятли	Гуруҳда ажралиб турувчи	Кибр-ҳаволик, мағрурланиш
III	Талабчанлик мурасасиз, шафқатсиз	Очиқлик, бевоситалик	Қатъийлик Ҳаддан ортиқча ўжарлик	Ўзини тута олмайди.	Жаҳли тез
IV	Ишончсизлик қайсар салбий	Реал мулоҳазоловчи	Шубҳа билан қаровчи, конформликка мойил эмас	Хафа бўлувчи, ишончсиз, танқид қилишга мойил	Атрофдагиларда н норози, шубҳаланувчан
V	Ён беришлик пассив бўйсунувчанлик	Мулойимлик тортинчоқлик	Бегоналарнинг мажбуриятларини ўз зиммасига олувчанлик	Айбни ўз Зиммасига олувчан, ўзини ўзи камситувчан	Бутунлай кўнгилчан

VI	Ишонувчанлик итоаткорлик	Атрофдаги- ларни ишончига киришга эҳтиёжи бор	Ёрдамга мухтож	Юқори конформликка мойил	Атрофдагила рнинг фикрларига боғланиб қолган
VII	Кўнгилчанлик ҳатдан таш қари ёнберувчи	Гуруҳ билан ҳамкорликка интилувчан	Хайрихоҳ	муросакор	Хайрихоҳли гини очик изҳор этувчан
VIII	Раҳмдиллик фидокорлик	Атрофдаги ларни тушунувчан ва уларга ёрдам кўрсатишга шай	Мулойим кўнгилли, ўта масъулиятли	Юқори ижтимоий установка ларга эга	Фидойи

“ЭМПАТИК ҚОБИЛИЯТЛАР ДАРАЖАСИНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ” ТЕСТИ (В.В. Бойко)

1. Сизда одамнинг феъл-атворини тушуниш мақсадида унинг юзига тикилиб қараш одати борми?
 - а) ҳа, мен доим одамларга қизиқиш билан қарайман
 - б) йўқ, бу мен учун қизиқ эмас.
2. Сиз одамлар билан доимий муомалани талаб қиладиган ишларни ёқтирасизми?
 - а) ҳа, фақат шундай иш қувонч келтириши мумкин
 - б) йўқ.
3. Сизнингча, фикр юритишингиз нимаси билан бошқаларникидан фарқ қилади?
 - а) интуициянинг кучи билан
 - б) мантиқийлик, изчиллиги билан.
4. Ўзгаларнинг кулгисидан таъсирланасизми?
 - а) ҳа б) мени бефарқ қолдиради.
5. Ёқтирмаган одамингиз билан самимий гаплаша оласизми?
 - а) ҳа, кўпинча бу менинг қўлимдан келади
 - б) йўқ, мен бундай қилолмасдим
6. Кўпинча сизга нисбатан адолатсизлик қилишаётгандай бўладими?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
7. Нотаниш одамлар билан танишишни ёқтирасизми?
 - а) ҳа
 - б) йўқ
8. Сизнингча, ўзгалар ички дунёсига қизиқиш одобсизликми?
 - а) бу фикрга мутлоқ қўшиламан
 - б) йўқ, бундай эмас
9. Бирор ташвиш устида турган бўлсангиз, ухлай оласизми?
 - а) ҳа, менда шундай муаммо бор
 - б) нима бўлса ҳам яхши ухлай оламан
10. Қуйидаги ҳолатларда ўзингизни яхши кўрсата оласизми?
 - а) одамлар билан тил топиш керак бўлганда
 - б) ўзни қўлга олиб, босиқлик қилиш керак бўлганда
11. Сизни мақтаб, хушомад қилишаётганда, уяласизми?
 - а) ҳа, бундай вазиятларни ёмон кўраман
 - б) яхшиямки, мени ҳам ҳақли баҳолашди, дейман
12. Ўз ютуқларингизни бошқаларники билан қиёслайсизми?

а) менинг ўз ҳаётий мўлжалларим бор

б) бу мени илҳомлантиради

13. Ҳар доим ҳам сизнинг бошқа одам ҳақидаги биринчи интуитив таассуротингиз тўғри бўлиб чиқадими?

а) ҳа, одатда шундай

б) йўқ, кўпинча адашаман

14. Яқинларингиз, танишларингиз сизни ҳиссиётга берилувчан деб ҳисоблашадими?

а) ҳа, кўпинча шундай деб ўйлашади

б) йўқ

15. Одам хато қилиши мумкин, деб ҳисоблайсизми?

а) ҳа, ҳаммамиз адашишимиз мумкин

б) йўқ, доимо ҳушёр бўлишимиз керак

16. Яқин қўшниларингизнинг таржимаи ҳолларини биласизми?

а) ҳа, ким ёнингда яшаётганлигини билиш керак

б) бунинг менга қизиғи йўқ

17. Сиз ўз қобилиятларингизни ўзингиз учун ишлата оласизми?

а) афсуски, йўқ

б) бошқача бўлиши мумкин эмас

18. Бошқалар билан муомаладан Сиз доимо хафа бўласизми?

а) йўқ

б) ҳа

19. Мушкул ишни бошлашдан аввал Сизни кутаётган қийинчиликлар тўғрисида ўйлайсизми?

а) йўқ, ҳар доим мушкул ишга киришавераман

б) ҳа, ҳар доим ўз имкониятларимни сарҳисоб қиламан

20. Тез-тез Сизни кўчада тўхтатиб, савол билан мурожаат қилишадими?

а) ҳа, тез-тез

б) йўқ, бундайларни эслолмайман

21. Қандай фильмларни севасиз?

а) ўйлашга мажбур қиладиганларини

б) ҳаракатлар кўп, динамик сюжетли

22. Сиз ўз умидларингиз, хавотирларингиз ва ташвишларингиз ҳақида очиқ айта оласизми?

а) ҳа, бунинг зарарли, уятли жойи йўқ

б) йўқ, бу менинг шахсий ишим, яшириш керак

23. Сиз ўзингизни бахтли ҳис қилган пайтларингизда, ҳаётда кимларгадир оғирроқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлайсизми?

а) менда бундай ҳолат доимо бўлади

б) “ҳар ким экканини ўради”

24. Сизни ҳафа қилишса, узоқ вақт қайғурасизми?

а) одатда, тез эсдан чиқараман

б) анчагача ўзимни ёмон ҳис қиламан

25. Сиз одатда ўз манфаатингиз йўлида яхши инсон билан уришиб қолишингизни сезсангиз:

а) анчагина ён бераман

б) ўз манфаатимни ҳимоя қилавераман

Натижаларни қайта ишлаш: Ҳар бир а) жавоб учун 1 баллдан, б) жавоб учун 0 баллдан ёзиб чиқинг.

Агар текширилувчи: 15–25 балл – эмпатия даражаси ўта юқори бўлиб, у бошқаларга ҳамдардлик кўрсатишга қодир бўлади; 7–14 балл – эмпатиянинг ўртача даражаси; 0–6 балл – жуда паст.

ИНСОНЛАРГА ИШОНЧ ЭКСПРЕСС-ДИАГНОСТИКА МЕТОДИКАСИ (М. Розенберг)

Йўриқнома. Мазкур экспресс-диагностик методикаси Маршалл Розенбергнинг “Ишонч шкаласи” тестига асосланган, кишиларга ва умуман инсоният жамоасига бўлган ишончни ўлчашга хизмат қилади. Маълумки, ишонч ҳисси эрта болалик давридан шаклланади ва ҳаётнинг ҳар қандай босқичида фаровонлик ҳамда муваффақиятнинг асоси сифатида гавдаланади. Ушбу тест муаллифининг ғаройиб тақдири бор.

Розенберг 1934 йилнинг 6 октябрида Огайо штатининг Кантон шаҳрида таваллуд топган. Детройтнинг ноқулай ҳудудида ўсиб-улғайган Маршалл Розенберг, ёшлигиданоқ, мулоқот психологиясига катта қизиқиш билан қараган ва инсонлар ўртасидаги яширин мулоқот йўллари аниқлашни орзу қилган. 1961 йилда у клиник психология фани соҳасида докторлик илмий даражасига эга бўлиб, ўзига хос “Тазйиқларсиз муносабат” методикасини яратган. Сўровноманинг ҳар бир саволидаги иккала тасдиқни ҳам диққат билан ўқинг (тингланг). Агар сиз келтирилган тасдиқлардан қай бири сизнинг ўзингиз ва бошқа одамлар ҳақидаги фикрингизга тўғри келади деб ўйласангиз, ўша тасдиқ жавоби рўпарасига белги қўйинг.

1. Сизнингча, кўпчиликка ишониш мумкинми ёки бошқалар билан ўзаро муносабат ўрнатишда эҳтиёт бўлиш зарурми?

А. Кўпчилик ишониш мумкин.

Б. Бошқалар билан ҳамкорликда эҳтиёт бўлиш керак.

2. Нима деб ўйлайсиз, инсонлар кўпинча бир-бирларига фойдали бўлишга интилишади ёки улар фақат ўзлари ҳақида ўйлашадими?

А. Бир-бирларига фойдаси тегишга ҳаракат қилишади.

Б. Улар фақат ўзлари ҳақида қайғуришади.

3. Сизнингча, кўпинча кишилар, имконият туғилган заҳоти, сизни алдашга уринишадими ёки ўзларини ҳалол тутишадими?

А. Имконият бўлса, улар алдашга ҳаракат қилишади.

Б. Ҳалол тутишади.

Натижаларни қайта ишлаш: Агар сиз 1-тасдиққа “А”, 2-тасдиққа “А”, 3-тасдиққа “Б” жавоб вариантини танлаган бўлсангиз ҳар бирига 1 баллдан тўплаган бўласиз, агар мос келмаса – 0 балл берилади.

Тест натижаларининг интерпретацияси. 1 балл ва унда кичик – ишончнинг қуйи даражаси; 2 балл – ишончнинг ўрта даражаси; 3 балл – ишончнинг юқори даражаси.

ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДА РОЛЛИ ПОЗИЦИЯНИ АНИҚЛАШ СЎРОВНОМАСИ (Э.Берн)

Мақсад ва йўриқнома. Э.Берннинг тасдиқлашича, биз бошқа бир шахсга мурожаат қилганимизда, ўз имкониятимиз даражасидан келиб чиқиб, (а) ота-она, (б) катта ёшли ёки (в) бола “Мен”ларимиздан фойдаланар эканмиз. Муҳтарам иштирокчи хулқ-атворингиздаги ушбу уч хилдаги “Мен”ингиз ўзаро қандай мос келишини синаб кўринг. Бунинг учун Сиз қуйида берилган тасдиқларни 0 баллдан 10 баллгача бўлган ораликда баҳоланг.

СЎРОВНОМА

№	Тасдиқлар	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Менга баъзида ўзимни вазмин ҳолатда ушлаб туришим учун зарурий куч етишмайди											
2	Агар менга ўз хоҳиш-истакларим халакит беришни бошласа, уларни жиловлай оламан											
3	Ота-оналар етук инсонлар сифатида, ўз фарзандларини оилавий ҳаётини тўғри йўлга қўйишлари керак											
4	Мен баъзан бирон воқеяликда ўз ролимни керагидан ошириб юбораман											
5	Мени алдаш осон эмас											
6	Тарбиячи бўлиш менга ёқади											
7	Баъзида менга ўзимни ёш бола каби тутиш ёқади											
8	Назаримда, мен бўлаётган барча воқеяликларга тўғри муносабат билдира оламан											
9	Менимча, ҳар бир киши ўз бурчини бажариши шарт											
10	Аксарият ҳолларда мен қандай лозим бўлса эмас, балки ўз хоҳишимча иш тутаман											
11	Мен қарор қабул қилишдан олдин унинг оқибатлари ҳақида ўйлашга ҳаракат қиламан											
12	Ёш авлод катталардан қандай яшаш кераклигини ўрганиши керак											
13	Кўпчилик инсонлар каби мен ҳам аразчиман											
14	Мен инсонларда улар ўз ҳақларида гапиришганларидан ҳам кўра кўпроқ нарсаларни кўра оламан											
15	Фарзандлар ота-оналар кўрсатмаларига қабий риоя қилишлари шарт											
16	Мен жуда ҳам ишқивоз инсонман											
17	Мен инсонларни борлигича баҳолайман											
18	Менинг қарашларим ўзгармас											
19	Баъзан мен баҳсларда тан олгим келмаганлиги сабаб, орқага қайтмайман											

20	Қоидалар фойда келтургунга қадар ўринлидир													
21	Инсонлар мустақиллик қоидаларига шароитдан келиб чиқиб риоя этишлари шарт													

НАТИЖАЛАРНИ БАҲОЛАШ.

Балларни алоҳида ушбу жадвалдаги устунлар доирасида ҳисобланг.

1	4	7	10	13	16	19	Болалар (Б)
2	5	8	11	14	17	20	Катталар (К)
3	3	9	12	15	18	21	Ота-оналар (О)
Ҳосил бўладиган формула							

Юқорида берилган белги-тимсолларда ҳосил бўлган балларни камайиб бориш қонуниятини асосида жойлаштиринг.

Агар сизда КБО формуласи ҳосил бўлган бўлса, сизда масъулият ҳисси шаклланган бўлиб, сиз етарли даражада импульсив инсонсиз ва бошқаларга панд-насихат, танбеҳ беришдан узоқроқ инсонсиз.

Агар сиз ОБК формуласи ҳосил бўлган бўлса, сиз қатъий ва ўзингизга ишонган инсонсиз. Бундан ташқари бундай “Ота-она”да болаларча мағрурлик бўлиб охир-оқибатни ўйламай ҳақиқатга тик бориш хусусияти мавжуд. Шунинг учун бундай шахс инсонлар билан эмас, балки техникалар, этюдлар билан ишловчи касбларда фаолият кўрсатиши лозим.

Агар биринчи ўринда формулангизда Б турган бўлса, сиз илмий иш қилишга лаёқатлисиз, лекин болаларча соддалик ва беғуборликнинг чегарасини билиш яхшироқдир.

Агар бу сизга ҳалақит бераётган бўлса, ўз ҳиссиётларингизни назоратга олиш вақти келганини англади.

МУЛОҚОТДА ЎЗИНИ-ЎЗИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ (М.Снайдер)

1. Мен учун бировларнинг одатларга тақлид қилиш, жуда ҳам мураккаб кўринади.
2. Атрофдагиларнинг эътиборини жалб қилиш ёки кўнглини олиш учун мен кўп ҳаракат қиламан.
3. Мендан яхши актёр чиқиши мумкин.
4. Бошқа кишиларга мен худди бирор нимадан жиддийроқ хавотирланаётгандек кўринаман, аслида ундай бўлмаса ҳам.
5. Давраларда кишиларнинг диққат-марказида камроқ бўлишга интиламан.
6. Турли кишилар ва турли вазиятларга мен ўзимнинг турлича муносабатимни билдираман.
7. Ўзим ишонган нарсagaгина қатъийлик билдираман.
8. Фаолиятда ва муносабатларда муваффақиятларга эришиш учун мени қандай бўлишимни истасалар, шундай бўлишга ҳаракат қиламан.
9. Ўзим ёқтирмаган кишилар билан ҳам дўстона муносабатда бўла оламан.
10. Мен ҳамиша ўзгарувчан характерли кишиман.

Снайдер фикрига кўра, юқори коммуникатив назоратга эга шахслар, доимо тартиб-интизомли, ҳар қандай вазиятларда ўзини бошқара оладиган, ўз ҳиссиётларини жиловлай оладиганлардир. Шу билан бирга, намоёишкорона хусусиятларни, башорат қилиб бўлмайдиган вазиятларни хуш кўрмайдилар. Кам коммуникатив назорат билан фарқланадиган шахслар эса очиқ табиатли, улардаги «МЕН» барқарор бўлган, ҳамда турли вазиятларнинг ўзгарувчанлик ҳолатларига бефарқ бўлган шахслардир.

Натижалар: 1-, 5-, 7-саволларга “Н”, қолган барчасига “Т” деб жавоб берил-ган бўлса, бир баллдан қўйиб борилади. Йиғилган балларни ҳисобланг. Ҳар бир саволга сидқидилдан жавоб берган бўлсангиз демак, 0–3 балл, сиздаги қўйи коммуникатив назоратни билдиради. Сизнинг хулқ-атворингизда барқарорлик мавжуд. Кишилар билан бўлган мулоқотда дилдан суҳбатлашасиз, ўзингизни эркин ҳис этасиз. Баъзида сиздаги тўғрисиўзлик кишиларда ҳадикни ҳам келтириб чиқариши мумкин. 4–6 балл, ўртача коммуникатив назорат деб баҳоланади. Сиз самимийлик билан суҳбатлаша оласиз. Ўз ҳис-туйғуларингизни қатъий назорат қилмайсиз Ўзга кишиларнинг хулқ-атворлари билан ҳисоблашасиз. 7–10 балл, демак сизда юқори коммуникатив назорат мавжудлигини билдиради. Муносабатларни ҳеч қийналмай ўрната оладиган, суҳбатдошни яхши тушунадиган, ҳар қандай вазиятдан эркин чиқа оладиган кишисиз.

ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ДИАГНОСТИКАСИ СЎРОВНОМАСИ (А.А. Рукавишников)

Йўриқнома. Сўровнома сизнинг инсонларга бўлган муносабатингизнинг одатий усуллари баҳолашга мўлжалланган. Аслида, сўровнома юзасидан тўғри ва нотўғри жавобларнинг ўзи йўқ, ҳар бир танлов жавоби тўғри саналади. Баъзида кишилар саволларга ўз фикрларидан келиб чиқиб, ўзларини қандай тутишлари кераклигига қараб жавоб беришга мойил ҳисобланади. Бироқ, ушбу ҳолатда, ҳақиқатан ҳам ўзингизни қандай тутишингиз сизни қизиқтиради. Баъзи саволлар бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Аммо шунга қарамай, улар турли даражадаги муносабатларни очиқлашга хизмат қилади. Илтимос, бошқа саволларга эътибор қаратмаган равишда ҳар бир саволга алоҳида тарзда жавоб беринг. Саволларга жавоб бериш вақти чекланмаган, аммо ҳар қандай саволга узоқ вақт давомида тўхталиб қолманг.

Ҳар бир тасдиқ учун ўзингизга энг мос бўлган жавобни танланг:

- (1) Одатда
- (2) Кўпинча
- (3) Баъзан
- (4) Вазиятга қараб
- (5) Камдан-кам ҳолларда
- (6) Ҳеч қачон

1. Ҳамма билан бирга бўлишга ҳаракат қиламан.

2. Нима қилиш керак деган саволни ечимини топишни бошқаларга қўйиб бераман.

3. Турли тоифадаги гуруҳлар иштирокчисиман.

4. Ўзга гуруҳ аъзолари билан яқин муносабатга киришишга ҳаракат қиламан.

5. Вазият туғилиб қолса қизиқарли кампанияларга аъзо бўлишга ҳаракат қиламан.

6. Мен фаолиятимга бошқаларни кучли таъсир ўтказишларига йўл қўйиб бераман.

7. Жамиятдаги ёзилмаган қоидалар сари интиламан.

8. Бошқалар билан жуда яқин ва чин дилдан муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қиламан.

9. Бошқаларни менинг режаларим билан ўртоқлашишига ҳаракат қиламан.

10. Бошқаларни мени нима иш қилаётганлигимни таҳлил қилишларига йўл қўйиб бераман.

11. Одамлар орасида бўлишга ҳаракат қиламан.

12. Бошқалар билан яқин ва дўстона алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қиламан.

13. Ҳамкорликдаги ишларда ҳар сафар бошқаларга эргашишга мойилман.
14. Бошқаларга тез бўйсунаман.
15. Ёлғизликдан қочишга ҳаракат қиламан.
16. Биргаликдаги жамоавий тадбирларда қатнашишга ҳаракат қиламан.

Ҳар бир тасдиқ учун, сизга таъсир қилиши мумкин бўлган ёки сизнинг хулқ-атворингизни атрофга ёйиши мумкин бўлган кишилар сонидан келиб чиқиб қуйидаги жавоб вариантларидан бирини танланг. Муносабатим:

- (1) Кўп инсонларга
- (2) Кўпчиликка
- (3) Баъзи одамларга
- (4) Бир нечта одамларга
- (5) Бир икки кишига
- (6) Ҳеч кимга

17. Бошқаларга дўстон муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан.

18. Нима қилиш керак деган саволни ечимини топишни бошқаларга қўйиб бераман.

19. Мен атрофимдагиларга бўлган муносабатда совуққон ва бефарқман.

20. Воқеъиликларни бошқаришни бошқаларга қўйиб бераман.

21. Ўзгалар билан яқин муносабат ўрнатишга ҳаракат қиламан.

22. Мен фаолиятимга бошқаларни кучли таъсир ўтказишларига йўл қўйиб бераман.

23. Бошқалар билан яқин ва дўстона алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қиламан.

24. Бошқаларни мени нима иш қилаётганлигимни таҳлил қилишларига йўл қўйиб бераман.

25. Бошқалар билан муносабатда ўзимни совуққон ва бефарқ кўраман.

26. Бошқаларга тез бўйсунаман.

27. Бошқалар билан яқин ва дўстона алоқаларни ўрнатишга ҳаракат қиламан.

Ҳар бир тасдиқ учун, сизга таъсир қиладиган ёки сизнинг хулқатворингизни атрофга ёйадиган кишилар сонидан келиб чиқиб қуйидаги жавоб вариантларидан бирини танланг.

- (1) Кўп инсонлар
- (2) Кўпчилик
- (3) Баъзи одамлар
- (4) Бир нечта одамлар
- (5) Бир икки киши
- (6) Ҳеч ким

28. Мен бошқаларнинг бирон бир тadbирга қатнашиш учун таклиф қилишларини ёқтираман.

29. Менга бошқа инсонларнинг самимий ва чин дилдан бўлган муносабатлари ёқади.

30. Бошқаларнинг фаолиятига кучли таъсир қилишга ҳаракат қиламан. 31. Менга бошқаларнинг ўз фаолиятларида мени иштирок этишимга қаратилган таклифлари ёқади.

32. Бошқаларнинг самимий муносабатлари менга ёқади.

33. Ўзга жамоалардаги воқеъликларни бошқаришга интиламан.

34. Менга бошқаларнинг ўз фаолиятларига қўшишлари ёқади.

35. Бошқаларнинг совуққон ва ўзини тортган ҳолда муносабатда бўлишларини яхши кўраман.

36. Бошқаларни мен билан шизим ҳоҳлагандек муносабатда бўлишларига интиламан.

37. Менга бошқаларнинг ўз мунозара(баҳс)ларида қатнашишга бўлган таклифлари ёқади.

38. Бошқаларнинг менга нисбатан дўстона муносабатда бўлишлари ёқади.

39. Бошқаларнинг ўз фаолиятларида мени қатнашишимга қаратилган чорловлари менга ёқади.

40. Атрофимдагиларнинг мен билан масофа сақлаган ҳолда муносабатга киришишлари менга ёқади.

Ҳар бир тасдиқ учун жавоблардан бирини танланг:

(1) Одатда

(2) Кўпинча

(3) Баъзан

(4) Вазиятга қараб

(5) Камдан-кам ҳолларда

(6) Ҳеч қачон

41. Жамиятда бош ролни ўйнашга ҳаракат қиламан.

42. Мен бошқаларнинг бирон бир тadbирга иштирок этиш учун таклиф қилишларини ёқтираман.

43. Менга бошқаларнинг самимий муносабатда бўлишлари ёқади.

44. Мен нимани хоҳласам бошқаларга ўшани бажартиришга ҳаракат қиламан.

45. Менга бошқаларнинг ўз фаолиятларида мени иштирок этишимга қаратилган таклифлари ёқади.

46. Бошқаларнинг совуққон ва ўзини тортган ҳолда муносабатда бўлишлари менга ёқади.

47. Ўзгаларнинг фаолиятига кучли таъсир қилишга ҳаракат қиламан.

48. Менга бошқаларнинг ўз фаолиятларига қўшишлари ёқади.

49. Менга бошқа инсонларнинг самимий ва чин дилдан бўлган муносабатлари ёқади.

50. Жамиятда кечаётган ҳодисаларни бошқаришга ҳаракат қиламан.

51. Бошқаларнинг ўз фаолиятларида мени қатнашишимга қаратилган чорловлари менга ёқади.

52. Мен билан масофа сақлаган ҳолда муносабатга киришишлари менга ёқади.

53. Мен нимани хоҳласам қолганларга ўшани бажартиришга ҳаракат қиламан.

54. Жамиятда кечаётган ҳодисаларни бошқараман.

Натижаларни қайта ишлаш ва шарҳлаш. Чапда (яшил) устунлар шкала бандлари саналади, ўнгда эса тўғри жавобларнинг рақамлари кўрсатилган. Агар танловинингиз жавоб калитига тўғри келса – у бир балл баҳоланади, мос келмаса – 0 балл.

Сўровнома шкалаларини қайта ишлаш учун калит

Ie							Cw							Ae						
1	1,	2,	3,	4			2	1,	2,	3,	4,	5		4	1,	2				
3	1,	2,	3,	4,	5		6	1,	2,	3				8	1,	2				
5	1,	2,	3,	4,	5		10	1,	2,	3				12	1					
7	1,	2,	3				14	1,	2,	3				17	1,	2,	3			
9	1,	2,	3				18	1,	2,	3,	4			19			3,	4,	5,	6
11	1,	2					20	1,	2,	3,	4			21	1					
13	1						22	1,	2,	3,	4			23	1					
15	1						24		2					25			3,	4,	5,	6
16	1						26		2					27	1					
Iw							Ce							Aw						
28	1,	2					30	1,	2,	3,	4			29	1					
31	1,	2					33	1,	2,	3,	4,	5		32	1,	2				
34	1,	2					36	1,	2,	3				35					5,	6
37	1						41	1,	2,	3,	4,	5		38	1,	2,	3			
39	1						44	1,	2,	3,	4			40					5,	6
42	1,	2,	3				47	1,	2,	3,	4,	5		43	1					
45	1,	2,	3				50	1,	2,	3,	4			46				4,	5,	6

Баллар 0 дан 9 гача Улар экстремал баҳоларга қанчалик яқинлашсалар, куйидаги хулқ тавсифини қўллаш шунчалик кўп: Қўшиш:

а) Kirish: Ie – паст; бу шахс одамлар орасида ўзини яхши ҳис қилмайди ва улардан қочишга мойиллигини намоён қилади.

Le – юқори; мазкур шахсни одамлар орасида ўзини яхши ҳис қилиши ёки шундай ҳолатни қидиришга мойил бўлиши мумкин.

Iw – паст; бу шахс афрофдаги кам сонли одамлар билан мулоқотга киришишга мойиллигини кўрсатади. пастлиги шуни кўрсатадики, одам оз сонли одамлар билан мулоқотга мойил.

Iw – юқори; шахс бошқалар томонидан қабул қилиниши ва уларга тегишли бўлиши учун кучли эҳтиёжга эга эканлигини англатади.

ШАХСНИНГ ТИЗИМЛИ-ХАРАКТЕРИОЛОГИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЭКПРЕСС-ДИАГНОСТИКАСИ СЎРОВНОМАСИ (Е.Л.Касьяник, Е.С.Макеева)

Йўриқнома: Ҳаммамизга маълумки, характериологик хусусиятлар ишдаги муносабатларга, мотивацияга, гуруҳнинг бошқа аъзоларига, бошқарувчиликка бевосита таъсир ўтказади. Самарадор сотувчи ўз характерининг энг асосий хислатларини билиш билан бирга, ўз харидор(мижоз)ларининг ҳам характер хусусиятлари ҳақида тассавурга эга бўлиши шарт. Ушбу методика характернинг психологик тузилмасини ихтисослик шаклида очиқ бериш учун мўлжалланган.

Қўлланма. Эътиборингизга баҳолаш бланкаси берилган. Ушбу бланкада келтирилган тасдиқларни ўзингизни ёки баҳоланиши керак бўлган иккинчи бир шахснинг характерологик жиҳатларини етти баллик шкала бўйича баҳоланг, лозим бўлган балл қаторига нукта қўйинг. Шундан сўнг барча балларни тўғри чизиқ билан туташтиринг, ушанда характер профилнинг намоён бўлади.

Сўровнома

		0	1	2	3	4	5	6	7	
1	Андишали									Беандиша
2	Қатъиятли									Қатъиятсиз
3	Раҳмдил									Раҳмсиз
4	Ташкилотчи									Эътиборсиз (лоқайд)
5	Меҳнатсевар									Дангаса
6	Ўзини назорат қилувчи									Эгоист (ўзини яхши кўрувчи)
7	Ташаббускор									Лоқайд
8	Альтруизм									Эгоизм
9	Ўзига ишонч									Ишончсиз (ўзига нисбатан)
10	Тежамкор									Исрофгарчи
11	Эҳтиёжларга нисбатан тежамкор									Бойлик ортиришга нисбатан интилувчи
12	Тартибли									Тартибсиз
		0	1	2	3	4	5	6	7	

Натижаларни қайта ишлаш ва интерпритацияси

Максимал олиш мумкин бўлган балл 84.

Энг самарадор натижа бу 54 баллдан юқори олинганда деб баҳолаш мумкин.

ўртача – 30 дан 54 баллгача;

жуда ҳам ёмон – 30 баллдан паст.

Тўрт хил муносабат бўйича ўз муносабатингизни аниқланг. Бунинг учун ушбу каторлар бўйича балларингизни ҳисобланг:

Инсонларга нисбатан муносабат – 1, 2, 3;

Ишга нисбатан – 4, 5, 6;

Ўзингизга нисбатан – 7, 8, 9;

Нарса(буюм)ларга нисбатан – 10, 11, 12,

Ҳар бир муносабат бўйича олинган балларни қуйидагича баҳолаш мумкин:

12,6 ва ундан юқори – баланд;

7,5–12,5 – ўртача;

7,4 ва ундан кам – паст.

Янов–Булманнинг базавий эътиқодлар шкаласи

Ушбу сўровнома когнитив концепциялар доирасида шахс базали тасдиқларини аниқлашга қаратилган. Унга кўра, нормал инсонга хос хислардан бири хотиржамлик, ҳар қандай хавфдан хоилиқдир. Америкалик психолог **Янов–Булманнинг** фикрига кўра, базавий эътиқодлар 3 та категориядан иборат бўлиб, бизнинг субъектив оламимиз ядроси ҳисобланади. **Янов-Булман** базавий эътиқодлар шкаласини диагностика қилиш мақсадида ишлаб чиққан. Бу шкала 8 та категориядан иборат:

- 1) Дунёни
- 2) Инсонларнинг яхшилиги
- 3) Ҳаётнинг одиллиги
- 4) Ҳаётнинг бошқарувчанлиги
- 5) Тасодиф бўлаётган воқеаларни тақсимланиши тамойили сифатида
- 6) Ўз “Мен”ининг қадр – қиммати
- 7) Ўзини ўзи бошқариш даражаси
- 8) Омад даражаси

Методика бланкаси

Кўрсатма. Ҳар бир мулоҳазага қай даражада қўшилишингиз ёки қўшилмаслигингиз даражасини белгилаб беринг.

№	Мулоҳазалар	Бутун-лай қўшил майман	Қўшил- майман	Қўшил- майман шекилли	Қўши- ламан шекилли	Қўши- ламан	Бутун- лай қўши- ламан
1	Омадсизлик яхши инсонларга камдан – кам келади						
2	Табиатан одамлар жаҳлдор ва дилкаш эмас						
3	Агар ҳаётда кимдир бахтли бўлса бу тасодиф туфайли						
4	Инсон табиатан яхшидир						
5	Бу дунёда яхши нарсалар ёмон нарсаларга қараганда кўпроқ содир бўлади						
6	Ҳаётимиздаги кўплаб ҳодисалар вазиятга қараб содир бўлади						
7	Қоидага кўра, инсон нимага лойиқ бўлса шунга эришади						
8	Ҳаётда яхшилик ёмонликдан кўра кўпроқдир						
9	Мен омадли инсонман						

10	Инсонлар қилган хатоликлари эвазига бахтсизликка дучор бўладилар						
11	Инсонларни бошқаларда кечаётгани ҳолатлар қизиқтирмайди						
12	Одатда иш мен учун яхши яқунланишига ҳаракат қиламан						
13	Агар инсон яхши бўлса унга омад кулиб боқади ва у бахтли бўлади						
14	Ҳаёт ноаниқликларга тўла – кўп нарсани вазият ҳал қилади						
15	Ўйлаб қарасам кўп ҳолларда менга омад кулиб боқади						
16	Мен билан содир бўлиши мумкин бўлган бахтсизликнинг олдини олишга доимо ҳаракат қиламан						
17	Мен ўзимга баланд баҳо бермайман						
18	Кўп ҳолларда яхши инсонлар ҳаётда нимага лойиқ бўлсалар шуни оладилар						
19	Ўз хатти – ҳаракатларимиз билан кўнгилсизликларнинг олдини олишимиз мумкин						
20	Ҳаётимга қараб туриб вазият менинг фойдамга хизмат қилганини тушунаман						
21	Агар эҳтиёт чоралари кўрилса бахтсизликдан қочиш мумкин						
22	Мен ўзимни бахтсизликдан ҳимоялаш учун чоралар кўраман						
23	Умуман олганда, ҳаёт бу – лоторейя						
24	Ҳаёт гўзал						
25	Кўп ҳолларда одамлар яхши ва бошқаларга ёрдам берадилар						
26	Мен кўп ҳолларда максимал даражада ютуқ						

	олиб келадиган йўлни танлайман						
27	Мен ўзимдан ва ўзимни қандай инсон эканимдан мамнунман						
28	Агар бахтсизлик содир бўлган бўлса, бунинг сабаби одамлар ўз вақтида ҳимояланиш чораларини кўрмаганликларидандир						
29	Эътибор бериб назар солсак ҳаётнинг яхшиликларга тўла эканини кўришимиз мумкин						
30	Ўз характеримдан уялишимга етарлича сабабларим бор						
31	Мен кўп одамларга қараганда омадлироқман						
32	Кўп ҳолларда менда ҳеч қандай яхши нарса йўқ деб ўйлайман						

Натижалар таҳлили

8 та шкалага юқоридаги 4 мулоҳаза тўғри келади. Ҳар бир шкаланинг мазмуни ўртача арифметик қийматга қараб аниқланади. Тасдиқ баллар синалувчи белгилаган “+”ларга қараб ўлчанади.

Бирламчи тасдиқланган категориялар юқоридаги 3 та умумлашма йўналишга қараб баҳоланади:

1.Атроф – муҳитга, дунёга бўлган ижобий муносабат **BW** ва БП лар ўртасидаги арифметик қиймат ёрдамида топилади (ҳаётнинг гўзаллиги ва инсонларнинг яхшилиги)

2.Ҳаётни англашга, воқеаларнинг адолатлилигига бўлган муносабат **Ж** (ҳаёт адолати), **С** (ҳаётни бошқариш) ва реверсив **Р**(тасодиф) ўртасидаги ўртача арифметик қиймат ёрдамида аниқланади

3.Шахс қадриятлари, омадга бўлган муносабат **СW** (“Мен”нинг қадри), **СС** (ўзини ўзи назорат қилиш) ва **Л** (омад)

Калит:

BW 5, 9, 25, 30

БП 2, 4, 12, 26

Ж 1, 7 14, 19

С 11, 20, 22, 29

Р 3, 6, 15, 24

CW 8, 18, 28, 31

CC 13, 17, 23, 27

Л 10, 16, 21, 32

Ушбу сўровнома турли даражадаги жароҳатлар олган шахслар гуруҳларининг кадриятлар тизимини ҳамда уларнинг мафкуравий қарашларини ҳам баҳолашга ёрдам беради. У индивидуал фаолиятда ҳам қўлланилиши мумкин. Агар қайсидир шкала бўйича натижалар жуда паст бўлса миқдорга ёрдам беришда бу албатта ҳисобга олиниши зарур. Барча шкалалар бўйича нормал кўрсаткич ўртачадан сал юқори, яъни 3,5 баллдан кам эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳаётга, атрофдаги одамларга ва ўз-ўзига бўлган ижобий муносабат психик мувозанатни бир меъёрга сақлашга ва ҳаёт тарзининг яхшиланишига катта ёрдам бериши ёки аксинча мазкур жараёнларга муносабатнинг ёмонлиги ва пастлиги шахсни психикасида мувозанатни бузилиши оқибат ҳуқ-атворидаги оғишлар, ишончсизлик, эътиқодсизлик асосида шахсда салбий иллатларни кучайиши мумкинлиги кузатилди.

**“Виждонлилик шкаласи” методикаси (В.В. Мельников, Л.Т. Ямпольский
томонидан ишлаб чиқилган)**

Кўрсатма: Жавоблар вароғида сизга бир қатор тасдиқлар рўйхати келтирилган. Тасдиқлар қаторида сизга мос келганига “ҳа” ёки “+” ишорасини, мос келмаганига эса йўқ “-” ишорасини қўйиш талаб қилинади.

Саволнома матни

1. Мен ҳар доим ахлоқ ва одоб қоидаларига талабчалик билан риоя қиламан.
2. Мен ҳар доим бурч ва масъулиятлилик ҳиссини кузатаман.
3. Мен ишонаманки, хаттоки, муҳаббатда яширин ҳаракат қилинса ҳам лекин жазоланмасдан қолмайди.
4. Адвакат уддабуронлик билан жиноятчини ҳимоя қилиши ва озод қилиши мени нафратлантиради.
5. Мен қонунларга эга бўлишни ва амал қилишни шарт деб ҳисоблайман.
6. Мен инсонлар ҳар қандай истемол қилинадиган спиртли ичимликларни рад қилишлари керак деб ҳисоблайман.
7. Агарда менга инсонлар қасддан ёлғон гапиришлари кераклигини билганимда шунда турли томонларга қарашимга тўғри келади. Шундагина унинг кўзига қараш қийин бўлади..
8. Мен ахлоқ ва одоб мавзусига оид мақола ва китобларни ўқишни яхши кўраман.
9. Аёлларни чекиши мени асабийлаштиради.
10. Ўйлашимча, ҳаётни тушунишни аниқ бир қоидаси мавжуд. .
11. Қачонлардир кимnidир тентаклик ёки нодонлик қилиши мени уни тўғрилашга ундайди.
12. Мен мустаҳам эътиқодли кишиман.
13. Мен муҳим мавзудаги маърузаларни яхши кўраман.
14. Мен барча ишларни охиригча етказиш керак деб ҳисоблайман агар хаттоки бу керак бўлмаса ҳам.

Натижаларни қайта таҳлил қилиш

Ҳар бир ижобий жавоб учун 1 баллдан берилади ва йиғилган баллар ҳисобланади. Тўпланган юқори баллар масъулиятлилик ҳисси, вижонлиликни ифодаланишни кўрсатади.

Келлерман-Плутчикнинг психологик ҳимоя механизмларини диагностика қилиш сўровномаси

Р.Плутчик, психологик ҳимоя механизмига - объектив вазиятни инсон томонидан реал тарзда идрок этилиши натижасида вужудга келувчи зиддиятли, ташвишли ҳолатларни ҳиссий-эмоционал тарзда юмшатиш, руҳий зўриқишни пасайтириш сифатида қарайди. Бу ўринда иккита бир-бирига қарама-қарши фикр майдонга келади. Психологик ҳимоя механизми биринчи ҳолатда инсонни ўз-ўзини ривожлантиришига, ўз-ўзини қайта қуришига монелик кўрсатади, сабабки, “Мен-образи”ни хавфдан сақлаш учун инсон хотиржамликка берилади, ташқи шарт-шароитга, вазиятга мослашишга ундайди; иккинчи ҳолатда эса инсон ички руҳий ва ташқи тўсиқларни, зиддиятларни енгишга, уни бартараф этишга чоғланади. Бу ўринда “Мен образи”ни ривожлантириш мақсадида кучли эмоционал зўриқиш ҳолатини бошдан кечиришга рози бўлади, у ўз-ўзи устида ишлайди, муаммонинг ечимини излайди.

Мазкур метод шахсда устунлик қиладиган психологик ҳимоя механизмларини ўрганади. Бизнингча психологик ҳимоя механизмларининг айрим бирларининг шахсда барқарор шаклланганлиги улардаги мафкуравий иммунитет шаклланишига замин ҳозирлаши мумкин. Масалан “Сиқиб чиқариш”, “Регрессия”, “Ўрнини алмаштириш”, “Инкор этиш”, “Проекция”, “Компенсация”, “Интеллектуализация”, “Реактивные образ” каби психологик ҳимоя механизмларининг юқори ёки паст бўлиши шахслардада мафкуравий иммунитет шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин.

Натижаларни қайта ишлаш. 8 та эго ҳимоя механизмлари 8 та шкалани ҳосил қилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида таъкидлар тўғри келади. Ҳар бир психологик ҳимоя механизмлари бўйича натижалар қуйидаги формула бўйича ҳисобланади: $n/N \cdot 100\%$, бу ерда n – ушбу ҳимоя механизмлари бўйича берилган ижобий жавоблар сони, N – ушбу шкалага мансуб барча таъкидлар сони. Шунда психологик ҳимоя механизмларининг умумий юкламаси қуйидагича ҳисобланади $n/97 \cdot 100\%$, бу ерда n – ҳимоя механизмлари бўйича берилган ижобий жавоблар умумий сонидир.

Кўрсатма: Агар мулоҳазалар сизга тўғри келмаса тасдиқлар қаторига инкор “-” белгисини, билдирилган мулоҳазалар сизга тўғри келса тасдиқлар қаторига “+” белгисини қўйинг.

Сўровнома матни

1. Мен жуда мулоқотчан инсонман, шунинг учун чиқишиб кетишим осон.
2. Истаган нарсамга эришгунимча сабрим чидамай интиқиб кетаман.
3. Мен ўхшашни истаган, ҳавас қиладиган инсонлар доимо мавжуд бўлган
4. Одамлар мени ҳиссиётли инсон деб ўйлашмайди.
5. Одобсиз фильмларни кўрганимда ўзимни йўқотиб қўяман.

- 6.Тушларимни камдан кам эслаб қоламан.
- 7.Атрофдагиларни бошқарадиган одамлар менга умуман ёқмайди
- 8.Баъзида деворга муштим билан қаттиқ зарба бергим келади.
- 9.Менга инсонларнинг кеккайиб гердайиб кетиши асабимни бузади.
- 10.Орзуларимнинг асосий марказида ўзим иштирок этаман
- 11.Мен ҳеч қачон йиғламайдиган инсонлар сирасига кираман.
- 12.Умумий ҳожатхонадан фойдаланишим зарур бўлиб қолса, ўзимни шунга мажбур қиламан
- 13.Баҳс жараёнида иккала томонга ҳам қулоқ тутишга тайёрман.
- 14.Менинг жаҳлимни чиқариш жуда осон.
- 15.Оломон ичида кимдир мени итарса мен ҳам уни итаришга тайёр тураман
16. Мендаги кўп жиҳатлар одамларга ёқади
- 17.Мен жаҳл қилиб асабимни бузишдан кўра, ҳамма нарсани охиригача ўйлаб кўришни афзал биламан.
- 18.Мен кўп касал бўламан
- 19.Мен инсон чеҳраларини яхши эслаб қола олмайман.
- 20.Мени туртиб ўтишганда ўз жонимга суиқасд қилиш ҳақидаги фикрлар уйғонади.
- 21.Одобсиз гап эшитсам уялиб кетаман
- 22.Мен доим нарсаларнинг яхши тарафини кўраман
- 23.Мен жаҳлдор одамларни ёмон кўраман
- 24.Менга тегишли бўлган нарсадан айрилишим жуда қийин.
- 25.Мен исмларни қийинчилик билан эслаб қоламан.
- 26.Менда ҳаддан зиёд импульсивлик мавжуд.
- 27.Мақсадга йиғи-сиғи билан эришадиган одамлар нафратимни уйғотади.
- 28.Мен бидъат ва хурофотлардан холиман
- 29.Инсонлар менинг мафтункорлигим ҳақида гапиришлари мен учун жуда зарур
- 30.Агар мен саёҳатга йўл олсам ҳар бир деталга аҳамият бераман.
- 31.Баъзида атом бомбаси бутун дунёни портлатиб юборишини истаб қоламан.
- 32.Порнография-ёқимсиз нарса
- 33.Нимадандир жаҳлим чиқса кўп ейишни бошлайман.
- 34.Одамлар ҳеч қачон жонимга тегмайди.
- 35.Ёшлигимдаги кўп ҳодисаларни эслай олмайман.
- 36.Таътилга чиқсам ишни ҳам бирга оламан.
- 37.Ўз фантазияларимда буюк ишларни амалга ошираман.
- 38.Кўп ҳолларда одамлар ниҳоятда эгоист бўлганликлар учун нафратимни кўзгатадилар.
- 39.Сирпанчиқ нарсага тегиниш менга рёқмайди.
- 40.Агар кимдир менинг жонимга тегса ўша одамга бу ҳақда айтмайман, лекин бошқа одамга норозилигимни намоён қиламан.
- 41.Эҳтиёт бўлмасангиз одамлар бошингизни айлантириб қўйишади.

- 42.Инсонлардаги салбий хусусиятларни кўра олиш учун менга кўп вақт керак бўлади.
- 43.Қандайдир фожиеа ҳақида эшитсам ҳечам ҳаяжонланмайман.
- 44.Баҳсда бошқа одамга нисбатан мантиқан тўғрироқ фикрлайман
- 45.мен мақтовларсиз тура олмайман
- 46.Инсонфсизлик яхши эмас.
- 47.Машина ҳайдаётганимда бошқа машинани уриб юбориш истаги ҳам пайдо бўлиб туради.
- 48.Мен нимадир қила олмасам жаҳлим чиқади
- 49.Қонга беланган одам мени хавотирга солмайди.
- 50.Менга аҳамият беришса, кайфиятим бузилади ва бу менга ёқмайди
- 51.Одамлар ишонувчан эканлигим ҳақида кўп айтишади.
- 52.Мен камчиликларимни яширадиган кийимлар кияман
- 53.Мен одобга тўғри келмайдиган сўзларни ишлата олмайман.
- 54.Менимча мен одамлар билан кўп баҳслашаман.
- 55.Инсонларнинг сохталиги менга ёқмайди.
- 56.Одамлар мени меҳрсиз инсон дейишади.
- 57.Билишимча менинг маънавий даражам бошқаларникидан анча юқори
- 58.Агар қандайдир ишни бажара олмасам йиғлаб юбораман
- 59.Мен ҳиссиёларимни изҳор эта олмайман.
- 60.Кимдир мени итараса аччиғим чиқиб кетади.
- 61.Менга ёқмаган нарсаларни калламдан чиқариб ташлайман
- 62.Мен камдан кам боғланиб қоламан
- 63.Мен эътибор марказида бўлишга интиладиган одамларни умуман ёқтирмайман
- 64.Мен кўп нарсаларни йиғаман
- 65.Қизикқан соҳамда муваффақиятга эришиш учун бошқалардан кўра, кўпроқ меҳнат қиламан
- 66.Ёш боланинг йиғисидан безовта бўлмайман.
- 67.Шунақа жаҳлим чиқадики, атрофдаги ҳамма нарсаларни барбод қилиб юборгим келади.
- 68.Мен доим оптимистман
- 69.Мен кўп алдайман
- 70.Мен кўпроқ фаолиятга боғланиб қолганимдан унинг атрофида кечаётган муносабатларга эътибор бермайман
- 71.Инсонларнинг кўпчилигини характери жуда оғир.
- 72.Жинсий саҳналар кўп фильмлар ҳеч қачон тушмасдим.
- 73.Одамларга ишониб бўлмаслиги аччиғимни келтиради.
- 74.Яхши таассурот қолдириш учун қўлимдан келган барча нарсани қиламан.
- 75.Баъзи хатти-ҳаракатларимни эслай олмайман
- 76.Зўрлаш мавжуд бўлган кинокартиналарни кўришга бардош қила олмайман.
- 77.Дунёдаги вазият кўпчилик ўйлагандан кўра, яхшироқ

- 78.Омадсизликка дуч келган бўлсам ёмон кайфиятимни яшира олмайман
- 79.Одамларнинг пляж кийимлари ахлоқ нормаларига тўғри келмайди.
- 80.Ҳиссиётларим устимдан ҳукмронлик қилишига йўл қўймайман
- 81.Мен ҳар доим бўлиши мумкин бўлган энг ёмон нарсага тайёр тураман
- 82.Мен шунчалик яхши яшайманки, ҳамманинг менга ҳаваси келади.
- 83.Мени шунчалик жаҳлим чиққанидан, ўзимга шикаст етказганман
- 84.Маънавияти паст одамларга дуч келсам нафратланиб кетаман.
- 85.Мен дастлабки, мактаб йилларим ҳақида ҳеч нарсани эслай олмайман.
- 86.Жаҳлим чиқса ўзимни болалардек тутаман
- 87.Мен ўз ҳиссиётларимдан кўра,ўйларим тўғрисида гапиришни хуш кўраман.
- 88.Менга ҳеч бир ишимни охирига етказмагандек туйилади.
- 89.Шавқатсизликлар ҳақида эшитсам мени бу хавотирга солмайди.
- 90.Менинг оиламда ҳеқ қачон бир-бирларига қарши чиқишмайди.
- 91.Мен одамларга кўп бақираман.
- 92.Мен ўз мақсадига эришиш учун одамларни ҳам топтаб ўтадиганларни ёмон кўраман.
- 93.Жаҳлим чиқса кўп ичаман.
- 94.Менда кўпчиликка қараганда муаммоларим камроқ.
- 95.Нимадир жаҳлимни чиқарса, одатдагидан кўп ухлайман.
- 96.Муваффақиятга эришиш учун ёлғон гапирадиган инсонлардан нафратланаман.
- 97.Мен ахлоқсиз сўзлардан кўп фойдаланаман.

ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ НОМИ ВА ТАЪКИДЛАР РАҚАМИ.

1. Инкор этиш: 1,16,22,28,34,42,51,61,68,77,82,90,94 – **13 та.**
2. Сиқиб чиқариш: 6,11,19,25,35,43,49,59,66,75,85,89, – **12 та.**
3. Регрессия: 2,14,18, 26,33,48,50,58,69,78,86,88,93,95– **14 та.**
4. Компенсация: 3,10,24,29,37,45,52,64,65,74 – **10 та.**
5. Проекция: 7,9,23,27,38,41,55,63,71,73,84,92,96 – **13 та.**
6. Ўрин алмаштириш: 8,15,20,31,40,47,54,60,67,76,83,91,97 – **13 та.**
7. Интелектуализация: 4,13,17,30,36,44,56,62,70,80,81,87 – **12 та.**
8. Реактивные образ: 5,12,21,32,39,46,53,57,72,79 – **10 та.**

1.Инкор этиш- Хулқ-атворларида фаол инкор этиш хусусиятини намоён этаётган йигит ва қизларга чаққонлик, ҳаракатчанлик, мулоқот ўрнатишда енгиллик хусусияти хос бўлади. Уларга хаёлпарастлик, ўз шахсиятини кўпиртириб, бўрттириб кўрсатишга йўналтирилган муғомбирлик ва ёлғончилик, айёрлик, артистизм, қуруқ савлатлилик хос бўлади. Кўпинча жуда илдамлилик, чаққанлик(учарлик) мулоқотчанлик хусусиятига эга бўладилар. Улар аффектив ҳиссиётларга берилувчан, лабил бўлиб, эмотсионал, бой

эҳтиросли ҳолатларни ёрқин намоён этиш билан ажралиб турадилар, бўлаётган воқеликка сезгир ва кенг ифодаланган экспрессияга эга бўладилар. Улар эмотсионал хусусиятларда барқарор бўлиб, кайфиятлари кескин ўзгармайди. Оптимист, ҳаёга енгил муносабатда бўлувчи шахслардир. Улар оқшом ўтириш байрамларидан, кўнгилоҷар, томошали тадбир ҳамда ишлардан ҳузурланадилар, уларни дам олишга чиқиш ва саёҳатлар билан турли-туман бўлишини режалаштирадилар. Ёшлик давридаги шахслар тез қарор қабул қилувчи, қатъий, жасур, кескин кечинмаларга интилувчи, одатий ҳол бўлмаган вазиятларда ўзларини йўқотмайдилар ва омадсизликни тезда унутадиган, зарур ҳулосалар чиқармайдиган, ҳеч нарсадан чўчимайдиган бўладилар.

2.Сиқиб чиқариш

- Бу ёқимсиз фикр истак ёки туйғуларни онгсиз беихтиёр равишда чиқариб ташлаш жараёни
- Мотивацион унушҳамдир (З.Фрейд талқинида)
- Ушбу механизм сиптомларни шаклланишида муҳим
- Бу механизмни фаолияти ҳавотирликни пасайтириши жараёнида етарли бўлмаганда ҳамда сиқиб чиқарилган маълумотни бузилган ҳолда англашга ёрдам берувчи бошқа ҳимоя механизмлари ишга тушади
- а) сиқиб чиқаришдан силжиш. Бу комбинатсия фаоллик реакцияларни юзага келишига ёрдам беради. Масалан, онанинг кичкина қизини оғир касаллик билан оғриб қолишидан кўрқиши ва сиқиб чиқариши ва силжиш механизми таркибида бўлган болага нисбатан душманликка қарши ҳимояни ифодалайди;
- б) сиқиб чиқаришда конверсия(соматик символизайсия) - Бу комбинатсия истерик реакциялар асосини пайдо қилади.

3. Регрессия - Муаммоли вазиятларда аввалги ёки етишмаган (болаликдаги) истак ва ҳаракатларни қониқиш формасига қайтишидир.

- Регрессия қисман тўлиқ ёки символик бўлиши мумкин
- Муаммони ёрдам сўраш оқибатида ҳал қилиш “регрессия”синфига хос
- Ушбу механизм ҳавотирликни камайишини талаб қилувчи, мумкин бўлмаган истак орқали келиб чиқади
- Регрессив ҳулқ кўп ҳолларда катталар томонидан тақдирланади ҳамда симбиотик эмоционал муносабатларни талаб қилади
- М.В.Воловик ва В.Д.Вид ҳимояни пассив ва активга ажратишни таклиф қилиб, фаолга - рад этиш, пассивга- регрессияни киритишни таклиф қиладилар.
- Бу механизм кўпроқ муаммоли жараёнга нисатан муносабатни ифодалайди
- Интенсив регрессияда характернинг шундай жиҳатларига урғу бериладики, уларда ҳавотирлик, енгилтаклик кузатилади. Бундай ёш йигитлар ва қизларга ғайратсизлик ва ночорликни ҳис этиш, ҳаёт қийинчиликларини босиб ўтишга

кодир бўлмаган ва доимо чарчоқ, беҳоллик ҳиссини намоён этиш хусусиятлари хос бўлади.

-Регрессия механизми устунлик қилган одамлар сабабсиз, кўпинча асоссиз бўлиб чиқадиган кўркув, беҳаловат уйку ва бошқаларга нисбатан аламли муносабатни ҳис этишлари мумкин. Улар ўз эмоционал импусларини назорат қилолмайдилар ва уларни ижтимоий мумкин бўлмаган шаклда ифодалашга мойил бўладилар.

- Регрессия устун кишиларда хулқ-атворларида масъулиятсизлик ва инжиқлик каби сифатлар намоён бўлади.

- Улар ўз вақтлари ва ишлари тартибини ташкил эта олмайдилар ва кўпинча палапартиш ҳаракатланадилар

-Фаол регрессияга эга йигит ва қизлар умумий интерналликнинг паст даражасига эга ҳамда ютуқларга эришиш соҳасида интерналликка эга эмаслар. Бундай йигит ва қизлар тақдир, омадга ёки бошқалар ёрдамига таянадилар.

-Йигитлардаги фаол регрессия аниқ фикрлашга мойилликларида кузатилади. Мазкур ҳимоя тури шахслараро муносабатлар соҳасида экстерналлик билан боғлиқ ва ҳамкорликдаги ишлар бўйича муносабатлар муаммоларида фаоллашади.

-Фаол регрессияли қизлар ўзини намоён этиш, мустақиллик ва бировга боғлиқ бўлмасликка мойил бўладилар, ўз фикрларига мувофиқ яшайдилар, ижтимоий шартлар ва обрўли одамлар фикрига қарамай, мустақиллик йўлида ўз ҳақ-ҳуқуқларини тажавузкорлик билан талаб этадилар. Улар оптимист бўлиб, ҳаётга енгил қарайдилар, омадга ишонадилар, келажак ҳақида кам қайғурадилар.

-Ютуқларга эришиш ҳамда оилавий муносабатларда юқори даражада умумий интерналлик намоёиш этадилар.

4. Компенсатсия ёки сублиматсия(тўлдириш):

-Бу механизмда реал ёки ҳаётий камчиликларни онгсиз тарзда бартараф этиш ҳаракати.

-Компенсатор ҳаракат универсалидир, чунки мавқени эгаллаш деярли барча одамларнинг истагидир, компенсатсия ижтимоий яроқли (кўр машҳур мусиқачига айланиши) яроқсиз (паст инсонни агрессивлиги ва ҳокимликка интилиши билан компенсатсиялаш ногиронликни кўполлик ва низолашувчанлик билан компенсатсиялаш) бўлиши мумкин. Шунингдек тўғри компенсатсия ютуққа эришиб бўлмайдиган соҳада омадга интилиш ва бевосита компенсатсияга (ўзини ўзи бошқа муҳитда тасдиқлашга интилиш ажратилади).

-Албатта бу жараёнда ҳимоя механизмининг асослари келтирилган аслида эса улар анча кўпроқ.

- Бу механизм шахсини онгсиз равишда ўз камчиликларини енгиб ўтиши ютиш ва ютқизиш, омад ва омадсизликлар ўртасидаги алоқадорликни асослашга хизмат қилади.

5. Проексия- кўчириш:

- Проексия бу индивид ўзининг онгли даражада рад этувчи фикр, туйғу, мотив ва истакларни бошқа шахс ёки объектга ўтказиш механизмидир..

- Проексия ўзини қисмаслик кўркуви билан курашишни уддалай олиш ҳамда бошқаларни рад этувчи ҳаракатига жавобан чақирилган.

- Проексия атрофдагиларга уларни қабул қилмасликларининг рационал асоси сифатида турли негатив сифатларини уларнинг фанда ўзини қабул қилиши учун йўналтиришидир. “Агар ёмон одам мени рад этса демак мен яхшиман ёки ёмон одамнинг фикри мен учун аҳамиятли эмас ”.

-Ушбу ҳимоя механизмининг борлиги фидокорлик туйғусига эга бўлишликни англатади.

- Фаол проексия эга шахсларда кўзгалувчан ва ўта синчковлик каби сифатлар устун бўлади.

-Бундай шахслар жаҳлдор, ғазабнок, ташқаридан жанжал уюштириб, ўзлари фаол бўладиган низо ва жанжалларга мойил бўладилар. Бўлар-бўлмасга, серзарда, жаҳлдор характерларини намоён этадилар.

-Уларда мулоқотда жуда ҳам сузлик кузатилади, вербал ва новербал реакцияларда сузлик, ҳаракатларида кўполлик намоён бўлади.

-Улар ҳар қандай тартиб бузилиши ҳолатидан жуда кучли таъсирланадилар. - Бундай ёшлар ҳар бир майда нарсаларда ҳам аниқлик ва тартибни ёқтирадилар, қонидани бузмасликка ҳаракат қиладилар.

-Улар шубҳаланувчан, чаққон, ташқи ҳақиқатга йўналган, умум қабул қилинган меъёрларга амал қилувчи, зийрак, ҳодиса ва атрофдагиларга оқилона муносабатда бўлувчи, айрим чекловларга риоя этувчи, майда-чуйдаларга ортиқча эътиборлилик хусусиятларига эга бўладилар.

-Бундай ҳимоя тури кўпроқ ўзига нисбатан муаммолари мавжуд бўлганларда фаоллашади.

-Қизларда фаол проексия кўзгатувчи актсентуатсия билан боғлиқ бўлади, бироқ сиклотим ва экзалтитсияланган хусусиятгача бормайди. Импульсивликдан ташқари, бундай қизлар кайфиятлари даврий ҳолда, шунингдек, ташқи ҳодисаларга боғлиқ тез-тез алмашиш хусусиятига эга бўлади.

-Улар қувончли воқеалардаги ҳаяжон ҳиссини ва ташвишли вазиятларда ғам-ғуссали хусусиятларга осонгина тушадилар.

-Қизларда бундай ҳимоя турининг фаоллашиши ўз отаси билан муносабатларда кузатилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, проексия ўспиринлар ҳаётида омадсизликнинг юзага келиши улардаги имкониятларни тўғри баҳолай олмасликлари натижаси эканлигига ўзларини ишонтирадилар.

-Прекция механизими кучли инсонлар ўз камчиликларига нисбатан танқидий нуқтаи назардан ёндаша олмайдилар. Лекин бошқа инсонларда ушбу камчиликларни осонликча кўришлари мумкин.

-Прекция механизими кучли инсонлар атрофдагиларни ўз омадсизликларида айблашга мойилдирлар. (мисол учун талаба имтиҳондан яши баҳо оломади айбни ўқитувчига тўнкайди, яъни ўқитувчи мавзуни яхши тушунтирмаган деб билади)

-Проексия салбий бўлиши ҳам мумкин. Чунки у реалликни хато таҳлил қилиши мумкин.

-Ушбу механизм ўзини ва атрофдагиларни улар томонидан эмоционал рад этишни натижа сифатидаги қабул қилмаслик туйғусини ушлаб туриш учун ривожланади.

-Проексияни ноаниқ шакллари кундалик ҳаётда учратиш мумкин. Кўпчилигимиз ўз камчиликларимизга эътибор бермай, бошқаларда уларни осонликча сезамиз. Биз атрофдагиларни ўз ташвишларимизда айблашга мойилмиз.

-Проексия зарарли бўлиши ҳам мумкин. Чунки реалликни нотўғри англашга олиб келади.

-Бу механизм кўпинча англаб бериш ва ҳафа бўлувчи шахсларда номоён бўлади.

6. Ўрин алмашиниши:

-Агар ўрин алмашиниш ҳимоянинг етакчи тури бўлса, унда шундай характерли шахсларда эзилиш, руҳан тушкунлик кайфияти, ланжлик, ирода кучининг заифлиги хос бўлади.

-Уларда келажакка пессимистик муносабат, ўзига баҳо беришнинг пастлиги, шунингдек, мулоқотчанликнинг паст даражаси, суҳбатда камгап, ҳатто сукут сақловчанлик хос бўлади.

-Бундай ёшларда паст даражадаги эмоцияларга эгалиги, ҳамдардлик, кайғудошлик ва ҳамфикрлилик, ижтимоий меъёрларга қизиқиш ва уларни амалга ошириш кўрсаткичларининг пастлиги номоён бўлади.

-Улар кенг миқёсда мулоқот қилишни ва бошқалар билан бирга ишлашни ёқтирмайдилар.

-Шахслараро муносабат ва саломатлик соҳасида умумий интерналликнинг паст даражасига эга бўладилар. Бошқача айтганда, бундай ёшлар ўз ҳаётларидаги муҳим ҳодисалар ва ўз ҳаракатлари ўртасида алоқадорликни кўрмайдилар, ўзларини уларнинг ривожини назорат ва тахмин қилишга қодир деб билмайдилар, уларнинг кўпчилигидаги хусусиятлар бошқа одамларнинг ҳаракатлари ва ҳодисаларнинг натижаси бўлиб ҳисобланади.

-Улар ўзларини мулоқотдошлари доирасидаги шакллантириш ва ўз муносабатларини ҳамкорларининг ҳаракатлари натижаси деб ҳисоблайдилар.

-Ўзларини фаолликка қодир деб ҳисобламайдилар.

-Психологик ҳимоянинг мазкур тури амалга оширилмаган имкониятлар мавжудлигида фаоллашади, ўздан юқори турувчи шахслар билан муносабатларда ўз келажаги ва ўтмишига салбий баҳо билан баҳоланади

-Ҳимоянинг ўрин алмашилиш тури фаол бўлган қизлар енгилтак, ўзларини назорат қилишда паст кўрсаткичга эга, хотиржам, ўзини таҳлил этишда сует хусусиятга эга бўладилар.

- Ўз ҳис-туйғуларини назорат қилишда пессимист бўладилар.

-Ўзларининг яқинларидан ташқари бошқа барчадан ўзини узоқ тутувчи хислатга эга бўладилар. Олдиндан режалаштириб, ўз ҳаракатларини пухта ўйлаб оладилар, тўсатдан бўладиган таъсирларга ишонқирамайдилар, қарор қабул қилишга жиддий ёндашадилар, барча ишда тартиб бўлишини ёқтирадилар.

7.Интеллектуализатсия - Фаол интеллектуализатсияга эга бўлган шахс шунчалик тартибли, майдакаш (ўта расмий), асосий эътиборларини тартибга қаратувчи, жуда синчков, виждонли, ҳаракатларни амалга оширишда режага қатъий риоя қилувчи, ишнинг юқори сифатли ва алоҳида тартибли бўлишига йўналган, ўзларини тез-тез текшириб туришга, бажарилган ишлари тўғрилигига шубҳаланишга мойил хусусиятларни ўзларида шакллантирган бўладилар. Улар юқори даражада ўзларини назорат қилиш, амалийлик, ҳақиқийлик, ҳар соҳада сарамжонлик, ҳодисаларга ва атрофдаги одамларга муносабатларда оқилона ёндашиш ва бошқа хислатларга эга бўладилар. Улар мустақил, ҳеч кимга боғлиқ бўлмасаларда, атрофдагилар билан ўз ташаббусларига кўра, мулоқот ўрнатмайдиган, ҳамма ишни ўзлари бажаришни тўғри деб биладиган: ўзлари қарор қабул қиладилар, унинг амалга ошишига ўзлари йўл қидирадилар, ўзлари жавобгарликни зиммаларига оладилар.Улар ўзларининг мустақилликларини сақлаб қолиш учун барча қулайликлардан воз кечишга тайёр бўладилар. Жуда юқори даражада, умумий *интерналлик*, аҳамиятли вазиятлар устидан юқори даражада субъектив назорат хусусиятига эга бўладилар. Бундай одамлар кўплаб муҳим ҳодисалар уларнинг шахсий ҳаракатлари натижаси деб ҳисоблайдилар, улар мазкур ҳодисаларда ўз масъулиятини ҳис этиб, уларни ўзлари бошқара оладилар, деб биладилар.Қизларда интеллектуализатсия шахсий хусусиятларга нисбатан катта муаммолар билан боғлиқ бўлади. Интеллектуализатсия дўстлар билан, оилавий муаммолар ва она билан муносабатлардаги муаммолар мавжудлиги сабабли фаоллашади. Кўриш мумкинки, ҳимоя механизми хулқ атвор стратегиясини белгилаб беради. Етакчи психологик ҳимоя механизмига боғлиқ ҳолда ҳаётнинг мураккаб вазиятларида юзага келадиган маълум бир муаммолар ҳақида гапира оламиз. Инсонга хос характер хусусиятлари шаклланиб боришида ҳимоя механизми қандай рол ўйнаши унинг ўзи учун муҳим вазиятларни қандай қабул қилишига боғлиқ бўлади.

8. Реактивные образ. Бу ҳимоя механизми англаш учун тўғри келмайдиган майл, истак ва туйғуларни (айниқса жинсий ва агрессив) маъно

жихатдан унга қарама-қарши муносабат ёки ҳаракатларни ривожлантириши ёки урғу бериш йўли билан алмаштиради. Бу ҳимоя механизмини ривожлантиришни одам “олий ижтимоий (ахлоқий) қадриятларни” ўзлаштириши билан боғлайдилар. Реактив тузулиши хурсандчилик эмоцияларини ушлаб туриш учун қўлланилади. Бу механизм ҳаракатдаги тўғри қарама-қарши установкаларни амалга оширишни тақазо этади. Шу жумладан қарашларнинг қаттиқ белгиланганлиги, уятчанлик, қувват ва раҳмдилликни ва бошқалар.

Ҳимоя 2 босқичли ҳарактерга эга. Аввалги мумкин бўлмаган истак сиқиб чиқарилади, сўнг унинг антиниёзаси кучаяди. Масалан, ҳаддан зиёд васийлик рад этилганлик ҳиссини, ҳаддан зиёд ширалик ва мулойимлик хулқ душманликни беркитиши мумкин ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент: “Ўзбекистан” НМИУ, 2016, - 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2017,-104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2017,- 48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент: “Ўзбекистан” НМИУ, 2017, -.488 б.
5. Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 15 июнь куни “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизни софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқидан. www.uza.uz.
6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Фармон 07.02.2017 йил ПФ-4947-сон, кучга кириш санаси 08.02.2017 Манба: «Халқ сўзи», 2017 й., 28 (6722)-сон; ЎР ҚХТ, 2017 й., 6-сон, 70-модда
5. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник.- М.: Аспект Пресс, 1999.-376 с.
6. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2014 й, б. 366
7. Ғозиев Э.Г. Тошимов Р. Менежмент психологияси. Т-2001
8. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
9. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт.-Т.: Университет, 1999.- 96 б.
10. Каримова В.М. ва бошқ. Мустақил фикрлаш. - Т.: Шарк.-2000.- 112 б.
11. Каримова В.М., Суннатова Р. «Мустақил фикрлаш» ўқув қўлланмаси бўйича машғулотларни ташкил этиш услубиёти.-Т.: Шарк, 2000.- 16 б.
12. Баратов Ш.Р., Жабборов Х.Х. “Кўк кит” тузоғига қарши курашишнинг психологик механизмлари. Психология. Илмий журнал. Бухоро, 2017, 1-сон (25) -Б.2-12.
13. Баратов Ш.Р., Жабборов Х.Х. Ёшларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик механизмлари /Ўқув қўлланма, Бухоро, 2017, “Дурдона” наш. 190 б.
14. Қуронов М.Қ, Жабборов Х.Х. “Ёшларда барқарор мафкуравий иммунитет шакллантиришнинг педагогик-психологик тренинглари”. “Мухаррири нашриёти”, Тошкент. 2017, - Б.47.

15. Жабборов Х.Х, Э.У.Шермонов “Раҳбар маънавияти” “Мумтоз сўз” нашриёти, Т.: 2019 й
16. Майерс Д. Социальная психология перев. С англ.-СПб.: «Питер»,1999 - 688 с.
17. Методы эффективного обучения взрослых. Учебно-методическое пособия. (Авторский коллектив) - Москва - Берлин, 1998 - 124 с.
18. Прикладная социальная психология. / Под. ред. А. Сухова и А.Дергача.- М, 1998 - 688 с.
19. Сушков И.Р. Психология взаимоотношений. - М.: Академический Проект, 1999.- 448с.
20. Чалдини Р. Психология влияния. - СПб.: «Питер», 2000,-272 с.
- 21 “Психология” Уч.Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
22. Психология и педагогика. Под редакцией А.А.Радугина. Изд. “Центр” 2003
23. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
24. Ананьев Б.Г. “Человек как предмет познания”. “Питер”, 2001.
25. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
26. Бурлачук Ф. Психодиагностика. “Питер”, 2002.
27. Айзенк М. Психология для начинающих. “Питер”, 2000.
28. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2002 – 383 с.
29. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая реторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКЦ “МарТ”, 2004-512 с.
30. Воспитай своего лидера, как находить, развивать и удерживать в организации талантливых руководителей. \ Пер. с англ.-М.: Издательский дом “Вильямс”, 2002.- 416 с.
31. Ложкин .Г.В. Повякель Н.И Практическая психология в системах “человек техника”: Учеб.пособие.- К.: МАУП, 2003 – 296 с.
32. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003.320 с.
33. Справочник по решению кроссвордов и сконвордов .- Ростов н\Д: Владис, 2002. – 640 с.
34. Дьюи Дж. “Психология и педагогика мышления”. М., Прогресс, 1998.
35. Карнеги Д. “Как завоевать друзей и оказывать на них влияние”. М., Прогресс, 1990.
36. Каримова В.М. Тарғиботнинг психологик услублари.- Т.: Маънавият, 2000 – 16 б.
37. Каримова В.М. Ота-она мактаби – бахт калити.- Т., 2002
38. Оила психологияси. Проф. /. Шоумаров тахр. остида.- Т.: Шарқ, 2001.

39. Петровская Л.А. “Компетентность в общении”. Социально-психологический тренинг. М., Университет, 1989.
40. Шипунь Н.И. и др. “Основы управленческой деятельности”. М., 1999.
41. Шейнов В. “Психология и этика делового контакта”. М., Амалфея, 1997.
42. Вечер Л. Секреты делового общения. Минск, 1996.
43. Корнилова Т. Введение в психологический эксперимент. М., 1997.
44. Чалдини Р. Психология влияния. М., 2000.
45. Филипп Зимбардо, Майкл Ляйппе. Социальное влияние.- СПб, 2000.- 448 с.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-БОБ. ИЛМИЙ ФАНЛАР ТИЗИМИДА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЎРНИ.....	5
1.1. Ижтимоий психология фанининг предмети.....	5
1.2. Ижтимоий психология фанининг вазифалари.....	7
1.3. Илмий фанлар тизимида ижтимоий психологиянинг ўрни.....	10
1.4. Ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланиши.....	16
II-БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТНИ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ҲОЯЛАРНИ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	22
2.1. Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари.....	22
2.2. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган асосий ва ёрдамчи методлар.....	25
2.3. Ижтимоий психологик ҳояларни шаклланиш тарихи.....	34
III-БОБ. СОЦИАЛИЗАЦИЯ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ВА ФАОЛИЯТ.....	44
3.1. Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги...44	
3.2. Шахснинг ижтимоий установкалари.....	74
3.3. Шахсга қўйиладиган ижтимоий талаблар.....	80
3.4. Шахс ижтимоийлашуви.....	82
3.5. Шахс ва фаолият.....	90
IV- БОБ. МАВЗУ. ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИ. ИЖТИМОЙ ХУЛҚ МОТИВАЦИЯСИ. АНГЛАНГАН ВА АНГЛАНМАГАН МОТИВЛАР.....	104
4.1. Шахснинг ижтимоий фаоллиги.....	104
4.2. Ижтимоий хулқ мотивацияси.....	108
4.3. Англанган ва англанмаган мотивлар.....	119
V-БОБ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	124
5.1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар.....	124
5.2. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш.....	130
5.3. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги.....	132
5.4. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал муносабатлар.....	167
VI-БОБ. ШАХС ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА. МУОМАЛА ТЕХНИКАСИ ВА СТРАТЕГИЯСИ. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ИЖТИМОЙ ТАЪСИР МАСАЛАСИ.....	176
6.1. Инсоний муносабатлар психологияси.....	176
6.2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни.....	178
6.3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари.....	179
6.4. Ижтимоий психологияда ижтимоий таъсир масаласи.....	192

VII-Боб. ГУРУҲЛАР ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯСИ.....	203
7.1. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси.....	203
7.2. Этник гуруҳлар психологияси.....	205
7.3. Кичик гуруҳлар психологияси.....	207
7.4. Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар.....	210
VIII-Боб. БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ.....	218
8.1. Психологияда бошқариш муаммоси	218
8.2. Гуруҳларда раҳбарлик ва лидерлик.....	219
8.3. Лидерликка оид назариялар.....	221
8.4. Раҳбарлик сифатлари.....	225
IX-Боб. ИЖТИМОЙ НИЗОЛАР МУАММОСИ.....	234
9.1. Низолар ва уларни бартараф этишнинг ижтимоий- психологик воситалари.....	234
9.2. Мулоқотда низолар ҳолатлар ва шахс тоифалари.....	241
X-Боб. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ ТАДБИҚИЙ СОҲАЛАРИ...250	
10.1. Саноат ижтимоий психологияси.....	250
10.2. Никоҳ ва оила соҳасидаги тадбиқий тадқиқотлар.....	253
10.3. Таълимда психологик хизмат кўрсатиш.....	267
10.4. Тиббиётда ижтимоий психологик ёндашув муаммоси.....	274
ГЛОССАРИЙ.....	276
ХОТИМА ЎРНИДА ИЛОВАЛАР.....	279
Т.Лири тести.....	279
Эмпатик қобилиятлар даражасини диагностика қилиш тести.....	288
Инсонларга ишонч экспресс-диагностика методикаси.....	291
Шахслараро муносабатларда ролли позицияни аниқлаш сўровномаси.....	292
Мулоқотда ўзини-ўзи назорат қилишни баҳолаш методикаси.....	294
Шахслараро муносабатлар диагностикаси сўровномаси.....	295
Шахснинг тизимли-характериологик муносабатларини экспресс-диагностикаси сўровномаси.....	300
Янов–Булманнинг базавий эътиқодлар шкаласи.....	301
“Виждонлилик шкаласи” методикаси.....	306
Келлерман-Плутчикнинг психологик ҳимоя механизмларини диагностика қилиш сўровномаси.....	307
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	317